

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**“МАКРОИҚТИСОДИЁТ”
ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

А.Г.Тўйчиев

АНДИЖОН-2016

Ушбу маърузалар матнида макроиқтисодиёт фанининг асосий тушунчалари, муаммолари ва макроиқтисодий сиёсат юритишнинг асослари баён қилиб берилган. Жумладан, маърузалар матнида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари, макроиқтисодий мувозанатнинг турли моделлари, макроиқтисодий сиёсатнинг фискал ва монетар йўналишлари, иқтисодий ўсиш масалалари, ташқи савдо сиёсатини юритишнинг назарий асослари ҳамда усуллари, тўлов баланси, валюта курси каби мавзулар жой олган.

Тузувчилар: АҚХИ, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” кафедраси ассистенти
Тўйчиев А.Ғ.
АҚХИ, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” кафедраси ассистенти
Қурбонов Ж.

Такризчилар:

О.Махмудов	АҚХИ, “Қишлоқ хўжалигида менежмент” кафедраси мудири доцент, иқтисод фанлари номзоди;
В.Абдурахмонов	АҚХИ, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди;

КИРИШ

Фанни ўрганишнинг долзарблилиги. Иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, инвестиция ва бизнес муҳитини янада яхшилаш, миллий манфаатларимиз учун энг қулай тарзда жаҳон иқтисодиётига интеграцилашиш, иқтисодий фаоллик даражасини ошириш каби вазифалар давлат томонидан амалга ошириладиган макроиқтисодий сиёсат самарадорлигига, унинг илмий асосланганлиги ҳамда реал воқеликни ҳисобга олиб ўтказилаётганлигига боғлиқ.

Инфляция суръатларининг жиловланиши, давлат бюджети тақчиллигини тан олинган меъёрларлардан ҳам паст даражада бўлишини таъминланиши республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат самарадорлигидан далолат берибгина қолмасдан, иқтисодиётимизга киритиладиган инвестициялар кўламининг ошиши, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳоли реал даромадларини ўстиришнинг муҳим шарти ҳамдир.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг республикамиз президенти И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларига назар ташлар эканмиз уларнинг барчаси тўғридан- тўғри, ёки билвосита макроиқтисодий масалалар эканлигига амин бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлидан, мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан изчил ҳаракат қилиб борар экан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида улкан ютуқларга эришди. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, олиб борилган оқилона иқтисодий сиёсат барқарор иқтисодий ўсиш суръаларини таъминлаш имкониятини бермоқда. . “Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар каторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта. 2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди”^{*}.

Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, иқтисодий ўсиш жараёнларини жадаллаштириш ҳамда уни янги сифат босқичига кўтариш стратегиясини белгилашда иқтисодий ривожланиш тенденцияларини, ундаги ютуқ ҳамда камчиликларни таҳлил қилиш, аниқлаш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий тараққиёт жараёнлари иқтисодчи кадрлардан макроиқтисодий назария ва энг замонавий макроиқтисодий концепциялар билан яхши таниш бўлишни, макроиқтисодий таҳлил малакасига, назарий билимларни амалиёт билан боғлаш кўнкмаларига эга бўлишни талаб этади. Шу сабабли ҳам макроиқтисодий жараёнларнинг кечиши қонуниятларини, макроиқтисодий муаммоларни, макроиқтисодий сиёсат юритган ҳолда уларни ечиш йўллари турли моделлар воситасида мантикий изчилликка амал қилган ҳолда ўрганиш долзарб вазифадир

Макроиқтисодиётт фани кўрилаётган масалаларга боғлиқ тарзда иқтисодиёт фанлари тизимидаги «Меҳнат иқтисоди», «Банк иши», «Пул.Кредит.Банк.», «Молия», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Жаҳон иқтисодиёти», «Макроиқтисодий статистика», «Иқтисодий математик моделилаштириш» ҳамда бошқа фанлар билан алоқадорликка эга.

^{*} И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010., 49 – бет.

1-Мавзу. Макроиктисодиётга кириш

Режа

1. “Макроиктисодиёт” фанининг шаклланиши тарихи, предмети ва объекти.
2. Макроиктисодиёт фанининг тадқиқот усуллари.
3. Ресурслар- товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар –харажатлар”нинг доиравий оқими модели.

4. “Макроиктисодиёт” фанининг шаклланиши тарихи, предмети ва объекти.

Макроиктисодиёт атамаси кундалик фойдаланишга нисбатан яқиндагина киритилган бўлсада макроиктисодий таҳлил элементлари иктисодиёт фани билан деярли бирга пайдо бўлди. Мамлакат иктисодиёти ривожланишини яхлит бир жараён сифатида тадқиқ қилиш, унга турли элементларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири хос бўлган тизим сифатида ёндошиш дастлаб Ф. Кенэ асарларида учрайди. Франция кироли Людовик XV саройи врачси Ф.Кенэ 1758 йилда, миллий маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни пул оқимларининг доиравий айланиши сифатида тасвирланган “Кенэ жадвали” ни тузишда илк бор макроиктисодий таҳлил элементларини қўлади.

Макроиктисодий таҳлилнинг тамал тошлари, шунингдек, Ж.Б.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқа олимлар томонидан XIX асрданоқ қўйилган эди деб таъкидлаш мумкин. Кейинчалик, К.Маркс ўзининг жами ижтимоий маҳсулот(ЖИМ)ни такрор ишлаб чиқариш схемаси, В.Леонтьев эса ўзининг тармоқлараро баланси билан макроиктисодиётни иктисодий назариянинг алоҳида бўлими сифатида ажралиб чиқиши учун мустақкам асос яратишди. Ж.М. Кейнс эса ўзининг “Иш билан бандлилик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси”(1936 йил) асари билан бу жараёни мантикий яқунига етказди. Шу сабабли ҳам Ж.М. Кейнс макроиктисодиёт фанининг асосчиси сифатида тан олинади.

Шундай қилиб, макроиктисодиёт ўз предмети ва тадқиқот усулларига кўра мустақил фан сифатида XX асрнинг ўрталарига келиб шаклланиб бўлди.

Макроиктисодиёт умумий иктисодий назариянинг бўлими ҳисобланиб, унда миллий хўжалик даражасида иктисодиётнинг фундаментал муаммолари тадқиқ қилинади.

Макроиктисодий назариянинг икки кўриниши ўзаро фарқланади:

а) позитив макроиктисодиёт;

б) норматив макроиктисодиёт.

Позитив макроиктисодиёт реал иктисодий ҳодисаларни ва уларнинг алоқадорликларини ўрганади.

Норматив макроиктисодиёт эса қайси шароитлар ёки жиҳатлар мақбул ёки номақбул эканлигини белгилайди, ҳаракатнинг аниқ йўналишларини таклиф этади.

Шу жойда иктисодий назариянинг икки мустақил бўлими сифатида макроиктисодиёт ва микроиктисодиёт фанларининг предметларини ўзаро фарқлаб олишимиз зарур.

Микроиктисодиёт предмети бўлиб “белгиланган” иктисодий шарт-шароитларда уй хўжаликлари ва фирмалар даражасида иктисодий қарор қабул қилиш механизми ҳисобланади. Микроиктисодий таҳлил объекти бўлиб алоҳида товарлар бозорлари, ресурслар бозорлари, улардаги талаб ва таклиф ҳисобланса макроиктисодиётда миллий иктисодиёт даражасида меҳнат, пул, товарлар ва хизматлар бозорларининг ўзаро муносабатлари ва ўзаро таъсирини таҳлил қилинади..

Микроиктисодиётда “белгиланган” деб қабул қилинган, яъни микроиктисодий тадқиқот предмети ҳисобланмайдиган кўпгина кўрсаткичлар, жумладан истеъмолчиларнинг даромадлари, жамғармалари, фоиз ставкасининг динамикасини ва буни белгиловчи омилларни макроиктисодиёт тадқиқ қилади.

Макроиктисодиёт ялпи ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлиқ бандлигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилади ва уни макроиктисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганади.

Келтирилган таърифдан кўриниб турибдики макроиктисодиёт предметида ўзаро боғлиқ уч жиҳатни ажратиш мумкин. Булар:

- 1) миллий иқтисодиёт;
- 2) давлат томонидан иқтисодий сиёсати юритиш ва иқтисодиётни тартибга солиш;
- 3) жаҳон хўжалиги доирасида миллий иқтисодиётни бошқа мамлакатлар иқтисодиёти билан ўзаро муносабатлари масаласи.

1-жадвалда келтирилган иқтисодий назариянинг икки қисмида кўриладиган

1-жадвал.

Иқтисодий назариянинг асосий масалалари ва таркиби¹

Иқтисодий назариянинг масалалари	Иқтисодий назариянинг бўлимлари
Микроиктисодиёт	
Истеъмолчилар бозордаги талаб ҳажми ва таркибини қандай белгилайдилар? Ишлаб чиқарувчилар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва усуллари қандай аниқлашади? Бозор баҳоси қандай ташкил топади? Милдлий даромад қандай тақсимланади? Давлат ишлаб чиқариш омилларини тармоқлараро тақсимлаш ва миллий даромадни индивидлараро тақсимлашда иштирок этиши керакми?	Истеъмолчи талаби назарияси Маҳсулот ишлаб чиқариш ва таклиф этиш назарияси Тармоқ ва умумий иқтисодий мувозанат назарияси Ишлаб чиқариш омиллар баҳосини шакллантириш назарияси Ижтимоий фаровонлик назарияси
Макроиктисодиёт	
Миллий даромад миқдорини нима белгилаб беради? Пул нима ва унинг роли қандай? Баҳолар даражаси нима ва унинг динамикасини қайси омиллар белгилаб беради? Бандлик даражасини нима белгилаб беради? Иқтисодий конъюктура ўзгаришларини қайси омиллар белгилаб беради? Барқарор иқтисодий ўсишнинг шартлари қандай? Мамлакатнинг иқтисодий конъюктурасига ташқи дунё қандай таъсир кўрсатади? Давлат барқарор иқтисодий ўсишга эришишни қандай таъминлаши мумкин?	Статик макроиктисодий мувозанат назарияси Пул назарияси Инфляция назарияси Иш билан бандлилик назарияси. Иқтисодий даврлар назарияси Иқтисодий ўсиш назарияси Тўлов баланси ва валюта курси назарияси Давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати назарияси

¹ Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник. - 6-е изд., испр. и доп. - М.: Высшее образование», 2006, 14-с.

масалалар рўйхати микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт фанлари предметларини яхшироқ фарқлаб олишга ёрдам беради. Нисбатан мустақил бўлган бу икки фаннинг иқтисодий ҳодисалар ва қонуниятлар тўғрисидаги хулосалари бир бирини тўлдириб туради..

Уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё макроиқтисодиёт субъектлари ҳисобланидилар.

Бу субъектлар орасида давлатнинг роли баҳсли масала ҳисобланиб келмоқда. Кейнсчилар бозор тизими механизмларининг иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлашга доим ҳам қодир эмас ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарур деб ҳисоблашишса иқтисодий назариянинг классик мактаби намоёндалари бундай аралашушга қарши фикрлар билдиришади.

Бугунги кунга келиб кўпчилик мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётдаги роли сезиларли даражада катта эканлигини ҳисобга олсак, давлатнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилаш, бозор механизмларига путур етказмаган ҳолда иқтисодиётни тартибга солиши муҳим эканлигига иқрор бўламиз. Давлат макроиқтисодиётнинг бошқа субъектлари ҳатти-ҳаракатини белгиловчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида, ўз тасарруфида мавжуд бўлган воситалар орқали уларни йўналтириб туради. Бу воситалар эса фискал (бюджет-солиқ) ва монетар (пул-кредит) сиёсатдир. Хулоса қилиб айтганда макроиқтисодиёт фани алоҳида мамлакатда иқтисодий сиёсатнинг ва жаҳон хўжалик алоқаларини ташкил этишнинг назарий асоси ҳисобланади.

2. Макроиқтисодиёт фанининг тадқиқот усуллари.

Макроиқтисодиёт фанининг тадқиқот усулларига илмий мавҳумлашиш, анализ ва синтез, дедукция, индукция, статистик кузатув, иқтисодий математик моделиштириш усуллари киради. .

*Жуда мураккаб тизим ҳисобланган миллий иқтисодиётни тадқиқ қилиш ўзига хос усуллардан фойдаланишни талаб этади. Сон-саноқсиз фактларни, минглаб кўрсаткичларни алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқиш ва улар борасида илмий асосланган хулосалар чиқариш ўта қийин вазифадир. Шу сабабли ҳам макроиқтисодиёт фанида **агрегат катталиклардан** фойдаланишга асосланган тадқиқот усулларида фойдаланилади.*

*Агрегатлаш, яъни бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар ва категорияларни **ягона макроиқтисодий кўрсаткич ёки категорияга умумлаштириш** орқали миллий иқтисодиётдаги макроиқтисодий жараёнларни тадқиқ қилиш имконияти юзага келади.. Агрегат кўрсаткичлар ёрдамида минглаб алоҳида бозорларни мамлакатнинг ягона бозори сифатида кўриб чиқиш мумкин бўлади. Макроиқтисодий таҳлил жараёнида алоҳида товарлар ва хизматларнинг баҳоси, уларга бўлган талаб ва уларни таклиф этиши ҳажмлари кўрсаткичлари эмас, балки агрегат кўрсаткичлар ҳисобланган баҳоларнинг ўртача даражаси, яъни талаб ва яъни таклиф кўрсаткичларидан фойдаланилади. Давлат облигациялари бўйча фоиз ставкалари, Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси, тижорат банкларининг кредитлар учун белгилаган фоиз ставкалари каби капитал учун тўлов ставкалари умумлаштирилиб уларнинг ўртача миқдори бозор фоиз ставкаси деб юритилади ва макроиқтисодий таҳлил жараёнида бу агрегат кўрсаткичдан фойдаланилади.*

Макроиқтисодий таҳлилда асосий тадқиқот усули макроиқтисодий жараёнларни агрегат кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий математик моделиштиришидир.

Макроиқтисодий моделлар иқтисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар ўртасидаги миқдорий, сабаб- оқибат боғланишларини математик формула, график ва чизмалар кўринишида ифодалайди.

Бунга яъни талаб-яъни таклиф (AD-AS) моделини, Кейнс хочини, Филлипс эгри чизигини, IS-LM моделини, иқтисодий ўсишнинг Домар, Харрод ва Солоу моделларини и келтириш

мумкин. Бу моделларни бир вақтнинг ўзида ҳам график кўринишида, ҳам алгебраик формула кўринишида тасвирлаш мумкин. Алгебраик формулалар каби макроиқтисодий моделлар ўам икки, уч ёки бундан кўп ўзгарувчили бўлиши мумкин.

AD-AS моделида ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмларининг баҳоларнинг умумий даражаси динамикаси таъсирида ўзгариши ва макроиқтисодий мувозанатга эришиш механизми ўрганилса, Филлипс эгри чизиги ёрдамида ишсизлик ва инфляция кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик тадқиқ қилинади.


Юқорида санаб ўтилган моделлар барча мамлакатлар иқтисодиётини таҳлил қилишда қўлланаверади. Аммо уларда келтирилган эмпирик коэффицентлар, турли иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги хусусияти бир мамлакатда иккинчисидан фарқ қилиши мумкин. Ҳар қандай макроиқтисодий моделда, у қанчалик содда ёки мураккаб бўлмасин, маълум даражада мавҳумликка йўл қўйилади. Масалан, макроиқтисодий таҳлил давомида миллий иқтисодиёт баъзан ёпиқ иқтисодий тизим, яъни ташқи иқтисодий алоқалари мавжуд бўлмаган “ёпиқ иқтисодиёт” деб қаралади. Амалда эса барча мамлакатлар ташқи дунё билан иқтисодий алоқаларга эга, яъни “очиқ иқтисодиёт”га эга. Ҳеч бир модел иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликларни тўла-тўқис қамраб олмайди. Шунга қарамасдан макроиқтисодий моделлардан фойдаланиш энг муҳим иқтисодий қонуниятларни аниқлаш, қабул қилинадиган турли иқтисодий қарорларнинг олинishi мумкин бўлган кўп вариантли натижаларини олдиндан аниқлаб олиш, макроиқтисодий сиёсатнинг турли йўналишларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Макроиқтисодий моделларда ташқаридан белгиланадиган, яъни моделда тайёр катталик сифатида қабул қилинадиган **экзоген** ўзгарувчилар ҳамда моделни ечиш натижасида топиладиган **ички-эндоген** ўзгарувчилар фарқланади. Бир моделда экзоген ҳисобланган ўзгарувчи (кўрсаткич) иккинчи модел учун эндоген ҳисобланиши мумкин.

Тарихда маълум бўлган биринчи макроиқтисодий модел мавзунинг биринчи саволида қайд этилган “Кенэ жадвали” ҳисобланади. Бу моделда

Ф.Кенэ миллий иқтисодиёт амал қилишини уч синфнинг- 5 млрд. франк кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи деҳқонлар, жами 2 млрд. франк турадиган буюмлар ясашидиган хунармандлар ва 2 млрд. франк рента олишидиган ер эгаларининг ўзаро алоқалари сифатида тасвирлайди. Кенэ моделига кўра ер эгалари олган 2 млрд. франк ер рентасининг 1 млрд. франкини кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишга, қолган 1 млрд. франкини эса хунармандчилик буюмларини сотиб олишга сарфлайдилар.

Хунармандлар деҳқонларга 1млрд. франклик буюмларини сотадилар ва деҳқонлардан ўзлари эга бўлган 2 млрд. франкнинг 1млрд франкига озиқ овқат



1-Чизма. Ф.Кенэнинг пул оқимларининг доиравий айланиш модели.(Келтирилган рақамлар ўлчами млрд.франк).

маҳсулотлари, қолган 1 млрд. франкига эса ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хомашё сотиб оладилар.


Дехқонлар ер эгаларига 1 млрд. франклик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотадилар ва қолган 2 млрд. франклик маҳсулотни истеъмол ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ўзларида қолдирадилар. Жами олинган 3 млрд. франклик даромаднинг 1 млрд. франки дехқонлар томонидан ҳунармандчилик буюмлари сотиб олишга, яна 2 млрд. франки эса ер рентаси тўлашга сарфланади. Шундай қилиб макроиқтисодий бозорларнинг баланслашиши рўй беради. Макроиқтисодий кўрсаткичлар экзоген ва эндоген ўзгарувчиларга гуруҳланибгина қолмасдан заҳираларни тавсифловчи ва оқимларни тавсифловчи ўзгарувчиларга ажратилади. Биринчи гуруҳ кўрсаткичлар тадқиқот объектининг маълум санадаги ҳолатини тавсифлайди. Буларга капитал билан қурулланганлик даражаси, ишсизлик даражаси, давлат қарзи каби кўрсаткичлар мисол бўлади. Иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар маълум давр оралиғида иқтисодий жараёнларнинг кечишини тавсифлайди. Буларга йил давомида ишлаб чиқилган ЯИМ ҳажми, истеъмол ва инвестиция харажатлари миқдори, инфляция суръати каби кўрсаткичлар мисол бўлади. Оқимлар маълум давр мобайнида заҳираларнинг ўзгаришини келтириб чиқаради. Масалан йил давомида қилинган инвестициялар иқтисодиётда тўпланган капитал ҳажми, ўз навбатида эса меҳнатни капитал билан қурулланганлиги даражасининг ҳам ошишига олиб келади.

3. “Ресурслар- товарлар ва хизматлар” ҳамда

“даромадлар –харажатлар”нинг доиравий оқими модели

Ҳар қандай иқтисодий тизимда товарлар ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш умумий жараёнини ресурслар, товар ва хизматлар, даромадлар ҳамда харажатларнинг **доиравий оқими модели** кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бу содда модел макроиқтисодий таҳлил асосини ташкил этади. Фақат хусусий мулкка таянган (яъни давлат иштироки мавжуд бўлмаган) ёпиқ иқтисодиётда бундай доиравий оқими фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасида амалга оширилади (2-чизма).

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб олиб турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, сўнгра эса уларни тайёр маҳсулотлар ва хизматлар бозорига етказиб берадилар. Айни пайтда “ресурслар - товарлар ва хизматлар” оқимига қарама қарши йўналишда “даромадлар - харажатлар”нинг ҳам доиравий оқими амалга




2чизма. Соф бозор иқтисодиёти шароити “ресурслар - маҳсулотлар” ва “даромадлар – харажатлар”нинг доиравий айланиши модели.

оширилади. Яъни, уй хўжаликлари ўзлари етказиб берган иқтисодий ресурслар эвазига даромад олади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар истеъмол қилиш учун сарфлайдилар ёки аксинча корхоналар ресурслар учун сарф-харажатлар қиладилар ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш эвазига даромад оладилар.

Ресурслар ҳамда товарлар ва хизматлар оқими жами таклифни, даромадлар ва харажатлар оқими жами талабни кўрсатади. Давлат иштироки мавжуд бўлмаган ёпиқ иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзаро тенг бўлиши фирмаларнинг ялпи сотуви, ёки ялпи ишлаб чиқариши ҳажми уй хўжаликларининг ялпи даромадлари, ёки ялпи даромадларига тенг бўлиши шаклида намоён бўлади.

Бу кўрсаткичлар ўртасидаги тенгликнинг бузилиши ишлаб чиқаришнинг пасайиши, инфляция ва ишсизлик даражаларининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлади. Давлат аралауви мавжуд бўлган иқтисодиётда бу модел анча мураккаб кўриниш олади.



3-чизма. “Ресурслар-товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар – харажатлар”нинг давлат аралашуви мавжуд иқтисодиётдаги доиравий айланиши модели.

Бунда:

- | | |
|---|-----------------------------|
| 1. Ер, меҳнат, капитал. | a. Истеъмол харажатлари. |
| 2. Ресурслар. | b. Сотишдан тушган даромад. |
| 3. Товар ва хизматлар. | c. Ресурс харажатлари. |
| 4. Товар ва хизматлар. | d. Солиқлар. |
| 5. Ресурслар. | e. Солиқлар. |
| 6. Товар ва хизматлар | f. Харажатлар. |
| 7. Трансфертлар. | g. Харажатлар. |
| 8. Пул даромадлар (иш ҳақи, рента, фоиз, фойда) | h. Субсидиялар. |

Бундай иқтисодиётда ресурслар - товарлар ва хизматлар, даромадлар- харажатларнинг узлуксиз ҳаракати ҳам бозор механизмлари орқали, ҳам давлат аралашуви билан таъминланади. Бунда ҳукумат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳаракатини бевосита бошқармайди, балки ресурслар ва товарлар бозорларида қатнашиш орқали уларнинг иқтисодий фаолиятига қулай шароитлар яратади. Давлат корхоналар ва уй хўжаликларини солиққа тортиш билан бирга корхоналарга субсидиялар бериш, аҳолига трансферт тўлаш орқали уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва харидга қодир талабларига таъсир этади. Айни пайтда давлат ресурслар бозоридан ҳамда товарлар ва хизматлар бозорида сотиб олувчи сифатида иштирок этади. Давлат ўз иштироки билан фирмаларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва уй хўжаликларининг товарлар ва хизматлар харид қилиш миқдolari тўғрисидаги қарорлари ўзаро мос келмаган ҳолларда рўй берадиган иқтисодий тебранишларни тартибга солиб туради. Очiq иқтисодиёт шароитида доиравий оқимлар модели янада мураккаблашади. Энди унда тўртинчи макроиқтисодий субъект-ташқи дунё ҳам пайдо бўлади. Чет эл инвестицияларининг киритилиши ва хорижга инвестиция қилиш, экспорт ва импорт операциялари шу жумладан молиявий бозор орқали жамғармаларнинг инвестицияларга оқиб ўтиши ва молиявий маблағларнинг қайта тақсимланишини эътиборга олсак кўриб ўтилган модел мукамал эмаслигига иқроқ бўламиз. Аммо шу кўринишда ҳам бу модел макроиқтисодий жараёнларни яхлит ҳолда тасаввур қилишга имкон беради. Доиравий оқимлар моделидан чиқариладиган хулоса шуки, давлат, фирмалар, уй хўжаликлари ва ташқи дунёнинг ялпи харажатлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлиши ресурслар, товарлар ва хизматлар оқимлари

(яъни реал оқим) билан даромадлар ва харажатлар оқимлари (яъни пул оқимлари) ўзаро тенг бўлишининг асосий шартидир. Ялпи харажатлар ҳажмининг ошиши ишлаб чиқариш ҳажмлари ва иш билан бандлилик даражасининг ўсишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ялпи даромадларнинг ошишига сабаб бўлади. Каттароқ ҳажмдаги ялпи даромадлар унга мос ҳажмдаги ялпи харажатларни белгилаб беради. Сабаб оқибат боғланишлари ўрин алмашиши туфайли доиравий оқимлар модели доиравий айланиш кўринишини олади. Иқтисодиёт барқарор ривожланиб бориши учун ялпи харажатлар тўхтовсиз ўсиб бориши шарт. Бу вазифа бюджет-солиқ сиёсати воситалари бўлган солиқларни ҳамда давлат харажатларини ўзгартириш ҳамда пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида мул массасини ўзгартириш орқали бажарилади.

Қисқача хулосалар

«Макроиқтисодиёт» фани умумий иқтисодий назариянинг икки муҳим бўлимидан бири бўлиб, иқтисодиётни бир бутун ҳолда ўрганади ва ишсизлик, инфляция, иқтисодий ўсиш,

тўлов баланси барқарорлиги, давлат бюджети, давлат қарзи каби ҳозирги замон иқтисодининг барча муҳим муаммоларини тадқиқ қилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан макроиқтисодий таҳлил элементлари XVIII асрданок қўлланила бошлаган бўлсада макроиқтисодиёт фани XX асрнинг ўрталарига келиб мустақил фан сифатида шаклланиб бўлди ва унинг асосчиси деб Ж.М. Кейнс тан олинади.

Макроиқтисодий таҳлилнинг ўзига хос хусусияти унда агрегат кўрсаткичлардан фойдаланишда намоён бўлади.

Уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё макроиқтисодиёт субъектларини ташкил этади.

Макроиқтисодий таҳлилда математик формула, график ва чизмалар кўринишидаги макроиқтисодий моделлардан фойдаланилади. Иқтисодиётдаги барча муаммоларни ўрганиш имконини берадиган ягона модел мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам макроиқтисодий тадқиқотларда ўзаро бир бирини тўлдирадиган кўпгина моделлардан фойдаланилади.

Давлатнинг иқтисодий тизимнинг барқарорлигини ва иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги ҳатти-ҳаракатлари иқтисодий сиёсат деб аталади.

“Ресурслар - товарлар ва даромадлар” ҳамда “даромадлар – харажатлар”нинг доиравий оқими схемаси соддалаштирилган макроиқтисодий модел бўлиб макроиқтисодиёт субъектларининг ўзаро муносабатларини ва макроиқтисодий жараёнларнинг кечишини шартли тарзда акс эттиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Макроиқтисодиёт фани предметининг ўзига хос хусусияти нимада ва у микроиқтисодиёт предметида нима билан фарқ қилади?
2. Позитив ва норматив макроиқтисодиёт тушунчаларига изоҳ беринг.
3. Иқтисодиёт субъектлари орасида давлатнинг роли қандай?
4. Агрегат кўрсаткичлар деганда нимани тушунаси? Макроиқтисодий таҳлилда агрегат кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурияти нима учун юзага келади?
5. Макроиқтисодий моделларнинг моҳиятига изоҳ беринг.
6. Захираларни тавсифловчи кўрсаткичлар ва оқимларни тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?
7. “Ресурслар- товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар –харажатлар”нинг доиравий оқими моделидаги қарама-қарши оқимларга изоҳ беринг.
8. Доиравий оқимлар моделини доиравий айланиш тусини олишининг шартлари қандай?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ., Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
3. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 9-18, 53-66 б. б.
4. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд. -СПб.: Питер, 2010, 7-14 с.с.
5. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 10-28 с.с.
6. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ.,-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 29-57 с.с.
7. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 25-52 с.с.
8. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 11-22 с.с.

9. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.: Издательство "Дело и сервис", 2005. 14-22 с.с.
10. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 9-17 b.b.
11. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 6-е изд. , испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 12-28 с.с.
12. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004, 7-17 б.б.

2-Мавзу. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш

Режа

1. Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар.
2. Ялпи ички маҳсулот тушунчаси ва уни ҳисоблашнинг асосий шартлари.
3. ЯИМ ни ишлаб чиқариш услубида аниқлаш.
 4. *ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш.*
 5. *ЯИМ ни даромадлар бўйича ҳисоблаш.*
 6. *Миллий ҳисобчилик тизимидаги бошқа кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат.*
7. Номинал ва реал ЯИМ.
8. Асосий макроиктисодий айниятлар.

1. Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таҳлил қилиш, миллий иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқариш учун бир қатор иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Алоҳида фирмалар фаолиятига баҳо беришда қўлланиладиган кўрсаткичлардан фарқли тарзда бу кўрсаткичлар миллий иқтисодиётнинг барча субъектлари фаолиятига умумий баҳо бериш, макроиктисодий таҳлил ўтказиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида рақобатга бардошлилиги даражасини аниқлаш имконини беради.

Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), Соф ички маҳсулот (СИМ), Ялпи миллий даромад (ЯМД), Соф миллий даромад (СМД), шахсий даромад (ШД), Шахсий тасарруфидаги даромад (ШТД), Истеъмол(С), Жамғариш (S) кўрсаткичларининг ҳажми ва ўсиш суръатлари;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилиши;
- мамлакат экспорти ва импорти ҳажми, таркиби, ЯИМдаги улуши ва ўсиш суратлари;
- ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар (Меҳнат унумдорлиги, Фонд қайтими);
- давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолари индекси, инфляциянинг ўсиш суръатлари;
- ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлик даражаси;
- аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш ҳақининг қуйи миқдори ва бошқалар.

Давлат бюджети тақчиллиги ва инфляция сурати каби кўрсаткичлар умумий макроиктисодий вазиятга баҳо беришда қўлланилса, ЯИМ, СИМ, ЯМД, СМД, ШД, ШТД, С, S кўрсаткичлари миллий ишлаб чиқаришнинг параметрларини ва динамикасини таҳлил этишда фойдаланилади.

Бу кўрсаткичлар иқтисодиётнинг барча субъектлари фаолиятлари натижаси сифатида аниқланиб, уларни ҳисоблашнинг асосини Миллий ҳисобчилик тизими(МХТ) ташкил этади. МХТ мамлакат бухгалтерияси вазифасини ўтагани ҳолда унинг стандартларидан келиб

чиққан ҳолда макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, мамлакатлараро таққословларни амалга ошириш имконини беради.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш, унга тизимли баҳо бериш учун юқорида санаб ўтилган барча кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур, акс ҳолда бир томонлама ёндошувга йўл қўйилиши мумкин.

2. Ялпи ички маҳсулот тушунчаси ва уни ҳисоблашнинг асосий шартлари.

Макроиктисодий статистика ва таҳлилда узоқ давр мобайнида ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларидан барабар фойдаланиб келинди. Ҳар иккала агрегат кўрсаткич ҳам мамлакатдаги иқтисодий фаоллик даражасини характерласада капитал ва ишчи кучи миграцияси мавжудлиги сабабли улар ўзаро фарқ қилишади.

Бугунги кунга келиб Миллий ҳисобчилик тизимини қўллайдиган деярли барча давлатларда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи асосий макроиктисодий кўрсаткич сифатида тан олинди.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда ЯИМга ишлаб чиқарилишида қўлланилган ресурслар қайси давлатга тегишлилигидан қатъий назар, мамлакатнинг жуғрофий ҳудудида яратилган пировард товарлар ва хизматларнинг бозор баҳолари йиғиндиси деб таъриф бериб келинган. 1993 йилда қабул қилинган БМТ МХТнинг янги талқинига кўра Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) тушунчасига аниқликлар киритилди.

Янгича талқинига кўра:

ЯИМ - мамлакат резидентлари томонидан маълум муддат давомида ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндисидан иборат.

ЯИМ нинг «ички» деб аталишига сабаб унинг мамлакат резидентлари томонидан яратилишидир. Резидент деганда фақатгина мамлакатнинг юридик ва жисмоний шахслари тушунилмайди. Чунки мамлакат юридик шахси бошқа мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ фаолият юритса ўша мамлакат резиденти деб қаралади.

«Миллий тегишлилиги ва фуқаролилигидан қатъий назар, мазкур мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида иқтисодий манфаат марказига эга бўлган (ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган, ёки мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ яшаётган) барча иқтисодий бирликлар(корхоналар, уй хўжаликлари) резидент ҳисобланишади»².

Элчихоналар ва ҳарбий базалар ўзлари тегишли бўлган мамлакатларнинг иқтисодий макони бўлиб қолаверади. Айнан шу жиҳат ЯИМни ҳисоблашда иқтисодий ва жуғрофий ҳудуд ўртасидаги фарқ деб қаралади.

ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади:

- 1) ишлаб чиқариш усули;
- 2) харажатлар усули;
- 3) даромадлар усули.

Ҳар учала усул билан ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу боис бирга ҳар учала усул билан ЯИМ кўрсаткични ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал қилиниши талаб этилади.

3. ЯИМни ишлаб чиқариш усулида аниқлаш

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади. ЯИМни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга уни

² Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 25-с.

ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки оралиқ маҳсулот қийматини ЯИМга киритиб юборишнинг олдини олади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун жорий йилда ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматлар қиймати бир марта ҳисобга олиниш керак. Кўпгина маҳсулотлар бозорга боргунча бир нечта ишлаб чиқариш босқичини ўтайдди. Шу сабабли ЯИМда айрим маҳсулотларни икки ва ундан кўп марта ҳисобга олмаслик учун, фақат пировард маҳсулотнинг бозор қиймати ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар эса ҳисобга олинмайди.

Якуний товарлар ва хизматлар деганда уларнинг ишлаб чиқариш, ёки ички айирбошлаш циклидан чиққан, якуний истеъмол, жамғариш ёки экспорт учун фойдаланиладиган қисми тушунилади.

Якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда сарфланган оралиқ товарлар ва хизматлар баҳоси ЯИМга қўшилмайди.

Қўшилган қиймат товар ва хизматларнинг сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Ишлаб чиқариш усулида аниқланган ЯИМ кўрсаткичининг структурасини ва ундаги силжишларни таҳлил қилиш жуда муҳим хулосалар беради. Алоҳида тармоқларнинг мамлакат иқтисодиётида яратилган ялпи қўшилган қийматдаги улуши, бу улушнинг ўзгариши бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва кутилаётган истиқболлига баҳо бериш имконини беради.

1-жадвал маълумотларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг тармоқ тузилишини кўриб чиқамиз.

Аввалам бор республикада барқарор иқтисодий ўсиш тенденциясига эришилганлиги ва 2004 йилда реал ўсиш суръати 107,4 фоизни, ЯИМнинг номинал ҳажми эса 12189,5 млрд. сўмни ташкил этганини қайд этиш зарур. 2005, 2006 ва 2007-йилларда ҳам юқори ўсиш суръати сақланиб қолди.

2007 йилда ЯИМнинг 24,0 фоизи саноат тармоқларида, 21,7 фоизи қишлоқ хўжалигида, 5,5 фоизи қурилиш соҳасида ва 39,3 фоизи хизмат

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида ЯИМ динамикаси ва ишлаб чиқариш таркиби

Давр	Мос даврларда жорий баҳоларда, млрд.с	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % (таққослама баҳоларда)	ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби, %				
			Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Хизмат кўрсатиш соҳаси	Соф солиқлар
2000	3255,6	103,8	14,2	30,1	6,0	37,2	12,5
2001	4925,3	104,2	14,1	30,0	5,8	28,2	11,9
2002	7450,2	104,0	14,5	30,1	4,9	37,9	12,6
2003	9837,8	104,2	15,8	28,4	4,7	37,4	13,7
2004	12189,5	107,4	17,5	26,4	4,8	37,2	14,1
2005	15210,4	107,0	21,1	26,3	4,8	37,2	10,6
2006	20759,3	107,5	21,8	25,1	5,1	37,9	10,1
2007	28186,2	109,5	24,0	21,7	5,5	39,3	9,5
2008	36839,4	109	22,3	19,4	5,6	43,4	9,3
2009	48097,0	108,1	24,0	18,0	7,0	44,0	7,0

Манба: «Ўзбекистон иқтисодиёти» 2007 йил учун таҳлилий шарҳ. Т., 2008 й. август. 9-бет.

«Ўзбекистон иқтисодиёти» 2008 йил учун ахборот-таҳлилий бюллетени. Т., 2009 й. август. 6-бет.

кўрсатиш соҳасида яратилди. Иқтисодиёт ривожланиши, реал секторда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб бориши билан саноат ва айниқса хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги улуши ортиб борилиши жаҳон иқтисодий тарихида кузатилган ҳодисадир. Ўзбекистон Республикасида 2001-2007 йилларда саноат тармоқларининг ЯИМ даги улуши

ортиб бораётганлиги прогрессив таркибий силжишдан далолат беради. “Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 24 фоиз ўрнига 2008 йилда 22,3 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги салмоғининг 19,4 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади”.³

“изчил дастурни амалга ошириш натижасида 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариши улуши 2000 йилга нисбатан 14 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа соҳалари улуши 7,7 фоиздан 12 фоизга ошди, айти пайтда қишлоқ хўжалиги улуши эса 30 фоиздан 18 фоизга камайди”.⁴ Қўшилган қийматлар йиғиндиси кўринишида ҳисобланган ЯИМ таркибига соф билвосита солиқлар, яъни давлат бюджетига тушган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона божи тўловлари билвосита солиқлар билан давлат бюджетидан ишлаб чиқарувчиларга берилган субсидиялар ўртасидаги фарқ ҳам қўшилади.

Соф солиқларнинг ЯИМдаги улуши 2007 йилда Ўзбекистон Республикасида 9,5 фоизни, 2008 йилда эса 9,3 фоизни ташкил этди. Соф солиқларнинг ЯИМдаги улуши камайиб боришини ижобий тенденция деб баҳолаш мумкин.

4. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш

Бу усул якуний фойдаланиш усули деб ҳам юритилиб, унда ЯИМни ҳисоблаш учун якуний маҳсулотларни сотиб олишга қилинган барча харажатлар ўзаро қўшиб чиқилади. Бу харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (С):

- а) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- в) истеъмол хизматлари тўловига.

Ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):

- а) асбоб-ускуналар, машиналарни якуний сотиб олишга;
- б) корхоналар, иншоотлар, тураржой биноларини қуришга сарфланган;
- в) товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгариши.

Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G).

Бу гуруҳ харажатларига маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди (автомобиль йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи) харажатлари киритилади. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

Соф экспорт (Хп): мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

ЯИМни харажатлар орқали ҳисоблаш формуласини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = \text{С} + \text{I} + \text{G} + \text{Хп}$$

Ўзбекистон Республикасида яратилган ЯИМнинг фойдаланиш (харажатларга кўра) таркиби таҳлили (2-жадвал) шуни кўрсатадики уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари ЯИМ таркибидаги энг салмоқли компонент экан. Бу кўрсаткичнинг ЯИМдаги улушига кўра

³ Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалр. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. 31-б

⁴ Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / Тошкент окшоми, 01.02.2010 .

Ўзбекистон Россия Федерацияси, Япония ва Франция давлатларига яқин туради. Ялпи жамғариш, ёки ялпи инвестициялар улуши катталиги бўйича иккинчи компонент бўлиб 2007 йилда ЯИМнинг 21,3 %ини (шу жумладан асосий капиталга киритилган инвестициялар 22,6 %ни, захираларнинг ўзгариши -1,3 % ни ташкил этган. Таққослов учун маълумотлар келтирадиган бўлсак[2002 йил якунларига кўра ялпи инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши Россия Федерациясида 21%ни, Японияда 17 фоизни, Францияда 24%ни, Хитой Халқ Республикасида эса 40 фоизни ташкил этган.

Товарлар ва хизматларнинг давлат хариди ЯИМдаги салмоғи жиҳатидан учинчи поғонада бўлиб, 2007 йилда ЯИМнинг 16,7 % ини ташкил этган.

Экспорт ҳажмининг кескин ўсиши ва ташқи савдода 2004 йилда 1,03 млрд, 2005 йилда 1,3 млрд., 2006 йилда қарийиб 1.6 млрд., 2007 йилда эса 3.76 млрд. АҚШ долларига

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг фойдаланиш таркиби (%)

Давр	Якуний истеъмол харажатлари жами, %		Ялпи жамғариш		Соф экспорт
	Хусусий	Давлат	Асосий капиталга ялпи ички инвестиция	Захираларнинг ўзгариши ва бошқалар	
2000	61,9	18,7	24,0	-4,4	-0,2
2001	61,5	18,5	27,9	-6,8	-1,1
2002	60,2	18,0	22,1	-0,9	0,6
2003	55,6	17,4	21,5	-0,7	6,2
2004	51,9	16,2	23,5	1,0	7.4
2005	48.4	15.9	22.0	6.0	7.7
2006	48.2	15.3	21.6	8.0	6.9
2007	47.1	16.7	22.6	-1.3	14.9
2008	48,3	17,9	26,7	-5,7	12,8

Манба: «Ўзбекистон иқтисодиёти» 2008 йил учун ахборот-таҳлилий бюллетени. Т., 2009 й. август. 6-бет.

тенг ижобий қолдиққа эришилиши туфайли соф экспортнинг ЯИМдаги улуши кўтарилиб 2005 йилда 7,7 фоизни, 2007 йилда эса 14.9 фоизни ташкил этди. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқироzi шароитида ташқи талабнинг пасайиши соф экспортнинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2008 йилда 12,8 %га тушиб қолишига олиб келди.

5. ЯИМни даромадлар(тақсимот усули) бўйича ҳисоблаш.

ЯИМни даромадлар бўйича аниқлашда якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида резидент-ишлаб чиқариш бирликлари томонидан, қўшилган қийматлар ҳисобидан, тўланган дастлабки даромадлар қўшиб чиқилади.

ЯИМни даромадлари йиғиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-**соф билвосита солиқлар (Тп)** – билвосита солиқлар(қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари) ва субсидиялар ҳажмлари ўртасидаги фарқ;

- **ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W)** - хусусий ва давлат компанияларининг ёлланма ишчиларга ҳисоблаган барча турдаги меҳнат ҳақи тўловларининг номинал миқдори плус иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланиб тўланадиган ижтимоий сугурта ажратмалари. Ўзбекистон Республикасида бу ажратма нормаси 2005 йилда иш ҳақи фондига нисбатан 31% бўлган бўлса. 2006 йилдан бошлаб 25 % қилиб белгиланди

- **Корпорацияларнинг ялпи фойдаси + нокорпоратив корхоналар даромади (Р).**

Нокорпоратив корхоналар - кичик ҳажмдаги, уй хўжаликларига тегишли корхоналар бўлиб уларда корхона фойдаси ва корхона эгасининг иш ҳақи элементлари ўзаро қўшилиб кетган бўлади. Бу ҳолат аралаш даромад атамасини қўллашга сабаб бўлади.

$P = \text{Корпорацияларнинг соф фойдаси } (P_1) + \text{нокорпоратив корхоналар соф даромадлари } (P_2) + \text{амортизация } (A);$

ЯИМни даромадлар кўринишида ялпи қўшилган қийматни кўрсатилган уч гуруҳга бўлиб топиш мумкин:

$$ЯИМ = T_n + W + P$$

Олинган дастлабки даромадлар қайта тақсимланиши натижасида дивиденд, рента, тўғридан тўғри хорижий инвестициялардан олинган реинвестиция кўринишидаги даромадлар пайдо бўлади.

Шунингдек, ЯИМни даромадлар кўринишида аниқлашда, иқтисодий назарияда, даромадларни қуйидаги компонентларга бўлиш кўзда тутилади:

- амортизация (A);
- билвостия солиқлар (T);
- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W);
- ижара ҳақи тўлови ва рента кўринишидаги даромадлар(R1);
- капитал учун олинган фоиз даромадлари (R2);
- мулкдан келадиган даромад (нокорпоратив корхоналар даромади) (P1);
- корпорация фойдаси (P2).

Корпорациялар фойдаси ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

- а) корпорацияси фойдасидан тўланадиган солиқлар (P1.1);
- б) ҳиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендлар(P1.2);
- в) корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси(P1.3).

Келтирилган ёндошвуга кўра:

$$ЯИМ (Y) = A + T + W + R1 + R2 + P1 + P2$$

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисоблаб топилган ЯИМ ҳажми ўзаро мос келади. Чунки миллий иқтисодиёт доирасида бир субъект томонидан қилинган ҳар қандай харажат иккинчи субъект учун даромад бўлиб тушади.

6. Миллий ҳисобчилик тизимидаги бошқа кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат.

Миллий ҳисобчилик тизимига кўра миллий иқтисодиёт ривожланишини таҳлил этиш учун ЯИМ кўрсаткичидан бошқа яна бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар жумласига Ялпи миллий даромад (ЯМД) кўрсаткичи ҳам киради. Бу кўрсаткич МХТнинг олдинги кўринишида ҳисобланган Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичи билан моҳиятан бир хил.

ЯМД - мамлакат резидентлари томонидан, мамлакатда ва мамлакат ташқарисида, ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва мулкдан олган бошланғич даромадлари йиғиндисидир.

ЯИМ ва ЯМД кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни қуйидаги формула кўринишида тасаввур этиш мумкин:

ЯМД = ЯИМ + мамлакат резидентларои томонидан хориждан олинган даромадлари - норезидентларнинг мамлакатдан хорижга жўнатган даромадлари.

ЯИМва ЯМД нинг принципал фарқлари шундаки улардан биринчиси мамлакат резидентлри томонидан ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматлар оқимини ўлчаса, иккинчиси улар олган бошланғич даромадларни ўлчайди.

Соф ички маҳсулот (СИМ) ва Соф миллий даромад (СМД) кўрсаткичлариЯИМ ва ЯМД кўрсаткичларидан амортизация (истеъмол қилинган асосий капитал) суммаси миқдорига фарқ қилади.

$$СИМ = ЯИМ - A$$

$$СМД = ЯМД - A$$

Макроиктисодий таҳлилда шунингдек МХТга кирмаган Шахсий даромад (ШД) кўрсакичи ҳам қўланилади.

ШД = СМД – [ИСА (Ижтимоий суғурта ажратмалари) + Т (билвосита солиқлар) + (P1.1) корпорация фойдасига солиқлар) + P1.3 (Корпорация-ларнинг тақсимланмаган фойдаси + бизнеснинг фоиз даромадлари] + трансферт тўловлари (TR) + фоизлар кўринишида олинган шахсий даромад

Фоизлар кўринишида аҳоли олган даромадга давлат қарзлари бўйича олинган фоиз даромадлари ҳам киритилади.

Шахсий даромаддан аҳоли тўлайдиган даромад солиғи, мулк солиғи ва айрим носолиқ тўловларини айириб ташлаб **шахсий тасарруфдаги даромад (ШТД)** кўрсаткичи топилади.

ШТД уй хўжаликлари томонидан **истеъмол (С)** ва **жамғариш (S)** учун ишлатилади.

ШТД = С + S

Макроиктисодий таҳлилда уй хўжаликларининг ШТД ва Ялпи миллий тасарруфдаги даромад (ЯМТД) кўрсаткичлари ўзаро фарқланади.

ЯМТД= ЯМД + Хориждан олинган соф трансфертлар

Хориждан олинган соф трансфертлар = Мамлакат ташқарисидан олинган трансфертлар – Мамлакатдан ташқарига берилган трансфертлар)

Ялпи миллий тасарруфидаги даромад якуний истеъмол ва миллий жамғармиш учун ишлатилади.

ЯМТД= Якуний истеъмол +Миллий жамғармалар

Якуний истеъмол уй хўжаликларининг истеъмол харажатларидан ташқари ҳукуматнинг истеъмолга харажатларини ҳам ўз ичига олади.

7. Асосий макроиктисодий айниятлар.

Миллий иктисодиёт ривожланиши жараёнларида турли макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасида маълум пропорциялар ёки тенглик таъминланиши лозим. Пропорция атамаси айнан тенгликни билдирмасдан бир бутунга нисбатан унинг бўлақларининг нисбатини, ёки шу бўлақлар ўртасидаги нисбатни билдиради.Бунга мавзуйимизнинг ЯМТД нинг якуний истеъмол ва миллий жамғаришга бўлинишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Одатда ЯМТД ҳажмида якуний истеъмол ҳажми юқори бўлади. Аммо мавзунинг 4-саволида Хитой Халқ Республикаси мисолида кўрдикки миллий жамғармаларнинг улуши ҳам юқори бўлиши мумкин экан. Демак якуний истеъмол ва миллий жамғармаларнинг ЯМТД даги улуши 3:1 пропорцияда ҳам, 2:1 пропорцияла ҳам бўлиши мумкин экан

Шу билан бирга иктисодиётда мувозанат бўлиши учун айрим кўрсаткичларнинг айнан тенг бўлиши талаб этилади. **Турли макроиктисодий кўрсаткичлар, ёки кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасидаги мавжуд бўладиган, ёки мавжуд бўлиши иктисодий қонуният ҳисоблаган ўзаро тенгликка макроиктисодий айният дейилади.**

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларининг ўзаро тенглиги асосий макроиктисодий айният ҳисобланади.

$$Y = C + I + G + X_n$$

Иккинчи бир макроиктисодий айният инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги тенглик ҳисобланади.

Инвестициялар миқдори мамлакатдаги жамғармалар миқдорига боғлиқ бўлади. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги тенгликка эришиш макроиктисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартидир.

Агарда, миллий иқтисодиёт ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқага эга эмас ($X_n = 0$) ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нолга тенг ($G=0$), деб фараз қилинса, унда ЯИМ орқали ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажми ШТД га тенг бўлади. Яъни:

$$\text{ЯИМ} = \text{ШТД} = C + S, \text{ айти пайтда: } \text{ЯИМ} = C + I$$

Бу ерда макроиқтисодий айнаият қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C + I = C + S \text{ ёки } I = S$$

Ушбу айнаиятдан кўриниб турибдики, уй хўжаликларининг жамғаришга бўлган истаклари тадбиркорликнинг қанча миқдорда инвестициялаш хоҳишларига мос тушса, унда даромадлар ҳажми (CKS) ва ялпи харажатлар (CKI) ҳажмига тенглигига ёки ишлаб чиқаришнинг мувозанат даражасига эришиш мумкин.

Айтайлик, мамлакат иқтисодиёти очик, яъни экспорт-импорт алоқалари йўлга қўйилган, солиқ солиш ва трансферт тўловлари кўринишида давлат аралашуви мавжуд бўлсин. Бундай ҳолатда жамғариш тушунчаси мураккаблашиб, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S = S_p + S_d + S_x$$

Бу ерда: S_p - хусусий жамғармалар;

S_d - давлат жамғармалари;

S_x - бошқа мамлакатлар жамғармалари.

Бунда хусусий жамғармалар даромадлар (Y), трансферт тўловлари (TR), давлат заёмлари бўйича фоизлар йиғиндисидан (N) солиқлар (T) ва истеъмол (C) харажатлари йиғиндисини айтириш натижасига тенг бўлади.

$$S_p = (Y + TR + N - T) - C$$

Давлат жағмармалари қуйидаги миқдорга тенг бўлади:

$$S_g = (T - TR - N) - G$$

Агар давлат жамғармалари нолга тенг бўлса, давлат бюджети мувозанатлашган, жамғаришнинг манфий миқдори бюджет тақчиллигини (BT) билдиради:

$$BT = - S_g$$

Бу ерда: BT – бюджет тақчиллиги миқдори.

Бошқа мамлакатларнинг жамғармалари ташқи дунёнинг бизнинг импортимиз ҳисобига олган даромадларидан уларнинг бизнинг экспортимизга сарфланган харажатларини айтириб топилади.

$$S_x \text{ қ} = M - X \text{ ёки } S_x = -X_n$$

Агар мамлакат экспортига нисбатан кўпроқ импорт қилса, унда даромадларнинг бир қисми хорижда қолади ва кейинчалик ундан хорижий шериклар томонидан мамлакатимизда кўчмас мулк ва молиявий актив сотиб олишда фойдаланилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча турдаги жамғармаларнинг умумий йиғиндиси инвестицияларга тенг бўлади:

$$S_p = S_d + S_x = (Y + TR + N - T) - C + (T - TR - N) - G + (-X_n)$$

ёки

$$S_p + S_d + S_x = Y - C - G - X_n$$

$$S = C + I + G - X_n - C - G - X_n$$

$$S = I$$

Демак, иқтисодиётдаги инвестиция харажатлари нафақат ички жамғармалар ҳисобига, балки ташқи дунё жамғармалари ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Мамлакатда инвесторларга кафолатланган юқори фойда олиши учун яратилган шарт-шароитлар хорижий инвесторлар оқимининг ўсишига олиб келувчи муҳим шартлардан биридир.

Кейнсчилар фикрига кўра, $S = I$ айниятга бозор механизмлари воситасида тасодифан эришилади, холос. Чунки инвесторлар ва жамғарувчиларнинг режалари ўзаро мос келавермайди. Шу туфайли давлат тўғри иқтисодий сиёсат юргизиб макроиқтисодий барқарорликни таъминлаши шарт.

8. Номинал ва реал ЯИМ.

Иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция жараёнлари ЯИМни ҳисоблашни қийинлаштиради. Бу кўрсаткич динамикаси бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдор ва баҳо даражаларининг ўзгаришини ифодалайди. Бу шуни билдирадики, ЯИМ миқдорига бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг физик ҳажми, ҳам баҳо даражаси ўзгариши таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётда доимий инфляция жараёнининг мавжудлиги макроиқтисодий кўрсаткичларни таққослама баҳоларда ҳисоблашни зарур этиб қўяди. Чунки, инфляция иқтисодиётнинг реал ҳолатини бузиб кўрсатади. Иқтисодиётни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишни қийинлаштиради. Бу вазифани бажариш учун жорий баҳоларда ҳисобланган номинал кўрсаткичлардан эмас, балки таққослама (базис) баҳоларда ҳисобланган реал кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Айрим ягона фирмдан фаркли ўлароқ миллий иқтисодиётда жуда кўп сонли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши сабабли уларнинг барчасини бир варакайига таққослама баҳоларда ҳисоблаш қийин. Шу туфайли ЯИМ таркибида катта улушни ташкил этган энг муҳим товарлар ва хизматлар баҳосининг ўзгариши коэффиценти (баҳолар индекси) ҳисоблаб топилиб олинган натижа бутун миллий иқтисодиёт учун тадбиқ этилади.

Баҳолар индексини ёки инфляция даражасини ҳисоблаш учун:

- дефлятор (Пааше индекси);
- истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес индекси);
- саноат ишлаб чиқариш баҳолари индекслари ҳисобланиши лозим.

Дефлятор кўрсаткичи қуйидаги формула билан ҳисоблаганади:

$$\text{Дефлятор} = \frac{\sum Q^i_1 P^i_1}{\sum Q^i_1 P^i_0} \cdot 100$$

Бу ерда: i – дефляторни ҳисоблаш учун бозор саватига киритилган товарлар сони;

Q^i_1 – жорий йилда бозор саватига киритилган i – товар ёки хизматлар ҳажми миқдори (Масалан 2 кг шакар, 2 дона қўйлак ва ҳ.к);

P^i_1 – жорий йилда бозор саватига киритилган i — маҳсулотнинг шу йилга баҳоси;

P^i_0 – жорий йилда бозор саватига киритилган i – маҳсулотнинг базис йилдаги баҳоси.

Дефляторни ҳисоблаш шартлари:

- одатда ўтган йилга нисбатан ҳисобланади;
- бозор савати жорий йилда аниқланиб кейинги йилларда ўзгартирилиши мумкин;

- бозор саватига ҳам истеъмол ишлаб чиқариш характеридаги товарлар ва хизматлар киритилади;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматлар турларининг умумий ЯИМ даги улуши катта қисмини ташкил қилиши керак;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматлар ҳажмлари ўртасидаги нисбат уларнинг ЯИМ даги улушлари ўртасидаги нисбатга мос келиши керак.

$$\text{Реал ЯИМ} = \frac{\text{Номинал ЯИМ}}{\text{Дефлятор}} \cdot 100$$

Истеъмол нархлари индекси қуйидагича аниқланади:

$$\text{ИНИ} = \frac{\sum Q^i_0 P^i_1}{\sum Q^i_0 P^i_0} \cdot 100$$

Бу ерда:

Q^i_0 – базис йилда бозор саватига киритилган i – товар ва хизматлар ҳажми;

P^i_1 – i – товарнинг жорий йилдаги баҳоси;

P^i_0 – i – товарнинг базис йилдаги ҳажми.

Истеъмол нархлари индекси ҳисоблашнинг шартлари;

- бозор савати базис йил учун аниқланади ва бир неча йил давомида ўзгармайди;
- бозор саватига фақат истеъмол характеридаги товарлар ва хизматлар киритилади;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматларнинг ҳажми истеъмол харажатларининг катта қисмини ташкил этиши керак.

ИНИ кўрсаткичининг камчилиги шундаки бозор савати таркиби ўзгармас бўлганлиги туфайли аҳоли истеъмоли таркибида товарлар ва хизматлар улушининг ўзгарганлигини, шунингдек товарлар ва хизматлар сифатида рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олиш имконини бермайди Шу сабабли бу индекс баҳолар даражасини бироз ошириб кўрсатади.

ЯИМ дефлятори эса бозор саватига жорий йида киритилмай қолган товарлар баҳоларининг ошишини ҳисобга олиш имконини бермаслиги туфайли баҳолар даражасини бироз пасайтириб кўрсатади. Шу сабабли бу икки индекснинг ўртача даражасини характерловчи Фишер индекси ҳисобланади:

$$I_f = \sqrt{I_{\text{деф}} \cdot I_{\text{ини}}}$$

Саноат ишлаб чиқарувчилар баҳо индекси истеъмол нархлари индекси сингари ҳисобланади. Лекин бозор саватига саноат маҳсулотларигина киритилиб улар улгуржи баҳоларда ҳисобланади.

Қисқача хулосалар

Мамлакатнинг макроиктисодий ҳолати кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Макроиктисодий таҳлилда ЯИМ, ЯМД, СИМ, СМД, ШД, ШТД, ЯМТД, С, S, ИНИ, ЯИМ дефлятори каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

ЯИМ - мамлакат резидентлари томонидан маълум муддат давомида ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндисидан иборат.

ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш, якуний истеъмол ва тақсимот усулари мавжуд бўлиб, улардан дастлабки икки тури кенг қўлланилади.

ЯИМни ҳисоблашда бир қийматни икки қайта ҳисоблашга йўл қўймаслик учун уни қўшилган қийматлар йиғиндиси кўринишида ҳисобланади. Бу усул ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули дейилади.

ЯИМни харажатлар кўринишида тўрт гуруҳдаги харажатлар - истеъмол, инвестиция, давлат хариди ва соф экспорт харажатлари йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳар учала усулда ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлади.

Миллий ҳисобчилик тизимининг барча кўрсаткичларини ҳисоблашнинг услубий базаси битта бўлгани учун уларни ўзаро таққослаш имкони мавжуд.

Макроиқтисодий таҳлилда ЯИМ кўрсаткичи билан бирга ЯМД кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. ЯМД - мамлакат резидентлари томонидан, мамлакатда ва мамлакат ташқарисида, ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва мулкдан олган бошланғич даромадлари йиғиндисидир.

Соддалик учун ЯИМ ялпи ишлаб чиқариш, ЯМД эса ялпи даромад деб ҳам юритилади.

Номинал ЯИМ якуний товарлар ва хизматлар ҳажмини жорий нархларда, **реал ЯИМ эса доимий нархларда баҳолайди**. Шундай қилиб, реал ЯИМ ҳажми фақатгина ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан ошади, номинал ЯИМ эса товар ва хизматлар баҳо даражасининг ўсиши натижасида ҳам ошиши мумкин. Миллий ишлаб чиқариш ва даромад ҳажмининг реал ўзгаришини аниқлаш учун баҳолар индексларидан: ЯИМ дефлятори ва ИНИ кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий иқтисодиётни таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлардан қайсилари макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади?
2. Қўшилган қиймат, якуний маҳсулот, оралиқ маҳсулот кўрсаткичларини тавсифлаб беринг.
3. Нима учун ЯИМ кўрсаткичини қайта ҳисоблашдан эҳтиёт бўлиш зарур ва бунга қандай эришилади?
4. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблашда қўлланиладиган компонентлар таркибини санаб ўтинг.
5. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ишлаб чиқариш структурасига таҳлилий шарҳ беринг.
5. ЯИМни тақсимот усулида аниқлашда МҲТнинг янги талқинида келтирилган ҳамда иқтисодий адабиётларда қўллаб келинаётган услублардаги фарқларни тушунтириб беринг.
6. ЯМД кўрсаткичи қандай ҳисобланади ва ЯИМ кўрсаткичидан нимаси билан фарқ қилади?
7. ШД, ШТД, ЯМТД кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик ва фарқлар нимада?
8. Баҳолар индексларини ва реал ЯИМ ни ҳисоблаш заруратини асослаб беринг?
9. ЯИМ дефлятори ва истеъмол нархлари индекси кўрсаткичларининг фарқларини изоҳланг.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 94-99, 103-106, 117-125 б.б.

4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-34, б. б.

5. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2010, 29-42 с.с.

6. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд. -СПб.: Питер, 2010, 15-26 с.с.

7. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 128-152 с.с.

8. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ., -М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 61-92 с.с.

9. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 53-81 с.с.

10. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 23-46 с.с.

11. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. 23-48 с.с.

12. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).- T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, 18-31 b.b

13. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004, 18-29 б.б.

3-Мавзу: Макроиктисодий барқарорлик. Ишсизлик.


Режа

1. *Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари.*
2. Ишсизлик тушунчаси ва ишсизлик даражасининг ўлчаниши.
3. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни.
4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва ишсизлик даражасига таъсири.

1. *Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари*

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш тарихини ўрганиш, улардан ҳеч бири узок муддатда бир текис ривожланмаганлиги, аксинча, барча малакатлар учун даврий ривожланиш хос эканлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш, бандлилик ва инфляция даражасининг даврий тебранишга иқтисодий давр (цикл)лар дейилади. Айрим иқтисодий даврлар бошқаларидан ўтиш даврининг давомийлиги ва фаоллиги билан фарқ қилади. Шунга қарамадан уларнинг барчаси бир хил босқичлардан ташкил топади (4-чизма).



4-чизма. Иқтисодиётнинг даврий ривожланиши

Иқтисодий даврлар тўртта босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич иқтисодий ривожланишнинг энг юқори даражасига эришилган босқич бўлиб, у «**чўққи**» деб юритилади. Бу иқтисодиётда иш билан тўлиқ бандлик, ишлаб чиқариш тўла қувватда ишлаётганлиги, шунингдек, маҳсулотларнинг баҳо даражасининг ўсиш ҳолати кузатилади.

Кейинги босқич **пасайиш (рецессия)** босқичидир. Бунда ишлаб чиқариш ва бандлик даражалари камаяди, аммо баҳонинг ўсиш даражаси пасаймайди. Бу босқич фаол ва узок давом этсагина баҳонинг ўсиш даражаси сустрлашиши мумкин. **Пасайишнинг қуйи** нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик энг қуйи даражага тушади ва турғунлик даври бошланади.

Кўтарилиш босқичида ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси аста-секин ошиб, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва тўлиқ бандлик даражасига эришилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, иқтисодий даврлар бир хил босқичларга эга бўлсада, аммо улар давомийлиги ва фаоллигига кўра ўзаро фарқ қилиб туради. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар, бу жараёнларни иқтисодий даврлар деб эмас, балки иқтисодий тебранишлар деб аташ тўғри бўлади деб ҳисоблашади. Иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодчилар уч омилни кўрсатади.

Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби техника ва технологияларда рўй берадиган ўзгаришлар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича фан-техника ютуқларини қўллаш натижасида иқтисодиётда ўсиш рўй беради. Масалан автомобилнинг яратилиши ёқилғи саноати, нефт казиб чиқариш, химия, йўл қурилиши материаллари саноатларининг жадал ривожланишига сабаб бўлди. Янги технологиялар ишлаб чиқариш унумдорлигини бир неча баравар ошириш, илгари фойдаланилмаган ресурсларни ишга тушириш имконини беради. Техник ва технологик янгиликлар доим ҳам яратилавермаслиги иқтисодиётдаги тебранишларга сабаб бўлади.

Олимларнинг яна бир гуруҳи иқтисодий босқичларни сиёсий ва тасодифий вазиятларга боғлашади.

Бу жараённи монетар сиёсатга боғлайдиган олимлар ҳам мавжуд. Яъни, давлат қанчалик кўп пул босиб чиқарса, унинг кадри шунчалик камайиб боради, ва аксинча, пул миқдори қанчалик кам бўлса, ишлаб чиқариш кўламининг пасайиши ва ишсизлар сонининг ортиши шунчалик тезлашади. Хуллас, иқтисодий босқичларни баҳолашга турли хил ёндашувлар мавжуд. Аммо барча иқтисодчилар, ишлаб чиқариш ва бандлилик даражаларини ялпи талаб ва бошқача айтганда ялпи харажатлар миқдorigа боғлиқ, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Чунки, корхоналар ўз товар ва хизматларини уларга талаб бўлсагина ишлаб чиқаради. Бошқача айтганда, талаб катта бўлмаса, корхоналарда товар ва хизматларни катта миқдорда ишлаб чиқариш фойдали эмас. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришда бандлилик ва даромадлар даражаси ҳам, айнан шу сабабли, паст бўлади. Ялпи харажатлар миқдори қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши катта фойда олиб келади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, бандлилик ва даромадлар даражаси ортиб боради. Иқтисодий тебранишлар сабабларини, уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, иқтисодий тебранишлар амплитудасини қисқартириш барча ҳукуматлар макроиқтисодий сиёсатининг муҳим мақсадларидан биридир.

2. Ишсизлик тушунчаси ва ишсизлик даражасининг ўлчаниши.

Иқтисодиётнинг беқарор ривожланиши оқибатида, иқтисодий пасайиш даврида ишлаб чиқариш ресурслари тўлиқ фойдаланилмай қолади.

ЯИМни яратишда қатнашадиган иқтисодий ресурсларнинг энг асосийларидан бири бўлган меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмаслик ишсизликда намоён бўлади.

Макроиқтисодий таҳлилда меҳнат ресурслари эмас балки ишчи кучи категориясидан кўпроқ фойдаланилади.

Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаётган ва ишсиз юрган аҳолининг умумий сони тушунилади.

Меҳнат бозорида бошқа ресурслар бозори сингари талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Ишчи кучининг баҳоси ҳисобланган реал иш ҳақи ҳажми ошса ишчи кучига бўлган талаб қисқаради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса ишчи кучига бўлган талаб ортади, ишчи кучи таклифи эса камаяди. Ишчи кучига бўлган талаб миқдорининг ишчи кучи таклифи миқдоридан кам бўлиши ишсизликни келтириб чиқаради.

Ишсизлар – бу, ишчи кучининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳловчи ва фаол иш қидираётган аҳолидир.

Ишсизлик даражаси деб ишсизларни ишчи кучи сонига нисбатига (% ҳисобида) айтилади ва уни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\text{Ишсизлик даражаси} = (\text{ишсизлар сони} / \text{ишчи кучи сони}) \times 100$$

Ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фрикцион ишсизлик. Унга иш қидираётган ёки яқин вақтлар ичида иш билан таъминланишни кутаётган ишчи кучи киради. Ишсизликнинг бу тури асосан иш ёки турар жойларни ўзгартириш, ўқув юртларини тугатиш ва шунингдек, бошқа сабаблардан келиб чиқади. У доимо мавжуд бўлиб, маълум бир даражада керакли ҳисобланади.

Таркибий ишсизлик. Таркибий ишсизлар гуруҳига ишлаб чиқариш структурасининг ўзгариши натижасида ишчи кучига талаб таркибининг ўзгариши натижасида ишсиз қолганлар киради. Унга асосан малакаларини ўзгартириши ва ошириши, маълумот олиши, янги касб эгаллаши лозим бўлган ишсизлар гуруҳлари киради. Фрикцион ишсизлик билан таркибий ишсизликнинг асосий фарқи шундаки, биринчисида, маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб, иш жойларини тезроқ топиб олишади, иккинчисида эса, ишчи кучи дарҳол ва тезроқ иш жойларини топа олмайди.

Даврий ишсизлик асосан ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайишидан пайдо бўлади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи талабнинг камайишини, шунга мувофиқ, ялпи таталабнинг камайишини, ва оқибатда аҳолининг иш билан бандлиги қисқариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

Тўла иш билан бандлик ишчи кучининг 100 фоиз иш билан таъминланганлигини билдирмайди. Аксинча, фрикцион ва структурали ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга олсак, биз мутлақ тўла иш билан бандлиликка эришиб бўлмаслигини тушунамиз.

Агарда даврий ишсизлик бўлмаса, у ҳолда тўла иш билан бандлиликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик, **ишсизликнинг табиий даражаси** дейилади. Бунга иш қидирувчилар сони бўш иш жойлари сонига мувофиқ келсагина эришиш мумкин. Ишсизликнинг табиий даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлик йиғиндисига тенг бўлади.

Ишсизликнинг табиий даражаси доимий эмас, чунки у иқтисодий вазият, қонун ва миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Ишсизликнинг табиий даражаси мамлакатдаги охирги ўн йилда мавжуд бўлган ҳақиқий ишсизлик даражаси ва кейинги ўн йил учун прогноз қилиб ҳисобланган ишсизлик даражаларининг ўртача миқдори сифатида белгиланади. Умумий ҳолда ишчи кучи иш билан банд ва фаол иш қидириб юрган ишсизларга бўлинади.

3. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини иқтисодиётнинг **ишлаб чиқариш потенциали** деб аталади. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциали потенциал ЯИМ кўрсаткичи билан ўлчанади.

Макроиктисодий беқарорлик туфайли, иқтисодий пасайиш даврида мамлакат ўз иқтисодий потенциалини тўлиқ ишга солмасдан, яратилган ҳақиқий ЯИМ ҳажми (Y_x) потенциал ЯИМ (Y_n) ҳажмидан ортда қолади. Яъни ЯИМнинг узилиши (YUZ) рўй беради.

$$YUZ = \frac{Y_x - Y_n}{Y_n} \cdot 100$$

Потенциал ЯИМ деганда мамлакатдаги ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдаланилган шароитда мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми тушунилади.

Потенциал ЯИМ*ни ҳисоблашда мамлакатда ишсизлик мутлақо йўқ деб эмас, балки мавжуд, бироқ у табиий даражада, деб ҳисобланади.

Ишсизлик даражасининг ошиши натижасида иқтисодиёт потенциал ЯИМ ҳажмини ололмайди. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишсизликни унинг табиий даражасида сақлаш ва тартибга солиш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯИМ узилиши шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам потенциал ҳажмдаги ЯИМ* ҳақиқий ЯИМ дан катта бўлади.

Ишсизлик даражаси ва ЯИМ узилиши ўртасидаги миқдорий нисбатни инглиз иқтисодчиси Артур Оукен математик ҳолда исботлаб берган. Шунинг учун бу қонун, ОУКЕН қонуни дейилади. Қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан бир фоизга ошиб кетса, яъни даврий ишсизлик 1 фоизни ташкил этса миллий иқтисодиёт ЯИМни икки ярим фоизга кам яратади. ЯИМнинг пастроқ даражаси ўз навбатида, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини ва иқтисодиётнинг келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятлари қисқаришини билдиради.

Оукен қонуни ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишлари ҳажмини аниқлаш имконини беради. Ҳозирги кунда β коэффиценти деб аталган бу коэффициент миқдори 2 фоиздан 3 фоиз оралиғида деб ҳисобланади.

Оукен қонунини формулада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$YUZ = -2,5[u - u^*]$$

Бу ерда: u^* – ишсизликнинг табиий даражаси;

u – ишсизликнинг ҳақиқий даражаси.

ЯИМ узилишини ифодалайдиган формула билан Оукен қонунини формуласини умумлаштириб қуйидаги формулани оламиз:

$$\frac{Y_x - Y_n}{Y_n} \cdot 100 = -\beta [u - u^*]$$

Оукен қонуни изоҳлаган миқдорий боғлиқликнинг тесқари жиҳатига эътибор қаратамиз. Иқтисодий тадқиқотлар шуни кўрсатадики ЯИМнинг 2-3 фоизга ўсиши даврий ишсизлик даражасини 1 фоизга қисқаришини келтириб чиқармас экан. Яъни дастлабки 1 фоизлик иқтисодий ўсиш фан-техника тараққиёти натижасида ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобига эришилиши мумкин, шунингдек бу пайтда аҳоли сонининг кўпайиши ҳам ишсизлик сонинининг пасаймаслигига сабаб бўлади. Дастлабки 2-3 фоиздан юқори бўлган ҳар 2-3 фоиз иқтисодий ўсиш эса даврий ишсизликни 1 фоизга қисқаришини келтириб чиқаради. Демак 1 фоизлик даврий ишсизликни тугатиш учун йиллик 4-6 фоизлик иқтисодий ўсиш таъминланиши керак.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва ишсизлик даражасига таъсири.

Юзага келган жаҳон молиявий -иқтисодий инқирози дунёдаги деярли барча ривожланган мамлакатларда макроиқтисодий берқарорликни келтириб чиқарди. «Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»⁵.

Дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «маҳсулот» ҳисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди.

АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Британиянинг нуфузли газеталаридан бири бўлган «Гардиан» жаҳон молиявий инқирозининг асосий айбдорлари рўйхатини эълон қилди. Мазкур рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари ўрин олган бўлиб, унда инқироз фақатгина иқтисодиёт ривожланишининг навбатдаги ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортикча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар.


Юзага келган глобал молиявий –иқтисодий инқироз жаҳоннинг асосий молиявий марказлари ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, молиявий инқироз инфляция, қатор

⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

банклар ва молиявий муассасаларнинг таназзулга юз тутиши таъсирида ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва бошқалар негизда иқтисодий инқироз шаклида кучайиб бормокда. Бундан кўринадики, ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг ўзига хос хусусияти – бу унинг иқтисодиётнинг молиявий секторидан бошланиб, реал секторига ўтганлигидир.

1-диаграмма

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари



Глобал инқироз бўйича кўп сонли нашрларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, дунёнинг ривожланган давлатлари учун инқирознинг ҳаракат нуқтаси молиявий бозорларнинг беқарорлиги бўлди ва инқирознинг ривожланиши схемаси куйидаги кўринишда бўлди:

Молиявий бозорларнинг беқарорлиги → Кредитларнинг қисқартирилиши ва истеъмолнинг пасайиши → Ишлаб чиқариш ва экспортнинг қисқариши, ишсизликнинг ўсиши.

1-диаграммадаги маълумотлардан кўринадики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмоқда. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7,2%, Японияда 4,4%, Буюк Британияда 6,4%, Германияда 8,2% га ўсиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансфертларнинг кўпайиши ҳисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келади.

Шунга қўра, ҳукуматлар даражасида инқироздан чиқиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни кўриш масаласини қўндаланг қилиб қўймоқда.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий даврлар асосан тўртта босқичини ўз ичига олади ва уларни иқтисодий тебранишлар деб юритиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий тебранишларнинг сабаблари хилма - хил бўлсада, уларнинг барчаси ялпи харажатлар ҳажмининг ўзгариши орқали ЯИМ динамикасига таъсир кўрсатади.

Ишсизлик даражаси деб ишсизлар сонининг ишчи кучи сонига нисбатига айтилади. Ишчи кучи ҳам бошқа товар маҳсулотлари каби бозорда сотилади ва сотиб олинади. Тўла иш билан бандлик 100% иш билан таъминланганлик даражасини англатмайди.

Келиб чиқиш сабабларига қўра фрикциион, таркибий ва даврий ишсизлик турлари мавжуд.

Ишсизликнинг табиий даражаси фрикциион ва таркибий ишсизлик даражалари йиғиндисига тенг бўлиб, мамлакатдаги охириги ўн йилда мавжуд бўлган ҳақиқий ишсизлик даражаси ва кейинги ўн йил учун прогноз қилиб ҳисобланган ишсизлик даражаларининг ўртача миқдори сифатида белгиланади.

Ишсизлар сонининг ошиши, яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан юқори бўлиши потенциал ҳажмдаги ЯИМ билан ҳақиқий ҳажмдаги ЯИМ ўртасида узилишга олиб келади. Оукэн қонуни бундай боғлиқликнинг миқдорий даражасини ифодалайди.

АҚШ ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган минқироз аста секин бутун молия тизимини қамраб олди ва пировардида иқтисодий инқирозга ҳам айланди. Натижада иқтисодиётда пасайиш ва ишсизлик даражасининг ўсиши кузатилди.

Назарот ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий тебранишларнинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?
2. Ишсизликнинг қандай турлари мавжуд? Ишсизлик даражаси қандай аниқланади?
3. Ишсизликнинг табиий даражаси, иш билан тўлиқ бандлилик тушунчаларига тавсиф беринг.
4. Потенциал ЯИМ кўрсаткичини изоҳлаб беринг.
5. Макродаражада ишсизликнинг иқтисодий оқибатларини қандай ўлчаш мумкин ?
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқишига қайси ҳолатлар сабаб бўлди?
7. Молиявий инқирознинг ишсизлик даражасига таъсири қай тарика рўй беради?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010.,149–151 б.б.
4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 9-25, 31-34 б.б.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер,2010, 78-92,125-137 с.с.
6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 93-121 с.с.
7. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009,250-281 с.с.
8. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ,-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 405-442 с.с.
9. Чепель С. Воздействие глобального кризиса на Узбекистан: механизм и меры по ограничению рисков./ Бозор, пул, кредит, №6, 2009 йил, 16-26 б.б.
10. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 97-154, 553-594 с.с.
11. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 117-143, 195-239 с.с.
12. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 107-160 с.с..
13. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика:Учебник.- 6-е изд. , испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 193-215, 293-340 с.с.
14. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 49-73 с.с.
15. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-Т.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 32-42b.b.

16. Матвеева Т.Ю. Введение в макроэкономику: учебное пособие. Гос.ун-т-Высшая школа экономики.-3-е изд.-М: Изд.дом ГУ ВШЭ, 2005, 243-256 с.с.

4-Мавзу. Инфляция ва аксилинфляция сиёсати

Режа

1. Инфляциянинг моҳияти ва ҳисобланиш усуллари.
2. Инфляциянинг турлари. Талаб ва таклиф инфляцияси.
3. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик. Филлипс эгри чизиғи.
4. Аксилинфляция сиёсати ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида уни амалга ошириш хусусиятлари.

1. Инфляциянинг моҳияти ва ҳисобланиш усуллари.

Инфляция (лотинча *inflatio* - шишиш, бўртиш, таранглашиш) – маълум давр мобайнида мамлакатда баҳолар ўртача (умумий) даражасининг барқарор ўсиши, пулнинг харид қобилиятини узоқ муддатли пасайиши. Инфляция бозор иқтисодиётининг асосий издан чиқарувчи омиллари жумласига киради, унинг суръати қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётга хавфли таъсири шунчалик катта бўлади. Айниқса бир иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтаётган мамлакатларда инфляциянинг иқтисодиётга таъсири анча хавфли. Чунки, бу давр нархларнинг эркинлашуви ва шунга мувофиқ уларнинг умумий даражаси кескин ошиб кетиши билан боғлиқ.

Аммо инфляция даврида барча товарларнинг баҳолари ҳам ошавермайди: айримлариники барқарор бўлиб турса, баъзилариники эса тушиши мумкин.

“Инфляция” атамаси илк бор Шимолий Америкада 1861-1865 йиллардаги Фуқаролар уруши даврида қўлланилди. Инфляциянинг атамаси муомаладаги қоғоз пул массасининг товарларнинг реал таклифига нисбатан ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ҳолатини изоҳланган. . Аммо инфляциянинг бундай тавсифи мукамал эмас ва унинг сабабларини очиқ бермайди. Умуман олганда инфляция пул муомаласи қонунларининг бузилиши шакли сифатида макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишини, талаб ва таклиф номуносивблигини англатади.

Кейнсчиар мактаби намоёндалари бундай номуносивбликнинг сабаби тўлиқ бандлик шароитида талабнинг ҳаддан зиёд бўлишида деб билишади. Шу сабабли улар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст бўлса бюджет тақчиллиги ва қўшимча пул чиқариш йўли билан харид қобилиятини, бошқача айтганда ялпи талабни кўпайтириш инфляцияга олиб келмайди деб ҳисоблашади.

Неоклассик ёндошув тарафдорлари инфляциянинг манбаи ишлаб чиқаришнинг ҳаддан зиёд ўсишида, ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишида деб билишади. Демак кейнсчилар инфляцияга талаб томонидан, неоклассиклар эса таклиф томонидан ёндошишади.

Агар иқтисодиётда товарлар ва хизматлар массаси ялпи талабга нисбатан секинроқ ўсса, ёки ялпи талаб кўпайгани ҳолда ўзгармасдан турса, бу номуносивблик баҳолар даражасининг кўтарилиши орқали бартараф этилади. Оқибатда пул бирлигининг харид қобилияти пасаяди ва миллий иқтисодиётнинг қўшимча пул массасига эҳтиёжи пайдо бўлади.

Инфляция нафақат пул муомаласининг издан чиқиши, балки бутун такрор ишлаб чиқариш механизмининг касали, макроиқтисодий бузилишлар натижасидир. Баҳоларнинг ўсиши, пул бирлиги харид қобилиятининг пасайишидан ташқари инфляция намоён бўлишининг қуйидаги уч белгиси ҳам бор. Булар:

- 1) валюта курурсларининг ўзгариши;
- 2) кредит бериш шартларининг қимматлашув ва муддатларининг қисқариши томон ўзгариши;
- 3) кундалик эҳтиёж молларидан иборат истеъмол савати баҳосининг ўсиши.

Инфляция баҳо индекслари - дефлятор ва истеъмол нархлар индекси ёрдамида аниқланади.

Баҳолар ўртача (умумий) даражасининг нисбий ўзгариши **инфляция даражаси (баҳоларнинг ўсиш суръати)** деб аталади. Макроиктисодий моделларда инфляция даражаси қуйидагича ифодаланиши мумкин:

P-P-1

$\pi = \text{-----}$

P-1 бунда: π – йиллик инфляция суръати;

P - жорий йилнинг нархлар индекси; **P-1** - ўтган йилнинг нархлар индекси.

Инфляцияни миқдоран ўлчаш учун макроиктисодиётда «70-миқдор қондаси» деб аталган усулдан ҳам фойдаланилади. Бу усул нархларнинг барқарор ўсиши шароитида инфляция даражаси неча йилда икки бараварга ошишини аниқлаш имконини беради.

Бунинг учун 70 ни йиллик инфляция даражасига бўлиш кифоя:

Баҳолар икки мартага	70
ошиши учун зарур	= -----
йиллар сони	π

Мисол учун, йиллик инфляция даражаси 7 % га тенг бўлса, тахминан 10 йилда баҳолар икки мартага ошади, яъни, $(70:7 = 10)$.

Реал ЯММ ва жамғарманинг неча йилдан сўнг икки марта ошишини ҳисоблаш зарур бўлган ҳолларда ҳам «70-миқдор қондасидан» фойдаланилади.

2. Инфляциянинг турлари. Талаб ва таклиф инфляцияси.

Талаб инфляцияси иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмай қолган шароитларда келиб чиқади. Яъни, тўлиқ бандлиikka яқин шароитда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ўсиб бораётган ялпи талабни қондиrolмайди. Ортиқча талаб эса реал товарлар баҳосининг кўпайишига иқтисодий босим беради ва талаб инфляцияси келиб чиқади. Ёки, оддий сўзлар билан айтганда, «ҳаддан зиёд пуллар ҳаддан кам товарларни овлайди». Талаб инфляциясини келтириб чиқарувчи асосий сабаблар аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ва иш ҳақининг ошиб бориши ҳисобланади. Демак, инфляция талаб, таклиф, иш билан бандлик, баҳо, ишлаб чиқариш суръатлари каби кўпгина омилларга боғлиқ.

Иқтисод пасайиш ҳолатида бўлганда мамлакатда жами талаб ошса, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, ишсизлик камаяди, баҳо даражаси эса деярли ўзгармайди ёки кам миқдорда ўзгаради. Баҳо ўзгармаслигининг сабаби шундаки катта ҳажмдаги бўш турган меҳнат ва хом ашё ресурсларини шу ўзгармас баҳода ишга тушириш мумкин бўлади. Чунки, ишсиз юрган киши иш ҳақини оширишни талаб қилмайди, унинг учун ишга ёлланишнинг ўзи кифоя ҳамда қўшимча станок сотиб олишга ҳожат йўқ.

Бундан ташқари, баҳо ишчи кучини тўла иш билан бандлигига эришишдан олдин ҳам ошиши мумкин. Яъни, баъзи саноат корхоналарида бўш турган ресурс ва захираларни ишлаб чиқаришга эртароқ тўлиқ жалб қилинади, натижада улар талабнинг ўсишига мос ишлаб чиқаришга, таклифга эриша олмайди. Талаб, таклифдан кўпайиб кетади, натижада баҳо яна оша бошлайди.

Таклиф инфляцияси бу, мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифининг камайиши натижасида товар ва хизматлар баҳоларининг ошишидан пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ортиқча талаб бўлмаса ҳам товарларнинг баҳолари ошиб боради. Ҳатто иш билан бандлик ва ЯИМ ишлаб чиқариш камайган йиллари товарларнинг баҳоси ошади. Жами таклиф қисқаришининг асосий сабаби маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларнинг ўсиши ҳисобланади. Бунда номинал иш ҳақи, хом ашё ва ёкилги нархларининг ошиши натижасида ишлаб чиқариш таннарни ҳам ошади.

Таклиф инфляциясининг келиб чиқишига, шунингдек, таклиф механизмининг бузилиши ҳам таъсир қилади. Таклиф механизми эса тасодифий ҳолда асосий ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг кескин кўпайишидан келиб чиқади. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, таклиф инфляцияси ўз-ўзини чеклайди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши харажатларнинг қўшимча ўсишини чеклайди, чунки ишсизликнинг ўсиши номинал иш ҳақининг аста-секин пасайишига олиб келади. Талаб инфляциясини чеклаш учун эса махсус чора-тадбирлар кўриш зарур бўлади. Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми қисқариши билан бир вақтда номинал ҳажмининг ортиб бориши каби вазият содир бўлади. Даромадларни ишлаб чиқариш томонидан таъминланмаган ўсиши аҳоли қўлидаги пулнинг таклиф қилинаётган товар ва хизматлардан ошиқчалигига олиб келади. Бундай ҳол пул бирлигининг харид қувватини пасайтиради, бир миқдордаги пулга жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан аҳоли камроқ маҳсулот сотиб олади, яъни, унинг реал даромади камаёди. Мисол учун, жорий йилда аҳолининг номинал даромадлари 30% га кўпайган, нархлар даражаси 50% га ошган бўлса, унда аҳолининг реал даромадлари 20% га камайган бўлади. Чунки, нархларнинг ўсиши аҳоли пул даромадларининг ўсишидан юқори бўлган (30% - 50% қ- 20%).

Инфляцияни реал даромадлар даражасига таъсири у кутилаётган ёки кутилмаётганига ҳам боғлиқ. **Кутилаётган инфляция** шароитида даромад олувчи инфляциянинг у олаётган даромадга таъсирини камайтириш, яъни реал даромади даражавсини сақлаб қолиш чорасини кўради.

Бу учун Фишер тенгламасидан фойдаланиш мумкин:

$i = r + \pi_{\text{кут.}}$, бу ерда i -номинал фоиз ставкаси; r - реал фоиз ставкаси; $\pi_{\text{кут.}}$ -кутилаётган инфляция даражаси.

Инфляция суръати 10 фоиздан ошганда Фишер тенгламаси қуйидаги кўринишни олади:

$$i - \pi_{\text{кут.}}$$

$$r = \frac{i - \pi_{\text{кут.}}}{1 + \pi_{\text{кут.}}}$$


Кутилмаган инфляция даромадларни дебиторлар ва кредиторлар ўртасида кредиторлар фойдасига қайта тақсимлайди. Шунингдек кутилмаган инфляция даромадларни қайд қилинган даромад олувчилар ва қайд қилинмаган даромад олувчилар ўртасида кейингилари фойдасига қайта тақсимлайди. Талаб ва таклиф инфляциясини қатъий чегаралаш қийин. Баъзида бу икки турдаги инфляция бир-бири билан кўшилиб кетади. Масалан, талаб инфляцияси шароитида ёлланма ишчилар кутилаётган инфляция даражасини эътиборга олиб иш ҳақлари оширилишини меҳнат шартномаларига киритадилар. Бу эса маҳсулот таннархини ошириб таклиф инфляциясини келтириб чиқаради. Товарлар таклифнинг камайишини кузатаётган иқтисодий агентлар пул маблағларини товарларга айлантиришга шошадилар. Бу ҳолат талаб инфляцияси кўринишини келтириб чиқаради. Бундай кетма-кетлик охир-оқибат гиперинфляцияни келтириб чиқариши мумкин. Гиперинфляция бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёни бўлиб, ишлаб чиқариш ва бандлик даражаларига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Йиллик суръати бир неча ўн ёки юз фоизни ташкил этган инфляция пул тизимининг бошланаётган ёки кучаяётган инқирози белгисидир. Гиперинфляция унинг ҳалокатини, бутун бозор механизми фалажланишини англатади. Гиперинфляциянинг расмий мезони америкалик иқтисодчи Филлипп Кэган томонидан киритилган. Ф. Кэган гиперинфляциянинг бошланиши деб баҳоларнинг биринчи бор 50% дан ошган ойни, тугалланиши деб эса баҳоларнинг ўсиши бу суръатдан пасайган ва шундан сўнг камида бир йил давомида ундан ошмаган ойдан олдингисини ҳисоблаш керак деб таклиф қилган. Гиперинфляция шароитида пул ўзининг қиймат ўлчови ва алмашинув воситаси сингари функцияларини бажаролмай қолади. Нормал иқтисодий муносабатлар бузилади. Маблағлар ишлаб чиқаришга эмас, балки товар-моддий бойликлари жамғаришга йўналтирилади.

3. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик. Филлипс эгри чизиғи.

Иқтисодиёт ўз ривожланишида потенциал даражага яқинлашган шариотда ёки бандлилик даражасини ошириш ёхуд инфляция даражасини пасайтириш каби муқобил вариантлардан бирини танлашга мажбур бўлинади. Чунки қисқа муддатли даврда ишсизлик ва инфляция даражалари ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Ишсизликни пасайтириш иш жойларини яратиш учун қўшимча маблағлар ажратилишини англади. Айни пайтда бу иш ҳақи миқдорининг ошишига ҳам олиб келади. Ҳар иккала ҳолат ҳам баҳолар даражасинининг кўтарилишига олиб келади, яъни талаб инфляцияси рўй беради..

Ишсизлик ва инфляция кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик инглиз иқтисодчиси А.В.Филлипс томонидан аниқланган ва **Филлипс эгри чизиғи** (5 -чизма) деб аталади.

Филлипс эгри чизиғи ишсизлик ва инфляция даражалари ўртасидаги тескари боғлиқликни характерлайди.



5-Чизма. Филлипс эгри чизиғи

Мамлакат иқтисодиётининг хусусиятига кўра, шунингдек, инфляциянинг қайси тури мавжудлигига қараб Филлипс эгри чизиғидаги инфляция ва ишсизлик даражаларининг комбинацияси фарқ қилиши мумкин. Бундай танлов кутилаётган инфляциянинг суръатига боғлиқ. Кутилаётган инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса ишсизликнинг ҳар қандай даражасида (суръати паст бўлган инфляция даражасига нисбатан) ҳақиқий инфляция даражаси юқори бўлади. Ишсизлик даражаси ва инфляция суръатининг мақбул миқдорлари қуйидаги формула кўринишида тасвирланиши мумкин:

$$\pi = \pi_{\text{кут}} + f \left(\frac{Y_x - Y_n}{Y_n} \right) + \varepsilon$$

Бу ерда π - инфляциянинг ҳақиқий даражаси; $\pi_{\text{кут}}$ - инфляциянинг кутилаётган даражаси;

$$f \left(\frac{Y_x - Y_n}{Y_n} \right) + \varepsilon - \text{талаб инфляцияси;}$$

f - Филлипс эгри чизиғининг оғиш бурчагини белгиловчи эмпирик коэффициент;

ε - ташқи баҳо шоки (таклиф инфляцияси).

Оукен қонунига кўра ЯИМнинг узилиши, яъни $(Y_x - Y_n) / Y_n$ миқдор даврий ишсизликнинг ўзгаришига боғлиқлиги сабабли қисқа муддатли Филлипс эгри чизиғини тенгламасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\pi = \pi_{\text{кут}} - \beta [u - u^*] + \varepsilon$$

Келтирилган тенгламадан кўриниб турибдики, ҳақиқий инфляция даражаси миқдори кутилаётган инфляция даражасига ҳамда ташқи баҳо шоклари даражаси билан тўғри боғлиқликка, даврий ишсизлик даражаси билан эса тескари боғлиқликка эга экан.

Ҳукумат Филлипс эгри чизигига асосланиб, қисқа давр учун, иқтисодий сиёсат мақсадларидан келиб чиқиб ишсизлик ва инфляция даражаларининг исталган комбинациясини танлаши мумкин.

4. Аксилинфляция сиёсати ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида уни амалга ошириш хусусиятлари.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги чора тадбирларнинг муҳим қисми аксилинфляция сиёсатидир.

Аксилинфляция сиёсати-баҳолар умумий даражасини барқарорлаштириш, инфляцион кескинликни юмшатишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Аксилинфляция сиёсати инфляцияни юзага келтирган сабабларни тугатишга қаратилган фаол ва инфляция шароитларига мослашишга қаратилган пассив кўринишда бўлиши мумкин.

Аксилинфляция сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ялпи талабни тартибга солиш;
- ялпи таклифни тартибга солиш.

Кейнсчи иқтисодчилар биринчи йўналиш тарафдорлари бўлиб, улар давлат буюртмаси ва арзон кредит ҳисобига самарали талабни шакллантириш асосида ялпи таклиф даражасини кўтариш мумкин деб ҳисоблашади. Ҳукуматнинг бу тадбирлар иқтисодий пасайишни қисқартиради ва ишсизликни камайтиради.

Аммо бундай аксилинфляция сиёсати давлат бюджети тақчиллигини юзага келтиради ва қўшимча пул эмиссиясига эҳтиёж туғдиради. Кейнс давлат бюджети тақчиллигини давлат томонидан олинadиган узоқ муддатли қарзлар ҳисобига қоплашни таклиф этган.

“Аксилинфляция сиёсатининг монетарстик йўналиши тарафдорлари кейинчалик, кейнсчиларнинг инфляцияга қарши кураш бўйича таклифлари доимо самара беравермагач ва камчиликлари юзага чиқиб қолгач юзага келди. Жумладан, бир қатор мамлакатларда давлат қарзи ҳаддан ошиб кетди. Бундай шароитда монетаристлар радикал аксилинфляция усуллари таклиф этишди. Улар ялпи талабни конфискация типидagi пул ислоҳоти ўтказиш ҳисобига чеклаш ва бюджет тақчиллигини ижтимоий дастурларни қисқартириш камайтиришни таклиф этишди”^{*}.

Монетаристлар инфляция айнан пул билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги сабабли шок терапияси пул массасининг ўсиш суръатларини кескин қисқартиради ва инфляция суръатларини туширади деб ҳисоблашади. Аммо бунда ишлаб чиқариш кескин пасайиши ва бандлилик қисқариши мумкин.

Конфискация типидagi шок терапияси кўринишларидан бири бўлиб даромадларнинг ва баҳоларнинг номинал даражаларини ўзгартирмаган ҳолда эски пулларни белгиланган нисбатда янгисига алиштириштириш ҳисобланади.

Бундай тадбирлар аҳоли томонидан охир қабул қилиниши сабабли, у қисқа муддатда самара бериши зарур.

Монетаристлар томонидан таклиф қилинаётган аксилинфляция сиёсатининг яна бир кўриниши - инфляция суръатларини аста секинлик билан пасайтириб бориш (градуаллаш) усулидир. Бу усулда инфляция суръатлари пул массасини кўп мароталаба, лекин оз оздан камайтириш орқали пул массасининг ўсиш суръатини пасайтиришни кўзда тутлади. Градуаллаш усули инфляцияни аста секинлик билан пасайтира бориб иқтисодиётда чуқур пасайишни олдини олиш имконини беради.

^{*} Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.-М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. с. 214.

Градуаллаш усулини қўллаш пул массаси ва баҳолар даражасининг йиллик ўсиш суръати 20-30 фоиздан ошмаганда муваффақиятли бўлади, деб ҳисобланади.

Аксилинфляция сиёсатининг монетар усулларга муқобил бўлган вариантларидан бири баҳолар ва даромадларни тартибга солиш сиёсатидир. Бу усул даромадларнинг ўсиши ва баҳоларнинг ўсиши ни мувофиқлаштиришни (адаптив сиёсат) кўзда тутди.

Даромадлар ва баҳоларни тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш ҳукумат томонидан баҳолар (нархлар) ва даромадлар даражаларини музлатиб қўйиш, пул кўринишидаги иш ҳақининг ўсишини ўртача меҳнат унумдорлигининг ўсишига боғлаб қўйиш орқали амалга оширилади.

“Солиқлар таркибини ўзгартириш, ялпи солиқ тушумларидаги тўғридан-тўғри солиқларнинг улушини камайтириш, билвосита солиқлар улушини кўпайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, уларнинг рағбатлантириш функцияларини кучайтириш, давлат бюджети харажатларини пасайтириш кабилар ҳам инфляцияга қарши кураш тадбирлари ҳисобланади”^{*}.

Аксилинфляция сиёсатининг у ёки бу турини танлаш инфляция жараёнларининг хусусиятига боғлиқ.

Инфляциянинг юқори суръатларини олдини олиш учун ҳукумат қуйидагиларни таъминлаши керак:

- самарали солиқ тизимини ва давлат харажатлари нинг баақарорлигини;
- пул массаси ва миллий даромаднинг бир маромдаги ўсиш суръатларини;
- “инфляцияни импорт қилиш” га йўл қўймаслик.

Ҳар қандай инфляциянинг негизида асосий иқтисодий мувозанатларнинг бузилиши ётади. Шу сабабли инфляцияга қарши кураш — уни шунчаки бостириш эмас, балки иқтисодиётда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишга қаратилган бақувват таркибий сиёсатини амалга оширишдир. Бир қатор чет мамла-катларнинг инфляцияга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатадики, улар инфляция билан иқтисодиёт таркибий

тузилишининг бузилиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, муомала соҳасини қатъий бошқариш ва тўловга қобилиятли ортиқча умумий талабни бартараф этиш билангина чекланмадилар. Муайян мақсадларга қаратилган йирик инвестиция дастурларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Бу дастурлар ана шу номутаносибликни тугатиш ва, бинобарин, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш имконини берди.

Кейинги йилларда жаҳон бозорида нархлар даражасининг кескин ошиб боаётганлиги аксилинфляция сиёсатини янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўртача икки баробарга ошди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошди. Нефть нархи рекорд даражада, яъни бир баррели 147 доллардан ортди.

Жаҳон молиявий -иқтисодий инқирози шароитида инфляцияга қарши чора тадбирларни кескин амалга ошириш зарурати янада кучайди.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, жумладан ишлаб чиқаришни модернизация ва техник қайта қурулантиришни изчил давом эттириш, энергетика тизимини модернизация қилиш, асосий саноат тармоқларида маҳсулот таннархини 20 фоизга қисқартириш, коммунал хизматлар баҳолари ўсишини чеклаш механизминини шакллантириш, банк тизимини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ҳ.к.лар инфляция суръатларини чеклаш имконини беради.

Қисқача хулосалар

Инфляция маълум давр мобайнида мамлакатда баҳолар ўртача (умумий) даражасининг барқарор ўсиши ва пулнинг харид қобилиятини узоқ муддатли пасайишини

^{*} Киселёва Е.А. Макроэкономика. /Экспресс курс:учебное пособие– М.:КНОРУС, 2007, с. 62.

англатади. Инфляциянинг иқтисодий таъсири нормал иқтисодий муносабатларни издан чиқаришида намоён бўлади.

Инфляция даражаси баҳо индекслари воситасида ўлчанади.

Келиб чиқиш сабабларига кўра талаб инфляцияси ва таклиф инфляцияси ўзаро фарқланади. Инфляциянинг бу икки тури кўпинча аралаш ҳолда юзага келади. Кутилмаган инфляция даромадларни дебиторлар ва кредиторлар, аҳолининг турли қатламлари ҳамда давлат ва аҳоли ўртасида қайта тақсимлайди.

Ишсизлик ва инфляция суръатлари ўртасидаги тескари боғлиқлик Филлипс эгри чизигида акс этади.

Ҳукумат Филлипс эгри чизигига асосланиб қисқа давр учун ишсизлик ва инфляция даражаларининг исталган комбинациясини танлаши мумкин. Аксилинфляция сиёсати-баҳолар умумий даражасини барқарорлаштириш, инфляцион кескинликни юмшатишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат. Аксилинфляция сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ялпи талабни тартибга солиш;
- ялпи таклифни тартибга солиш.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш инфляция суръатларини чеклаш имконини беради.

Назарот ва муҳокама учун саволлар

1. Инфляциянинг моҳияти фақатгина муомаладаги пул массасининг ортиқчалиги билан изоҳланиши тўғрими?
2. Инфляцияни тушунтириб беришга кейнчиларнинг ва неоклассикларнинг ёндошувлари қандай фарқ қилади?
3. Инфляциянинг ижтимоий – иқтисодий оқибатлари қандай?
4. Талаб инфляцияси қандай содир бўлади?
5. Таклиф инфляциясига изоҳ беринг?
6. Филлипс эгри чизиги қайси кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади? Бу боғлиқлик қандай тавсифланади?
7. Аксилинфляция сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг.
8. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида инфляцияга қарши кураш сиёсатининг хусусиятлари нимада?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодийёт, 2009., 53-66, 83-95 б.б.
4. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 100-124 с.с.
5. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 93-121 с.с.
6. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 213-245 с.с.
7. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 307-339 с.с.
8. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ,-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 443-478 с.с.
9. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 553-594 с.с.

10. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 195-239 с.с.
11. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 161-184 с.с.
12. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика:Учебник.- 6-е изд. , испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 193-215, 293-340 с.с.
13. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 49-73 с.с.
14. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 32-42b.b.
15. Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 30-43 б.б.

5-Мавзу. Ялпи талаб-ялпи таклиф модели

Режа

1. Ялпи талаб-ялпи таклиф моделига умумий тавсиф. Ялпи талаб тушунчаси ва графиги.
2. Ялпи талабнинг баҳо ва баҳодан бошқа омиллари.
3. Ялпи таклиф графиги ва омиллари.
4. AD-AS моделида макроиктисодий мувозанат. Макроиктисодий мувозанат бузилишининг жаҳон молиявий-иктисодий инқирози юзага келишига таъсири.

1. Ялпи талаб-ялпи таклиф моделига умумий тавсиф. Ялпи талаб тушунчаси ва графиги.

Ҳар қандай бозорда вазият талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга боғлиқ бўлиб, улар ҳажмларининг ўзгариши баҳоларнинг ўзгаришини келтириб чиқаради. Баҳоларнинг ўзгариши эса талаб ва таклиф ҳажмларига таъсир кўрсатади. Бундай ўзаро боғлиқлик умумлаштирилган ҳолда кўриб чиқиладиган миллий бозорга ҳам таълуқлидир.

Алоҳида товарлар ва хизматлар бозоридаги бундай боғлиқлик талаб ва таклиф модели ёрдамида тадқиқ қилинишини яхши биламиз. Аммо макрокўламда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бирга баҳолар умумий даражасининг ўзгариши ўртасида боғлиқликни тадқиқ қилиш, нима учун миллий ишлаб чиқариш ҳажми айрим даврларда барқарор ўсиши, баъзи даврларда эса пасайиб кетишни изоҳлаб бериш учун бу моделлардан фойдаланиб бўлмайди.

Бу вазифани бажариш учун ялпи талаб - ялпи таклиф (AD-AS aggregate demand-aggregate supply) моделидан фойдаланамиз.

Бу моделда ялпи таклиф, баҳоларнинг умумий даражаси каби агрегат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Макроиктисодиётда AD-AS модели ишлаб чиқариш ҳажмлари ва баҳолар даражаларининг тебранишларини ҳамда улар ўзгаришининг оқибатларини ўрганиш учун базавий модел бўлиб ҳисобланади. AD-AS модели ёрдамида давлат иқтисодий сиёсатининг турли вариантлари тасвирлаб берилиши мумкин.

Ялпи талаб – уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва чет эллик харидорларнинг баҳоларнинг маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талабидир.

Ёки бошқача қилиб айтганда ялпи талаб иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилинган умумий харажатлар йиғиндисидир. Формула кўринишида ялпи талабни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$AD = C + I + G + X_n.$$

Баҳолар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ ялпи талаб эгри чизиғи деб аталади. Буни чизма кўринишида тасвирлаш мумкин (9-чизма).

9-чизмадан кўриниб турибдики, ялпи талаб эгри чизиғи доимо пастга ва ўнгга сурилади.



9-чизма. Ялпи талаб эгри чизиғи

Бундай сурилишнинг сабаби ҳар хил. Маълумки, алоҳида олинган товарлар бозорида талаб эгри чизиғининг сурилишига асосан даромад самараси ва ўринбосар товарлар сабаб бўлади. Айрим товарларнинг баҳоси пасайганда, истеъмолчиларнинг пул даромадлари кўпроқ маҳсулот сотиб олиш имконини беради (даромад самараси). Шунингдек, баҳо пасайганда истеъмолчи ушбу товарни кўпроқ бошқа сотиб олади, чунки у бошқа товарларга нисбатан арзонроқ бўлади (ўрнини босадиган товарлар).

Миллий бозорда AD-эгри чизиғининг траекториясини, яъни унинг қуйига эгилганлигини, аввало пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси ёрдамида изоҳлаш мумкин:

$$M V = Y P$$

Бу ерда: M – муомаладаги пул миқдори; V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – иқтисодийётдаги баҳолар даражаси (баҳолар индекси); Y – талаб қилинаётган реал ишлаб чиқариш ҳажми.

Бу тенгламадан:

$$P = M V / Y \quad \text{ва} \quad Y = M V / P$$

тенгламаларни келтириб чиқарамиз. Бу тенгламалардан кўринадики, баҳолар даражаси қанча ошса, реал ЯИМ ҳажмига талаб шунча паст бўлади, яъни пул массаси (M) ва унинг айланиш тезлиги (V) ўзгармас бўлса баҳолар даражаси ва ялпи талаб ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд бўлади.

2. Ялпи талабнинг баҳо ва баҳодан бошқа омиллари.

Баҳолар даражаси ва ялпи талаб ўртасидаги тесқари боғлиқликни, шунингдек қуйидаги баҳо омиллари билан изоҳланади:

1. Фоиз ставкаси самараси;
2. Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари самараси;
3. Импорт харидлар самараси.

Фоиз ставкаси самараси шуни билдирадики, ялпи талабнинг эгри чизиқ бўйича сурилиши нархлар даражаси ўзгаришининг фоиз ставкасига бўлган таъсирга боғлиқ.

Демак, товарларнинг баҳо даражалари ошса, истеъмолчиларга харид қилиш учун катта миқдорда нақд пул керак бўлади. Ишибилармонлар учун ҳам иш ҳақи ва бошқа харажатларни тўлашга катта миқдорда пул зарур бўлади. Қисқача айтганда, товарлар баҳоси даражаларининг юқорилиги пулга бўлган талабни оширади.

Пул таклифи ҳажми ўзгармаган ҳолатда талабнинг ошиши фоиз ставкасини кўрсатилишига олиб келади. Фоиз ставкалари юқори бўлган шароитда ишибилармонларнинг инвестиция товарларига бўлган талаби пасаяди.

Инвестиция харажатлари ялпи талабнинг бир қисми бўлганлиги туфайли бу ялпи талаб ҳажмининг пасайишига олиб келади.

$$P \uparrow \rightarrow M_D \uparrow (M_S \text{ const}) \rightarrow R \uparrow \rightarrow I \downarrow \rightarrow AD \downarrow$$

Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари самараси шуни билдирадики, нархлар даржасининг ошиши, жамғарилган молиявий активлари (омонатлар, облигациялар) реал харид қобилиятини пасайтириб юборади. Бундай шароитда аҳоли молиявий активларнинг реал қийматини тиклаш учун жорий даромадидан истеъмол харажатлар миқдорини қисқартиради. Масалан, муайян шахс активида 10 млн. сўм бўлса, ундан ҳеч иккиланмасдан бирорта автомашина сотиб олиши, агарда инфляция таъсирида машина нархи 12 млн. сўмга кўтарилса, у машина сотиб ололмаслиги мумкин ва яна 2 млн. сўм тўплаш учун жорий даврда олган ихтиёридаги даромадидан кўпроқ қисмини жамғаради.

Истеъмол харажати ялпи талабнинг бир қисми бўлганлиги туфайли унинг камайиши АДнинг пасайишига олиб келади.

Молиявий

$P \uparrow \rightarrow \text{активларнинг} \downarrow \rightarrow \{ C \downarrow (S \uparrow) \rightarrow AD \downarrow$
реал қиймати

Импорт харидлар самараси шуни билдирадики, бирор мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари ташқи нархларга нисбатан ошиб борса, шу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга талаб камаяди ва ўз навбатида шу мамлакатда импорт маҳсулотларга бўлган талаб ошади. Ва, аксинча, ички нархларнинг пасайиши импортнинг камайишига ва экспортнинг ошишига ёки ЯИМга талаб ошишига олиб келади. Бу эса соф экспорт ҳажми орқали ялпи талаб ҳажмига таъсир кўрсатади.

$P \uparrow \rightarrow \{ X \downarrow (M \uparrow) \rightarrow X_n \downarrow \rightarrow AD \downarrow$

Юқорида кўриб ўтилган омиллар ялпи талабнинг баҳо омиллари деб аталади. Бундан ташқари ялпи талабнинг баҳога боғлиқ бўлмаган омиллари ҳам мавжуд. Бу омиллардаги ўзгаришлар ялпи талабнинг миқдориди ўз аксини топади ва унинг эгри чизигини чапга ёки ўнгга силжитади (9-чизма). Ялпи талабнинг баҳога боғлиқ бўлмаган омилларига қуйидагиларни киритамиз:

1. Истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар:
 - а) истеъмолчиларнинг реал моддий активлари миқдорининг ўзгариши;
 - б) истеъмолчилар кутиши; в) истеъмолчиларнинг қарзлари миқдорининг ўзгариши; г) истеъмолчилар даромадларидан олинадиган солиқлар миқдорининг ўзгариши.
2. Инвестиция харажатларидаги ўзгаришлар:
 - а) фоиз ставкасидаги ўзгаришлар; б) инвестициялардан кутилаётган фойда нормасининг ўзгариши; в) корхоналардан олинадиган солиқлар миқдорининг ўзгариши; г) янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жалб қилиниши; д) захирадаги қувватлар ўзгариши.
3. Давлат харажатларининг ўзгариши. Масалан, ҳарбий харажатлар ва янги касалхона ва бошқа муассасалар қуришига қарор қилинганда.
4. Соф экспорт ҳажмидаги ўзгаришлар.
 - а) бошқа мамлакатлар миллий даромадларининг ўзгариши.
 - б) валюта курсларидаги ўзгаришлар.

Пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси юқоридагилардан ташқари ялпи талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган яна икки омилини беради. Булар: пул таклифи (М) ва пулнинг айланиш тезлиги (V) дир.

Ялпи талабнинг баҳога боғлиқ бўлмаган омиллари таъсирида АД эгри чизиги ўнгга ёки чапга силжийди (9-чизма). Натижада маълум баҳо даражасига мос келувчи талаб қилинаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаради.

Пул таклифининг, пулнинг айланиш тезлигининг ошиши, бошқа давлатлар миллий даромадининг ошиши, миллий валюта курсининг маълум миқдорда пасайиши (булар экспортнинг ортиши, импортнинг пасайишига олиб келиши туфайли) оқибатида соф экспортнинг пасайиши ва ялпи харажатлар турли компонентларининг ошиши АД эгри чизигининг ўнгга силжишига олиб келади. Бунга аксинча бўлган ҳолатларда АД эгри чизиги чапга силжийди.


3. Ялпи таклиф графиги ва омиллари.

Ялпи таклиф деганда муайян баҳолар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажми тушунилади. Ялпи таклиф тушунчаси кўпинча ялпи ички маҳсулот синоними сифатида қўлланилади.

Баҳоларнинг юқори даражаси ишлаб чиқарувчиларга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбат яратади ва аксинча паст баҳолар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришга олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажми билан баҳолар даражаси ўртасида тўғри алоқа мавжуд. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми баҳолар ўсиб бориши билан ўсиб, пасайиши билан тушиб боради. Ялпи таклиф (AS) эгри чизиғи алоҳида товар таклифи эгри чизиғидан фарқ қилиб уч қисмдан, горизонтал ёки кейнс кесмаси, кўтарилиб борувчи ёки оралиқ кесма ҳамда вертикал ёки классик кесмадан иборат (10-чизма). Бундай ҳолат ялпи таклифни таҳлил қилишга классик ва кейнсчиларга хос ёндашув билан изоҳланади. Иқтисодий адабиётларда кўпинча оралиқ кесма ҳам кейнс кесмасига киритиб юборилади.

Ялпи таклифнинг кейнс кесмасида миллий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми унинг потенциал ҳажмидан, яъни тўлиқ бандлик шароитида эришиши мумкин бўлган ҳажмидан камдир. Демак бу кесма иқтисодиёт пасайиш босқичида бўлган ва катта миқдордаги ресурслардан фойдаланилмаган шароитни кўрсатади. Фойдаланилмаётган ушбу ресурсларни эса баҳолар даражасига таъсир кўрсатмаган ҳолда ишга тушириш мумкин. Бу кесмада миллий ишлаб чиқариш ҳажми ошиши баҳолар даражаси ўзгармай қолган шароитда рўй беради.

Ялпи таклиф эгри чизиғининг **Кейнс кесмаси**да иқтисодиётни нисбатан қисқа муддатда амал қилишини характерлайди. Бу кесмада ялпи таклифни таҳлил қилиш қуйидаги шартларга таянади:



10-чизма. Ялпи таклиф эгри чизиғи.

- иқтисодиёт ишлаб чиқариш омиллари тўлиқ банд бўлмаган шароитда амал қилади;
- баҳолар, номинал иш ҳақи қайд этилган, бозор тебранишларидан жуда кам таъсирланади;
- реал миқдорлар (ишлаб чиқариш, бандлилик, реал иш) ҳақи ҳаракатчан ва бозор тебранишларидан тез таъсирланади.

Вертикал ёки классик кесмада иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитига ёки ишсизликнинг табиий даражаси шароитига эришган вазиятни кўрамыз. Иқтисодиёт эгри чизиғининг бу кесмасида ўзининг ишлаб чиқариш потенциали даражасида бўлади. Бу шуни билдирадики, баҳоларнинг ҳар қандай ошиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига

олиб келмайди. Чунки, иқтисодиёт тўлиқ қувватда фаолият кўрсатаётти. Тўлиқ бандлик шароитида айрим фирмалар бошқа фирмаларга нисбатан ресурсларга юқорироқ баҳоларни таклиф этиши орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қилади. Аммо, бундай ҳолатда айрим фирмаларнинг ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши, бошқалари учун йўқотишга олиб келади. Натижада бу маҳсулотлар баҳоси ошиши мумкин, лекин ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ўзгармай қолади.

Классик назарияда ялпи таклифни таҳлил қилиш қуйидаги шартларга таянади:

-ишлаб чиқариш ҳажми фақатгина ишлаб чиқариш омилари ҳажмига ва технологияларга боғлиқ ва баҳолар даоажасига боғлиқ эмас;

-ишлаб чиқариш омиллари ва технологияларда ўзгариш секинлик билан рўй беради;

-иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитида амал қилади, яъни ишлаб чиқариш ҳажми потенциал даражага тенг;

-баҳолар ва номинал иш ҳақи ўзгарувчан, уларнинг ўзгариши бозорларда мувозанатни таъминлаб туради.


Оралик кесма – ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсиши нархлар даражасининг ўсишига мос равишда ўсиб боради. Нима учун? Чунки, иқтисодиётнинг пасайиш ҳолатидан тўлиқ бандликка ўтиши нотекс ва турли вазиятларда рўй беради. Масалан, айрим тармоқларда ресурсларнинг етишмаслигига дуч келинса, бошқа тармоқларда ҳозирча ортиқча ресурслар мавжуд бўлади. Шунингдек, улар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун янги асосий воситалар сотиб олиш ва малакасиз мутахассислардан фойдаланишига тўғри келади. Бу эса маҳсулотлар бирлигига кетадиган харажатларнинг ошишига ва натижада баҳолар даражасининг ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши ёки камайиши баҳога боғлиқ бўлмаган омилар ҳисобига ҳам рўй бериши, бу омилар эса ялпи таклиф эгри чизигини ўнг ёки чап томонга силжйтиши мумкин. Баҳога боғлиқ бўлмаган омиларнинг хусусияти шундаки, улар маҳсулот бирлигига кетган харажатларга бевосита таъсир қилади ва шу орқали жами таклиф эгри чизигининг силжишига сабаб бўлади.

Бу омиларга технологиялардаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши, ресурслар баҳоларининг ўзгариши, фирмаларни солиққа тортишдаги ўзгаришлар бошқалар киради..

4. AD-AS моделида макроиқтисодий мувозанат. Макроиқтисодий мувозанат бузилишининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi юзага келишига таъсири.

AD ва AS эгри чизикларининг куесишиш нуқтаси ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми ва баҳоларнинг мувозанатли даражасини белгилайди. Баҳоларнинг мувозанатли даражаси деганда баҳоларнинг шундай даражаси тушуниладики, унда жами талаб ва таклиф бир-бирига мос келиши ёки тенг бўлиши керак. Модделда макроиқтисодий мувозанатга эришиш механизмини дастлаб оралик кесмада кўриб чиқамиз (11-чизма). Дастлаб мувозанат е нуқтасида ўрнатилган. Баҳоларнинг мувозанатли даражаси ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатли ҳажмлари мос равишда P_e ва Y_e лар билан белгиланган. Нима учун P_e нархларнинг мувозанатли даражасини ва Y_e эса ялпи ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажминини билдиришини кўрсатишимиз учун баҳоларнинг мувозанатли даражаси P_e эмас, балки P_1 деб ҳисоблаймиз.




11-чизма. Ялпи таклиф эгри чизиғининг оралиқ кесмасидаги мувозанат

Баҳолар даражаси P_1 бўлган вазиятда ишлаб чиқарувчилар ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 миқдоридан оширмайди.

Истеъмолчилар баҳолар даражаси P_1 бўлганда маҳсулотларни Y_2 даражада сотиб олишга тайёр туради. $AD > AS$ бўлганлиги туфайли истеъмолчилар

ўртасидаги рақобат баҳолар даражасини P_e гача суради. Баҳолар даражасининг P_1 дан P_e гача кўтарилиши ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 дан Y_e гача оширишга ва истеъмолчилар талабини Y_2 дан Y_e гача камайишга олиб келади. Натижада AD ва AS эгри чизиклари e нуқтада кесишади. Демак, айнан P_e баҳо баҳоларнинг мувозанатли даражаси ва e мувозанат нуқтасидир.

12-чизмада ялпи талаб эгри чизиғи ялпи таклиф эгри чизиғини билан кейнс кесмаси кесишадиган вазият тасвирланган. Бундай вазиятда макроиқтисодий мувозанат нуқтаси баҳолар даражаси бир хил турганда ҳам ўзгаради. Буни тушуниш учун аввало ялпи ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини Y_e ва мувозанатли баҳолар даражасини P_e билан белгилаймиз.




12-чизма. Ялпи таклиф эгри чизиғининг кейнс кесмасидаги мувозанати

Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми айнан Y_e эканлигини исботлаш учун бу ҳажми Y_1 деб ҳисоблаймиз. У ҳолда $AD < AS$, оқибатида сотилмай қолган товарлар ва хизматлар ҳажмининг ортиши ишлаб чиқаришни Y_e даражага пасайтирилишига олиб келади.

Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажмини Y_2 деб ҳисобласак, аксинча, $AS < AD$, оқибатда корхоналарда товар заҳиралари камайиб уларни ишлаб чиқаришни Y_e даражага оширишга ундайди. Шундай қилиб айнан ялпи таклиф ва ялпи талаб эгри чизикларининг кесишиш нуқтасигина AD - AS моделда мувозанат нуқтаси дейилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ялпи таклиф эгри чизиғининг кейнс кесмасида ялпи талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайишига олиб келади, баҳолар даражаси эса ўзгармайди.

Ялпи талаб эгри чизиғини AS эгри чизиғининг вертикал кесмасида ўзгарса бу ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатмайди ва фақат баҳолар даражаси ўзгаради, холос. Яъни, бу кесмада талабнинг ошиши талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Ялпи таклифнинг бу кесмасида талабнинг ҳар қандай ўзгариши фақат баҳолар даражаси ўзгаришга олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса тўлиқ бандлик шароитида ўзгармай қолади.



13-чизма. Ялпи таклиф ўзгаришининг AD-AS моделидаги мувозанатга таъсири.

Оралиқ ва вертикал кесмаларда баҳолар ўсиб бориши билан кузатилган ялпи талабнинг кўпайиши талаб инфляцияси мавжудлигини кўрсатади.

Ялпи таклиф ўзгаришининг баҳоларнинг ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражаларига таъсирини 13-чизма мисолида кўриб чиқамиз. Баҳодан бошқа омиллар таъсирида ялпи таклифнинг AS_1 дан AS_2 га силжиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми Y_1 дан Y_2 гача камаяди, баҳолар даражаси эса P_1 дан P_2 гача кўтарилади, яъни стагфляция рўй беради.

Бошқа бир вазиятда, масалан, нархларга боғлиқ бўлмаган омиллардан бирортаси ўзгариб, ялпи таклифнинг ўзгаришига олиб келсин. Яъни, ернинг баҳоси пасайса, корхоналардан олинадиган солиқлар камайса ва натижасида маҳсулот бирлигига кетган сарф-харажатлар қисқарса, унда ялпи таклиф эгри чизиғи AS_1 дан AS_3 ҳолатга силжийди. Бунда нархлар мувозанат даражаси P_1 дан P_3 га қадар пасаяди ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Y_1 дан Y_3 қадар ошади, яъни, иқтисодий ўсиш ҳолати рўй беради.

Ялпи таклиф ва ялпи талаб ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши макроиқтисодий беқарорликни келтириб чиқаради. Жумладан “жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишнинг заифлашуви, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди”⁶.

Натижада муомаладаги пул массаси (ялпи талаб) товарлар ва хизматлар ҳажми ўртасида мувозанат бузилди, ва молиявий инқироз иқтисодий инқирозга айланди.

Шу сабабли ҳам макроиқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир. Бунда ялпи талаб ва ялпи

⁶ Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. , 14- б.

таклифнинг динамик мувозанатига эришиш учун ялпи талабни рағбатлантириш ўки чеклаш сиёсати, шунингдек ялпи таклифни рағбатлантириш сиёсати қўлланилади.

Ялпи талабни рағбатлантириш сиёсатининг кўринишларига даромадларни ўстириш, солиқларни камайитириш, банк кредитларини арзонлаштириш, нархларни чеклаш тадбирлари кирса, ялпи таклифни рағбатлантириш сиёсатида инвестицияларни рағбатлантириш, ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини пасайитириш, экспортчиларни қўллаб қувватлаш ва ҳ.к. чоралар киради.

Қисқача хулосалар

AD-AS модели умумий макроиктисодий мувозанат модели бўлиб миллий бозорни қисқа ва узоқ муддатга таҳлил қилиш имконини беради. AD-AS модели иқтисодий тебранишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос яратади.

Ялпи талаб – уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва чет эллик харидорларнинг баҳоларнинг маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талабидир.

Баҳолар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ ялпи талаб эгри чизиғи деб аталади AD эгри чизиғи траекториясини пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси билан ҳамда баҳо омиллари бўлган фоиз ставкаси самараси, бойлик самараси ва импорт харидлари самараси билан изоҳлаш мумкин. Баҳодан бошқа омиллар таъсирида AD эгри чизиғи ўнгга ўки чапга силжийди.

AS эгри чизиғи кейнс, оралик ва классик кесмаларни ўз ичига олади. Узоқ муддатли даврларда AS эгри чизиғи вертикал, қисқа муддатга эса горизантал бўлади. Шунинг учун AD даги ўзгаришлар ишлаб чиқариш ҳажми, бандлик ҳамда баҳолар даражасига бу кесмаларда турлича таъсир кўрсатади. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмлари ўзаро мос келган, яъни AD ва AS эгри чизиқлари кесишган нукта макроиктисодий мувозанат нуктаси, унга мос келувчи баҳолар даражаси баҳоларнинг мувозанатли даражаси деб айтилади.

AS эгри чизиғи ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурслар ҳажми кўпайиши ҳамда чнги технологияларнинг киритилиши ҳисобига ўнгга силжийди. Бу ҳолат иқтисодий ўсиш деб аталади. AS эгри чизиғининг чапга силжиши стагфляциядан далолат беради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келиш сабабини ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат бузилиши билан изоҳлаш мумкин.

Назарот ва муҳокама учун саволлар

1. Ялпи талабга ва унинг компонентларини таъриф беринг.
2. Ялпи талаб эгри чизиғи қуйига эгилган траекторияга эга бўлиши сабаби нимада?
3. Ялпи талабнинг бошқа омилларига ва уларнинг AD эгри чизиғига таъсирига изоҳ беринг.
4. Ялпи таклиф эгри чизиғи шакли қайси сабабларга кўра мураккаб кўринишга эга?
5. AD-AS моделидаги макроиктисодий мувозанат ҳолатини ва унинг шартларини тушунтиринг.
6. Ялпи талаб ўзгариши моделдаги мувозанат ҳолатига қандай таъсир кўрсатади?
7. Ялпи таклиф ўзгариши моделдаги мувозанат ҳолатига қандай таъсир кўрсатади?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 61-64, 151-156 б.б.

4. Б.Ю. Ходиев, А.Ш. Бекмуродов, У.В. Гофуров, Б.К. Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 9-66 б.б.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд.-СПб.: Питер, 2010, 27-52 с.с.
6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 75-92 с.с.
7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов, 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 85-124 с.с.
8. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.–СПб.: Питер, 2009, 394-439 с.с.
9. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ., -М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 136-148 с.с.
10. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 429-448 с.с.
11. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 78-91 с.с.
12. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г. Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. и доп.-М.: КНОРУС, 2008, 64-82 с.с.
13. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.: Издательство «Дело и сервис», 2005. 74-97 с.с.
14. Ishmuhammedov A.E., Djumayev Z.A., Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, 36-42 b.b
15. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 59-71 б.б.

6-Мавзу: Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари (2 соат)

1. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари ва функциялари.
2. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ҳамда чегараланган мойиллик.
3. Инвестицияларнинг моҳияти, графиги ва функцияси.
4. Инвестициялар динамикасини белгиловчи фоииз ставкасидан бошқа омиллар. Акселератор модели.

1. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари ва функциялари.

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (бундан буён истеъмол деб юритилади), ялпи талаб, ёки ЯИМнинг якуний истеъмолга кўра таркибида энг катта улушга эга бўлган компонентдир. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотларига кўра республикамізда бу улуш 51,7 %ни ташкил этган. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда истеъмол харажатлари шахсий тасарруфдаги даромаднинг 90 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади. Шу туфайли ҳам истеъмол харажатларига таъсир этувчи омилларни, унинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромаднинг истеъмол қилинмасдан қолган қисми уларнинг жамғармаларини ташкил этади. Классик мактаб вакиллари жамғариш ҳажми фоз ставкасининг функцияси де қарашса Ж.М. Кейнс уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари ва жамғаришлари ҳажмини белгиловчи асосий омил уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этишдан олинган даромадлари деб ҳисоблайди. Янада аниқлик киритсак истеъмол ва жамғариш ҳажмини белгиловчи асосий омил уй хўжаликларининг ишлаб топган даромадлари, олган трансферт тўловлари ва тўлаган соликлари билан белгиланадиган тасарруфидаги даромади (DI – disposable income, ёки Yd) кўрсаткичидир. Макроиктисодий назарияда истеъмол ва жамғармалар, миллий даромад ёки шахсий даромадларнинг функцияси сифатида ҳам тадқиқ қилинади.

Маълумки, уй хўжалиги тасарруфидаги даромад истеъмол ва жамғариш учун ишлатилади. Яъни, қанча кўп истеъмол қилинса, шунча кам жамғарилади ва аксинча. Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар хил даромадга эга бўлган шахсларда бир хил эмас: кам даромадга эга бўлганлар, одатда, унинг кўпроқ қисмини истеъмол қилиб, камроқ қисмини жамғаради, лекин даромадлари ошиб бориши билан бу нисбат жамғариш фойдасига ўсади. Бу боғлиқликни гипотетик маълумотлар асосида кўриб чиқамиз (4-жадвал).


Тасарруфидаги даромад ҳажми 370 шартли бирликка (ш.к.) тенг бўлганда уй хўжаликлари истеъмоли 375 ш.б.ка тенг, яъни тасарруфидаги даромаддан 5 ш.б.ка кўп бўлади. Яъни уй хўжаликлари 5 ш.б.ка тенг миқдорда қарз

4-жадвал

Даромад, истеъмол ва жамғариш кўрсаткичлари

Йиллар	Тасарруфдаги даромад (Y_d)	Истеъмол (C)	Жамғариш (S)
1	370	375	-5
2	390	390	0
3	410	405	5
4	430	420	20
5	450	435	15
6	470	450	20
7	490	465	25

ҳисобига ёки ўтган йилларда тўпланган жамғармалар ҳисобига истеъмол харажатлари қиладилар.




6-чизма. Истеъмол графиги

Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромадлар 390 ш.б.ка тенг бўлганда, унинг миқдори истеъмол миқдори билан тенглашади. Бу миқдор бўсағавий даромад деб юритилади. 6-жадвал маълумотлари асосида истеъмол графигини чизамиз.

Истеъмол графиги икки тўғри чизик кўринишида берилган. Биссектриса кўринишидаги $Y_d = C$ тўғри чизигининг ҳар бир нуқтасида истеъмол ва тасарруфидаги даромад ҳажмлари тенг бўлади. Ҳақиқий истеъмол (C) графиги ҳақиқий истеъмол ва даромад тенг бўлган нуқтада (α) биссектриса билан кесишади. Бўсағавий нуқтадан қуйида ҳақиқий истеъмол даромаддан ошиқ. Бу вазият инсонларнинг қарз ҳисобига ҳаёт кечиришини билдиради. α – нуқтада юқорида ҳақиқий истеъмол даромаддан кам ҳамда улар

ўртасидаги фарқ жамғаришни ташкил этади. Ҳақиқий истеъмол тўғри чизиғи истеъмол ҳажмини белгиловчи вертикал ўқни **a** нуқтада кесиб ўтади. Бу ҳол уй хўжаликлари умуман даромад олмаганларида ҳам маълум миқдорда истеъмол қилишларини англатади. **a** – нуқта эса автоном истеъмол ҳажмини билдиради.



7-чизма. Жамғариш графиги

Келтирилган маълумотлар асосида жамғариш графигини ҳам кўриб чиқамиз (7-чизма).

Жамғариш графиги даромад билан жамғариш ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Вертикал ўқдаги ҳар бир нуқта жамғарма миқдорини билдиради ва даромад билан унга мувофиқ келадиган истеъмол ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади ($S = Y_d - C$). Бошланғич даромад даражасида жамғариш нолга (0) тенг бўлган ҳолда ихтиёрдаги даромад ҳажми ўсиб бориши билан унинг миқдори ҳам ошиб боради.

Мавзунинг биринчи саволида келтирилган гепотетик маълумотлар ва графикларга таяниб истеъмол функциясини ёзамиз:

$C = a + b Y_d$, бу ерда: **a** – автоном харажатлар; Y_d – тасарруфидаги даромад ($Y_d = Y - T$), бу ерда: **T** – солиқлар;

b – истеъмол ҳажмининг тасарруфидаги даромадга боғлиқлигини ифодаловчи коэффициент, бошқача айтганда истеъмолга чегараланган мойиллик.

$$b = \frac{\Delta C}{\Delta Y_d} \cdot 100$$

Демак, истеъмол ҳажми автоном истеъмолга, тасарруфидаги даромад ҳажмига ва истеъмол ҳажмининг тасарруфидаги даромад ўзгаришига таъсирчанлигига боғлиқ.

Жамғариш графигини ҳам истеъмол графигига ўхшаб алгебраик ифодалаш мумкин, яъни жамғариш функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$S = -a + (1 - b) Y_d$$

Истеъмол ва жамғариш ҳажмига тасарруфидаги даромад динамикасидан ташқари қуйидаги омиллар, тўғрироғи бу омиллардаги ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатади:

1. Уй хўжаликлари даромадлари.
2. Уй хўжаликларида тўпланган мулк ҳажми.
3. Баҳолар даражаси.
4. Иқтисодий кутиш.
5. Истеъмолчилар қарзлари ҳажми.
6. Солиққа тортиш ҳажми.

Дастлабки беш омил таъсирида истеъмол ва жамғариш графиклари ўзаро тескари томонга силжийди. Бу беш омил таъсирида жорий тасарруфидаги даромад таркибида истеъмол ва жамғариш улуши нисбатлари ўзгаради. Солиққа тортиш даражасининг ўзгариши ихтиёрдаги

даромад ҳажмини ўзгартиргани туфайли унинг таъсирида истеъмор ва жамғариш графиклари бир томонга қараб силжийди. Истеъмор функциясини аниқлаш борсидаги тадқиқотлар, унинг ҳажми шунингдек 6) аҳолининг даромадлари ҳажми ва тўплаган мулк қўламига кўра табақаланиши даражаси ҳамда 7) аҳолининг сони ва ёшига кўра таркибига ҳам боғлиқлигини кўрсатди.

2. Истеъмор ва жамғаришга ўртача ҳамда чегараланган мойиллик.

Макроиктисодий таҳлил жараёнида истеъмор ва жамғариш функцияларини янада тўлароқ билиш учун истеъмор ва жамғаришга ўртача мойиллик ва чегараланган мойиллик тушунчаларини моҳиятини англаб олишимиз лозим.

Истеъморга ўртача мойиллик деганда тасарруфидаги даромаддаги истеъмор харажатларининг улуши тушунилади, яъни:

$$APC = \frac{C}{Y_d} \cdot 100$$

бунда: APC – (average propensity to consume) истеъморга ўртача мойиллик.

Тасарруфидаги даромаддаги жамғариш улушини жамғаришга ўртача мойиллик деб аталади, яъни:

$$APS = \frac{S}{Y_d} \cdot 100$$

Бунда: APS (average propensity to saving) – жамғармага ўртача мойиллик.

Мисол учун, тасарруфидаги даромад даражаси 410 ва 530 шартли бирликка ва истеъмор даражалари 405 ва 495 шартли бирликка тенг бўлган ҳолатлар учун истеъморга ўртача мойилликни ҳисоблаймиз, яъни:

$$APC = (405 / 410) \times 100 = 98,78\% \text{ ёки } 0,98;$$

$$APC = (495 / 530) \times 100 = 93,39\% \text{ ёки } 0,93 \text{ га тенг.}$$

Демак, бу мисоллардан кўриниб турибдики, тасарруфидаги даромадлар миқдори кўпайиб бориши билан унинг таркибидаги истеъмор улуши камайиб ва аксинча жамғарма улуши кўпайиб боради. Бу ҳолатни Кейнснинг “асосий психологик қонун”и билан изоҳлаш мумкин. “Мавжудлигига нафақат априор тасаввурларга кўра, бизнинг инсон табиатини билишимиздан келиб чиқиб шунингдек ўтмиш тажрибасини синчиклаб ўрганиш асосида биз тўлиқ ишонишимиз лозим бўлган асосий психологик қонун шундан иборатки кишилар даромадлари ўсиши билан, одатда, ўз истеъмолларини оширишга мойиллар, аммо даромадлари ўсган даражада эмас”^{*}

Солиқлар тўлангандан кейин қолган даромаднинг бир қисми истеъмор қилинади, иккинчи қисми эса жамғарилади, шу туфайли ҳам истеъморга ва жамғаришга ўртача мойиллик йиғиндиси 100% га ёки коэффициент кўринишда 1 га тенг: $APC + APS = 100\%$ ёки 1.

Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромадларининг ўсган қисмини ё истеъмор қилади, ёки жамғаради.

Истеъмордаги ўзгаришларнинг шу ўзгаришни келтириб чиқарган тасарруфидаги даромад ўзгаришдаги улуши истеъморга чегараланган мойиллик дейилади.

$$MPC = \frac{\Delta C}{\Delta Y_d} \cdot 100$$

Бу ерда: MPC (marginal propensity to consume) – истеъморга чегараланган мойиллик.

Юқорида келтирилган 4-жадвал маълумотларига кўра ихтиёрдаги даромад 410 ш.б.дан 430 ш.б.кача ошган ҳолатда MPCни ҳисоблаймиз.

$$\Delta C = 420 - 405 = 15; \quad \Delta Y_d = 430 - 410 = 20;$$

^{*} Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. М., 1978. С.157.

$$MPC = (15/20) 100 = 75\%;$$

Бу шуни билдирадики, даромад 100 % га (ёки бир бирликка) ўзгарганда истеъмол 75 % (ёки 0,75)га ўзгаради.

Жамғаришдаги ўзгаришнинг ихтиёрдаги даромад ўзгаришдаги улуши жамғаришга чегараланган мойиллик дейилади.

$$\Delta S$$

$$MPS = \frac{\Delta Y_d}{\Delta Y} \cdot 100$$

Бу ерда: MPS (marginal propensity to saving) – жамғаришга ўртача мойиллик. Юқорида келтирилган мисолда:

$$\Delta Y_d = 430 - 410 = 20 \quad \Delta S = 10 - 5 = 5$$

$$MPS = (5/20) 100 = 25\%;$$

Шундай қилиб, истеъмолга чегараланган мойиллик 0,75 ни ташкил этган бўлса, жамғармага чегараланган мойиллик 0,25 ни ташкил этади. Даромаднинг ўсган қисми ёки истеъмолга, ёки жамғармага сарфланади. Шу сабабга кўра истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичлари йиғиндиси 100%га ёки коэффициент кўринишида 1га тенг бўлади.

$$MPC + MPS = 100\% \text{ ёки } 1.$$

MPC ва MPS анча барқарор кўрсаткичлар бўлиб, жуда секин ўзгаришга учрайдилар.

3. Инвестицияларнинг моҳияти, графиги ва функцияси.

ЯИМнинг иккинчи компоненти бўлган инвестицияларга тўхталиб ўтамиз.

Инвестициялар ёки капитал қўйилмалар – бу, ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий моҳиятига кўра инвестициялар янги корхоналар қуриш, узоқ муддат хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб-ускуналарни яқиний сотиб олишга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир. Шунингдек инвестициялар таркибига уй-жой қурилишига кетган харажатлар ҳам киритилади.

Инвестицияларнинг турли гуруҳлаш мумкин. Макроиктисодий таҳлилда энг кўп дуч келинадиган гуруҳлашда инвестициялар инвестициялаш объектига кўра уч турга бўлинади.

1. Ишлаб чиқариш инвестициялари;
2. Товар-моддий захираларига инвестиция;
3. Уй-жой қурилишига инвестиция.

Макроиктисодий таҳлилда инвестициялар динамикасини белгиловчи омил сифатида реал фоиз ставкаси қаралади. Реал фоиз ставкаси ортиши билан инвестициялар ҳажми камайишини кузатишимиз мумкин. Чунки инвесторлар учун қарз баҳоси ортиб, улар кўрсатадиган фойда нормасини пасайтириб қўяди.

Автоном инвестицияларнинг графиги инвестициялар ҳажми фоиз ставкаси динамикасига тесқари пропорционал тарзда ўзгаришини кўрсатади.

Автоном инвестиция функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$I = e - dR$$

Бу ерда: I – автоном инвестиция харажатлари;


e – фоиз ставкаси 0 га тенг бўлгандаги инвестиция харажатларининг максимал ҳажми.

У ташқи иқтисодий омиллар, ресурс имкониятлари, ер, фойдали қазилма бойликлари ва бошқалар билан белгиланади;

R – реал фоиз ставкаси;

d – инвестицияларнинг реал фоиз ставкаси динамикаси ўзгаришга таъсирчанлигини микдорий белгиловчи эмпирик коэффициент.

Графикдан e нуқтаси шуни билдирадики, банклар нолга тенг фоиз ставкаси билан кредит берганларида ҳамда уларнинг кредит ресурслари чексиз



$$0 \quad I \quad e \quad I$$

8-чизма. Автоном инвестициялар графиги

кўп бўлганда ҳам мамлакатдаги бошқа ресурслари миқдорининг чекланганлиги туфайли инвестиция харажатлари маълум миқдор билан чегараланади.

4.Инвестициялар динамикасини белгиловчи фоиз ставкасидан бошқа омиллар. Акселератор модели.

Инвестициялар динамикасини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб кутилаётган соф фойда нормаси ҳисобланади. Агар реал фоиз ставкаси билан инвестиция харажатлари миқдори ўртасида тескари боғлиқлик бўлса, кутилаётган соф фойда нормаси (КСФН) динамикаси билан инвестиция харажатлари ўртасида тўғри боғлиқлик бор.

Агарда кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда миқдоридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Мисол учун, заводга 100000 сўмлик янги станок сотиб олинди. Янги станокни қўллашдан завод 10.000 сўм соф фойда олган бўлсин. Кутилаётган соф фойда нормаси куйидагича аниқланади:

$$\text{КСФН} = 10000 / 100000 \times 100 = 10\%.$$

Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставка нархлар даражасининг ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражаси айирмаси кўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 16% га тенг бўлса, инфляция даражаси йилига 12% ни ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4 фоизини (16%-12%) ташкил этади.

Инвестиция харажатлари динамикасига таъсир этувчи бошқа омиллар куйидагилар киради:

1. Солиққа тортиш даражаси;
2. Ишлаб чиқариш технологияларидаги ўзгаришлар;
3. Мавжуд бўлган асосий капитал миқдори;
4. Инвесторларнинг кутиши;
5. Ялпи даромадларнинг ўзгариши.

Солиққа тортиш даражасининг пасайиши ҳамда янги технологияларнинг пайдо бўлиши кутилаётган соф фойда нормасининг (реал фоиз ставкаси ўзгармаган шароитда ҳам) кўпайишга олиб келади. Бу эса инвестиция харажатларининг ортишига туртки беради.

Инвестициялар ҳажмининг ЯММ ёки даромадлар даражасига боғлиқлигини акселератор модели акс эттиради:

$I = f(Y)$, яъни инвестициялар (I) ЯММ (Y)нинг функцияси экан.

Акселератор моделининг тўлиқроқ кўриниши куйидагича бўлади:

$$I = I_{\text{режа}} + \gamma Y \quad \text{бу ерда:}$$

$$\gamma = \frac{\Delta I}{I_t - I_{t-1}} = \frac{I_t - I_{t-1}}{I_{t-1} - I_{t-2}}$$

$I_{режа}$ – режалаштирилган инвестициялар; Y – ЯИМ (даромад) ҳажми.

Акселетатор моделини ҳисобга олиб, инвестиция функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I = e - dR + \gamma Y$$

ЯИМ ҳажми ошиши корхоналар фойдасининг кўпайишига олиб келади. Корхона фойдаси инвестицияларнинг манбаи эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатда инвестиция харажатлари ошади. ЯИМ ҳажми пасайиб кетганда эса, яъни иқтисодий фаоллик пасайиши шароитида бўш турган қувватлар мавжудлиги туфайли, инвестиция харажатлари пасайиб кетади. Аммо ЯИМнинг даврий тебранишлари, инновацияларни доим ҳам бир текисда бўлмаслиги, ускуналарни узок муддат хизмат қилиши, иқтисодий кутишдаги хавфлар туфайли инвестициялар ҳажми барқарор бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилган оқилона макроиқтисодий сиёсат натижасида юзага келган қулай инвестиция муҳитияхшиланди. жумладан сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги, солиқ юкининг пасайтирила бориши, бозор инфратузилмасининг ривожлантирилиши, банк тизимининг мустаҳкамланиши ва банк фоиз ставкаларининг пасайтирилиши, инвесторларга кенг имтиёз ва кафолатлар тизимининг яратилганлига мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ўсишига олиб келди (2-диаграмма).

2-диаграмма

2000-2009 йилларда Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати (олдинги йилга нисбатан % да)



1. **Манба:** Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.— Т.: Иқтисодиёт, 2009. , 32- б.

2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй берганлигига қарамасдан асосий капиталга киритилган инвестициялар 2007 йилга нисбатан 128,3 фоизга ўсди. Шу йили молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобида иқтисодиётимизга киритилган инвестициялар ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди.

2009 йилда ЯИМнинг ўсиши 9 фоизни ташкил этган бўлса, бунда инвестицияларнинг ҳиссаси 2,5 фоизга тенг бўлди (2007 йилда мос тарзда 9,5 % ва 2,1 %).⁷

Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига, сарфланиш объектларига кўра ва технологик тузилмаси ҳам такомиллашиб бормокда. Жумладан, корхоналар маблағларининг жами инвестициялардаги улуши орта бориб 2008 йилда 44,1 % ни (3741,1 млрд. сўм), чет эл инвестициялари ва кредитларининг ҳажми эса 1685,8 миллион долларни ташкил қилди. Шу йили инвестицияларнинг 75,4 фоизи ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларга йўналтирилди. Инвестициялар умумий ҳажмида технологик ускуналарнинг улуши ортиб бормокда.

Қисқача хулосалар

Истеъмол харажатларини ЯИМнинг энг йирик компоненти бўлиб, унинг ҳажмини аввало уй хўжаликларининг тасарруфидаги даромади белгилайди. Аҳолининг даромадлари миқдори ошиб бориши билан ундаги жамғармалар улуши ҳам ошиб боради.

Истеъмол ва жамғариш ҳажми, шунингдек истеъмолчилар бойликлари даражасига, нарх ва солиқ ўзгаришлари, истеъмолчиларнинг қарзи даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик аҳоли даромадларининг қанча қисми истеъмолга ва қанча қисми жамғармага сарфланганлигини характерловчи кўрсаткичлардир.

Истеъмолга чегаравий мойиллик (MPC) истеъмолдаги ўзгаришларни ихтиёрдаги даромад даражасидаги ўзгаришга бўлиб топилади. MPC нинг катта ёки кичиклиги фискал сиёсат самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир.

Инвестиция ёки капитал қўйилмалар ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган маблағ ҳисобланади. Инвестиция харажатлари динамикаси, фоиз ставкаси, кутилаётган соф фойда нормаси ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Инвестиция ҳажмининг ЯИМ ҳажмига боғлиқлигини характерловчи модель - акселератор модели дейилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Даромад, истеъмол ва жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка изоҳ беринг?
2. Автоном истеъмол категориясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Истеъмол ва жамғариш графикларини изоҳланг.
4. Истеъмол ва жамғармага ўртача ва чегаравий мойиллик кўрсаткичларини изоҳлаб беринг?
5. Қайси маблағларни инвестиция таркибига киритамиз?
6. Акселератор моделини тушунтириб беринг.
7. Кутилаётган соф фойда нормаси ўзгариши қайси сабабларга кўра рўй беради ва у инвестиция ҳажмига қандай таъсир кўрсатади.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.

⁷ «Ўзбекистон иқтисодиёти» 2008 йил учун ахборот-таҳлилий бюллетени. Т., 2009 й. август. 9-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 75-81, 96-97,130-138,151-156 б.б.
4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 35-49 б.б.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 30-40 с.с.
6. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 85-111 с.с.
7. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ.-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 93-124 с.с.
8. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 155-232 с.с.
9. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 92-116 с.с.
10. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика:Учебник.- 6-е изд. , испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 50--72 с.с.
11. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 98-103 с.с.
12. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).- T.:O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 44-52 b.b
13. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 46-58 б.б.

7-Мавзу: Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозоридаги макроиктисодий мувозанат модели

1. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат назарияси асослари.
2. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар.
3. «Кейнс хочи». Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига эришиш механизми.
4. Автоном харажатлар мультипликатори.
5. Рецессион ва инфляцион узилиш

1. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат назарияси асослари.

Классик мактаб намояндалари бозорлар ва баҳоларнинг умумий мувозанати назариясини яратдилар. Уларнинг умумий мувозанат концепциясига кўра иқтисодиётда фақатгина тўлиқ бандлилик шароитидаги мувозанат мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳулоса Ж.Б.Сэйнинг бозорлар қонунига таянади. Бу қонунга кўра меҳнат тақсимотига асосланган иқтисодиётда ҳар бир субъектнинг ишлаб чиқариши бир вақтнинг ўзида бошқа субъектларнинг ишлаб чиқариш натижаларига талаб ҳисобланади. Охир-оқибат ялпи талаб ялпи таклифга тенг бўлади. Классик иқтисодчилар фикрига кўра $AD \neq AS$ ҳолати рўй бермайди, умумий харажатлар миқдори етишмай қолган, яъни $AD < AS$ ҳолати рўй берган шароитда ҳам баҳо, иш ҳақи ва фойиз ставкаси каби дастаклар ишга тушади ва натижада харажатлар миқдорининг камайиши ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми, бандлик ва реал даромадлар миқдорининг камайишига олиб келмайди.


Макроиктисодий мувозанатнинг классик модели ишлаб чиқариш ҳажми ресурсларнинг бандлиги ва ишлаб чиқариш технологияларининг функцияси ҳисобланади, ва эгилувчан баҳолар механизми томонидан потенциал даражада тутиб турилади деган шартларга таянади. Эгилувчан баҳолар механизми ҳисобига бозор иқтисодиёти барча мавжуд ресурсларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаб туради.

Классик макроиктисодий мувозанат моделининг ўзига хос хусусияти пулнинг нейтраллиги принципини кўзда тутишидир. Бу модел пул массаси реал ишлаб чиқаришга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди деган принципга асосланиб тузилади. Классиклар моделида пул бозор агентларига фақатгина битимларга хизмат қилиши, яъни олди-сотти жараёнида соф техник вазифаларни бажариши учунгина керак. Бу асосга кўра классиклар томонидан классик дихотомия концепцияси шакллантирилган. **Классик дихотомия** концепциясида – икки параллел бозор, реал ва пул бозори алоҳида-алоҳида амал қилади, улар ўртасидаги мувозанат автоматик барқарорлаштиргичлар орқали таъминлаб туради деб ҳисобланади.

Пул бозори инвестиция ва жамғармалар тенглигини ҳамда тўлиқ бандлик шароитини таъминлайди. Фақатгина, ишсизликнинг табиий даражасида «ихтиёрий» ишсизлик бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади. Бу шуни билдирадики, AD ва AS нинг мувозанат нуқтасида ишлаб чиқариш ҳажми (Y) унинг потенциал ҳажмига эса (Y^*) тенг. Иқтисодиётда яратилган даромадларнинг бир қисми жамғарилиши ялпи талабнинг ялпи таклифни қоплаши учун етишмаслигига олиб келмайди, чунки ҳар бир жамғарилган сўм тадбиркорлар томонидан инвестицияланади, деб таъкидлашади.

Агарда, тадбиркорлар уй хўжаликларининг жамғармалари микдорида инвестиция қилинса, ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражалари доимий бўлиб қолади.

Классик иқтисодчилар таъкидлашларича, капитализмнинг ўзига хос пул бозори мавжуд ва бу бозор жамғарма ва инвестицияларнинг тенглигини таъминлайди. Бунда тенглаштирувчи омил ролини фоиз ставкаси ўтайди (14-чизма). Шунинг учун ҳам тўлиқ бандлик мавжуд бўлади. Бу иқтисодчилар давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқа муддатли самара берсада, узок муддатга, охир-оқибат бозор иқтисодиётининг табиий ҳаракат механизмига нотабиий аралашилганлиги учун, салбий оқибатларга олиб келади деб ҳисоблашади.



14-чизма. Жамғариш-инвестиция графиги.

1936 йили инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс капитализм иқтисодиётига янги, иш билан бандлик назариясини киритади. У ўзининг «Пул, фоиз ва иш билан бандликнинг умумий назарияси» асарида янгича иқтисодий мувозанат назариясини изоҳлаб берди.

Кейнс макроиктисодий мувозанатга тўлиқ бўлмаган бандлик шароитида ҳам эришиш мумкинлигини, тўла иш билан бандлик қонуний ҳолат эмаслигини, балки тартибга солинмаган иқтисодиётда тасодифий рўй беришигина мумкинлигини исботлаб берди. Шунингдек, бу назарияда иқтисодиётдаги тебранишлар фақат уруш, табиий офат ва шу каби

вазиятларгагина боғлиқ эмаслигини, балки у тинчлик йилларида ҳам ички омилларнинг салбий оқибатларидан келиб чиқиши мумкинлиги асослаган. Ишсизлик ва инфляциянинг келиб чиқиши инвестиция ва жамғармаларга бевосита боғлиқ. Нархларнинг ошиши ва иш ҳақининг пасайиши бошқа салбий омиллар билан бирга иқтисодиётнинг беқарорлигига олиб келади.

Бундай номутоносбликлар режалаштирилган инвестициялар ва жамғармаларнинг бир-бирига мос келмаслиги туфайли рўй беради.(16-чизма).

Бунга сабаб биринчидан, жамғариш ва инвестициялаш тўғрисидаги қарорларни ҳар хил гуруҳлардаги одамлар турли мақсадларда қабул қилиши бўлса. иккинчидан, жамғарувчилар ва инвесторларни жамғариш ва инвестициялашга турлича сабаблар ундайди. Кейнсчилар фикрича, жамғарма ва инвестициялар битта омилга боғлиқ бўлмаган ҳолда турли сабаблар асосида амалга оширилади. Масалан, кишилар қиймати ўзининг иш ҳақи миқдоридан ортик бўлган маҳсулотларни сотиб олиш учун, масалан автомобиль ёки телевизор харид қилиш учун жамғаришади. Жамғармалар бирор шахс ёки оиланинг келажакдаги истеъмолини қондириш мақсадида, яъни, уй хўжаликлари оила бошлиғининг нафақага чиққандан кейинги ҳаётини ёки болалари келажакини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Бундан ташқари жамғармалар тасодифий вазиятларда фойдаланиш мақсадида ҳам амалга оширилади.

Инвесторларни инвестиция қилишга ундовчи сабаблар эса фоиз ставкаси билан бирга кутилаётган соф фойда нормаси ҳамдир.

Классиклар назарияси бўйича жамғарма ва инвестициялар миқдорини аниқлайдиган асосий омил фоиз ставкаси ҳисобланади. Агарда, у ошса, уй хўжаликлари камроқ истеъмол қилиб, кўпроқ жамғаришга ҳаракат қилишади. Уй хўжаликларида жамғармаларнинг кўпайиши кредит нархларининг камайишига олиб келади. Бу эса ўз вақтида инвестициянинг ўсишини таъминлайди.

Кейнсчилар фикрича эса, фоиз ставкаси эмас, балки аҳолининг ихтиёридаги даромади истеъмол ва жамғариш динамикасини белгилаб беради. Келтирилган назарий асосларга таянган ҳолда Кейнс ўзининг макроиқтисодий мувозант моделини ишлаб чиқди.

2. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар.

Ишлаб чиқаришнинг камайиши натижасида мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш учун жами талабни тартибга солиб турадиган фаол давлат сиёсати зарур. Шунинг учун ҳам Кейнснинг иқтисодий назариясини кўп ҳолларда жами талаб назарияси деб юритилади. Жами талаб компонентлари, айниқса инвестицияларнинг ўзгариши макроиқтисодий беқарорлик сабабларидан биридир.

“Ҳақиқий инвестициялар режалаштирилган ва режалаштирилмаган инвестициялар миқдорини ўз ичига олади. Режалаштирилмаган инвестицияларга товар – моддий захираларига (ТМЗ) инвестициялардаги кутилмаган ўзгаришлар киради. Ушбу режалаштирилмаган инвестициялар тенглаштирувчи механизм сифатида жамғарма ва инвестициялар миқдорининг ўзаро бир-бирига мос келишига олиб келади ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлайди”⁸.

Режалаштирилган харажатларга уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунёнинг маҳсулот ва хизматларни сотиб олишга мўлжаллаган харажатлари киради. Фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдаги кутилмаган ўзгаришлар товар моддий захирасига режалаштирилмаган инвестициялар қилишга олиб келса, ҳақиқий харажатлар режалаштирилган харажатлардан фарқ қилади.

Режалаштирилган харажатлар функцияси $E=C+I+G+Xп$ кўринишига эга. Декмак унинг графиги истеъмол функцияси $(C=a+в(Y-T))$ графигига нисбатан $I+G+Xп$ миқдорда юқорига сурилган бўлади. Келтирилган $Xп$ -соф экспорт бўлиб, унинг функцияси эса қуйидаги кўринишга эга:

⁸ Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005., 114-с

$$X_n = g - m'Y$$

Бу ерда :g – автоном соф экспорт;

m' - импортга чегараланган мойиллик; Y – даромад.

Импортга чегараланган мойилликимпорт харажатларидаги ўзгариш миқдорини бунга сабаб бўлган даромадлардаги ўзгариш миқдорига бўлиб топилади.

$$m' = \Delta M / \Delta Y;$$

Бу ерда: ΔM - импортга харажатларнинг ўзгариши;

ΔY - даромадларнинг ўзгариши.

Ялпи даромадларнинг ошиши билан импорт ҳам ошади. Чунки, бунда истеъмолчилар ва инвесторлар ҳам миллий ҳам импорт маҳсулотларга бўлган харажатлари миқдорини оширадилар. Айни пайтда мамлакатнинг экспорти ҳажми шу мамлакатдаги ялпи даромадлар (Y) миқдорига бевосита боғлиқ бўлмайди, балки товар олиб чиқиб кетаётган мамлакатнинг ялпи даромадлари ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги ялпи даромадлар (Y) ўзгариши билан соф экспорт (X_n) ўртасидаги боғлиқлик салбийдир ва соф экспорт функциясида минус ишораси билан белгиланади.


Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат моделини кўриб чиқиш жараёнини соддалаштириш учун соф экспорт миқдори ялпи даромадлар (Y) ўзгаришига боғлиқ эмас деб олинади. Шунинг учун соф экспорт тўлиғича автоном харажатлар миқдорига кўшилади, яъни автоном харажатлар ($a + I + G + X_n$) йиғиндига тенг деб олинади.

3. «Кейнс хочи». Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига эришиш механизми

Режалаштирилган харажатлар чизиғи ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар бирига тенг бўлган ($Y=E$) чизикни қайсидир а нуктада кесиб ўтади. Қуйида келтирилган 14-чизмада товарлар ва хизматлар бозорида қисқа муддатли мувозанатга эришиш механизми тасвирланган бўлиб, у “Кейнс хочи” номини олган. $Y=E$ чизикда ҳақиқий инвестициялар ва жамғармалар тенглиги сақланади. а нуктада эса даромадлар режалаштирилган харажатларга тенг бўлади. Шунингдек, бу ерда режалаштирилган ҳамда ҳақиқий инвестицияларнинг ўзаро тенглигига эришилади. Яъни, макроиқтисодий мувозанат таъминланади.

Агарда, ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (Y_1) унинг мувозанат даражаси(Y_0)дан кўп бўлса, истеъмолчилар маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар таклиф қилганга нисбатан кам сотиб олади ($AD < AS$). Сотилмаган маҳсулотлар ТМЗ кўринишига эга бўлади. Заҳираларнинг ўсиши фирмаларда ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражаларини пасайтиришига олиб келади. Бу эса ЯИМ ҳажмини Y_1 дан Y_0 гача камайишига олиб келади ва даромад ва режалаштирилган харажатлар тенглашади. Ўз навбатида ялпи талаб ва таклифнинг тенглашишига ($AD = AS$) эришилади. Аксинча, ҳақиқий ишлаб чиқариш (Y_2) унинг мувозанат даражасидан (Y_0) кам бўлган вазиятда эса, фирмалар истеъмолчилар талабига нисбатан кам ишлаб чиқараётганлигини ($AD > AS$) кўради. Талабнинг ошиши эса фирмалар заҳирасининг камайиши ҳисобига қондирилади. Натижада, ЯИМ аста секин Y_2 дан Y_0 га қараб ўсади ва яна $AD=AS$ тенглигига эришилади. Бу эса айни пайтда $E=Y$ ва $I=S$ айниятларга эришилганлигини англатади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳолати (Y_0), ялпи харажатлар компонентларининг ҳар бирининг (истеъмол, инвестиция, давлат харажатлари ёки соф экспорт) ўзгариши натижасида



E1
E0

Захираларнинг
жамғарилиши

E2

Захираларнинг
камайтиши

Y2

Y0

Y1

Y

(даромад, реал
харажатлар)

14-чизма. Кейнс хохи (Кейнснинг макроиктисодий мувозанат модели)

тебраниши мумкин. Ушбу таркибдаги бирорта омилнинг миқдорининг ўсиши режалаштирилган харажатлар эгри чизигини юқорига суради ва аксинча камайтиши пастга сурилишга олиб келади.

4. Автоном харажатлар мультипликатори.

Автоном харажатларнинг ҳар қандай ўсиши, яъни $\Delta A = \Delta (a + I + G + X_n)$ мультипликатор самараси ҳисобига ялпи даромадларнинг кўпроқ миқдорга (ΔY) ошишига олиб келади.

Автоном харажатлар мультипликатори мувозанатли ЯММ ўзгаришнинг автоном харажатларнинг ҳар қандай компоненти ўзгаришига нисбатини кўрсатади: $m = \Delta Y / \Delta A$:

Бу ерда: m - автоном харажатлар мультипликатори;

ΔY – мувозанатли ЯИМнинг ўзгариши;

ΔA – автоном харажатларнинг Y ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ўзгариши.

Мультипликатор - ялпи даромадлар автоном харажатларнинг дастлабки ўсиши (камайтиши)дан неча марта ортиқ ўсганлигини (камайганлиги) кўрсатади.

Автоном истеъмол ΔC_A миқдорга ўсса, бу ялпи харажатлар ва даромадлар (Y) нинг ўша миқдорда ўсишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида истеъмолнинг иккинчи марта (даромадлар ошиши ҳисобига) $MPC \times \Delta C_A$ миқдорда ўсишига олиб келади. Кейинчалик ялпи харажатлар ва даромадлар $MPC \times \Delta C_A$ миқдорда яна ўсади. Шундай қилиб, «даромад-харажат» кўринишидаги доиравий айланиш бўйича жараён давом этаверади.

$$\Delta C_A \uparrow \Rightarrow \Delta A \uparrow \Rightarrow Y \uparrow \Rightarrow C \uparrow \Rightarrow \Delta C \uparrow \Rightarrow \Delta Y \uparrow \Rightarrow C \uparrow \Rightarrow \Delta C \uparrow \Rightarrow \Delta Y \uparrow \quad \text{ва ҲОКАЗО.}$$

Ушбу оддий вазиятдан кўриниб турибдики, ялпи даромадлар (Y), автоном истеъмолнинг дастлабки ўзгариши $\Delta C_A \uparrow$ га нисбатан бир неча марта кўп ўзгаради. Бу шуни билдирадики, C , I , G ёки X_n миқдорлардаги оддий ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражаларида катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, мультипликатор иқтисодий беқарорлик омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидаги асосий вазифалардан бири бўлиб, ўрнатилган барқарорлаштиргичлар тизимини яратиш ҳисобланади. Бу тизим истеъмолга чегараланган мойилликни камайтириш орқали мультипликация самарасини пасайтиради.

Мультипликатор самараси моҳиятини куйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Айталик, дастлаб иқтисодиётга инвестициялар миқдори 5 млрд. сўмга кўпайсин. Бу, ўз навбатида иш ҳақи, рента, фойда кўринишда уй хўжаликлари даромадига айланади. Агар истеъмолга чегараланган мойилликни 0,75 га ёки 75 %га тенг деб олсак. Уй хўжаликлари бу даромаднинг 75 фоизини, яъни 3,75 млрд. сўмни истеъмол харажатларига сарфлайди, қолган 1,25 млрд. сўмни жамғаради. Сарфланган 3,75 млрд. сўм бошқалар учун даромад

ҳисобланади. Ўз навбатида улар ҳам 3,75 млрд. сўмнинг 75 фоизини истеъмол учун сарфлайдилар ва 25 фоизини жамғарадилар. Бу жараён охириги сўм жамғарилмагунча давом этади.

Бунда: $m \Delta Y = \Delta Y / (1 - MPC) = 20 / 0,25 = 80$ ва $m = 1 / (1 - 0,75) = 4$
 ва бундан : $m = \frac{\Delta Y}{\Delta Y \cdot (1 - MPC)} = \frac{1}{1 - MPC}$

Демак истеъмолга чегараланган мойиллик қанча катта бўлса мултипликатор самараси ҳам шунча юқори бўлади.

Мултипликаторнинг математик моҳияти чексиз камайиб борувчи геометрик прогрессияни англатади, яъни $m = 1 + b + b^2 + b^3 + b^4 + \dots + b^n$, бу ерда $b = MPC$. Тенгликнинг икки томонини b га кўпайтирамиз: $mb = b + b^2 + b^3 + b^4 + \dots + b^n$

Энди биринчи тенгламадан иккинчисини айирамиз:

$$m - mb = 1 - b^{n+1}, \quad m(1 - b) = 1 - b^{n+1}$$

Ҳисоб китоб натижаларини қуйидагича тасвирлаймиз:

$$m = (1 - b^{n+1}) / (1 - b)$$


b каср сон ва b^{n+1} нолга жуда яқин бўлгани учун

$$m = 1 / (1 - b) \quad \text{тенглик тўғри бўлади.}$$

Автоном харажлар мултипликатори миқдорининг катта ёки кичиклиги бюджет солиқ сиёсати самарадорлигига таъсир кўрсатади. Давлат ўз харажатларини ошираётганда, ёки инвестиция харажатларини ошириш чораларини кўраётганда, бу харажатлар жами талабни қанча миқдорга ошириб юбориши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур.

5. Рецессион ва инфляцион узилиш.


Агарда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (Y_0) потенциал (Y^*) ҳажмидан кам бўлса, жами талаб самарасиз ҳисобланади. Яъни, $AD=AS$ тенгликка эришилган бўлсада, ялпи харажатлар миқдори ресурсларининг тўлиқ бандлиги даражасини таъминламайди. Ялпи талабнинг етишмаслиги иқтисодиётга депрессив таъсир кўрсатади.



15-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги рецесссион узилиш.

ЯММ (ЯИМ)ни тўлиқ бандликнинг ноинфляцион даражасига қадар ўстириш учун жами талаб (жами харажатлар) кўпайтирилиши зарур бўлган миқдор рецесссион узилиш дейилади (15-чизма).

Ишлаб чиқаришда тўлиқ бандликка эришиш ва рецесссион узилишни йўқотиш учун жами талабни рағбатлантириш ва мувозанатни «А» нуқтадан «В» нуқтагача суриш лозим. Бу ерда мувозанатли ялпи даромаднинг ўсиши ΔY қуйидагига тенг бўлади:



16-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги инфляцион узилиш.

$\Delta Y = \text{Рецесссион узилиш миқдори} \times \text{Автоном харажатлар мультипликатори миқдори}$

ЯИМни тўлиқ бандликнинг ноинфляцион даражасигача пасайтириш учун жами талаб (жами харажатлар) камайиши зарур бўлган миқдор инфляцион узилиш дейилади.

Агарда, ишлаб чиқариш ҳақиқий ҳажми (Y_0) потенциал (Y^*) ҳажмидан кўп бўлса, жами харажатлар ортиқча ҳисобланади. Жами талабнинг ортиқчалиги иқтисодиётда инфляция жараёнига олиб келади. Бошқача айтганда жами талаб ҳажмининг жами таклиф ҳажмидан қисқа муддатда катта бўлиши оқибатида ҳақиқий ва потенциал ЯИМ ҳажмлари ўртасида инфляцион узилиш рўй беради (16-чизма).. Бу узилишни бартараф қилиш учун жами харажатларни камайитириш, бошқача қилиб айтганда жами талабни чеклаш зарур.

Графикда бу жараён мувозанатни А нуқтадан В нуқтагача суришни англатади. Бу ерда жами мувозанатли ялпи даромад ҳажмидаги (ΔY) қисқариш қуйидагича бўлади:

$\Delta Y = -\text{Инфляцион узилиш миқдори} \times \text{Автоном харажатлар мультипликатори миқдори}.$

Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат модели ялпи талаб- ялпи таклиф моделини қисқа муддатли макроиқтисодий сиёсат мақсадларида аниқлаштирган бўлиб, унинг хусусий ҳоли ҳисобланади. Ялпи талаб ва ялпи таклиф моделидан фаркли ўлароқ бу моделда баҳолар даражаси ва иш ҳақи ўзгармас миқдорлар ҳисобланади. Айни шу сабабга кўра товар моддий захираларининг ўсиши қисқа муддатда макроиқтисодий мувозанатга эришишни белгиловчи омил бўлади.

Қисқача хулосалар

Классик иқтисодчилар макроиқтисодий мувозанат фақат тўлиқ бандлик шароитида рўй беради, қисқа мумдатли бузилишлар эса бозор механизлари томонидан, яъни тбаҳо, иш ҳақи каби дастакларнинг ишга тушиши билан бартараф этилади деб ҳисоблашади.

Классик иқтисодчилар назариясидан фарқли ўлароқ инглиз иқтисодчиси Ж. Кейнс ўзининг тўлиқ бандлик мавжуд бўлмаган шароитда ҳам макроиқтисодий мувозанат рўй беради, тартибга солинмаган иқтисодиётда тўлиқ бандлилик фақатгина тасодифий рўй беради деб ҳисоблайди.

Кейнс моделида макроиқтисодий мувозанат ишлаб чиқаришни таъминловчи иккита омил ялпи харажатлар ва ялпи даромадларнинг кесишув нуқтасида рўй беради. Бу моделда товар заҳираларининг ўзгариши макроиқтисодий мувозанатни таъминловчи омил деб қаралади.

Ялпи даромадларнинг автоном харажатлар миқдоридаги дастлабки ўсишдан (камайиши)дан неча марта ортиқ ўсиши (камайиши) мультипликатор самараси дейилади. Мультипликатор иқтисодий тебранишлар даражасини кучайтирувчи омил ҳисобланади.

Автоном харажатлар мультипликатори миқдори истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан белгиланади ва у билан тўғри боглиқликка эга..

Макроиқтисодий мувозанат потенциал ЯИМ ҳажмидан камроқ бўлган ҳақиқий ЯИМ ҳажмида ўрнатилса рецессион узилиш, аксинча бўлса инфляцион узилиш рўй беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Макроиқтисодий мувозанат тўғрисида классик назариянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат назарияси моҳияти нимада ва классиклар назариясидан принципиал фарқлари нимада?
3. Автоном харажатлар деганда нимани тушунаси?
4. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатларга таъриф беринг.
5. Кейнс хочи номли моделда макроиқтисодий мувозанатни таъминловчи механизмга изох беринг.
6. Мультипликатив самара нима сабабдан рўй беради.
7. Рecessион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қай тариқа бартараф қилинади?
8. Инфляцион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қай тариқа бартараф қилинади?
9. Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат модели ва AD-AS моделини таққосланг.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 53-68 с.с.
4. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 66-71,181-189 с.с.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 129-141 с.с.
6. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 282-288 с.с.
7. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ.-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 183-226 с.с.
8. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 323-339 с.с.
9. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 144-175 с.с.
10. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика:Учебник.- 6-е изд., испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 89--127 с.с.

11. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. 147-167 с.с.
12. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 73-76 b.b
13. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 84-94 б.б.

8-Мавзу: Пулга талаб функцияси (2 соат)

Режа

1. Пул тушунчаси ва унинг функциялари. Пул агрегатлари.
2. Пулга талабнинг классик назарияси.
3. Пулга талабнинг кейнсча назарияси.

1. Пул тушунчаси ва унинг функциялари. Пул агрегатлари.

Пул – иқтисодиёт субъектлари мулкнинг бир тури бўлиб, мулкнинг бошқа турларидан икки хусусиятига кўра фарқ қилади: биринчидан, пул юқори ликвидлиликлар, яъни қисқа муддатда, сезиларсиз сарф - харажатлар билан бошқа буюмга айирбошланиш қobiliятига эга; иккинчидан баҳолар ўзгармас бўлган шароитда пул ёки ҳеч қандай даромад келтирмайди, ёки унинг даромадлилиги даражаси бошқа мулк турлариникидан анча кам. Шунга қарамадан кишилар нима учун мулк сифатида пулга эгалик қилишга ҳаракат қиладилар? Бу саволга жавобни пулнинг функцияларидан топамиз.

Одатда пулнинг уч асосий функцияси мавжуд деб қаралади.

Булар : **1) тўлов воситаси (алмашинув воситаси); қиймат ўлчови воситаси, жамғариш (бойлик тўплаш) воситаси.**

Умумий эквивалентлилик, юқори ликвидлилик хусусиятлари пулни идеал тўлов воситасига айлантиради. Ҳозирги замон иқтисодиётида тўловлар уч йўл билан амалга оширилади: 1) нақд пул тўлови; 2) банкдаги ҳисобварақларда ёзув орқали, яъни нақд бўлмаган пул кўчириш орқали; 3) бир шахснинг иккинчи шахсга қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар(векселлар, қарз мажбуриятлари) ёрдамида.

Қиймат ўлчови сифатида пуллар товарлар баҳосини ифодалайди ва турли товарлар қийматини таққослаш имконини беради.

Ўз товари учун олган пулини сотувчи доим ҳам бирданига ишлатвермайди. Шу сабабга кўра пуллар уларга ўтказилган қийматни сақлаб туришлари жуда муҳим. Агар пул айtilган хусусиятга эга бўлса, унда у бойлик тўплаш мақсадида жамғарилади. Пулнинг бу

функциясини муқобил тарзда мулкнинг бошқа турлари - облигациялар, акциялар, кўчмас мулк ҳам бажариши мумкин.

Ривожланган иқтисодиёт шароитида пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифаси жамғариш воситаси вазифасига нисбатан муҳимроқ аўҳамият касб этади.

Пулнинг юқори ликвидлилиги ва қийматни сақлаб туриши хусусиятлар барча турдаги тўлов воситаларида бир хил эмас. Нақд пуллар ва муддатсиз депозитларнинг ликвидлилиги джаражаси муддатли депозитларга ёки векселларга қараганда юқорироқ. Шу сабабли пул массаси ликвидлилик даражасининг пасайиб бориши тамойилига асосланган агрегатларга бўлинади. Ривожланган мамлакатларда пул массасини аниқлашда - M_1 ; M_2 ; M_3 ; M_4 деб белгиланадиган пул агрегатларидан фойдаланилади.

Пул агрегатларининг таркиби ва миқдори турли мамлакатларда ўзаро фарқ қилиш мумкин. Қуйида умумлаштириб олинган пул агрегатлари таркибини келтирамиз:

“ M_0 - банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банкларининг

Марказий банкдаги резервлари;

$M_1 = M_0 +$ муддатсиз депозитлар, йўл чеклари ва бошқалар;

$M_2 = M_1 +$ (миқдори ва муддати чекланган) муддатли депозитлар ва бошқалар ;

$M_3 = M_2 +$ (миқдори ва муддати чекланмаган) муддатли депозитлар ва бошқалар”^{*}

Макроиқтисодий таҳлилда M_1 ва M_2 пул агрегатлари энг кўп фойдаланилади. Пул агрегатларининг динамикаси турли сабабларга боғлиқ. Масалан, даромадларнинг ошиши натижасида M_1 га талаб тезроқ ўсса, фоиз ставкасининг ўсиши натижасида M_2 ва M_3 га талаб M_1 га нисбатан тезроқ ўсади.

2. Пулга талабнинг классик назарияси.

Пулнинг миқдорий назарияси пулга бўлган талабни алмашинув тенгламаси ёрдамида аниқлайди:

$$M \cdot V = P \cdot Y$$

Бу ерда: M – муомаладаги пул миқдори; V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – баҳолар даражаси (баҳо индекси); Y – реал ЯИМ.

Пулнинг айланиш тезлиги, иқтисодиётда битимлар таркиби нисбатан барқарор бўлганлиги учун ҳам доимий катталиқ деб қабул қилинади. Аммо банк тизимига ҳисоб-китобларни тезлаштирувчи техник воситалар жорий қилиниши натижасида у ўзгариши мумкин. V доимий бўлган шароитда алмаштириш тенгламаси қуйидагича бўлади:

$M \cdot V^* = P \cdot Y$ (Фишер тенгламаси), бундан:

$$P \cdot Y$$

$$M = \frac{P \cdot Y}{V^*}$$

$P \cdot Y$ – номинал ЯИМ миқдорини билдиришини ва доимий миқдорлигини ҳисобга олсак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар миқдори ва уларнинг баҳоси ўзгаришларига, бошқача айтганда, номинал ЯИМ ўзгаришига боғлиқ. Муомаладаги пул массасининг ўзгариши, классик назарияга кўра, Y секин ўзгариши туфайли асосан баҳолар даражасига таъсир кўрсатади. Бу ҳолат “пулнинг нейтраллиги” номини олган.

Монетаристлар қондасига кўра ҳукумат пул массасининг ўсиш суръатини, реал ЯИМнинг ўртача ўсиш суръати даражасида таъминлаб турсалар иқтисодиётда баҳолар даражаси барқарор бўлади.

Фишер тенгламасидан ташқари бу тенгламанинг бошқа бир шакли Кембриж тенгламасидан ҳам кенг фойдаланилади:

$$M = k \cdot P \cdot Y$$

Бу ерда: $k = 1/V$ – пулнинг айланиш тезлигига тескари миқдор.

^{*} Саидова Г., Шадыбаев Т. Макроэкономика Т., ИПАК «Шарк» 2003, 34 -с..

k - коэффициентни номинал пул миқдори (M)нинг даромадлар ($P \cdot Y$)даги улушини кўрсатади.

Кембриж тенгламаси турли даражада даромадли бўлган турлича молиявий активлар мавжудлигини ва даромадни уларнинг қайси бири кўринишида сақлашни танлаш имконияти мавжудлигини кўзда тутади.

Пулга реал талаб куйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$(M/P) D = k Y$$

Бу ерда: M/P – “реал пул қолдиғи”, “пул маблағларининг реал захираси” деб номланади.

3. Пулга талабнинг кейнсча назарияси.

Пулга талабнинг Кейнс назарияси, ликвидиликнинг афзаллиги назарияси, пулни нақд кўринишда сақлашга кишиларни ундовчи уч сабабни ажратиб кўрсатади:

1. трансакцион сабаб (жорий битимлар учун нақд пулга талаб);
2. эҳтиёткорлик сабабли (кўзда тутилмаган ҳолатлар учун маълум миқдорда нақд пулларни сақлаш);
3. спекулятив сабаб (фойда олиш мақсадида қимматли қоғозлар сотиб олиш учун пулга талаб).

Спекулятив сабаб фоиз ставкаси билан облигациялар курси ўртасидаги тесқари боғлиқликка асосланади. Агар фоиз ставкаси кўтарилса, облигациялар баҳоси пасаяди, уларга талаб эса ошади. Бу эса ўз навбатида, нақд пул захираларининг қисқаришига ҳамда нақд пулларга талабнинг пасайишига олиб келади.

Пул ликвидилик хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам аҳоли уни сақлашни афзал билади. Ликвидиликнинг афзаллиги назарияси кўрсатадики пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкасига боғлиқ. Фоиз ставкаси нақд пул воситаларини қўлда ушлаб туришнинг муқобил харажатлари миқдорини, яъни, сиз фоиз олиб келмайдиган нақд пулларни қўлда ушлаб турган шароитда йўқотадиган пул миқдорини билдиради. Ноннинг нархи нон талаби миқдорига таъсир қилганидек, нақд пулларни қўлда ушлаб туриш миқдори ҳам пул захираларига талаб миқдорига таъсир кўрсатади. Шунинг учун фоиз ставкаси ошганда, инсонлар бойликларини нақд пул шаклида камроқ ушлаб туришга ҳаракат қилади.

Реал пул захираларига талаб функциясини куйидаги кўринишда ёзамиз:


$$M/P = f(R)$$


Бу тенглама кўрсатаётгани, пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкаси функцияси экан. Графикда фоиз ставкаси ва реал пул захиралари миқдорига талаб тесқари боғлиқликка эга эканлиги кўринади. Чунки, юқори фоиз ставкаси пулга талаб миқдорининг камайишини кўрсатади

Классик ва кейнсчиларга хос ёндашувларни умумлаштириб, пулга талабнинг куйидаги омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) даромадлар даражаси;
- 2) пулнинг айланиш тезлиги;
- 3) фоиз ставкаси.

Агар классик назария пулга талабни асосан, реал даромад ҳажми билан боғласа, кейнсчиларда эса пулга талаб асосан, фоиз ставкасига боғлиқ деб ҳисобланади.





17-чизма. Пулга талаб графиги

Пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олмаганда, реал пул қолдиғига талаб формуласи қуйидагича бўлади:

$$(M/P) D = f(R, Y);$$

Бу ерда: R – фоиз ставкаси; Y – реал даромад.

Чизиқли боғлиқликни эътиборга олсак, қуйидагича формула ҳосил бўлади:

$$(M/P)D = kY - hR$$

Бу ерда: k ва h – пулга талабнинг даромадлар ва фоиз ставкасига таъсирчанлигини ифодаловчи коэффициентлар; k – фоиз ставкаси (реал фоиз ставкаси).

Реал фоиз ставкаси номинал фоиз ставкасидан инфляция суръатини айтириб топилади.

Даромад даражасининг ўзгариши фоиз ставкаси ўзгармас бўлган шароитда ҳам пулга талабнинг кўпайишига олиб келади. Бу графикда пулга талаб эгри чизигининг силжиши кўринишида намоён бўлади.

Қисқача хулосалар

Пул тўлов, жамғариш ва қиймат ўлчови функцияларини бажарувчи, юқори ликвидли товардир. Пул тушунчаси вақатгина нақд пуллар билан чекланиб қолмасдан, унинг таркибий элиментлари ликвидлилик даражаси тушиб боришига қараб агрегатларга ажратилган. Макроиқтисодий таҳлилда эътибор кўпроқ $M1$ ва $M2$ агрегатларига қаратилади.

Пулга бўлган умумий талаб битимлар учун пулга талаб, эҳтиёткорлик важдан пулга талаб ва молиявий активлар учун пулга талаб йиғиндисидн иборат.

Пулга бўлган талаб ҳажми ЯИМ (даромад) ҳажми, баҳолар даражаси, пулнинг айланиш тезлиги ва фоиз ставкасига боғлиқ.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Пулнинг моҳиятини тушунтиринг ва функцияларига изоҳ беринг.
2. Пул агрегатлари деганда нимани тушунасиз ва уни белгилашда қайси тамойилга амал қилинган?
3. Пулга талабнинг классик назарияси қандай асосларга таянади?.
4. Пулга талабнинг кейнсча назариясининг моҳияти нимада ва классик назариядан нимаси билан фарқ қилади?.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 53-68 с.с.
4. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 66-71,181-189 с.с.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 129-141 с.с.

6. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 282-288 с.с.
7. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ., -М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 183-226 с.с.
8. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 323-339 с.с.
9. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 144-175 с.с.
10. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 6-е изд., испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 89--127 с.с.
11. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. 147-167 с.с.
12. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).- T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 73-76 b.b
13. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 84-94 б.б.

9-Мавзу: Пул таклифи. Пул бозорида мувозанат Режа

1. Пул таклифи. Банк мультипликатори.
2. Пул таклифининг кенгайтирилган модели пул мультипликатори.
3. Пул бозорида мувозанат.

1. Пул таклифи. Банк мультипликатори.

Пул таклифи (M_s) ўз ичига банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар (C) ва зарур бўлганда (D) иқтисодий агентлар битимлар учун ишлатиши мумкин бўлган депозитларни олади:

$$M_s = C + D.$$

Аксарият мамлакатларда давлат пул чиқаришда монопол ҳуқуққа эга.. Уни амалга ошириш ҳуқуқи нисбатан мустақил муассаса Марказий банк ихтиёрида. “ Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқариш мутлақ ҳуқуқига эга”*. Аммо пул таклифини кўпайтириш имконига ёки пул яратиш қобилиятига тижорат банклари ҳам эга. Улар кредитлар бера бориб, тўлов воситалари эмиссиясини ёки кредит мультипликациясини амалга оширади. Масалан, А банкнинг депозити 2000 сўмга ўсган бўлса, захира нормаси 20 % га тенг бўлганда (захира нормаси – тижорат банклар депозитларининг маълум қисмини Марказий банкда сақлаб туриш нормаси), у 400 сўмни Марказий банкда захиралаб, қолган 1600 сўмни қарзга беради. Шундай қилиб, А банк пул таклифини 1600 сўмга кўпайтиради ва у энди $2000 + 1600 = 3600$ сўмни ташкил этади. Яъни, омонатчиларнинг депозитлардаги 2000 сўмдан ташқари яна 1600 сўм қарз олувчилар қўлида қолади. Агар, 1600 сўм яна банка тушса, (масалан, Б банкка) унда 20 % га тенг бўлган захира нормасида у 320 сўмни захирада қолдириб, 1280 сўмни кредитга беради ҳамда шу миқдорда пул таклифини оширади. Кредит беришнинг бу жараёни сўнгги пул бирлигидан фойдаланишга қадар давом этади. Якуний ҳисоб китоб банк депозитлари жами 10000

* Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонуни, 1995йил. 21 декабрь / Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами.Т.: Ўзбекистон, 2003., 18-б.

счқмга кўпайганлигини кўрсатади. Бу жараёни формула кўринишида қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$M = (1 / rr) \times D$$

Бунда: М- пул таклифи ҳажми; rr – мажбурий захиралаш нормаси ;

Д - дастлабки депозит.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, пул таклифи rr коэффицентига боғлиқ бўлиб, уни банк мультипликатори ёки пул экспансияси $\frac{1}{rr}$ мультипликатори, деб аталади. Ушбу банк захиралар нормасида ортиқча захираларнинг бир пул бирлиги билан яратилиши мумкин бўлган янги кредит пуллариининг энг кўп миқдорини билдиради.

2. Пул таклифининг кенгайтирилган модели, пул мультипликатори.

Пул таклифининг умумлашма модели Марказий банкнинг пул таклифидаги роли ҳамда пулнинг бир қисмини депозитлардан нақд пулларга оқиб ўтишни ҳисобга олган ҳолда ёзилади. Бу модел бир қатор янги ўзгарувчиларни ўз ичига олади. Булар:

- пул базаси (резерв пуллар, юқори қувватли пуллар) – банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банклари Марказий банкда сақлайдиган депозитлар суммаси;

- депонентлаш коэффиценти - $Cr = C / D$

Пул базасини MB ва банк резервларини R деб белгиласак,

$$MB = C + R.$$

Пул таклифининг кенгайтирилган моделини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Cr + 1$$

$$Ms = \frac{Cr + 1}{Cr + rr} \cdot MB$$

$$\text{ёки} \quad Ms = m \cdot MB$$

$$Cr + rr$$

$(Cr + 1) / (Cr + rr)$ нисбат пул мультипликатори деб юритилиб бир сўмлик пул базаси ҳисобига неча сўмлик пул таклифи юзага келишини кўрсатади. **Пул мультипликаторини** – пул таклифининг пул базасига нисбати кўринишида ёзиш мумкин:

$$m = \frac{Ms}{MB} = \frac{C + D}{C + R} = \frac{C / D + D / D}{C / D + R / D} = \frac{Cr + 1}{Cr + rr}$$

Cr миқдори – аҳолининг ўз маблағларини нақд пуллар ва депозитлар ўртасида қандай пропорцияда сақлашни танлашга боғлиқ.

$rr = R / D$ миқдори эса – аҳолининг нафақат Марказий Банк белгилаб берган мажбурий резерв нормасига, балки тижорат банклари сақлаб туришни мўлжалланаётган ортиқча резерв миқдорига ҳам боғлиқ.

Демак, пул таклифи пул базаси ва пул мультипликатори миқдорига боғлиқ экан. Пул мультипликатори пул базасининг бир миқдорга ошиши натижасида пул таклифи қандай ўзгаришини кўрсатади.

Марказий банк пул таклифини авваламбор, пул базасига таъсир этиш йўли билан тартибга солади.

Мамлакатда пул миқдори кўпаяди, агар:

- пул базаси ўсса;

- мажбурий захиралаш нормаси пасайтирилса;

- тижорат банкларининг ортиқча резервлари камайса;

- нақд пулларнинг депозитлар умумий суммасига нисбати пасайса.

3. Пул бозорида мувозанат

Пул бозори модели пулга талаб ва таклифни бирлаштиради. Дастлаб, соддалик учун пул таклифи Марказий Банк томонидан назорат қилинади ва

$(M/P)^S$ даражасида қайд қилинган деб оламиз.

Агарда M - пул таклифини, R - нархлар даражасини билдирса, M^*/P^* пул воситаларининг реал захираси миқдорини кўрсатади.

$$(M/P) s = M^*/P^*$$

Бу ерда: M - пул таклифи даражасини билдиради;


P – баҳолар даражаси (ушбу моделда экзоген ўзгарувчи) ни кўрсатади.

18-чизма реал пул таклифи миқдоридаги фоиз ставкасига боғлиқ бўлмаган вазиятни кўрсатади. Шунинг учун реал пул воситалари таклифи графикда кўрсатаётганимиздек вертикал чизик кўринишига эга бўлади. Бу ҳолат фоиз ставкаси қанчалик ўзгаришига қарамасдан реал пул таклифи миқдори ўзгармасдан қолган вазиятни акс эттиради.


Баҳолар даражасини ҳам барқарор деб қабул қиламиз. Бу ҳолатда реал пул таклифи M^*/P^* га тенг ва графикда M_s тўғри чизик кўринишига эга бўлади.

Пул талаби берилган даромад даражасида фоиз ставкасига тескари пропорционал эгри чизик кўринишига эга. Мувозанат нуктасида пул талаби ва таклифи ўзаро тенг, (19-чизма).

Ўзгариб турувчи фоиз ставкаси пул бозорини мувозанатда ушлаб туради. Фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартиргани туфайли пул бозорида мувозанатга эришиш учун вазиятга таъсир этиб уни ўзгартириш зарур ва мумкин. Агар R жуда юқори бўлса, пул таклифи унга бўлган талабдан юқори бўлади. Иқтисодий агентлар ўзларида тўпланиб қолган ортиқча нақд пулларни акция ва облигацияларга айлантириб, улардан қутилишга интилишади.





18-чизма. Реал пул воситалари захи-
раси таклифи графиги



19-чизма. Пул бозорида мувозанат
модел

Юқори фоиз ставкаси, таъкидланганидек, облигациялар курсининг пастроқ даражасига мос келади. Шу сабабли, арзон облигацияларни (келажакда фоиз ставкаси пасайиши оқибатида улар курси ўсишини кўзда тутиб) сотиб олиш фойдали бўлади.

Банклар, $M_s > M_d$ бўлгани учун фоиз ставкасини пасайтира бошлайди. Аста-секин иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартириши ва банклар томонидан фоиз ставкасининг ўзгартирилиши оқибатида пул бозорида мувозанат тикланади. Фоиз ставкаси пасайиб кетган ҳолатда тескари жараён рўй беради.



M*/P*

M/P

M*2/P*

M*1/P*

M/P

20-чизма. Даромадлар даражасининг ошиши натижасида пулга талабнинг ўзгариши.

21- Пул таклифининг камайиши натижасида пул бозорида мувозанатнинг ўзгариши.

Фоиз ставкаси ва пул массаси мувозанатли даражасининг ўзгариб туриши пул бозорининг экзоген ўзгарувчилари – даромадлар даражаси ва пул таклифининг ўзгариши натижасида ҳам рўй беради.

График кўринишда, бу, пул талаби ва пул таклифи эгри чизиқларининг силжиши сифатида намоён бўлади (20, 21 чизмалар).

Даромадлар даражасининг Y_1 дан Y_2 га қадар ўсиши (20-чизма) пулга талабни $M1d$ дан $M2d$ гача ошишига ва фоиз ставкасини R_1 дан R_2 га қадар кўтарилишига олиб келади. Пул таклифининг камайиши ҳам фоиз ставкасининг кўтарилишига ва мувозанат нуқтасининг ўзгаришига олиб келади.

Пул бозорида мувозанатни ўрнатиш ва сақлаб туриш механизми қимматли қоғозлар бозори ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли амал қилади. Пул бозоридаги мувозанат товарлар ва хизматлар бозоридаги мувозанат сингари макроиқтисодий мувозанатнинг муҳим таркибий қисмидир.

Қисқача хулосалар

Пул эмиссияси фақат Марказий банк ваколатига кирсада, тижорат банклари ҳам кредит бериб пул таклифини кўпайтириш қобилиятига эга.

Тижорат банкларининг пул таклифини келтириб чиқариш имконияти мажбурий захира нормасини белгилаш орқали тартибга солиб турилади.

Умумий пул таклифи нафақат жорий ҳисоблардаги маблағлардан, балки аҳоли қўлидаги нақд пуллардан ҳам ташкил топади. Пул таклифи миқдори мажбурий захира нормаси, депонентлаш коэффиценти ва пул базаси миқдорига боғлиқ.

Маҳсулотлар бозоридаги каби пул бозорида ҳам пулга бўлган умумий талаб ва таклиф мувозанат нуқтада кесишади. Маҳсулотлар бозорида мувозанат нуқтани нархлар тенглиги асосласа, пул бозорида эса бундай тенгликни фоиз ставкаси белгилайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Пул таклифи асосида нималар ётади? Банк мультипликатори қандай аниқланади?
2. Пул базасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Пул таклифининг умумий модели моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Депонентлаш коэффицентинг пасайиши пул мультипликатори ва пул таклифига қандай таъсир кўрсатади?
5. Пул бозоридаги мувозанат нуқтаси нимани билдиради? Пул бозорида мувозанат қай йўсинда таъминланади?

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
2. И.А. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. «Халқ сўзи». 2009 йил, 14 февраль.
3. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

4. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 340-360, 655-666 с.с.
5. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.: Издательство "Дело и сервис", 2005. 147-167 с.с.
6. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 84-94 б.б.
7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 142-156 с.с.
8. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A., Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 77-83 b.b
9. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 6-е изд. , испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 89--127 с.с.

10- Мавзу: Давлат бюджети. Солиқлар (2 соат)

1. Давлат бюджетининг моҳияти ва функциялари.
2. Давлат бюджети харажатлари.
3. Солиқларнинг турлари ва функциялари.
4. Давлат бюджетининг солиқларга кўра таркиби. Солиқ юки.
5. Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати ва солиқ ислохотларининг асосий йўналишлари.

1. Давлат бюджетининг моҳияти ва функциялари.

Давлат ўз иқтисодий функцияларини бажаришда молиявий манба сифатида давлат бюджетига таянади.

Давлат бюджети мамлакат молия тизимининг марказий унсури бўлиб макроиктисодий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Давлат бюджети молиявий баланс сифатида икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмларни содда қилиб даромадлар ва харажатлар деб аташ мумкин.

Давлат бюджети даромадлари солиқ ва солиқ бўлмаган тушумлар ҳисобига шаклланади, макроиктисодий таҳлилда у солиқлар ҳисобигагина шаклланади деб қаралади.

Давлат бюджети харажатлари таркибида иқтисодиётга харажатлар, марказлашганг инвестицияларни молиялаштириш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий соҳа, давлат бошқарув ва суд идораларини молиялаштириш моддалари мавжуд.

Давлат бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансферт тўловлари) кўпайтириш ёки қисқартириш орқали мамлакат иқтисодиётига аралашади. Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари ёки бюджет сиёсати товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шакллари кўрсатиш, баҳолар устидан назорат ўрнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатиш ва шунингдек, мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар мажмуасидан иборат.

Давлат томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдамлар дотация, субвенция ва субсидия шаклларида олиб борилади.

Субсидиялар – бу, пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан кўрсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Бевосита субсидияларга капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта

тайёрлашга ажратилган маблағлар кирса, билвосита субсидияларга солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари ва бошқалар киради.

Бундан ташқари давлат аҳолини давлат трансфертлари кўринишида ҳимоя қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп қиррали солиқлар тизимидан фойдаланилади. Аҳоли давлат бюджетига ҳар ойда олган даромадларига қараб даромад солиғи тўлайди, корхоналар эса олган фойдасига қараб фойдадан солиқ тўлайдилар. Шу каби жуда кўп мавжуд солиқ турларидан оқилона ва илмий асосда фойдаланиш орқали давлат солиқ сиёсатини, солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёзлари турларини аниқлайди ва шу билан бутун макроиқтисодий вазиятга таъсир кўрсатади. Солиқларни ўзгартириш орқали инвестициялар ва жамғармалар рағбатлантирилади.

Давлат бюджети маблағлари ҳукуматнинг даромадларни ва ресурсларни қайта тақсимлаш функциясини бажариши учун имконият яратади.

2. Давлат бюджети харажатлари.

Давлат бюджети харажатларининг таркиби 5-жадвалда келтирилган. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2000-2006 йилларда Давлат бюджети харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши камайиб борди 29,5 фоиздан 20,2 фоизгача тушди. Бу ҳолат аввало бюджет даромадларининг ЯИМга нисбатан улуши камайганлиги, шунингдек бюджет харажатларини оптималлаштириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширилиши билан изоҳланади. Бюджет харажатлари динамикаси ва таркибида ўзгаришлар тенденцияси 2002-2006 йилларда кескин ўзгармаганлигини ҳисобга олиб кейинги уч йилдаги ўзгаришларни чуқурроқ таҳлил қиламиз.

Давлат бюджети харажатларининг ЯИМ га 2005 йилда 22,5%гача сезиларли бўлмаган пасайиши марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари (ЯИМга нисбатан 2004 йилдаги 2,7%дан 2005 йилда 2,4%га) ва бошқа харажатларнинг (ЯИМга нисбатан 2004 йилдаги 5,6%дан 2005 йилда 5%га) қисқариши ҳисобига рўй берди.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети харажатлари таркиби

Кўрсаткичлар	2002		2005		2007		2008	
	ЯИМга нисба- тан	Жами бюджет харажат ларига нисба- тан	ЯИМга нисба- тан	Жами бюджет харажат ларига нисба- тан	ЯИМга нисба- тан	Жами бюджет харажат ларига нисба- тан	ЯИМга нисба- тан	Жами бюджет харажат ларига нисба- тан
Харажатлар жами	26.1	100	22.5	100	20.7	100	22,2	100
Ижтимоий соҳа	9.8	37,6	9.5	42,2	9.0	43,5	9,6	43,2
Ижтимоий ҳимоя	2.0	7,7	1.8	8	1.7	8,2	1,9	8,6
Иқтисодиётга харажатлар	2.3	8,8	3.0	13,3	2.3	11,1	2,5	11,3
Марказлаштирил- ган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	4.7	18	2.4	10,7	1.7	8,2	1,7	7,7
Давлат хокимияти органлари, бошқарув ва суд органлари харажатлари	0.5	1,9	0.5	2,2	0.6	2,9	0,7	3,1
Бошқа харажатлар	6.8	26	5.3	23,6	5.4	26,1	5,8	26,1

Манба: 1. “Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008 й. август., 24 б.

1. “Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2008 йил. Т.: 2009 й. август., 19 б.

Иқтисодиётни учун харажатлар 2005 йилда ЯИМга нисбатан 3,0%ни, жами бюджет харажатларига нисбатан эса 13,3 % ни ташкил қилди. Ижтимоий соҳа ва ижтимоий ҳимояга ажратиладиган харажатларнинг биров кўпайганлиги кузатилди. биргаликда) жами харажатлар таркибидаги улуши 2004 йилдаги 47,5%дан 2005 йилда 50,2%гача ўсди. Шундай қилиб, Давлат бюджети харажатларининг ярмидан кўпи қуйидагиларга йўналтирилди:

– бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендияларнинг миқдорини инфляция даражасидан юқорирок даражада ошириш. Бундан кўзланган мақсад, республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтиришдан иборат;

Бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлик даражасини янада кучайтириш мақсадида ижтимоий соҳа ва ижтимоий ҳимоя учун сарфланган харажатларнинг (2005 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастурини амалга оширишга бўлган харажатлар билан

– жамиятни янгилаш ва ўтказилаётган ислохотларнинг асосий бўғини сифатида мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастурини амалга ошириш учун. Бунинг доирасида, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг турмуш тарзини яхшилаш, ижтимоий-маиший ва моддий шарт-шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларининг, биринчи навбатда бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилади.

Бундан ташқари мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрнига эътибор қаратилиб ва иқтисодиётда амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар талабларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари, энг аввало қуйидаги масалаларни ечишга: қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш; суғориладиган ерларни сув билан етарлича таъминлаш; фермер хўжаликларини ривожлантириш; қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш; бозор принципларига мос равишда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг уюшган бошқарув тизимини жорий этиш; қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигини оширишга қаратилган.

2007 йилда давлат бюджети харажатлари 20,7 % ни ташкил этди. Барча режалаштирилган харажатлар ижтимоий-иқтисодий дастурлар учун тўла ҳажмда молиялаштирилди, давлат бюджети харажатлари прогнозга нисбатан 109 % да бажарилди. Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналиши сақлаб қолинди (бюджет харажатларининг 50 % и). Ижтимоий муҳофаза, иш ҳақи тўловлари, нафақалар ва стипендиялар ўз вақтида ва тўлақонли молиялаштирилди.

Маорифга йўналтирилган харажатлар улуши ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлашга, умумий харажатларнинг 59,4 %ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,1 % га ошди.* Бу эса Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан коллежлар ва лицейлар сонининг кенгайтилганлиги натижаси ҳисобланади. Соғлиқни сақлашга харажатлар ижтимоий харажатларнинг 22,4 %ини ташкил этди (2006 й. 22,6 %).

2007 йилда “Ижтимоий ҳимоя йили” дастурини амалга ошириш муносабати билан ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда кўламини кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида эҳтиёжманд, ногирон ва ёлғиз кекса одамларга ёрдам кўрсатиш учун бюджетдан 226,5 млрд. сўм ажратилди.

Бу йилларда бошқарув органларини молиялаштириш харажатларининг ЯИМдаги улуши кескин ўзгармади ва 0,5-0,6 % даражасида сақланиб қолди.

Иқтисодиётга қилинган харажатлар сув хўжалиги объектлари ва аҳоли пунктлари инфратузилмалари фаолиятини ва зарурий моддий техника тараққиётини таъминлаган бўлса-

*“Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008 й. август., 23 б.

да, жами харажатлар таркибида харажатлар таркибида уларнинг улуши 2004-2007 йиллар давомида қискарди ва 2007 йилда ЯИМга нисбатан 2,3 % ниташкил этди.

Таҳлил қилинаётган даврда марказлашган инвестицияларнинг бюджет харажатларидаги улушининг камайиши тенденцияси барқарор бўлди.

Агар 2002 йилда Марказлашган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 4,7 %ни (Бюджет харажатларидаги улуши 18 %ни) ташкил этган бўлса 2005 йилда бу улуш 2,4 % (10,7%)ни ташкил этди. 2007 йилда марказлашган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 1,7% ни , жами бюджет харажатларидаги улуши эса 8.2 %ни ташкил этди. Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши , солиқ имтиёзларининг кўпайтирилиши натижасида корхоналар молиявий аҳволининг яхшиланиши натижасида уларнинг жами инвестиция манбаларидаги улушининг ортиши инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат бюджети маблағлари сарфини камайитириш ва тежалган маблағларни ижтимоий соҳага йўналтириш имконини берди.

3. Солиқларнинг турлари ва функциялари.

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида юзага келади.

Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди-сотди қилганда ҳам пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ була олмайди. Солиқ муносабати бўлиш учун давлат мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот кийматини таксимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнини амалга оширади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлади, уларга: мажбурийлик, хазинага тушишлик, катъийлик ва доимийлик, аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик белгилари мавжуддир.

Биринчи белги-мажбурийлик. Солиқ ва йиғимлар мажбурий бўлади, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб куяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг тамойили асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий томондан давлат учун кафолатланган.

Иккинчи белги солиқларнинг давлат мулкига айланишидир. Солиқлар албатта хазинага-давлат бюджетига ва бошқа давлат пул фондларига тушади. Борди-ю, тўлов бошқа ихтиёрий фондлар - «Истеъдод», «Экосан», «Қамолот», «Нуроний» жамъармаларига тушса, унда солиқ муносабати бўлмайди. Чунки мажбурийлик тамойили йук, у тўлов давлат мулкига тушмайди.

Солиқлар катъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Илмий асоси қанча чуқур бўлса солиқлар шунча катъий ва узок йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади ёки жуда кам ўзгаради.

тўланган солиқлар мамлакат миқёсида ҳаммага бир хил миқдорда қайтиб келади. “Солиққа тортиш тизимида энг муҳими – бунда солиқларнинг ички моҳияти мужассамлашган- шунаки, у солиқларни тўлиқ ва самарали қайтарилиш тамойилига амал қилиши керак. Фақатгина солиқларнинг тўлиқ, манзилли ва самарали қайтарилишлигигина солиқ механизмининг ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг энг муҳим бўғинларидан бирига айлантиради” *

Лекин, давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб келмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи бу йили давлатнинг соёликни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тулаган солиқ ва йиғимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш,

* Козырев В.М. Основы современной экономики”. М.: “Финансы и статистика”, 2005, 242 с.

тартиб-интизомни урнатиш ва бошқа ижтимоий-зарурий хизматлар) орқали ўзларига кайтиб келади. Демак, солиқ тўловчилар нуктаи назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун туланадиган (тўлов) ҳақдир. Солиқлар бюджетга ва давлат пул фондларига келиб тушадиган, мажбурий ҳарактерга эга бўлган пул тўлови муносабатларидир.

“Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари, шу жумладан, молиявий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс, тадбиркор ўз товарига эркин баҳо белгилаши, маҳсулот етказиб берувчини топиши ва ўзи истеъмолчини топиб унга маҳсулотни сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Солиқ қилиб олиш учун Олий мажлиснинг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетга ўтади. Эркин иқтисодиёт шароитида солиқлар ҳам эркин, очик, аниқ бўлади, демократик тўловга айланади”^{*}.

Солиқлар иқтисодий категория бўлганлигидан тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта, эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Бу ҳақда кўплаб йирик иқтисодчилар ва давлат арбоблари ўз асарларида кўрсатиб ўтган. Уни давлат, шу билан бирга солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолиятини ҳисобга олиб солиқ белгиланади. Иккинчи томондан, солиқлардан макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун етарли молиявий ресурслар туплаш учун фойдаланилади. Солиқларнинг моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узоқ муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади. Аниқроқ айтсак, бу ерда иқтисодий муносабат, яъни пул муносабати мавжуддир.

Марказлашган пул фондини ва давлатнинг бошқа фондларини мажбурий ташкил этадиган солиқ ва йиғимлар турларининг йиғиндисига солиқлар тизими деб аталади. Бу таърифда солиқ ва йиғимлар ягона моҳият, яъни «мажбурий ҳарактерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят бюджетга тушишлигини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси мазмунига мос келади. Шу ерда баҳсли масала ҳам мавжуд, яъни давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтимоий сугурта, бандлик, йўл фондлари ва бошқаларга) тўловларни ҳам мажбурийлик нуктаи назардан солиқ тизимига киритиш муаммоси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида биноан солиқлар тизими умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқлар тизими таркиби

Умумдавлат солиқлари.	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
1.Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ.. 2.Жисмоний шахслар даромадига солиқ.. 3.Қўшилган киймат солиғи. 4.Акциз солиғи. 5.Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи. 6.Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун	1.Мол-мулк солиғи. 2.Ер солиғи. 3.Ягона солиқ.. 4.Инфратузилмани ривожлантириш солиғи. 5.Жисмоний шахсларнинг транспорт ёки қилғиси учун истеъмол солиғи. 6.Жисмоний шахслар четдан товарлар олиб келганлиги учун ягона божхона тўлови.

^{*} Поляк Г.Б. Налоги и налогообложение.: Учебное пособие—М.: “ЮНИТИ”, 2003, 63—с.

солиқ.. 7.Савдо ва умумий оватланиш ташкилотларидан ялпи даромад солиғи. 8.Божхона божи. 9..Давлат божи. 10.Кимматли қоғозларни руйхатдан ўтказиш йиғими. 11.Бошқа даромадлар.	7.Савдо ҳуқуқ йиғими, шу жумладан алоҳида товарларни турларини сотиш лицензия йиғими. 8. Ишбилармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказиш йиғими. 9.Бошқа тўловлар.
---	--

1-жадвалда кўриниб турибдики, ҳозирги кунда солиқлар кодексида 7 та умумдават (республика) солиқлари ва 5 та маҳаллий солиқлар киради

Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳланади. Солиқларни гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсирларни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

- оборотдан олинadиган солиқлар;
- даромаддан олинadиган солиқлар;
- мол-мулк қийматидан олинadиган солиқлар;
- ер майдонига қараб олинadиган солиқлар..

Оборотдан олинadиган солиқлар га қушилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинadиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан улчанади Ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқ ҳам оборотдан олинadиган солиқларга киради.

Даромаддан олинadиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан солиқлар и киради. Бу гуруҳ солиқларга ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинadиган солиқларга мол-мулк солиғи, экология, автомобил машиналарини қайта сотиш солиғи ва бошқалар киради.

Ер майдонларидан олинadиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқхўжалик) ва жисмоний шаахсларнинг ер солиқлари киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвоста бўлинади.

Тўғри солиқларни бевосита солиқ тўловчиларнинг ўзи тулайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юқини бошқаларга ортиш Ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан туланадиган ва барча мулк солиқлар и киради.

“Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқлар нинг ставкалари қупайтирилса, бизнес имкониятлари камай бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан қамбарчас боғлангандир”*.

Эгри солиқлар ни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир (хизмат кўрсатувчилардир). Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат) ни истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равишда қўйилади.

* Маликов Т.С. Солиқ ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Т.: “Академия”, 2002, 56-б.

Бу солиқларнинг ижобий томони мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар киймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси таҳлил қилинмасдан ошириб юборилса корхоналар маҳсулотларини сотишда қийинчиликка учраб, фойдаси ва бюджетга тўловлари камайиши мумкин.

Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инфляцион жиловлаб боради. Бирок бу солиқлар меҳнат билан банд бўлган аҳолининг реал даромадини пасайтиради. Корхоналарда тўғри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, товарлар ассортиментининг ошишини таъминлаши керак.

Жаҳон солиқ амалиётида тўғри ва эгри солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ёки иқтисодий қийинчиликларни боришини таҳлил қилиб бериш мумкин. Масалан, АҚШда тўғри солиқлар салмоғининг бюджет даромадида 90 фоизга яқин бўлиши бу ерда ривожланган бозор иқтисодиёти мавжудлигидан дарак беради.

Эгри солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари қиради. Юқорида айтиб утилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб бир-бири билан ўзаро боғланган. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисини ставкасини оширишни талаб этади.

Солиқларнинг умудавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, Ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқлар га эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умудавлат микёсида катта вазифаларни мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, меҳнаткашларга ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир катор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлар и ҳам салмокли бўлиши шарт. ҚҚС, акциз солиғи, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан, фуқаролар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умудавлат солиқлар ининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлар дан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Агар келгуси йил маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари (солиқлар и) қўпайиб қолса, республика солиқлар дан ажратма беришнинг ҳожати қолмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятига эга бўлади, бюджетга туланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет Ҳаражатларининг 30-40 фоизини қоплайди, ҳолос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш каби ҳукумат қарорлари мавжуд. Маҳаллий бюджетлар даромадларини қўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, ҳар хил молиявий камчиликларга йўл қўйиш зҳтимоли бор. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари қам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва ҳаражатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда илгари кўрсатганимиздек ҳудуддан республика бюджетига тушадиган солиқлардан ажратмалар берилади. (масалан, ҚҚС, даромад солиғи ва бошқалар). Амалиётда

шу солиқлардан маҳаллий бюджетларга улар бюджетини барқарорлаштириш учун 100 фоизгача ажратма бермасдан туриб субвенция (мақсадли ёрдам) бериш ҳоллари учрайди. Ваҳоланки, маҳаллий ҳукуматларни ўз ҳудудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун 100 фоизгача ажратмалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Субвенция ёки субсидия услублари эса маҳаллий ҳукуматларнинг республика ҳукуматиға мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилишини қизиқтирмайди, улардаги боқи беғамлик кайфиятини кучайтиради.

Солиқ тизимининг такомиллашганлиги солиқ турлари, ставкалари, солиқларнинг давлат бюджети таркибидаги даромадининг нисбати мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига қай даражада мос келиши, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш мақсадларига мутаносиблиги билан белгиланади.

4. Давлат бюджетининг солиқларга кўра таркиби. Солиқ юки.

Республикамызда 1992 йилда жами 24 турдаги солиқлар ва йиғимлар амалда бўлган бўлса уларнинг сони 2000 йили 17 тагача, 2006 –йилга келиб эса 12 тагача қисқарди. Солиқлар турининг қисқариши айрим солиқларнинг бекор қилиниши, айримларини эса қўшиб юбориш-унификация қилиш ҳисобига таъминланди. Масалан ижтимоий инфратузилма солиғига ободонлаштириш йиғими қўшиб юборилган бўлса, 2006 йилда экология солиғи мутлақ бекор қилинди.

2000-2007 йилларда фойда солиғи ставкаси 31 %дан 10 фоизга туширилди, Шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан олинадиган ягона солиқ унификация қилинди, яъни унга нобюджет давлат жамғармаларига ўтказиладиган мажбурий тўловлардан ягона йўл жамғармаси, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ҳам қўшиб юборилди. Ягона солиқ ставкаси 2007 йилда 13 % га, 2007 йилда эса 8 % гача пасайтирилди.*

7-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадлари таркиби (ЯИМга нисбатан % да) Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилиши (ЯИМга нисбатан % да)

Кўрсаткичлар	2005й.	2006 й	2007й.	2008 й
Даромадлар жами	22.6	20.7	21.8	23.7
1. Бевосита солиқлар	6.5	6.0	6.2	6.5
2. Билвосита солиқлар	10.5	9.7	10.3	11.2
3. Ресурс тўловлари ҳамда мулк солиғи	4.5	3.6	3.54	3.6
4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	1.1	1.4	0.7	0.8
5. Бошқа даромадлар	1.1	1.4	1.7	1.7

Манба: 1. “Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2008йил. Т.: 2009й. август., 19 б.

Бу чора тадбирлар иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш имконини берди.

Агар давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 28,5 % бўлган бўлса 2005 йилда 22,5 % ни 2007 йилда 21,8 % ни ташкил этди (7-жадвал).

Бизга маълумки Ягона йўл жамғармаси, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Касаба уюмаси жамғармаси ва Бандчиликка кўмаклашиш жамғармасини ўз ичига олган давлат нобюджет фондларига тўловлар ҳам солиқ мазмунига эга бўлиб товарларлар ва хизматлар таннархига, уларнинг сотилиш баҳоси кўтарилишига, рақобатбардошлилиги пасайишига олиб келади, шунингдек корхоналар молиявий

ресурслари қисқаришини келтириб чиқаради. Нобюджет давлат жамғармаларини ҳам қўшиб ҳисобланадиган жамланма бюджет даромадларининг ЯИМдаги улуши сифатида аниқланадиган солиқ юкининг ҳам камайишини кузатишимиз мумкин. 2001-2007 йиллар давомида иқтисодиётга умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизгача пасайтирилди.

Иқтисодиётга солиқ юкининг пасайтирилиши корхоналарнинг молиявий ресурсларининг кўпайишига олиб келди. “ Бу ўз навбатида инвестицияларнинг кўпайиши, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина 2007 йилда республикаимизнинг хўжалик субъектлари солиқ имтиёзлари берилиши ҳисобидан ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 830 млрд. сўмга тўлдиришга эришгани бу фикрнинг яққол тасдиғидир”^{*}.

Кейинги уч йилдаги солиқ сиёсатига назар ташласак қуйидаги ҳолатларнинг гувоҳи бўламиз.

2005 йилда бюджет ва солиқ тизимида амалга оширилган ислохотларнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат бўлди:

– солиқ юки камайди. юридик шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкаси 18% дан 15%га, ягона ижтимоий солиқ 33% дан 31%га пасайтирилди. Натижада, давлат бюджетидаги солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши 22,6%гача қисқарди;

– ҳисоб-китобларга кўра, фақатгина даромад солиғи ставкасининг камайтирилиши ҳисобига бўшаган ва корхона ихтиёрида қолган маблағлар 40 млрд.сўмдан ошди. Ушбу маблағлар корхонанинг инвестиция мақсадларига йўналтирилиши мумкин; ягона солиқ тўловининг киритилиши солиқ тўловчилар томонидан солиқ органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини деярли 10 баробарга қисқартирди.

2006 йилда юридик шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкаси 15% дан 12%га, ягона ижтимоий солиқ 31% дан 25%га пасайтирилди.

Натижада иқтисодиётга давлат бюджети даромадлари бўйича ҳисобланадиган солиқ юки 20, 7 % гача пасайди.

Бу йиллар давомида солиқ юкининг пасайиши солиқ ставкаларининг камайтирилиши билан бирга инвесторлар ва тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари рўyxатининг кенгайтирилиши орқали рўй берди. Таҳлил қилинаётган даврда тўғри солиқларнинг ЯИМдаги улуши 7,5 % (2000 й) дан 6,2 % (2007 й.) гача пасайди.

2000-2007 йилларда ягона ижтимоий тўлов ставкалари 40 фоиздан 24 фоизга пасайтирилди. Бу нобюджет фондлари даромадларининг ЯИМдаги улуши камайишини келтириб чиқарди. Бу пасайиш тенденцияси 200 6 йилгача барқарор бўлди. Эгри солиқларнинг ЯИМдаги 2000 йилда 16 %ни, 2005 йилда 10,5 %ни, 2006 йилда 9,7 фоизни ташкил этди, яъни қисқариб борди. Эгри солиқлар улушининг камайиши акциз солиғи бўйича йиғимларнинг фоизли қийматининг камайиши ҳисобига рўй берди

Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловларининг ЯИМдаги ва ялпи солиқ тушумларидаги улуши ошиб борганлигини таъкидлаш лозим. Бу солиқларнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 2,8 %ни, 2006 йилда 3,6 %ни ташкил этди.

2007 йилда олиб борилган фискал сиёсат, иқтисодиётда тузилмавий ўғаришларни давом эттириш, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш натижасида солиқ базаси кенгайди. Бу эса тўлов тизимларининг мустаҳкамланиши ва солиқ маъмурчилигининг яхшиланиши чора – тадбирлари билан бир қаторда давлат бюджети даромадларининг ошишига олиб келди. Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларидан 4,9 % га юкори бўлди.

Давлат бюджети даромадлари 2006 йилда ЯИМга нисбатан 20,7 % бўлган бўлса, 2007 йилда 21,8 %, 2008 йилда 23,7 % ни ташкил этди

^{*}Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш–барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.//Ўзбекистон овози, 2008 йил 9-февраль.

Тўғри солиқлар таркибида, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқлар улуши муттасил ошиб бормокда (8-жадвал). Агар бу кўрсаткич 2000 –йилда 44,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 46,2 %ни, 2005 йилда 46,9 % ни, 2006 йилда 43,9 % ни,

8-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетига
тўғри солиқлар тушумининг таркиби (%)**

Солиқ турлари	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й	2007й
Тўғри солиқлар	100,0	100,0	100,0	100	100	100
1.Корхоналарнинг фойда солиғи	31.9	32.0	28.2	28.5	28.4	28.3
2.Ялпи даромад солиғи	-	-	8,0	7.3	7.3	6.1
3.Ягона солиқ	12.1	13.2	9.6	9.4	9.1	9.1
4.Жисмоний шахслар даромад солиғи	42.3	43.8	43.4	44.00	43.9	42,9
5.Тадбиркорлар даромадига қатъий белгиланган солиқ	6.4	4.8	4.8	4.6	3.7	3.4
6.Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	7.3	6.2	6.0	6.2	7.6	10,2

Манба: 1.“Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил.Т.: 2008 й. август, 21-б.
2.“Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2006 йил.Т.: 2008 й. март, 31-б.

2007 йилда эса 42,9 % ни ташкил этди. ташкил этди, яъни тўғри солиқлар ялпи тушумида юқори ўрин тутadi Юридик шахслар даромадларидан олинadиган солиқ ставкасининг камайиши натижасида 2000-2004 йилларда у бўйича тушумларларнинг тўғри солиқлар таркибидаги улуши камайган бўлса, яна 0,5 фоиз пунктга ошиши кузатилди ва 30,4%ни ташкил қилди. 2005 йилги бу ҳолат корхоналар учун кам самарали имтиёзларни

бекор қилиш билан изоҳланиши мумкин. 2004 йилда савдо корхоналари учун жорий қилинган ялпи даромад солиғининг улуши 2005 йилда 1,3 фоиз пунктга камайиб 7,8 % га туғиб қолди. Кичик бизнес субъектлари учун киритилган ягона солиқ тушумларининг тўғри солиқлар тушумидаги улуши 2003-2005 йилларда камайиб борди ва 2005 йилда 10,5 фоизни ташкил этди.

Юқори солиқ шкалалари бўйича солиқ ставкалари камайишига қарамасдан жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқларнинг кўпайиб бораётганлиги солиқ базаси, яъни аҳоли даромадлари ортиб бораётганлигидан далолат беради. 2007 йилда ижтимоий инфратузилма солиғи улушининг ортиши ҳисобига жисмоний шахслар даромад солиғининг тўғри солиқлар тушумидаги улуши қисқарди.

Тўғри солиқлар ставкаларининг пасайтирилишига қарамасдан солиқ базасининг кенгайиши ҳисобига бу солиқлар тушумининг мутлақ миқдори ошиб бориши, тўғри солиқлардаги улуши эса 2005-2007 йилларда деярли барқарор бўлиб қолаётганлигини таъкидлаш мумкин. Бундай бақарорлик 2005-2007 йилларда ягона солиқ тўловига ҳам тегишлидир. Солиқ тўловчилар сони ортиши, солиқ базасининг кенгайиши ягона солиқ ставкасининг пасайишига қарамасдан унинг мутлақ миқдори ортиб боришига олиб келди.

Эгри солиқлар давлат бюджети жами даромадларининг ярмидан кўп қисмини таъминлаб беради. (9-жадвал). Агар ушбу солиқлар таркибини қараб чиқадиган бўлсак, қўшилган

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетига эгри солиқлар тушумининг таркиби (%)

	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Эгри солиқлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1.Қўшилган қиймат солиғи	43,9	39,6	42,5	51,1	54,1	59,1
2.Акциз солиғи	48,3	51,3	48,2	37,7	33,2	26,5
3.Божхона божи	2,9	3,0	3,6	4,7	4,9	5,8
4.Жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўлови	2,4	3,3	2,5	2,1	3,3	4,3
5. Бензин истеъмоли учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ	2,5	2,8	3,2	4,4	4,4	4,4

Манба: 1.“Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил.Т.: 2008 й. август, 21-б.

2.“Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2006 йил.Т.: 2008 й. март, 31-б.

қиймат солиғи бўйича тушумлар эгри солиқлар таркибидаги улуши бўйича биринчи ўринни эгаллади. 2000 -йилда қўшилган қиймат солиғи улуши 47,3 фоизни, 2004 йил 42,5% фоизни, 2005 йилда 51,1% ташкил этган бўлса, 2006 йилда 54 % ни ташкил қилди.

Кўшилган қиймат солиғи улушининг бундай кескин кўтарилиши акциз солиғи бўйича тушумлар ҳажмининг камайиши билан изоҳланади. 2005 йилда акциз солиғи бўйича тушумларнинг эгри солиқлар таркибидаги улуши ўтган йилдаги 48,2% ўрнига 37,7%га тенг бўлиши, 2006 йилда эса 33,2 % га тенг бўлиши кузатилди. Ушбу пасайишнинг сабаби республика ҳудудида ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотларига акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкасининг ўзгармаганлиги билан боғлиқ. Бошқа эгри солиқларнинг ставкаларида эса инфляция даражаси ҳисобга олинади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг янада фаоллашуви натижасида, божхона божларининг эгри солиқлардаги улуши ортиб бориб 2000 йилдаги 2 % ўрнига 2005 йилда 4,7 % га, 2006 йилда эса яна кўтарилиб 4,9 % га етди. Шу даврда эгри солиқлар тушумининг умумий ҳажмида жисмоний ўахслардан ундириладиган ягона блжхона тўлови улуши ортди.

Автомобил эгаларига мулк эгалиги учун солинадиган солиқлар ўрнига жорий этилган бензин истеъмоли учун жисмоний ўахслардан ундириладиган солиқларнинг эгри солиқ тушумидаги улуши жорий этилган, 2002 йилда 2,5 фоизни ташкил этган бўлса, кўпайиб бориб 2005 йилда 4,4 фоизга етди ва кейинги икки йилда ўзгармади..

“2007 йилда эгри солиқлар тушумида мавжуд динамика сақланиб қолди. Масалан ҚҚС улуши кўтарилиб 59,1 %га, божхона тўловлари улуши ошиб 10,1 фоизга етди. Бу ҳолат акциз солиғи улуши қисқариши ҳисобига рўй берди”*.

Солиқ ставкаларини пасайтириш, иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш борасида амалга оширилган чора тадбирлар натижасида умумий солиқ юки камайгани ҳолда, бюджет даолмадлари ортиб борди, уларнинг таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайиши ҳукуматимизга ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тадбирларни амалга оширишига хизмат қилди.

5. Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати ва солиқ ислохотларининг асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ сиёсати иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта курулантиришда солиқларнинг ролини ошириш, уларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш, солиқларни унификация қилиш, иқтисодиётга солиқ юкини пасайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш каби йўналишларда олиб борилмоқда. Ушбу маърузанинг бешинчи саволида кўрганимиздек тўғридан-тўғри солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиқ тизимининг жорий этилиши иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмоқда.

Солиқ ислохотлари тўғридан тўғри солиқларнинг ставкаларини камайтириш, ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича тушумларнинг давлат бюджетига улушини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундай имтиёзлар ички инвесторларга ҳам берилишини кўзда тутувчи “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони имзоланиши билан иқтисодиётга инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришда янги босқич бошланди. Ушбу фармондан кўзда тутилган мақсад “хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга

* “Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил.Т.: 2008 й. август, 21-б.

йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш...” дир.*

Фармонда хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинadиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилган. Шунингдек ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилди. Ягона солиқ тўлайдиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналарига эса ягона солиқ базасинихарид қилинган янги технологик жиҳознинг қийматига тенг. Аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтириш ҳуқуқи киритилди.

Мазкур фармонда божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ҳам белгиланган бўлиб, бу имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланадиган технологик жиҳозлар рўйхатига мувофиқ қўлланилади. Хулоса қилиб айтганда, республикамызда амалга ошириладиган солиқ сиёсати, солиқ механизмнинг инвестициялар ҳажмини оширишга, уларни устувор тармоқларга жалб этишга, таркибини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадларига тасирини яхшилашга қаратилган.

Қисқача хулосалар

Давлат бюджети- мамлакат ҳукуматига давлатнинг иқтисодий функцияларини бажариш имконини берувчи асосий молиявий манба бўлиб унинг харажатлари таркибини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва ижтимоий ҳимояга сарфланадиган маблағларнинг мутлақ миқдори ва жами харажатлардаги улоуши ошиб бормоқда.

Солиқлар мажбурий тўлов бўлиб фискал, қайта тақсимлаш, рағбатлантириш ва назорат функцияларини бажаради.

Барча солиқлар уч гуруҳга-тўғридан-тўғри, эгри солиқлар ҳамда ресурс тўловлари ва мулк солиғига бўлинади.

Республикамызда амалга ошириладиган солиқ сиёсати иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта қурулантириш, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишда солиқларнинг ролини оширишга қаратилган.

Солиқ ислохотлари иқтисодиётга солиқ юкини пасайтириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ ставкаларини пасайтириш, айниқса тўғридан –тўғри солиқларнинг ставкаларини пасайтириш, солиқларнинг рағбатлантириш функциясини кучайтириш йўналишларида амалга оширилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат бюджетига таъриф беринг ва унинг харажатлари таркибини санаб ўтинг.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ихаражатларида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?
3. Солиқларнинг функцияларига изоҳ беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси бюджетига солиқ тушумларинг таркиби ва миқдоридаги тенденцияларни изоҳлаб беринг.
5. Мамлакатимизда солиқ сиёсати қайси мақсадларга қаратилган?
6. Солиқ ислохотларининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.// Халқ сўзи., 2007 йил 15 март, №52.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 68-69, 93, 125, 133- б. б.
4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-66, 83-95 б.б..
5. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2010, 155-171 с.с.
6. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 293-306 с.с.
8. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 709-745 с.с.
9. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 230-245 с.с.
10. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 260-292 с.с.
11. Кушлин В.И., Ивлева Г.Ю., Клюкин П.Н., Макроэкономика: Государственное регулирование в условиях глобализации., М.: Изд-во РАГС, 2007, 211-238 с.с.
12. Козырев В.М. Основы современной экономики”. М.: “Финансы и статистика”, 2005, 236 -260 с.с.
13. Матвеева Т.Ю. Введение в макроэкономику: учебное пособие. Гос.ун-т-Высшая школа экономики.-3-е изд.-М: Изд.дом ГУ ВШЭ, 2005, 403-435 с.с.
14. Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник.-2-е изд., доп.- М.: Дело, 2002, 188-201 с.с.

11- Мавзу: Бюджет- солиқ сиёсати

Режа

1. Бюджет –солиқ сиёсатининг моҳияти ва усуллари.
2. Давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари.
3. Дискрет ва нодискрет фискаль сиёсат. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги.
4. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсати ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг хусусиятлари.

1. Бюджет –солиқ сиёсатининг моҳияти ва усуллари.

Давлатнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳисобланади. Бундай барқарорлаштиришга монетар сиёсат воситалари қатори фискал сиёсат орқали ҳам эришилади. Фискал сиёсат шунингдек, бюджет-солиқ сиёсати деб ҳам айтилади.

Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартиришни ўз ичига олган чора тадбирлар тушунилади.

Иқтисодиёт турғунлик ёки пасайиш даврида бўлган вазиятларда давлат томонидан рағбатлантувчи фискал сиёсат-фискал экспансия олиб борилади. Яъни, давлат қисқа муддатда иқтисодиётнинг пасайиши муаммосини давлат харажатларини ошириш ёки солиқларни камайтириш, ёхуд иккаласини бир вақтнинг ўзида олиб бориш эвазига ҳал этади. Узоқ муддатда давлат харажатларининг юқори бўлиши ва солиқларни камайтириш ишлаб чиқариш омилларининг ўсишига ва натижада, иқтисодий салоҳиятнинг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Аммо, бунга Марказий банк томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсатидан самарали фойдаланиш ва давлат харажатлари таркибини мақбул ҳолатга олиб келиш орқалигина эришиш мумкин. Иқтисодиётда тўлиқ бандлик ва ортиқча талаб натижасида инфляция келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятларда чекловчи фискал сиёсат-фискал рестрикция олиб борилади. Чекловчи фискал сиёсат давлат харажатларини (G) камайтириш ёки солиқларни (T) ошириш ёки бўлмаса иккала тадбирни бир вақтда олиб бориш орқали иқтисодиётнинг даврий ўсишини чегаралашдан иборат. Қисқа муддатли даврларда ушбу тадбирлар талаб инфляциясини камайтиради. Узоқ муддатли даврларда эса юқори солиқлар иқтисодиётда стагнацияга олиб келиши мумкин. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини издан чиқаради. Бунга давлат харажатларидан самарасиз фойдаланиш қўшимча туртки бўлиши мумкин.

2 Давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари.

Қисқа муддатли даврда бюджет-солиқ сиёсати давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари самараси таъсири остида бўлади.

$$\Delta G \uparrow \rightarrow \Delta E \uparrow (\Delta E \propto \Delta C) \rightarrow \uparrow \Delta Y (\Delta Y = \Delta C \times mg)$$

Давлат харажатларининг ΔG миқдорга ўсиши режалаштирган харажатларининг ΔE миқдорда ўсишига ва умумий харажатларнинг эгри чизик бўйича юқорига сурилишига олиб келади. Бу вазиятда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми (ΔY) миқдорида ўсади.


7-мавзуда кўрганимиз сингари харажатлардаги озроқ ўзгариш даромадлардаги ундан анча катта бўлган, ўзгаришни келтириб чиқаради ва $\Delta Y / \Delta E = 1/(1-b)$ бўлади (22-чизма).

$$\Delta Y = \Delta E \times (1/(1-b)) = \Delta E \times m$$

Солиққа тортиш ҳисобга олинмаганда ёпиқ иқтисодиёт учун давлат харажатлари мультипликатори ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини қуйидаги тенгламалар системасини ечиш орқали топиш мумкин:

$$\begin{cases} Y = C + I + G \\ C = a + bY \end{cases}$$

Бу ерда: $Y = C + I + G$ – ёпиқ иқтисодиёт учун асосий макроиқтисодий айният;



22-чизма. Давлат харажатлари ўзгаришининг мультипликатив самараси

Тенгламалар системасини Y учун ечиб қуйидаги натижани оламиз:

$$Y = \frac{1}{1-b} (a + I + G);$$

Бу ерда: $1/(1-b)$ – ёпиқ иқтисодиётда солиққа тортиш ҳисобга олинмаган вазиятда харажатлар мультипликатори;

$(a + I + G)$ – автоном харажатлар;

$b = MPC$ – истемолга чегараланган мойиллик бўлиб мультипликатор миқдорини белгиловчи асосий омилдир.

Солиққа тортиш ҳисобга олинганда истеъмол функцияси ўзгаради ва $C = a + b(1-t)Y$ кўринишни олади. Бу тенгламани асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб ечсак, қуйидаги натижани оламиз:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)} (a + I + G)$$

Бу ерда: $1 / (1-b(1-t))$ – ёпиқ иқтисодиётда харажатлар мультипликатори;

t – чегаравий солиқ ставкаси.

$$t = \Delta Y / \Delta T$$

Бу ерда: ΔT – тўланадиган солиқлар миқдорининг ўсиши;

ΔY – даромадларнинг ўсиши.

Прогрессив солиқ тизими мультипликатор самарасини юмшатади ва ишлаб чиқариш ҳамда бандлилик даражаларини барқарорлаштиради.

Солиққа тортиш ҳисобга олинган ҳолдаги харажатлар мультипликатори солиққа тортиш ҳисобга олинмаган ҳолдаги солиқ мультипликаторидан анча кичикроқ миқдорга эга, чунки даромадларга айланган харажатларнинг бир қисми солиқларга чегирилиб, муомаладан чиқади ва мультипликация самарасини пасайтиради. Бу иккала формулани солиштирганда ҳам кўзга ташланади. Шунингдек очиқ иқтисодиётда ошган даромадларнинг бир қисми импортга йўналтирилиши оқибатида муомаладан чиқиб кетиши туфайли мультипликатор самараси ёпиқ иқтисодиётга нисбатан пастдир.

Очиқ иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатор ва мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги тенгламалар системасини ечиб топилади:

$$\begin{cases} Y=C+I+G+X_n \\ C=a+b(1-t) \times Y \\ X_n=g+m'Y \end{cases}$$

Агарда (2) ва (3) тенгламаларни асосий макроиқтисодий айдиятга қўйиб, ечасак қуйидаги ечимга эга бўламиз:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)+m'} (a+I+G+g)$$

Бу ерда: $1 / 1-b(1-t)+m'$ очиқ иқтисодиётда давлат харажатлар мультипликатори.

Мувозанатли даромадлар даражасига солиқларни камайтириш ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Солиқлар миқдорини ΔT га камайтирсак, тасарруфдаги даромад даражаси ΔT га ошади. Истеъмол харажатлари мос тарзда ΔT га b (бу ерда b -истеъмолга чегаравий мойиллик) миқдорга ошади ва у режалаштирилган харажатлар эгри чизиғини юқорига силжитади, миллий ишлаб чиқариш ҳажминини эса ΔY га оширади.

Солиқ мультипликация самараси давлат харажатлари сингари солиқларнинг бир марта ўзгариши оқибатида истеъмолнинг бир неча бор ўзгаришига боқлиқ.

$$\begin{aligned} T \downarrow (\Delta T) &\Rightarrow Y_d \uparrow (\Delta Y_d = -\Delta T) \Rightarrow C \uparrow (\Delta C = b(-\Delta T)) \Rightarrow E \uparrow (\Delta E = b(-\Delta T)) \Rightarrow Y \uparrow (\Delta Y = b(-\Delta T)) \Rightarrow C \uparrow \\ &(\Delta C = b(b(-\Delta T)) \Rightarrow E \uparrow (\Delta E = b^2(-\Delta T)) \Rightarrow Y \uparrow (\Delta Y = b^2(-\Delta T)) \Rightarrow \\ &\Rightarrow C \uparrow (\Delta C = b(b^2(-\Delta T))) \text{ ва х.к.} \end{aligned}$$

Демак, солиқ мультипликаторини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\frac{\Delta Y}{\Delta T} = \frac{-b}{1-b}$$

Агар давлат бюжетига барча солиқ тушумлари жорий даромад– Y динамикасига боғлиқ деб ҳисобласак солиқ функцияси $T = tY$ – кўринишни олади. Бу ҳолатда истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C = a + b(Y - tY) = a + b(1-t)Y,$$

Солиқ мультипликатори эса қуйидаги кўринишни олади:

$$m_t = \frac{-b}{1-b(1-t)}$$

Бу ерда: m_t – ёпиқ иқтисодиёт учун солиқ мультипликатори.

Тўлиқ солиқ функцияси $T = T_a + tY$ кўринишга эга.

T_a – автоном солиқлар (масалан, мулкка, ерга солиқлар).

Тўлиқ солиқ функциясини эътиборга олсак, истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C = a + b[Y - (T_a + tY)]$$

Истеъмол функциясининг Ушбу шаклини ҳамда соф экспорт функциясини ҳисобга олиб очик иқтисодиёт учун солиқ мультипликаторини ҳисобласак у

$$m_t = \frac{-b}{1-b(1-t)+m'} \quad \text{кўринишини олади.}$$

Демак солиқларни бир миқдорга камайтирилиши ёки кўпайтирилиши натижасида ЯИМ ҳажмининг бундан неча марта кўп миқдорга ўзгариши истеъмолга чегараланган мойиллик, чегаравий солиқ ставкасига ва импортга чегараланган мойиллик даражаларига боғлиқ

Очик иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори ва солиқ мультипликаторини ҳисобга олганда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми модели қуйидагича бўлади:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)+m'} (a+I+G+g) - \frac{b}{1-b(1-t)+m'} T_a$$

Айтайлик ҳукумат ўз харажатларини қандайдир миқдорга оширди ва бу харажатларни молиялаштириш учун солиқ миқдорини ҳам шунча оширди.

Бунда давлат харажатлари ва автоном солиқлар миқдорларининг бир вақтнинг ўзида бир хил миқдорда ўзгариши натижасида даромадларнинг жами ўзгариши ΔY миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta Y = \frac{1}{1-b(1-t)+m'} \Delta G - \frac{b}{1-b(1-t)+m'} \Delta T_a$$

Агар давлат харажатлари ва автоном солиқлар бир хил миқдорга кўпайса мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми шу миқдорга тенг ёки ундан камроқ суммага кўпаяди. Буни баланслашган бюджет мультипликатори деб юритилади. Баланслашган бюджет мультипликатори бирга тенг ёки ундан кичикроқ бўлади.

Давлат харажатлари ўзгаришидан юзага келадиган мультипликатив самара солиқлар пасайишидан олинadиган мультипликатив самарадан каттарoқ бўлади. Бу ҳoлат давлат харажатларининг даромадлар ва истеъмол ҳажмига таъсири (солиқлар ўзгариши таъсирига нисбатан) кучлироқ эканлиги oқибатидир.

Ушбу фарқ фискал сиёсат воситаларини танлашда муҳим роль ўйнайди. Агар ҳукумат давлат секторини кенгайтирмоқчи бўлса, даврий пасайишни тугатиш учун ўз харажатларини ошириши, инфляцияни чеклаш учун эса солиқларни ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аксинча, фискал сиёсат давлат секторини чеклашга қаратилган бўлса, даврий пасайиш шароитида солиқларни камайтиради, даврий кўтарилиш пайтида эса давлат харажатларини ошириш мақбул йўл ҳисобланади.

3. Дискрет ва нодискрет фискаль сиёсат. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги.

Ҳукуматнинг бандлик даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми, инфляция суръатлари ва тўлов баланси ҳолатини ўзгартиришга йўналтирилган махсус қарорларни қабул қилиши натижасида давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғини мақсадли ўзгартирилиши дискрет фискал сиёсат дейилади. Дискрет фискаль сиёсат юритилганда иқтисодий пасайиш даврида жами талабни рағбатлантириш учун давлат харажатларини оширилиши ва солиқларни камайтирилиши натижасида давлат бюджети камомади юзага келтирилади. Ўз навбатида даврий кўтарилиш пайтида бюджет ортиқчалиги юзага келтирилади.

Дискрет фискаль сиёсат иқтисодий тебранишларни юмшатишда муҳим роль ўйнасада, унинг айрим камчиликлари мавжуд. Бу, аввалам бор, вақт оралиқлари билан боғлиқ. Яъни иқтисодиётда пасайиш ёки инфляцион зўриқишнинг пайдо бўлиши, бу ҳолатларни аниқлаш юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун давлат харажатлари ва солиқ тушумларини


ўзгартириш борасида қарор қабул қилиш, бу қарор бажарилишини таъминлаш жараёнларининг ҳар бири ўртасида маълум вақт ўтади.

Бу вақт давомида иқтисодий вазият ўзгаради ва кўрилган чора-тадбирлар кўтилган натижани бермаслиги мумкин. Шу туфайли даврий тебранишларни автоматик тарзда юмшатиб туриш механизмини яратиш зарурати юзага келади.

Нодискрет фискаль сиёсат – давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғини автоматик ўзгартиришни кўзда тутди. Нодискрет фискаль сиёсат ўрнатилган барқарорлаштиргичларга асосланади. Ривожланган давлатларда ўрнатилган барқарорлаштиргичлари ролини прогрессив солиқ тизими, давлат трансфертлари тизими ва фойдада иштирок этиш тизими ўйнайди. Нодискрет фискаль сиёсат даврий тебранишларни юмшатиш учун ҳукуматнинг бевосита аралашувини талаб этмайди. Даврий пасайиш шароитида даромадлар пасайиши туфайли солиқ ставкалари пасаяди. Бу эса жами талабнинг ошишига, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатни юзага келишига олиб келади. Шунингдек пасайиш даврида давлат трансфертлари, жумладан ишсизлик нафақаси тўловлари миқдори ошади. Бу ҳолат ҳам жами талабни ошириб, жами тақлиф ҳажмини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий юксалиш даврида ортиқча талаб иқтисодиётга инфляцион таъсир кўрсатаётган шароитда даромадлар даражаси ошиши билан солиқлар ставкалари пасаяди ва бу жами талабга чекловчи таъсир кўрсатади. Айни пайтда давлат харажатлари (ишсизларга нафақалар, давлат трансфертларининг бир қанча турлар) ҳам пасаяди. Аммо нодискрет фискаль сиёсат воситалари иқтисодий тебранишларни тўлиқ юмшатиш имконини бермайди ва у дискрет фискаль сиёсат юритишни инкор этмайди.

Иқтисодиётнинг ўрнатилган барқарорлиги даражаси даврий бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги миқдорларига боғлиқ. Даврий тақчиллик (ортиқчалик) иқтисодий фаоллик пасайиши (ошиши) шароитида солиқ тушумларининг автоматик камайиши (ошиши) ва давлат харажатларининг автоматик ошиши (камайиши) натижасида юзага келадиган давлат бюджети тақчиллиги (ортиқчалиги)дир.



Даврий пасайиш босқичида солиқлар автоматик пасайиши, давлат трансфертларининг ошиши натижасида бюджет тақчиллиги келиб чиқади.

Даврий юксалиш босқичида солиқлар автоматик кўпайиши ва давлат харажатларининг камайиши натижасида бюджет ортиқчалиги пайдо бўлади. Давлат харажатлари ўзгармас бўлган шароитда ҳам бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги мавжуд бўлиши мумкин. Даврий тақчиллик ва ортиқчалик миқдорлари солиқ ва бюджет функциялари графикларининг «тиклиги»га боғлиқ. Солиқ функцияси T нинг эгилиш бурчаги чегаравий солиқ ставкаси t нинг миқдорига боғлиқ. t қанча юқори бўлса T чизиғи шунча тик бўлади. Давлат бюджетидан бериладиган трансфертлар ҳажми ўзгаришининг даромадлар ўзгаришига боғлиқлигини характерловчи γ коэффициент қанча кичик бўлса, G чизиғи ҳам шунча тик

бўлади. Демак даромад ошгани сари бюджетга солиқ тўловлари ошаверади, бюджетдан трансферт тўловлари эса камаяди.

Давлат харажатлари даромадга боғлиқ бўлмаган ўзгармас миқдор бўлганда t қанчалик катта бўлса T чизиги шунча тик ва иқтисодийнинг ўрнатилган барқарорлиги даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Аммо иқтисодий ўсишнинг таъминлаш вазифаси T ва G чизикларини ётиқроқ бўлишини тақозо этади.

Ўрнатилган барқарорлаштиригичлар мувозанатли ЯММ ҳажмини, унинг потенциал ҳажми даражаси атрофида тебраниши сабабини тўлиқ тугатмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай даражасида мавжуд бўлиши мумкин.

Тўлиқ бандликни таъминлаган дискрет фискаль сиёсат юритилиши натижасида давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги (ортиқчалиги), яъни тўлиқ бандлик шароитида бюджет харажатлари (даромадлари) ва даромадлари (харажатлари) ўртасидаги фарқ юзага келади.

Даврий тақчиллик кўпинча давлат бюджетининг ҳақиқий тақчиллиги ва таркибий тақчиллик фарқи сифатида баҳоланади.

Давлат бюджетни камомадини молиялаштириш усуллари:

1. Пул-кредит эмиссияси;
2. Давлат заёмларини чиқариш;
3. Давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириш.

Давлат бюджетни камомад пул чиқариш орқали қопланганда муомалада пул массасини кўпайтириш инфляцияга олиб келади.

Инфляция даражаси ошганда Оливер-Танзи самараси пайдо бўлади. Яъни, солиқ тўловчилар томонидан давлатга тўлайдиган солиқлар тўловини атайин кечиктириш ҳоллари юзага келади. Бу эса давлат бюджетни камомадни ошишига олиб келади. Бюджет тақчиллиги туфайли давлат хусусий ишлаб чиқарувчилардан товарлар ва хизматлар сотиб олса-ю, лекин улар тўловларни кечиктирса, хусусий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари нархларини олдиндан ошириб қўйишади. Бу эса инфляциянинг ошишига олиб келади.

Агар давлат бюджетни тақчиллиги давлат заёмларини чиқариш орқали молиялаштирилса, улар сотилиши натижасида пулга талаб ошади. Бу эса ўз навбатида фойз ставкасини кўтарилишига олиб келиши мумкин. Оқибатда инвестиция харажатлари, соф экспорт ҳажми ва қисман истеъмол харажатлари камаяди. Пировардида сиқиб чиқариш самараси рўй беради ва у фискаль сиёсатнинг рағбатлантирувчи самарасини заифлаштириб қўяди.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг бу усули ноинфляцион усул ҳисоблансада инфляция хавфини маълум муддатга кечиктиради холос. Чунки муддати етган заёмларни сотиб олиш билан давлат муомаладаги пул массасини кўпайтиради. Бу эса ўз навбатида, баҳолар даражасининг кўтарилишига сабаб бўлади. Солиқ тушумларини кўпайтириш бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг учинчи йўли бўлиб, у узок муддат талаб этадиган солиқ ислоҳоти ўтказилишини талаб этади. Бу ислохотлар солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш, солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан кўпроқ мулк эгалари ва мулкдан фойдаланувчилар зиммасига ўтказиш орқали солиқлар тушумини кўпайтиришни кўзда тутати.

Бюджет ортиқчалигини камайтириш усулларида муомаладаги пул маблағларини олиб қўйиш ва давлат қарзларини тўлаш киради.

Давлат қарзларини тўлаш номинал даромадлар ва муомаладаги пул массасини ошириб, баҳолар даражасининг янада ошишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли бюджетдаги ортиқча маблағларни музлатиб қўйиш бюджет камомадини пасайтиришнинг нисбатан ноинфляцион усулидир.

Олиб борилган изчил макроиқтисодий сиёсат натижасида давлат бюджетни тақчиллиги пасайтирилди ва 2003, 2004 йилларда ЯИМ га нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди (1992 йилда 12 %). Бу умумэтироф этилган 3 % ли меъёрдан анча паст кўрсаткичдир.

Бюджет тақчиллиги асосан ноинфляцион усуллар билан, яъни давлат облигациялари чиқариш ҳамда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига молиялаштирилмоқда. Республикамизда ўтказилаётган солиқ-бюджет сиёсати макроиктисодий барқарорликни

10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг бажарилиш даражаси (ЯИМга нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Дефицит (-)	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	-0,4	0.1	0.5	1.1	1.5	0.2
Профицит (+)										

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

таъминлаб туриш, устивор тармоқларни инвестициялаш, таълим соҳасини жадал ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларига қаратилиб келинмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсати ва жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида унинг хусусиятлари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган фискал сиёсатни янада такомиллаштириш, солиқлар ва бюджет харажатларидан иқтисодиётни барқарор ўстиришни рағбатлантиришнинг амалий воситалари сифатида фойдаланиш борасида чора-тадбирлар белгиланаётганда бугун жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўштказаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимида интеграциялашган бир шароитда жаҳон молиявий инқирози, аввало унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу таъсирлар қуйидагилар:

- жаҳон бозорида талабнинг пасайиши натижасида Ўзбекистон экспорт қиладиган маҳсулотларга талаб вауларнинг нархи тушиб кетиши(натижада экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий-иктисодий ҳолати ёмонлашади;
- мамлакатимизга инвестиция қилиши мумкин бўлган потенциал хорижий инвесторлар молиявий аҳволининг ёмонлашуви натижасида хорижий инвестициялар миқдорининг эҳтимол тутилган пасайиши.

“Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз жорий йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 -2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади”*.

Дастурда белгиланган асосий чора-тадбирлар йўналишлари қуйидагилардир:

- 1) экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- 2)маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига бўлган ички талабни рағбатлантириш;
- 3)иқтисодиётнинг реал сектори соҳасидаги инвестицион фаолликнинг ресурс базасини кенгайтириш ва ўсишини таъминлаш;
- 4)электр-энергетика соҳасини модернизациялаш, энергия сиғимини қисқартириш ҳамдаэнергия тежамкорлик тизимини жорий этиш;

* Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ., Т.: Ўзбекистон, 2009. 30-бет

5) кичик бизнес ривожланишини қўллаб қувватлаш, аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари ташкил этишга қўмаклашишни кучайтириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истикболга мўлжалланган ишлар натижасида кейинги йилларда экспорт соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилди.

2008 йилда экспорт 28,7 % га, ташқ савдонинг ижобий сальдоси 78,3 % га ошди.

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб қувватлаш борасида 2009 йилда қуйидаги фискал чоралар кўрилмакда:

-корхоналарнинг бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, коммунал хўжалиги олдидаги қарзлари бўйича пеняларни ҳисобдан ўчириш;

-ортиқча тўланган қўшимча қиймат солиғи суммасини корхоналарга қайтариш муддатини 10 кунга, яъни 30 кундан 20 кунгача қисқартириш;

- “тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвеститсия иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш”^{*};

-ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган муддатни 30 кундан 60 кунгача узайтириш.

Инвестициялар ҳажмининг қисқаришига йўл қўймаслик иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шартларидан биридир.

2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестиция ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди. Натижада сўнгги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили қарийб 400 мингтани ташкил этди.

2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар, шу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди.

Инқирозга қарши чора тадбирлар қаторида 2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвеститсияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Бу чора тадбирлар саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши орттириш, тежамкор технологиялар жорий қилиш учун молиявий ресурсларни кенгайтириш, маҳсулот тарннархини пасайтириш имконини беради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин

^{*} Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ., Т.: Ўзбекистон, 2009. 30-бет

тутади. Республикуамизда инқирозга қарши дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

2008 йилда жаҳон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиши рўй берди. Бундай шароитда озиқ-овқатмаҳсулотларининг ишончли таъминотини издан чиқармаслик, ички ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадларида озиқ овқат экинлари майдонини кенгайтириш тўғрисида Ўзбекистон республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Бу қарордан ташқари озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг қўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. “Жумладан, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда:

гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизатсия қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш”⁹

Инқирозга қарши дастур доирасида давлат бюджети ва мақсадли нобюджет давлат жамғармалари маблағлари ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

Давлат бюджетидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади.

Ички талабни рағбатлантириш мақсадларида 2009 йилда бюджет ташкилотлари ишчиларининг ойлик иш ҳақиларини, пенсия, степендияларни нафақаларни 1,3 марта ошириш, таълим харажатларини ЯИМга нисбатан 7,5% гача соғлиқни сақлашга 2,7%га ва марказлашган инвестициялар ҳажмини ЯИМга нисбатан 1,7%га ошириш кўзда тутилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатни барқарор ривожлантиришга қаратилган бу чора тадбирлар комплексни амалга оширилиши Ўзбекистон иқтисодиётида иқтисодий ўсишни ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради.

Қисқача хулосалар

Фискал сиёсат (бюджет-солиқ сиёсати) мақсади иқтисодий ўсиш, баҳоларнинг барқарор даражаси, тўлиқ бандлик ва тўлов баланси барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бу мақсадларга эришиш учун давлат харажатлари ва солиқлар билан манипуляция қилинади.

Фискал сиёсатл чекловчи ёки рағбатлантирувчи турларга бўлинади. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат иқтисодиётнинг пасайиш даврида олиб борилса, чекловчи фискал сиёсат иқтисодиётда ҳаддан зиёд талаб туфайли инфляция пайдо бўлган шароитда олиб борилади.

Фискал сиёсат тадбирлари қисқа ва узоқ муддатда мультипликатор самараси таъсири остида бўлади.

Давлат харажатлари мультипликатори истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тўғри боғлиқликка, чегаравий солиқ ставкаси ҳамда истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тесқари боғлиқликка эга.

Давлат харажатлари ва солиқлар миқдорини бир ьхил миқдорга оширилиши дараомадлар ҳажмини ҳам шунча миқдорга оширилишига олиб келади. Бу ҳолат баланслашган бюджет мультипликатори билан изоҳланади.

^{**} Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби./ Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль

Иқтисодий пасайиш пайтида бюджетнинг даврий тақчиллиги, дискрет фискал сиёсат натижасида эса таркибий тақчиллиги юзага келади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг мақбул йўли давлат қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни сотиш ҳисобига қарз олишдир.

Республикамизда ўтказилаётган бюджет-солиқ сиёсати иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, барқарор иқтисодий ўсишга шарт-шароит яратиш, ялпи талабни ошириш каби мақсадларга қаратилган.

Назорот ва муҳокама учун саволлар

1. Рағбатлантирувчи ва чекловчи фискал сиёсатнинг қисқа ва узоқ муддатдаги натижаларини тушунтириб беринг.
2. Давлат харажатларининг мультипликатори катталиги қайси кўрсаткичларга боғлиқ?
3. Очiq иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори катталиги фискал сиёсат самарадорлигига қандай таъсир кўрсатади?
4. Солиқ мультипликатори микдори қайси омилларга боғлиқ?
5. Баланслашган бюджет мультипликаторининг моҳияти нимада?
6. Дискрет фискал сиёсатининг камчиликларини тушунтириб беринг.
7. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги қандай пайдо бўлади, улар қай йўсинда тугатилади?
8. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсатининг асосий хусусиятларини изоҳлаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.– Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 68-69, 93, 125, 133- б. б.
4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-66, 83-95 б.б.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 156-167 с.с.
6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 152-180 с.с.
7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 293-306 с.с.
8. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ.-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 513-543 с.с.
9. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 246-270 с.с.
10. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 709-753 с.с.
11. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 260-292 с.с.
12. Агапова Т.А.,Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп. М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 120-146 с.с.

13. Ishmuhammedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).- T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 92-103 b.b
14. Матвеева Т.Ю. Введение в макроэкономику: учебное пособие. Гос.ун-т-Высшая школа экономики.-3-е изд.-М: Изд.дом ГУ ВШЭ,2005,445-484 с.с.
15. Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 111-124 б.б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида“ //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда)

12-Мавзу: Банк тизими. Пул-кредит сиёсати

Режа

1. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги вазифалари.
- 2.Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари, воситалари ва кўринишлари. Депозитларни мажбурий заҳиралаш нормаси.
3. Очиқ бозордаги операциялар ва ҳисоб ставкаси.
4. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг банк тизимини мустаҳкамлаш ва пул-кредит сиёёсатини такомиллаштириш йўналишлари.

1. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги вазифалари

Молия бозоридаги операциялар молия муассасалари воситасида амалга оширилади. Бундай муассасаларга турли хил банклар, биржалар, депозитарийлар, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, агентликлар ва ҳ.к.лар киради.

«Банк» тушунчаси қадимий франсузча *banq* ва *banca* сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «сарроф курсиси, дўкони» деган маънони англатади. Бундай тушунча тарихчиларнинг тахминан 2000 йил муқаддам фаолият кўрсатган банкирлар ҳақидаги маълумотларида ҳам мавжуд.

Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида, банк нима, деган саволга қуйидагича жавоб топиш мумкин:

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир.

Ўзбекистондаги банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик-тижорат банклари ва хусусий банклардан иборатдир. 2005 йил 1-июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси банк тизими 29 тижорат банкини ўз ичига олди.

Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор - юрак, пул билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга оширади. Ҳамма пул тўловлари (трансфертлар) банклар орқали ўтади. Банклар қуйидаги ишларни амалга оширади:

- пул ва қимматли буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради;
- пул билан бўладиган ҳисоб-китоб опрецияларини, хусусан, пул тўлаш ишларини бажаради;
- чет эл□ валютасини сотади ва сотиб олади;
- ўз қўлидаги пулни қайтариш, фоизлилиқ ва муддатлилиқ шарти билан унга (муҳтожларга) қарз (ссуда)га беради, яъни, кредит билан шуғулланади;
- ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳага жойлаштиради;
- бизнес юзасидан маслаҳат беради ва ҳоказо.

Банк иши пул оламида бўладиган бизнесдир. Банк бизнеси фойда топиш мақсадида юритилади.

Марказий банкнинг монополлик мавқеи унинг мамлакатдаги пул ва пировард натижада иқтисодий барқарорлик учун алоҳида жавобгар эканлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бош мақсади ва асосий вазифалари қуйидагилар:

“Марказий баннинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Асосий вазифалари:

Монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Қзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

Банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредитуюшмалари, гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

Давлат бюджети касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир”*

Тижорат банклари Марказий банкда ўз қисқа муддатли ва ўрта муддатли мажбуриятларидан муайян фоиз ҳажмида энг кам захира деб юритиладиган фоизсиз омонатларни сақлашга мажбур.

Марказий банк банклар фаолиятини назорат қилишда ўзининг минтақавий бўлинмалари орқали кредит муассасаларидан мажбурий равишда ахборот, ойлик ҳисобот ва йиллик якуний баланс маълумотларини тақдим этиш асосида қатнашади.

Кредит муассасаларининг бўйсинишига қараб банк қонунчилиги ҳамда кредит тизимининг пастдан юқорига томон таркибий тузилишига мувофиқ тарзда банк тизимини икки асосий: бир босқичли ва икки босқичли турга ажратиш мумкин.

Бир босқичли банк тизими доирасида барча кредит муассасалари, жумладан, Марказий банк ҳам, ягона босқичда туради ҳамда мижозларга кредит - ҳисоб хизмати кўрсатишда бир хил вазифаларни бажаради.

Икки босқичли тизимда банклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйига (вертикаль) ва энига (горизонталь) йўналишларида тузилишига асосланади. Вертикал – раҳбарлик қилувчи, бошқарувчи марказ ҳисобланган Марказий банк билан қуйи бўғинлар – тижорат ва ихтисослашган банклар ўртасидаги бўйсунуш муносабатлари, горизонтал-турли қуйи бўғинлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли шериклик муносабатлари тушунилади.

2. Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари, воситалари ва кўринишлари. Депозитларни мажбурий захиралаш нормаси.

Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади. Пул кредит сиёсати давлат томонидан белгиланади ва уни Марказий Банк амалга оширади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга тадбиқ этади.

* * Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда, 1995йил. 21 декабрь / Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.: Ўзбекистон, 2003., 8-б.

Пул кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Бу мақсадларга эришиш учун миллий валютани муомаладаги пул массаси, фоиз ставкаси ва миллий валюта алмашинув курсининг оптимал катталикларини таъминлаб туриш зарур бўлади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Марказий Банк қатор вазифалардан фойдаланади.

Пул-кредит сиёсатининг учта асосий воситаси ажратиб кўрсатилади:

1. Ҳисоб ставкаси;
2. Мажбурий захиралар нормаси;
3. Очiq бозордаги операциялар.

Марказий банк улар ёрдамида пул ёки асосан банк депозитлари кўринишидаги пул массасига ёки фоиз ставкасига таъсир ўтказди, таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул-кредит муомаласини тартибга солиб туради.

Пул-кредит сиёсатини юритиш воситаларидан бири –мажбурий банк захира меъёрини ўзгартириш сиёсатидир. Мажбурий захиралар – бу, кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир.. Захира нормаси икки асосий функцияни бажаради: банк ликвидлигини жорий тартибга солиш учун шароит яратади ва кредит эмиссиясини чеклайди. Марказий банк тижорат банклари Марказий банкда ушлаб туришга мажбур бўлган захираларнинг энг қуёи нормасини ўрнатади ва шу восита ёрдамида улар кредитлаш қобилиятига, имкониятига таъсир этади. Бу меъёр қанчалик юқори бўлса, ортиқча захиралар шунчалик кам ва тижорат банкларининг кредит бериш йўли билан «пулларни барпо этиш» қобилияти паст бўлади. Илк мажбурий захира нормалари АҚШ да 1865 йилда жорий қилинган эди. Агар Марказий банк мажбурий банк захирасини камайтирса, ортиқча банк захиралари ортади, бу эса пул таклифининг мультипликацион ортишига олиб келади. Масалан, ушбу меъёр 25 % бўлса, унда банкка қўйилган 800 сўмдан 200 сўм мажбурий банк меъёрини ташкил этади. Бунда банк фақат 600 сўмни қарзга бериши мумкин бўлади. Энди фараз қилайлик, меъёр 10 % га туширилади, унда банк 720 сўмни қарзга бериш имкониятига эга бўлади ва бошланғич пул таклифини 720 сўмга оширади.

Мажбурий банк захираси меъёрини кўтариш ёрдамида пул таклифини камайтиради. Зеро, бу банкларнинг ортиқча банк захиралари қисқаришига олиб келади. Пул-кредит сиёсатини ўтказишда бу восита бутун банк тизимининг асосларига таъсир этади. Турли мамлакатларда қўлланилаётган мажбурий захира нормалари турличадир. Юқори инфляция даражаси шароитида Жанубий Кореяда бу норма -100 фоиз бўлган бўлса, Италияда -25 фоизни, Японияда бор йўғи -2.5 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий захиралаш нормаси кейинги ўн йил давомида сезиларли даражада камайди (8-жадвал).

11-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг мажбурий захиралаш нормаси

Амал қилиш санаси	Муддатсиз ва муддати 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича	3 йилдан ортиқ муддатли депозитлар бўйича	Хорижий валютадаги депозитлар бўйича
01.06.1996 й. гача	30%	10%	0%
01.06.1996 й.дан	25%	10%	0%
01.12.1997 й.дан	20%	10%	0%
01.03.2000 й.дан	20%	20%	0%
04.07.2004 й.дан	20%	20%	0%
01.02.2005 й.дан	15%	15%	5%
01.09.2007 й.дан	13 %	13 %	13 %
01.11.2008 й.дан	15%	15%	15%

Манба: 1. Экономика Узбекистана., Информационно -аналитический бюллетен

за январь-март 2005., 2005.-июнь., с.13.

2..“Ўзбекистон Иқтисодиёти”. 2008 йил учун ахборот - таҳлилий бюллетени. Т.: 2009. август., 22- б.

Бундай пасайиш пул мультипликатор миқдорининг катталашишига ва албатта иқтисодиётда пул таклифининг кўпайишига олиб келади. Тижорат банклари ортиқча резервларининг кўпайиши уларнинг актив операцияларини кўпайтиради ва бу иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Пул кредит сиёсати воситалари албатта алоҳида-алоҳида ишлатилиши шарт эмас. Аксинча кўпинча бир неча восита бирданига қўлланилиши, яъни комплекс сиёсат ўтказиш амалиётда тез-тез учраб туради.

Хўш, пул-кредит сиёсатининг оқибатлари қандай? Давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати ЯИМ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармоқда ва ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитда давлат Марказий банк орқали пул таклифини биз юқорида кўриб чиққан воситалар ёрдамида оширишга ҳаракат қилади. Натижада пул таклифи ўсади, фоиз ставкаси эса камаёди. Бу эса инвестицияларга бўлган талабни оширади ва ўз навбатида, ЯИМ миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтади, ишсизлар сони камаёди, жамиятнинг даромадлари эса ошади.

Пул-кредит сиёсатининг оқибати тўғрисида гапирганда, бу сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини фарқлаш керак. Агарда қисқа муддатли даврда давлат пул таклифини оширилиши натижасида ЯИМ миқдори ўсишини рағбатлантирилган ҳамда маълум даражада самарадорликка эришилган бўлса, узоқ муддатли даврда бу чораларнинг самарадорлиги пасайиши мумкин.

3. Очик бозордаги операциялар ва ҳисоб ставкаси.

Очик бозордаги операциялар – Марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қимматли қоғозларни) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотиш бўйича операциялардир. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан бу қимматли қоғозларни сотиб олар экан, тижорат банклари захираларини сотиб олинган облигациялар миқдори ҳажмида кўпайтиради. Бу захиралар пул базасига киради, яъни юқори қувватли пуллар бўлганлиги учун пул таклифи мультипликатив кўпаяди. Марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигацияларни сотиш билан захираларни ҳамда тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини кенгайтиради. Бу ҳолда пул таклифи қисқаради.

Ҳозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга солишда очик бозордаги операцияларни, яъни давлат қимматли қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гуруҳи билан биргаликда амалга оширади.

Пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд деб фараз қиламиз. Табиийки, Марказий банк ортиқча пул массасини камайтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун, ўзида мавжуд бўлган ўзининг қимматли қоғозларини у очик бозорда аҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматли қоғозларини (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унга бўлган баҳо пасаяди, ўз навбатида, унга бўлган фоиз (яъни, қимматли қоғозларни сотиб олганларга фоиз шаклида тўланадиган ҳақ) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қимматли қоғозларни кўпроқ харид қила бошлайди, пировард натижада банкларнинг захиралари қисқаради, ўз навбатида, бу ҳол пул таклифининг банк мультипликаторига тенг нисбатда қисқаришига, шунингдек, банк захираси ва пул таклифининг ортишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳам пул кредит сиёсатини юритишда бу воситанинг ролини кескин оширишни мақсад қилиб олган.

Пул - кредит сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситалардан бири – бу, ҳисоб ставкаси сиёсатидир. Ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаш ставкаси деб Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади. Бу ссудаларни тижорат банклари айрим кўзда тутилмаган зарурат туғилганда ва молиявий аҳволи мустаҳкам бўлган ҳоллардагина оладилар. Ҳисоб ставкасининг пасайиши билан тижорат банкларида Марказий банкдан қўшимча захираларни олиш имкониятлари кенгайди. Ўз навбатида, бу тижорат банкларининг захиралардан янги кредитлар бериш билан пул таклифни кўпайтиради. Яна шундай ҳоллар мавжудки, Марказий банк ҳисоб ставкасини кўтара бориб, тижорат банклари томонидан қўшимча захираларни олиш йўлидаги тўсиқларни бироз кўтаргандай бўлади ва кредитлар бериш бўйича уларнинг фаолиятини пасайтиради, шу йўл билан пул таклифни чеклайди. Агар ушбу ставка паст бўлса, унда тижорат банклари кўпроқ кредит олишга ҳаракат қиладилар. Натижада банкларнинг ортиқча захиралари ортиб боради ва муомаладаги пул массаси миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Агарда ҳисоб ставкаси миқдори юқори бўлса, унда банклар камроқ кредит олишга, олганларини эса қайтариб беришга ҳаракат қиладилар, пировард натижада ортиқча банк захиралари қисқаради, муомаладаги пул миқдори камаёди.

Бу кўрсаткичлар даражаси турли мамлакатларда иқтисодий вазиятга қараб турлича мақсадда бўлади. Масалан иқтисодиётда турғунлик элиментлари кўрингач инвестицияларни қўллаб қувватлаш ва умуман иқтисодий фаолликни ошириш учун АҚШ Федерал заҳира тизими ҳисоб ставкасини 2002 йилда бир фоизгача қисқартирди. Ўзбекистон Республикасида қайта молиялаштириш ставкаси 2001 йилда ўртача 26,8 %, 2003 йилда ўртача 27,1 %, 2004 йилда ўртача 18,8 фоизни ташкил этган бўлса 2004 йилнинг декабрь ойидан 16 фоизгача туширилди(12-жадвал). Амалиётда, давлатлар ҳисоб ставкаси сиёсатини очиқ бозордаги операциялар сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришга ҳаракат қиладилар.

12 -жадвал

Ўзбекистон Республикасида фоиз ставкаларининг ўзгариши (%)

Давр	Йиллик қайта молиялаш ставкаси	Қисқа муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган ставка	Юридик шахсларнинг сўмдаги муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган ставка	Жисмоний шахсларнинг сўмдаги муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган ставка
2000	32,3	25,7	12,9	32,2
2001	26,8	28,0	16,0	38,1
2002	34,5	32,2	19,2	40,2
2003	27,1	28,1	17,1	36,2
2004	18,8	21,2	11,3	34,5
2005	16,0	18,8	9,6	27,1
2006	14,0*	19,4	9,8	16,7
2007	14,0	18,5	9,4	20,3

Манба: 1.Экономика Узбекистана. Аналитический бюллетен за январь-март 2005 г., с.-13

2.Экономика Узбекистана. Аналитический бюллетен за январь-декабрь 2005 г., с.-19

3.Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2008 йилга мўлжалланган

*15.07.2006 й.дан бошлаб.

2006 йил 15 июлдан бошлаб қайта молиялаш ставкаси 14 % этиб белгиланди.

Пул-кредит сиёсати асосида иқтисодиётга пул-кредит сиёсатининг таъсир этиши жараёнларини ўрганувчи пул назарияси ётади. Ушбу назарияга икки хил ёндашувчи иқтисодчилар ўртасида кўп йиллардан бери тортишувлар бўлиб келмоқда. Буларга неокейнсчилар назарияси ва замонвий пул миқдори назарияси тарафдорларини киритамиз. Ҳар икки назария тарафдорлари ҳам пул таклифининг номинал ЯИМ га таъсирини инкор этмайдилар, аммо бу таъсирнинг аҳамиятига ҳар хил баҳо берадилар. Кейнсчилар фикрича, монетар сиёсат юритишда фоиз ставкаси даражасига асосланиши, монетаристлар фикрича эса, пул таклифининг даражасига асосланиши лозим. Кейнсчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат аралашуви шарт деб ҳисоблашади, монетаристлар эса уни ортикча деб ҳисоблайдилар.

Кейнсчилар пул таклифининг ЯМИга таъсирини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади деб ҳисоблашади:

- пул таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгаришига олиб келади;
- фоиз ставкасининг ўзгариши ўз навбатида, инвестицияларга бўлган талабнинг ўзгартиради;
- инвестицияларга талаб ўзгариши ялпи талаб (ялпи харажатларнинг ўзгаришига олиб келади);
- ялпи талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига (ЯИМга) таъсир этади.

Монетаристлар эса пул миқдорининг ўзгариши билан ЯММ ўзгариши ўртасида яқинроқ алоқа мавжуд; яъни, пул миқдорининг ўзгариши бевосита ЯММ ўзгаришига олиб келади деб ҳисоблашади. Буни улар пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси билан изоҳлайдилар.

Айни пайтда монетаристлар пулнинг айланиш тезлигини барқарор деб ҳисоблайдилар, кейнсчилар эса, аксинча, беқарор дейдилар.

Ҳозирда мавжуд бўлган монетаристик сиёсатнинг моделлари бу икки ёндашувни синтез қилган, яъни, бу ёндашувларнинг ижобий жиҳатларини қўшиб, ўзида акс эттиради. Пул кредит сиёсатининг узоқ муддатли мақсадларига эришиш учун монетаристик ёндашув кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга қисқа муддатли даврларда эса давлат фоиз ставкасига таъсир этиш усулидан воз кечмайди. .

Марказий Банк бир вақтнинг ўзида ҳам пул массасини, ҳам фоиз ставкасини ўзгартирмасдан ушлаб тураолмайди. Пулга талаб ўсган ҳолатларда мақсад фоиз ставкасининг барқарорлигини таъминлаш бўлса Марказий Банк пул таклифини оширишга мажбур бўлади. Бу тадбир юмшоқ пул кредит сиёсати деб юритилади. Пул массасининг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик учун пул таклифини чеклаш сиёсатини қўллаш фоиз ставкасининг кўтарилишига олиб келади ва бу сиёсат қаттиқ пул кредит сиёсати деб юритилади.

Агар пулга талаб инфляция тасирида кўпайса қаттиқ пул кредит сиёсатини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мабода пулга талаб ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ўсиши оқибатида ошса юмшоқ пул кредит сиёсатини қўллаш ўринлидир.

Пул кредит сиёсатининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири биринчи параграфда таъкидланганидек пул таклифи ўзгаришининг фоиз ставкаси даражасига, фоиз ставкаси ўзгаришининг эса инвестиция харажатлари ҳажмига (бу билан ялпи харажатлар ҳажмига ҳам) ва ялпи харажатлар ўзгаришининг ишлаб чиқариш яъни ялпи таклиф ҳажмига таъсири кўринишида босқичма - босқич рўй беради. Фоиз ставкасининг пул таклифи ўзгаришига тасирчанлиги, ёки инвестиция харажатларининг фоиз ставкаси ўзгаришига тасирчанлиги паст бўлиши пул кредит сиёсатини амалга оширишда муаммоларни келтириб чиқаради.

Пул-кредит сиёсати фискал ва савдо сиёсатлари билан чамбарчас боғлиқ. Агарда Марказий банк қайд қилинган валюта курсини сақлаб туришни мақсад қилиб

қўйса мустақил (ички) пул сиёсатини олиб бориш мумкин бўлмай қолади. Чунки алмашинув курсини таъминлаб туриш учун валюта захираларини кўпайтириб ёки камайтириб туриш иқтисодиётда пул ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади. Пул-кредит ва фискал сиёсатларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам мавжуд. Агарда ҳукумат иқтисодиётни давлат харажатларини ошириш орқали қўллаб-қувватлашни амалга оширмоқчи бўлса, унинг муваффақиятли амалга ошиши кўпроқ пул-кредит сиёсатининг характериға боғлиқ. Чунки, бу мўлжалланаётган харажатлар қимматли қоғозлар (яъни, облигациялар)ни чиқариш эвазига амалга ошса, пулга бўлган талаб ошади ва натижада эса фоиз ставкалари кўтарилади. Бу эса инвестиция харажатларининг камайишиға олиб келади. Ёки Марказий банк ҳукуматнинг юқоридаги сиёсатини қўллаб-қувватлаш учун пул таклифини маълум миқдорда кўпайтирса, пул қадрсизланиши мумкин.

Умуман, барқарор пул-кредит сиёсати ҳукумат томонидан олиб бориладиган фискал сиёсатға ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг банк тизимини мустаҳкамлаш ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.

Республикаимиз банк тизимида 2009 йил 1 январ ҳолатиға кўра 30 та тижорат банклари фаолият олиб борди. Тижорат банклари филиалларининг миқдори – 792 тани ташкил этади. 2005 йилда 2004 йилдағиға нисбатан мини банклар тармоғи 328 бирликка ортди ва 2005 йил охирида уларнинг сони 1450 бирликни ташкил қилди.

2007 йилда банк капитали ва мижозлаврнинг жалб қилинган капитали ҳисобига банк активларининг умумий ҳажми 28,7 %ға ошди ва 2008 йилнинг 1 январиға 9276,1 млрд сўмға етди.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли Қарориға асосан банкларнинг низом жамғармасини кўпайтириш ва инвестицион ресурс базасини кенгайтиришға алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, 2007 йилда банкларнинг устав капитали 2 бараварға оширилиб, 2008 йилнинг 1 январь ҳолатиға кўра 365,6 млрд. сўмни ташкил қилди”.*

Банкларнинг активлари ўсиб бориши тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган маблағларини банк депозитлариға жалб қилиниши туфайли ҳам таъминланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда республикаимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташки нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларға қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитға лаёқатлилик рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалға оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимиға нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан бири - «Мудис» рейтинг агентлиги

* Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва пул-кредит сиёсатининг 2008 йилға мўлжалланган асосий йўналишлари./ Банк ахборотномаси, №6, 2008 йил февраль, 15-б.

томонидан халқаро рейтинг баҳоси берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Хусусан, «Мудис» агентлиги бир йўла 3 та йўналиш бўйича республика банк тизимида «барқарор» рейтинг баҳосини берди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида таъкидланишича, агентликнинг ижобий баҳоси мустаҳкам банк назорати тизимида, банк секторининг юқори ўсиш потенциалида, молия тизимининг таркибий ўзгариши ва миллий иқтисодиётнинг юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топди.

“Бундан ташқари, 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.”¹⁰

2008 йилда республикада фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришдилар (-жадвал).

Шунингдек, халқаро амалиёт негизида банklar томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан Марказий банк ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Шунга мувофиқ, 2008 йил давомида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги томонидан 21 та тижорат банкка турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди.

13 -жадвал

Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган банklar

«Мудис»	«Фитч рейтинг»	«Стандарт энд Пурс»
ТИФ Миллий банк	Ўзсаноатқурилишбанк	ТИФ Миллий банк
Ипотека-банк	Пахтабанк	Капиталбанк
Ғалла-банк	Асакабанк	
Алоқабанк	Ҳамкорбанк	
Туронбанк	Ипак йўли банк	
Кредит стандарт банк		

2008 йилда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали 2007 йилга нисбатан 40,0 фоиз ортиб, 2 трлн. 104 млрд. сўмдан ошиб кетди

Сўнгги йилларда мутлақ суммада Ўзбекистон тижорат банклари умумий капиталнинг ўсишига нисбатан умумий активларнинг анчайин жадал суръатлар билан динамик тарзда ўсиши ҳам кузатилган.

Тижорат банклари активларининг ўсиши асосан банklar кредит маблағларининг суръати ҳисобига таъминланаётир. Агар банklarнинг кредитлари 2000 йилда бор йўғи 982,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 3 трлн. 409 млрд. 800 млн сўмга етди. 2005 йилда 2004 йилдагига нисбатан банк кредитлари 443,5 млн. сўмга ортиди ва 3 трлн. 853 млрд. 300 млн. сўмга етди. . (1-чизма). 2007 йилда банklar томонидан иқтисодиётнинг реал секторига берилган кредит қолдиқлари 19,2 %га ошди ва 2008 йилнинг 1 январи ҳолатига кўра 4757,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Шу билан бирга тижорат банкларининг реал секторга берган

* Ходиев. Б. , Бекмуродов А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 51-б.

кредитлари миқдори 377, 13 млрд. сўмни ташкил қилди. Банк кредитдарининг ўсиши банкларнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига таъминланди.

Солиштирма вазн бўйича кредитлар тижорат банклари активларининг таркибида биринчи ўринни эгиллайди.

Марказий банк ва тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлашни кенгайтириш мақсадида кичик бизнес субъектларига 743,7 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратилди., бу 2006 йилга нисбатан 36 %га кўпдир. Шу билан бирга кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар ҳажми 2006 йилга нисбатан 70 %га ўсди ва 110 млрд. сўмни ташкил этди.

Биргина 2008 йилда хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 1 трлн. 534 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Ўтган йили банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 2007 йилга нисбатан 68,2 фоиз ошиб, 1 трлн. 251 млрд. сўмни ташкил этди

Агар актив амалиётлари бўйича таҳлил этилса, 2005 йилда банк активларининг кескин ўсиши депозитлар ҳажмининг кенгайиши ҳисобига юз берди. Агар 2000 йилда банк депозитлари ҳажми 273,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса 2004 йилда 1523 млрд. сўмга етди. 2004-2005 йиллар учун депозитларининг ўсиши 33,1млн. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон тижорат банкларининг депозитлари динамик ўсиш хусусиятига эга. Қисман, бу аҳоли жамғармаларига маблағ тушумларининг ўсиши билан изоҳланади. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакат тижорат банкларидаги аҳоли маблағлари 449,5 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2004 йилдагиги нисбатан 39,2 фоизга ошиқроқдир. 2006 йилнинг 9 ойи давомида эса тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари қолдиғи 190 млрд. сўмга, ёки 42,4 фоизга ошиб 1 октябрь ҳолатиг кўра 640 млрд. сўмни ташкил этди.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш доирасида тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда электрон ҳисоб-китоб қилиш тизими кенгайтирилди. Масалан, 2006 йил 1 январь ҳолати бўйича 21 банк томонидан 2 млн. 99 минг пластик карточкалар эмитация қилинган, пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш терминалларининг сони 11016 тани ташкил қилган. 2007 йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан қўшимча равишда 500 мингга яқин пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 3,5 минг дона терминаллар ўрнатилди. Натижада, жорий йилнинг 1 январига келиб, муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони 3,7 млн.тага, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сони эса 17,8 минг донага етди.

Банк тизими томонидан қўллаб қувватланган қишлоқ хўжалигида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажми ҳар йили ўсиб бормоқда. Фоиз ставкаларининг камайиши инвестиция муҳитини яхшилади ва “2007 йил давомида иқтисодиётимизга иритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортди ва 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди. Бу эса ўтган йиллар мобайнида эришилган энг юқори кўрсаткичдир”[®]

Миллий валютанинг барқарорлиги ва инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш мақсадида миллий валютанинг девальвация даражасини пасайтириш чоралари ижобий натижалар бермоқда. 2007-2008 йилларда Марказий банкнинг валюта сиёсати миллий валюта алмашув курси кескин тебранишларининг олдини олиш, мамлакатда экспортни рағбатлантириш ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилди. Ўтган йилда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан номинал

[®] Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Ўзбекистон овози, 2008 йил 9-февраль.

девальвацияси 4,0 фоизни ташкил этди, бу эса 2006 йилга нисбатан 1,1 фоизли бандга пастдир.

Миллий валюта алмашув курсининг мақсадли параметрлар доирасида бўлиши ва унинг девальвация даражасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши истеъмол товарлари нархларини паст даражада ушлаб туриш учун қўшимча омил сифатида хизмат қилди. Ушбу таҳлилимизга яқун ясаб банк тизими республикада ривожланиб бораётганлиги, тизимнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланаётганлиги, бу эса монетар сиёсатнинг, бу сиёсат воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ошишига имкон бераётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Қисқача хулосалар

Банк тизими Марказий банк ва тижорат банкларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизими шакллانган.

Марказий баннинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Пул кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда фоиз ставкаси, мажбурий заҳиралаш нормаси ва очик бозордаги операциялар каби воситалардан фойдаланилади.

Очик бозордаги операциялар пул-кредит сиёсатининг энг прогрессив усули бўлиб, уни қўллаш қўлами ортиб боради.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий заҳиралаш нормаси ва қайта молиялаш ставкалари камайтириб борилаётганлиги, пул-кредит сиёсатининг нисбатан юмшатилаётганлигидан далолат беради. Бу инфляция суръатларининг жиловланганлиги туфайли мумкин бўлди ва инвестициялар, ялпи талаб ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Марказий банк ва тижорат банклари функцияларини тушунтириб беринг.
2. . Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. . Очик бозордаги операцияларнинг пул таклифига таъсири механизмни тушунтириб беринг.
- 4.. Қайта молиялаш ставкасининг ўзгартирилиши пул таклифига қандай таъсир этади?
5. .Мажбурий заҳиралаш нормаси қайси мақсадларда қўлланилади ва унинг пасайтирилиши оқибатлари қандай?
6. . Пул-кредит сиёсатининг етказиш механизмни тушунтириб беринг.
7. Юмшоқ ва қаттиқ пул кредит сиёсати тушунчаларига изох беринг.
8. Фискал ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштиришнинг муҳимлиги нималар билан изоҳланади?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 53-60, 107-116 б.б.
4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон

шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 48-52, 106-113 б.б.

5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд.-СПб.: Питер, 2010, 168-174 с.с.
6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 181-210 с.с.
7. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари./ Бозор, пул, кредит, №1, январь, 2010 йил, 16-26 б.б.
8. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов, 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 307-320 с.с.
9. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.-СПб.:Питер, 2009, 282-337 с.с.
10. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ.-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 227-262 с.с.
11. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 176-194 с.с.
12. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 655-708 с.с.
13. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. и доп.-М.: КНОРУС, 2008, 293-343 с.с.
14. Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб.и доп.-М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 168-190 с.с.
15. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 104-112 b.b.
16. Матвеева Т.Ю. Введение в макроэкономику: учебное пособие. Гос.ун-т-Высшая школа экономики.-3-е изд.-М: Изд.дом ГУ ВШЭ, 2005, 373-402 с.с.
17. Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 125-133 б.б.

13-Мавзу. IS-LM модели

Режа

- 13.1. IS - LM моделининг моҳияти ва АД-AS модели билан боғлиқлиги.
- 13.2. Моделнинг асосий тенгламалари.
- 13.3. IS - эгри чизиғи ва унинг тенгламаси
- 13.4. LM - эгри чизиғи ва унинг тенгламаси
- 13.5. IS-LM моделида макроиктисодий мувозанат

13.1. IS - LM моделининг моҳияти ва АД-AS модели билан боғлиқлиги.

Товар ва пул бозорида умумий мувозанатга эришиш шартлари ва макроиктисодий сиёсат тадбирларининг бу икки бозорга таъсирини умумлаштириб тадқиқ қилиш IS - LM модели ёрдамида бажарилади.

IS - LM модели биринчи марта 1937 йилда Ж.Хикс томонидан кейнснинг макроиктисодий концепциясини изоҳлаш учун таклиф этилди ҳамда 1949 йилда А. Хансеннинг “Монетар нбазария ва фискал сиёсат” номли китоби нашр қилинганидан сўнг кенг ёйилди. Шу сабабли бу модел Хикс модели ёки Хикс-Хансен модели деб ҳам юритилади.

IS - LM модели қисқа муддатли даврга ҳам товарлар ҳам пул бозорида биргаликда мувозанат ўрнатилиши механизмини характерлайди. Бунда товарлар бозори деганда ҳам истеъмол ҳам инвестицион товарлар бозори тушунилади. Гарчанд истеъмол ва инвестицион товарларга талаб турли омилар билан белгилансада IS - LM моделида улар бир бутун деб қаралади. Пул бозори деганда хазина векселлари ва тижорат қоғозлари кўринишидаги қисқа муддатли кредит воситаларини олди сотди механизми тушунилади. Бу бозорни облигациялар бозоридан фарқлаш зарур. Пулнинг облигацияларда ифодаланган нисбий баҳоси облигациялар бўйича фоиз ставкасидир.

“IS - LM модели (инвестициялар-жамғармалар, ликвидлиликни афзал кўриш – пул) – ялпи талаб функциясини белгиловчи иқтисодий омиларни аниқлаш имконини берувчи товар-пул мувозанатим модели”*. АД-AS моделида товар ва пул бозорларининг алоқаси эътиборга олинган эди. Яъни товарлар ва хизматлар баҳоларининг кўтарилиши пулга бўлган талабни ошириши бу эса ўз навбатида фоиз ставкасининг кўтарилишига олиб келиши, оқибатда инвестиция харажатлари ва умуман ялпи харажатлар камайиши АД-AS моделида кўзда тутилган эди. IS-LM модели АД-AS моделини қисқа муддатли даврга аниқлаштиради ва бу моделда ҳар иккала бозор ягона макроиқтисодий тизимнинг секторлари сифатида намоён бўлади.

Модель бу секторларда таркиб топган шароитларга боғлиқ тарзда фоиз ставкаси R билан даромад даражаси Y нинг мувозанатли даражасини белгилайди.

13.2. Моделнинг асосий тенгламалари.

IS-LM (инвестиция - жамғармалар, ликвидлиликнинг афзаллиги - пул) модели фоиз ставкаси R билан даромадлар Y нинг бир вақтнинг ўзида ҳар иккала бозорда мувозанатни таъминлайдиган комбинацияларини топиш имконини беради.

Моделнинг асосий тенгламалари қуйидагилар:

1. $Y = C + I + G + X_n$ — асосий макроиқтисодий айният.
2. $C = a + b(Y - T)$ — истеъмол функцияси, бу ерда $T = T_a + tY$.
3. $I = e - dR$ — инвестиция функцияси.
4. $X_n = d - m^*Y - nR$ — соф инвестиция функцияси.
5. $M/P = kY - hR$ — пулга талаб функцияси.

IS-LM моделида кўрилган барча тенгламалар бажарилса мувозанатга эришилади.

Моделнинг эндоген ўзгарувчилари Y, C, I, X_n ва фоиз ставкаси R.

Моделнинг экзоген ўзгарувчилари G, M_s ва чегаравий солиқ ставкаси t.

a, b, c, d, m^* , n, k ва h эмпирик коэффицентлар бўлиб мусбат ва нисбатан барқарордир.

Y ҳақиқий < Y потенциал бўлган қисқа муддатли даврга мувозанат кўриб чиқиляётганда, моделда, баҳолар даражаси ўзгармас, фоиз ставкаси R ва даромад Y ўзгарувчан деб олинади.


Y ҳақиқий = Y потенциал бўлган, яъни тўлиқ бандлик шароитида баҳолар даражаси P ўзгарувчан, M_s номинал катталиқ ва бошқа барча ўзгарувчилар реал катталиқлардир.

13.3. IS - эгри чизиғи ва унинг тенгламаси

IS-эгри чизиғи товарлар хизматлар бозорида фоиз ставкаси R ва даромадлар даражаси Y нинг комбинацияларини характерловчи, бир вақтнинг ўзида асосий макроиқтисодий айният, истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари қондириладиган нуқталарнинг геометрик жойлашувини характерлайди. Бу эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасида инвестициялар ва жамғармалар ўзаро тенг бўлади.

IS-эгри чизиғини Кейнс хочи ва инвестиция функцияси графиги ёрдамида келтириб чиқарамиз. (23-, 24-, ва 25-чизмалар.)

* Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник. - 7-е изд. перераб. и доп. - М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. с.191.



25-чизма. Инвестиция функцияси

26-чизма. IS-эгри чизиги

Фоиз ставкасининг R_1 дан R_2 га қадар кўтарилиши инвестициялар миқдорини I_1 дан I_2 га қадар камайишига олиб келади. Бу ҳақиқий харажатлар эгри чизигини E_1 дан E_2 га қадар пастга томон $\Delta E = \Delta I$ га тенг миқдорда сурилишига олиб келади. Оқибатда даромадлар миқдори Y_1 дан Y_2 қадар

$\Delta Y = \Delta E \times m$ миқдорга пасаяди, бу ерда $(m = 1/(1-b(1-T)+m'))$.

Демак товарлар ва хизматлар бозорида даромадлар даражаси ва фоиз ставкаси динамикаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

R ўзгармаган ҳолда IS эгри чизигининг ўнгга ёки чапга силжиши қуйидаги омиллар таъсирида рўй беради:

- истеъмол харажатлари даражаси;
- давлат хариди даражаси;
- соф солиқлар (солиқлар - субсидиялар - трансфертлар);
- инвестициялар ҳажмининг (R нинг мавжуд ставкасида) ўзгариши.

IS тенгламасини истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари тенгламаларини асосий макроиктисодий айниятга қўйиб, уни R ва Y га нисбатан ечиб топилади.

R га нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$R = \frac{a + e + g}{d + n} - \frac{1 - b(1 - t) + m'}{d + n} Y + \frac{1}{d + n} G - \frac{b}{d + n} Ta,$$

бу ерда $T = Ta + t Y$

Y га нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$\frac{a + e + g}{d + n} - \frac{1}{d + n} Y + \frac{b}{d + n} Y = \frac{1}{d + n} G - \frac{b}{d + n} Ta,$$

$$Y = \frac{\dots}{1-b(1-t)+m'} - \frac{\dots}{1-b(1-t)+m'} G - \frac{\dots}{1-b(1-t)+m'} Ta - \frac{\dots}{1-b(1-t)+m'} R,$$

бу ерда $T = Ta + tY$

$(1-b(1-t)+m')/(d+n)$ IS эгри чизиғининг Y ўқига нисбатан оғиш бурчагини кўрсатади ва фискал ҳамда пул кредит сиёсати самарадорлигининг нисбий параметрларидан бири ҳисобланади

13.4. LM - эгри чизиғи ва унинг тенгламаси

LM эгри чизиғи ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттиради.

LM эгри чизиғининг ҳар бир нуқтасида пулга талаб M_d пул таклифи M_s га тенг бўлади (Liquidity Preference = Money Supply). Пул бозорида бундай мувозанатга даромад Y нинг ошиши билан фоиз ставкаси R кўтарилсагина эришилади.

Маълумки, пулга талаб миқдорида фоиз ставкасидан ташқари даромадлар даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Даромадлар юқори бўлса, харажатлар ҳам кўп бўлади. Бу эса, ўз навбатида истеъмол ва бошқа харажатлар учун пулга талабни ошишига олиб келади. Шундай қилиб, даромадлар даражасининг юқорироқ бўлиши пул талабини оширади. Бошқача айтганимизда, даромад ва пулга талаб динамикаси ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд.

Пулга талаб функциясини куйидагича ёзамиз:


$$M/P = f(R; Y)$$

Пул бозори ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар ўртасидаги бундай ўзаро муносабатларни 26-, 27 чизмаларда тасвирлаймиз.

26-чизмадан кўриниб турибдики, пулга бўлган талаб, фоиз ставкаси пасайиши билан, шунингдек, даромадлар кўпайиши натижасида ҳам ошади. Даромадларнинг ошиши натижасида пулга талаб эгри чизиғи M_{d1} юқори сурилиб, M_{d2} ҳолатини эгаллайди ва унда пул бозоридаги мувозанат нуқтаси, r_1 ҳолатидан r_2 ҳолатига ўтади.

Шундай қилиб, юқорироқ даромад юқорироқ фоиз ставкасига олиб келади ва буни LM эгри чизиғи акс эттиради. У пул бозорида фоиз ставкаси ва даромад ўртасидаги муносабатларни кўргазмали тарзда ифодалайди. Даромад даражаси қанча баланд бўлса, пулга бўлган талаб шунча юқори ва шунга мувофиқ мувозанатли фоиз ставкаси ҳам шунча юқори бўлади.

LM эгри чизиғи ўзига хос конфигурацияга эга: горизантал қисм ва вертикал қисм. LM эгри чизиғининг горизантал қисми фоиз ставкаси R нинг минимал даражасидан пасая олмаслигини аңлатса, вертикал қисм фоиз ставкаси R нинг максимал даражаси чегарасидан ташқарида ҳеч ким ўз маблағларининг ликвид (пул) шаклида ушлаб турмаслигини ва уларни қимматли қоғозларга айлантиришини аңлатади.



	M_{d1}				
	M_{d2}				
	$\frac{M}{P}$	$\frac{M}{P}$	$Y1$	$Y2$	Y
27-чизма. Пул бозоридаги мувозанат графиги			28-чизма. LM эгри чизиги графиги		

LM эгри чизиги ўзига хос: горизонтал ва вертикал конфигурацияга эга.

LM эгри чизигининг горизонтал кесмаси фоиз ставкаси R_{min} . даражадан пастга тушиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Эгри чизикнинг вертикал кесмаси фоиз ставкасининг максимал даража R_{max} . чегарасидан ташқарида ҳеч ким жамҳармаларини ликвид (пул) шаклида ушлаб турмайди ва уларни қимматли қоҳозларга айлантиради.

Баҳоларнинг ўзгариши ҳамда пул таклифи ҳажмидаги ўзгаришлар LM эгри чизигининг ўнгга ёки чапга силжишига олиб келади.

LM эгри чизиги тенгламаси пулга талаб функциясини R ва Y га нисбатан ечиб топилади.

R га нисбатан LM эгри чизиги тенгламаси қуйидагича:

$$R = (k/h)Y - (1/h)(M/P).$$

Y га нисбатан LM эгри чизиги тенгламаси қуйидагича:


$$Y = (1/k)(M/P) + (h/k)R.$$

k/h коэффиценти LM эгри чизигининг Y ўқига нисбатан оғиш бурчагини характерлайди ҳамда фискал ва пул кредит сиёсатининг нисбий самарадорлиги баҳолайди.

13.5. IS-LM моделида макроиқтисодий мувозанат

IS-LM эгри чизиклари кесишадиган нуқта IS-LM моделидаги иқтисодий мувозанат ҳолатини кўрсатади.

Бу нуқта ўзида шундай фоиз ставкаси « R » ни ва даромад даражаси « Y » ни аниқлайдики, бунда товарлар ва хизматлар бозорида талаб ва таклиф ҳамда реал пул маблағларига бўлган талаб ва уларнинг таклифи ўзаро тенг бўлади. (29-чизма.)



29-чизма. IS – LM моделидаги иқтисодий мувозанат

Бу ерда : R^* -мувозанатли фоиз ставкаси; Y^* - мувозанатли даромад ҳажми.

IS ва LM эгри чизикларининг ўзаро кесишиши пул таклифи инвестициялар ва жамғармаларни ўзаро тенглаштирувчи фоиз ставкаси шаклланиши учун етарли эканлигини англатади.

IS эгри чизиги режалаштирилган харажатларга боғлиқ бўлганлиги учун унинг ўзгариши фискал сиёсатидаги ўзгаришларни характерлайди. LM пул таклифига боғлиқ бўлганлиги учун ундаги ўзгариш монетар сиёсат тадбирлари натижасини кўрсатади.

Бундан хулоса шуки IS-LM модели фискал ва монетар сиёсатнинг иқтисодийта биргаликда кўрсатадиган таъсирини баҳолаш имконини беради. Давлат харажатларининг ўсиши ёки солиқларнинг камайиши IS эгри чизигини ўнгга силжитади. Давлат харажатларининг камайиши ва солиқларнинг ошиши эса бу эгри чизикни чапга силжитади. Худди шунингдек пул таклифининг ошиши LM эгри чизигини ўнгга, камайиши эса чапга силжитади. IS-LM модели маълум макроиқтисодий натижаларга эришишнинг турли вариантларни кўриб чиқиш имкониятини беради. Бир бозорда бўлган ўзгариш иккинчи бозорга ҳам таъсир этади. Масалан Марказий банк очик бозордан облигациялар сотиб ола бошлади. Натижада пул таклифининг кўпайиши (LM эгри чизигини ўнгга силжиши да акс этиб) фоиз ставкасининг пасайишини келтирб чиқаради. Монетар импульс таъсирида, яъни, фоиз ставкасининг пасайиши оқибатида инвестиция харажатлари кўпаяди ва IS эгри чизиги ҳам ўнгга силжиб янги нуқтада мувозанат ўрнатилади.

Агар моделда мувозанати LM эгри чизигининг горизонтал(кейнс) кесмасида юзага келса пул массасининг кўпайтирилиши инвестициялар, ишлаб чиқариш ва бандлиликнинг ўсишига олиб келмайди. Бу иқтисодий тизимда алоқалар бузилганлигидан далолат беради. Бунда пул таклифининг ўсиши товарлар бозорига таъсир кўрсата олмайди, чунки пул бозорида фоиз ставкасини камайтириш имконияти қолмайди. Бундай вазият **ликвидлилик тузоғи** номини олган.

“Ликвидлилик тузоғи вазиятида кредит (монетар) сиёсат ялпи талаб ва миллий даромадни рағбатлантириш воситаси сифатида кутилган самарани келтириб чиқармайди ва шу сабабли, кейнсчилар фикрига кўра, (ихтиёримизда) фақат бир дастак - солиқлар ва ҳукумат харажатлари орқали ялпи талабга бевосита таъсир кўрсатадиган фискал сиёсатгина қолади”^{*}.

Агар моделда IS эгри чизиги LM эгри чизигининг вертикал кесмасидан кесиб ўтганда юз берган бўлса пул таклифини ошириш миллий даромаднинг ўсишигава фоиз ставкасининг пасайишига олиб келади. Аксинсда давлат харажатларининг оширилиши эса, кейнсчилар фикрига кўра, бу кесмада ялпи талабга ва миллий даромад ҳажмига таъсир кўрсатмайди.

Агар IS эгри чизиги вертикал кўринишда бўлса, яъни инвестицияларга талаб фоиз стакаси ўзгаришига таъсирчан (эластик) бўлмаган, масалан инвесторлар келажакдаги бозор конъюктурасининг ноаниқлиги сабабли ўз инвестициялари истикболга тушкун баҳо берсалар **инвестицион тузоқ** юзага келади. Инвестицион тузоқ шуни англатадики IS эгри чизиги вертикал бўлганда LM эгри чизигининг силжишлари реал даромад миқдорини ўғартирмайди. Бу ҳолатда пул-кредит сиёсати ялпи талаб ва миллий даромад ҳажмига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, фискал сиёсат эса самарали бўлади.

Демак пул- кредит сиёсати фоиз ставкалари юқори бўлгандасамарали бўлади. Фискал сиёсат эса фоиз ставкаси минимал, яъни LM эгри чизиги горизонтал, IS эгри чизиги эса вертикал бўлганда самаралироқ бўлади. Модел ёрдамида макроиқтисодий сиёсат вариантларини танлаш, шунингдек усулларини мувофиқлаштирилган ҳолда қўллаш ва сиқиб чиқариш самараларини камайтириш йўллари таҳлил этиш мумкин.

Қисқача хулосалар

IS-LM модели товар ва пул бозорларининг ўзаро алоқаларини ва ҳар икки бозорда биргаликда мувозанат ўрнатилиши механизмини изоҳловчи моделдир..

^{*} Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник.-2-е изд., доп.- М.: Дело, 2002, с. 219 .

IS эгри чизиғи товар ва хизматлар бозорида пайдо бўладиган даромадлар даражаси ва фоиз ставкасининг комбинацияларини кўрсатади. IS эгри чизиғининг ҳар бир нуқтасида товар пул бозорида мувозанат таркиб топади.

LM эгри чизиғи ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражасининг комбинацияларини кўрсатади. LM эгри чизиғининг ҳар бир нуқтасида пул бозорида талаб ва таклиф ўзаро тенг бўлади.

IS ва LM эгри чизиқларининг кесишув нуқтаси ҳар икки бозор учун мувозанат нуқтадир. Бу нуқтада асосий макроиқтисодий айният истеъмол, инвестиция, соф экспорт ва пулга талаб функциялари тенглигини тўлиқ қаноатлантиради.

Модел унда IS ва LM эгри ичизиқларининг ҳолати акс эттирадиган макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб макроиқтисодий сиёсат усулларнинг қай бирини қўллаш, ёки уларни мувофиқлаштириш масалаларини ҳал этиш имконини беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. IS-LM модели қандай мақсадга хизмат қилади ва унга эҳтиёжни қандай асослаб бериш мумкин?
2. IS-LM моделининг асоси бўлган тенгламаларни санаб беринг ва уларга тавсиф беринг.
3. IS эгри чизиғининг моҳияти нимада ва қандай келтириб чиқарилади?
4. LM эгри чизиғининг асосий ўзгарувчилари нималардан иборат ва у қандай келтириб чиқарилади?
5. IS эгри чизиғи тенгламасидаги қайси параметр фискал ва пул кредит сиёсатининг нисбий самарадорлигини белгилайди ва нима сабабли?
6. Моделда макроиқтисодий сиёсат юзага келишининг шартлари қадай?
7. Ликвидлилик тузоғи қачон вазиятда юзага келади ва макроиқтисодий сиёсатга қандай таъсир кўрсатади?
8. “Инвестицион тузоқ” атамаси қўлланиладиган макроиқтисодий вазиятни тавсифлаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Агапова Т.А. Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник. -7-е изд. перераб. и доп.-М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. 191-218 с.с.
2. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиқтисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 135-144 б.б.
3. Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник.-2-е изд., доп.- М.: Дело, 2002, 206-221 с.с.
4. Макроэкономика. Теория и Российская практика/ Под редакцией Грязновой А.Г. и Думной Н.Н. М., КНОРУС, 2005., 101-106 с. с.

14-Мавзу. Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи ва неокейнсча моделлари

Режа

14.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва ўлчаниши.

- 14.2. Иқтисодий ўсишга омиллари ва типлари
- 14.3. Иқтисодий ўсишнинг Е.Домар модели
- 14.4. Иқтисодий ўсишнинг Р.Харрод модели

14.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва ўлчаниши.

Ялпи талаб-ялпи таклифи модели ёрдамида макроиқтисодий жараёнларни таҳлил қилар эканмиз қисқа даврда реал ЯИМни ошириш имкониятлари ялпи таклифнинг вертикал кесмаси билан чегараланганлиги муаммосига дуч келдик. Тўлиқ бандлилик даражасига эришилгандан сўнг реал ЯИМ ҳажмини бундан кейинги кўпайтириш учун ялпи таклиф эгри

чизигини ўннга силжишига эришишимиз, яъни фойдаланилаётган ресурслар миқдорини кўпайтиришимиз зарур.

“Агар иқтисодиётнинг қисқа муддатли ҳолати кўпроқ ялпи талаб билан белгиланса, узок даврга иқтисодиётнинг ривожланиши кўпроқ ишлаб чиқариш имкониятлари билан белгиланади. Шу сабабли иқтисодий ўсишни моделлаштиришда диққат марказида реал сектор туради”*

Иқтисодий ўсиш тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узок муддатли кўпайиши тенденциясини англатади.

Иқтисодий ўсиш жами таклифнинг ўсишини ёки бошқача айтганимизда, ҳақиқий ва потенциал ЯИМ ҳажмининг ошишини билдиради. Иқтисодий ўсиш нафақат мамлакат реал даромадларининг ўсиши, шунингдек, жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ўсишини ҳам англатади. Шу сабабли ҳам иқтисодий ўсиш икки хил усул билан ўлчанади.

Биринчи усулда иқтисодий ўсиш реал ЯИМ ни ўтган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакатнинг умумиқтисодий имкониятлари динамикасини аниқлаш учун ишлатилади.

Иккинчи усулда иқтисодий ўсиш аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ нинг ўтган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади.

Иқтисодий ўсиш назарияси ва моделларида ЯИМ ўрнига СИМ, ЯМД, СМД кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилиши мумкин. Иқтисодий назарияда иқтисодий ўсиш даромадларни қандай нисбатларда истеъмол ва инвестицияларга бўлинишига боғлиқ деб қаралади.

Истеъмол ҳажми динамикаси иқтисодиётнинг провард мақсадини ва яшаш даражаси ошишини билдирса, инвестициялар ҳажмининг ўзгариши ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашишини англатади. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича муқобиллик мавжуд, чунки, жорий истеъмол миқдорининг ошиши инвестицияларнинг даромаддаги улушини пасайтириш иқтисодий ўсиш имкониятларини қисқартиради.

Иқтисодий ўсиш реал катталикларда, киёсий баҳоларда ўлчанади..

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат обрўсининг ошишига олиб келади.

14.2. Иқтисодий ўсишга омиллари ва типлари

Реал ишлаб чиқариш ҳажмларининг узок муддатли ўсиши суръатларини, кўламларини, самарадорлиги ва сифати ошишини белгиловчи ҳодиса ва жараёнлар иқтисодий ўсиш омиллари дейилади.

Иқтисодий ўсиш омиллари икки гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ омиллари иқтисодий ўсишни физик (ашёвий) жиҳатдан таъминлайди. Бу гуруҳга ишлаб чиқариш омиллари киритилади:

- табиий ресурслар сони ва сифати;
- меҳнат ресурслари сони ва сифати; □
- асосий капитал ҳажми; □
- технологиялар □ ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- жамиятда тадбиркорлик малакаларининг ривожланиши даражаси..

Иккинчи гуруҳга омиллари жамиятдаги иқтисодий ўсиш потенциалини юзага чиқариш имконини берувчи омиллар – талаб ва тақсимот омиллари билвосита омиллар) киритилади:

* Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник. - 5-е изд., испр. и доп. –М.: Юрайт-Издат, 2004, 520 с.

- бозорнинг монополлашуви даражасини пасайиши;
- иқтисодийдаги солиқ муҳити;
- кредит-банк тизими самарадорлиги;
- истеъмол, инвестиция ва давлат харажатларининг ўсиши;
- экспорт ҳажмининг ўсиши;
- иқтисодийда ишлаб чиқариш ресурсларини қайта тақсимлаш имкониятлари;
- даромадларни тақсимлашнинг шаклланган тизими.

Агар ўсиш кўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобига таъминланса ва жамиятдаги ресурслардан фойдаланишнинг шаклланган ўртача самарадорлиги даражасини оширмаса экстенсив иқтисодий деб аталади.

Экстенсив иқтисодий ўсиш янги корхоналар, йўллар, электростанциялар қуриш, янги ерларни ўзлаштириш, меҳнат ва табиий ресурсларни кўшимча жалб этиш кабилар ҳисобига таъминланади. Аммо бу ресурсларнинг чекланганлиги ривожланишнинг маълум бир босқичида экстенсив иқтисодий ўсиш имкониятларини камайтиради ва уни зиддиятли қилиб қўяди.

ЯИМнинг ўсиши иқтисодийда банд бўлганлар сонидан юқори суръатга эга бўлса интенсив иқтисодий ўсиш рўй беради.

“Иқтисодий ўсишнинг интенсив тип ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига боғлиқ. У фойдаланилаётган ресурс бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, ишлаб чиқаришнинг техник хусусиятларини яхшилашни кўзда тутаяди. Бундай жарёнлар намоён бўлади:

- фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни янгилашда;
- ходимлар малакасини оширишда;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментини янгилашда”*

Иқтисодий ўсишнинг бу икки тип соф ҳолда рўй бермайди. Иқтисодий ўсиш уни таъминлашдаги интенсив ёки интенсив омилларнинг улуши даражасига қараб кўпроқ экстенсив, ёки кўпроқ интенсив бўлиши мумкин.

14.3. Иқтисодий ўсишнинг Е.Домар модели

Иқтисодий ўсиш моделлари ялпи ишлаб чиқаришнинг узок муддатли кўпайиши таклиф омилларига таянган ҳолда таҳлил этиш имконини беради.

Бошқа иқтисодий моделлар сингари иқтисодий ўсиш моделлари ҳам реал жараёнларни абстракт ва соддалашган кўринишда, шартли тарзда графикларда ва тенгламаларда акс эттиради.

Иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва неокласик моделлари мавжуд. Кейнсча моделларнинг моҳияти қуйидагича:

- 1) уларнинг барчаси Кейнснинг ялпи талб тўўрисидаги бош ғоясига таянади. Яъни уларни тузишда муаллифлар иқтисодий узок муддатли мутаносиб ривожланишининг ҳал қилувчи шарт ялпи талабни ошириш деб қарашган;
- 2) иқтисодий ўсишнинг асосий омили инвестициялар ҳисобланади, бошқа ишлаб чиқариш омиллари эътиборга олинмайди;

Кейнсча иқтисодий ўсиш моделидан соддароғи 40-йилларда Е. Домар томонидан таклиф этилган модел ҳисобланади.

Кейнс ўз таҳлилида инвестицияларнинг ялпи талабга таъсирини қргангани ўолдаа, ялпи таклифга таъсирини кўриб чиқмайди. Ундан фарқли тарзда Домар моделида меҳнат бозорида ортикча таклиф мавжуд, бу баҳоларн барқарор ҳолатида ушлаб туради, нвестицион лаг «0» га тенг, капитал қуйилмаларни нг чегаравий унумдорлиги доимий деб олинади.

* Макроэкономика. Теория и Российская практика/ Под редакцией Грязновой А.Г. и Думной Н.Н. М., КНОРУС, 2005., 187-188 с.с.

Е.Домар инвестицияларни ҳам талаб ҳам таклиф омили деб қарайди. Яъни инвестициялар нафақат мультипликатив таъсир кўрсатиб ялпи талабни оширади, балки ишлаб чиқариш қувватларини юзага келтириб, ишлаб чиқаришни ривожлантиради, товарлар таклифини оширади. Шундай экан, ялпи талабнинг ўсиши ялпи таклифнинг ўсишига тенг бўлиши учун инвестициялар қандай ўсиши керак деган савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб топиш учун Домар уч тенгламани ўз ичига олган тенгламалар системасини тузди:

- 1) таклиф тенгламаси;
- 2) талаб тенгламаси;
- 3) талаб ва таклиф тенглигини ифодаловчи тенглама.

1. Таклиф тенгламасида инвестициялар ишлаб чиқариш омилларининг қанчага қўшимча ўсишини кўрсатади. Агар берилган шароитда инвестициялар I ўсса, ялпи ишлаб чиқариш $\Delta K \alpha$ миқдорга ўсади:

$\Delta Y_s = \Delta K \alpha$, ΔK инвестициялар ҳисобига таъминланганлиги учун тенгикни:

$\Delta Y_s = I \alpha$ деб ёзиш мумкин. , бунда, α – капитал қуйилмалар(инвестициялар)нинг чегаравий унумдорлиги. Агар бир йилда ялпи ишлаб чиқаришни 1 млрд. сўмга ошириш учун 4 млрд сўм инвестиция талаб этилса $\alpha = 0,25$ бўлади.

$\alpha = \Delta Y_s / I$ бир сўмлик инвестиция ҳисобига яратилган янги маҳсулот миқдорини кўрсатади.

2. Талаб тенгламаси қуйидаги кўринишга эга

$\Delta Y_d = \Delta I (1/\mu)$, бу ерда $1/\mu$ – харажатлар мультипликатори, μ –жамғаришга чегараланган мойиллик.

Бу тенглама миллий даромад ΔY_d , ёки ялпи талаб қўшимча инвестицияларнинг мультипликатив кўпайишига тенг миқдорда ўсишини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш тўпланган жами капитал билан таъминланиши, миллий даромад эса қўшимча инвестицияларнинг мултипликатив таъсири остида кўпайиши сабабли таклиф тенгламасида жами инвестициялар, талаб тенгламасида эса қўшимча инвестицияларгина кўриб чиқилади.

3. Даромадлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг қўшимча ўсиш суръатлари тенглиги тенгламаси:

$$\Delta I (1/\mu) = I \alpha$$

Бу тенгламани ечиб суйидаги натижани оламиз:

$$\Delta I / I = \mu \alpha$$

$(\Delta I / I)$ – инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ёрдамида тўлиқ бандлиликни таъминлаб туриш учун

$(\mu \alpha)$ миқдорга тенг бўлиши керак. Бундан хулоса шуки инвестицияларнинг мутаносиб ўсиш суръатига жамғаришга чегараланган мойиллик ва инвестицияларнинг унумдорлиги (капитал қайтими) даражаларининг ҳосиласи экан.

Агар $\mu = 0,2$ $\alpha = 0,4$ бўлса $\Delta I / I = 0,2 * 0,4 = 0,08$ ёки 8 %

Демакинвестицияларнинг ўсиш суръати 8% бўлиши талаб этилади.

Е. Домар моделидан келиб чиқадиган умумий хулоса шуки иқтисодий ўсишни таъминлаш учун инвестициялар ҳажмини ошириш, бу учун эса жамғариш нормаси ҳамда фан техника тараққиёти орқали капиталнинг самарадорлигини ошириш зарур.

14.4. Иқтисодий ўсишнинг Р.Харрод модели

Агар Е. Домар ўз моделида инвестицияларни экзоген тарзда берилган миқдор дед олган бўлса Р.Ф. Харроднинг 1939-йилда ишлаб чиқилган иқтисодий ўсиш моделига акселератор принципи ва тадбиркорларнинг кутишига асосланган эндоген функцияси ҳам киритилди. Акселератор принципига кўра нафақат инвестициялар ишлаб чиқаришнинг ўсишини келтириб чиқаради, балки ишлаб чиқариш ва даромадларнингнинг ўсган ҳажми ҳам инвестиция жараёнларининг жадаллашишига олиб келади.

Р.Харрод ўз моделига уч тенгламани киритади:

- 1)кафолатланган ўсиш сурти тенгламаси;
- 2) ҳақиқий ўсиш суръати тенгламаси;
- 3)табiiй ўсиш суръати тенгламаси.

Р Харрод моделида ҳақиқий ўсиш суръати ишчи кучининг ўсиш суръати ва капитал унумдорлигининг ўсиш суръати билан белгиланади.

$Gc = s$, бу ерда

G - ЯИМнинг ҳақиқий кўшимча ўсиш суръати; $\Delta Y / Y$;

c- ишлаб чиқаришнинг капитал талабчанлиги коэффиценти, $I / \Delta Y$;

s— Миллий даромаддаги жамғариш ҳажми ёки жамғаришга ўртача мойиллик, S / Y ;

Тадбиркорлар динамик мувозанат таъминланган ўсиш суръати бўлган кафолатланган (прогноз қилинган) ўсиш суръатига асосланиб ўз инвестиция режаларини тузадилар. Кафолатланган ўсиш суръати жамғаришга ўртача мойиллик даражасини акселераторга нисбати сифатида аниқланади:

$Gw = s / cr$, бу ерда:

Gw – кафолатланган ўсиш суръати

cr – талаб этиладиган капиталталабчанлик коэффиценти (қтган йиллардаги шаклланган даражаси);

Бу кўрсаткичлар доимий бўлганлиги сабабли кафолатланган ўсиш суръатлари ҳам доимий бўлади.

Агар ҳақиқий ўсиш суръати кафолатланган ўсиш суръатига мос келса иқтисодиётда барқарор узлуксиз ўсиш таъминланади. Амалиётда бунга доимо эришиб бўлмаслиги туфайли қисқа муддатли даврий тебранишлар рўй беради.

Харрод моделида ресурслардан тўлиқ фойдаланган шароитда таъминланиши мумкин бўлган максимал ўсиш суръати табiiй ўсиш суръати деб номланди.

$Gn cr = ёки \neq s$

Иқтисодиётнинг барқарор динамик мувозанати тўлиқ бандлилик шароитида кафолатланган ва табiiй ўсиш суръатлари ўзаро тенг бўлганда таъминланади.Аммо бундай тенгликка давлатнинг фаол аралашуви орқалигина эришилади.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий ўсиш тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш потенциал ЯИМ ҳажмининг узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади. У ўсиш ишлаб чиқариш натижалари ва омилларида рўй берадиган микдор ва сифат ўзгаришларини характерлайди.

Иқтисодий ўсиш реал ЯИМ нинг, ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ ни ўсиш суръати билан ўлчанади.

Иқтисодий ўсиш таклиф, талаб ва тақсимот омиллари билан белгиланади.

Иқтисодий ўсишни белгиловчи талаб омилларига табiiй ресурслар сони ва сифати, меҳнат ресурслари сони ва сифати, капитал, технология ва бошқалар киради.

Булардан фойдаланиш усулига кўра иқтисодий ўсиш экстенсив ва интенсив турларга бўлинади. Ишлаб чиқариш ресурслар микдорини ўзгартирмаган ҳолда ўсса, интенсив омиллар ҳисобига амалга ошган ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш моделлари деганда иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда фойдаланиладиган, уларнинг манбаларини аниқлаш ва қонуниятларини очиб беришга хизмат қилувчи моделлар тушунилади.

Кейнсчилар (Харрод, Домар) моделларида иқтисодий ўсишнинг асосий омил инвестициялар деб қаралади. Жамғариш нормасини кўтариш орқали инвестицияларни кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий ўсиш шартлари деб қаралади.

Классик моделларда иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг барча омилларига боғлиқ, меҳнат ва капитал ўзаро алмашилилади деб қаралади. Шунга кўра капиталнинг маълум даражасида меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси, ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам турлича бўлади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва уни ўлчаш усуллари изохлаб беринг.
2. Иқтисодий ўсиш омилларини ишлаб чиқариш, талаб ва таклиф омилларига қайси тамойилларга асосланиб бўлинади?
3. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсишнинг фарқлари нимада, соф интенсив ўсишга эришиш мумкинми?
4. Домар моделида инвестициялар таҳлили Кейнс таҳлилига нисбатан қандай фарқ қилади?
5. Домар моделининг асосий ўзгарувчиларига тавсиф беринг ва унинг моҳиятини тушунтиринг?
6. Иқтисодий ўсишнинг Харрод модели Домар моделидан қайси жиҳатларига кўра фарқ қилади?
7. Домар моделида иқтисодий ўсиш шартлари қандай изохланган?
8. Иқтисодий ўсишнинг классик моделлари назарий асосларига кўра кейнс моделларидан нимаси билан фарқ қилади?
9. Р Солоу моделига кўра иқтисодий ўсишни таъминлашнинг шартларини санаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.– Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 94-99,103-106 б.б.
4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 26-52, 83-113 б.б.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 138-155 с.с.
6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 122-136 с.с.
7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 269-277 с.с.
8. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 174-204 с.с.
9. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ.,-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 263-332 с.с.
10. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 279-322 с.с.
11. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 291-308 с.с.

12. Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 240-262 с.с.
13. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 185-228 с.с.
14. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 127-129 b.b
15. Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 145-156 б.б.
16. Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник.-2-е изд., доп.- М.: Дело, 2002, 363-418 с.с.

16- Мавзу . Халқаро савдо назарияси

Режа

- 16.1. Халқаро савдонинг зарурияти ва унинг асосий кўринишлари
- 16.2. А.Смитнинг мутлақ устунлик назарияси.
- 16.3.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси.
- 16.4. Хекшер – Олиннинг неоклассик концепцияси
- 16.5.Халқаро савдонинг замонавий назариялари

16.1. Халқаро савдонинг зарурияти ва унинг асосий кўринишлари

Ҳозирги замон иқтисодиётининг очиқлик даражаси яъни мамлакатларнинг ихтисослашуви ва улар ўртасида кооперация чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш,иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бу ҳолатларни этиборга олиши шарт.

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда халқаро молия-валюта, кредит муносабатлари ривожланди.

Ташқи савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаб билан изоҳланади.

Биринчидан, бу табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланганлиги. Энг катта ҳудудга эга бўлган ёки ривожланган давлатлар ҳам барча ресурслар билан ўзини тўлиқ таъминлай олмайди. Улар ўзларида ортиқча бўлган ресурсларни экспорт қилишга ва мамлакатда тақчил бўлган ресурсларни импорт қилишга мажбурлар.

Халқаро савдо ривожланишининг зарурлигини белгиловчи иккинчи муҳим сабаб шундаки ҳамма мамлакатлар ҳам барча турдаги маҳсулотни бир хил самарадорлик билан ишлаб чиқара олмайди. Яъни бир товар Японияда арзон ишлаб чиқарилса, иккинчи товар Ўзбекистонда арзон ишлаб чиқарилиши мумкин. Шу сабабли ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида мамлакатлар ихтисослашадилар ва ўзаро савдо-сотикни йўлга қўядилар.

Бу икки объектив сабаб ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариши жараёнида халқаро савдонинг аҳамиятини аниқлайди. 90-йилларнинг бошларида халқаро савдо ҳажми АҚШда ялпи миллий маҳсулотнинг 16-18 фоизини, Германияда 30-39 фоизини ташкил этди. Шу даврда Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулотида ташқи савдонинг улуши 10-12 фоиз атрофида бўлди.

Ташқи савдо халқаро айирбошлашнинг анъанавий шакли сифатида қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

- маҳсулотларни айирбошлаш: ёқилғи-хом ашё маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;
- хизматларни айирбошлаш: муҳандислик-маслаҳат хизматлари;
- транспорт хизматлари, сайёҳлик ва бошқа хизматлар. Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди;
- янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва «ноу-хоу»лар. Улар ҳиссасига халқаро савдо айланмасининг 10 фоизига яқини тўғри келади.

Халқаро савдо маҳсулотлари, хизматлар ва фан-техника маълумотларини айирбошлашнинг барча кўринишлари ташқи савдо операциялари ёрдамида амалга оширилади. Улар ўз навбатида экспорт, импорт, реэкспорт ва реимпорт операцияларига бўлинади.

Экспорт операцияси - маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқариш.

Импорт операцияси - маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.

Реэкспорт операцияси - аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.

Реимпорт операцияси - аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

16.2. А.Смитнинг мутлақ устунлик назарияси.

Шу пайтга қадар юзага келган барча халқаро савдо назариялари халқаро савдони эркинлаштириш барча мамлакатлар учун фойда келтиради деган фикрни илгари суради. Эркин ташқи савдонинг зарурлиги ва фойдалилиги тўғрисида дастлабки назариялардан бири А.Смитнинг **мутлақ устунлик** назариясидир. Бу назарияга кўра ҳар бир мамлакат ундаги мавжуд шароитлар ва ресурслар ўзига хослигига таянган ҳолда маълум бир товарни энг кам харажатлар ҳисобига (ёки вақт бирлигида бу товарни энг кўп) ишлаб чиқариш имкониятига эга. Шундай экан мамлакат мутлақ устунликка эга бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва ушбу товарнинг ўз истеъмолидан ортиқча қисmini сотади ҳамда бошқа товарларни сотиб олади. Чунки бу товарлар уларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга бўлган давлатларда анча арзон ишлаб чиқарилган бўлади. Натижада ҳар икки давлат ҳам кам ресурс сарфлаб кўпроқ маҳсулотга эга бўлади.

Масалан, Ўзбекистон асосан пахта маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашганлиги учун бошқа маҳсулотларга нисбатан кўпроқ шунга эътиборни қаратиш лозим. Чунки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, об-ҳавоси ва қолаверса, бутун республика шароити пахта етиштиришга мослашган ва унга кам миқдорда меҳнат ва молиявий ресурсларни сарф қилиб, юқори ҳосил олиш технологиясига эга. Шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳам ўзи ихтисослашган соҳага кўпроқ эътиборни қаратишсагина дунё бўйича кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади ва халқаро савдода ҳам катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Демак, шу йўл билан дунё аҳолисининг талабларини максимум қондириш имкониятига эришилади.

Аммо қайсидир мамлакат ҳеч қайси маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда мутлақ устунликка эга бўлмаслиги мумкин. Бу эса шу мамлакат ҳамма товарларни четдан келтиради-ми деган саволни туғдиради. Агар шундай бўлса импортни бу мамлакат қайси маблағлар ҳисобига молиялаштиради. Бу саволга жавоб бериш борасида мутлақ устунлик назарияси боши берк кўчага кириб қолади.

16.3.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси.

Д. Рикардо А. Смитнинг «Мутлақ устунлик» назариясини янада мулоҳаза қилиш натижасида ушбу назария умумий қониданинг бир қисми эканлигини исботлаб берди. Д. Рикардо «Сиёсий иқтисоднинг бошланиши ва солиқлар» номли асарида классик назарияни боши берк кўчадан олиб чиқади. Унинг фикрича, мамлакатлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда ёки кўпроқ устунликка эга бўлган ёхуд камроқ заифликка эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай вазиятларда икки мамлакат ўртасидаги савдо кўпроқ имкониятлар олиб келади. Ҳар бир мамлакат ўзи ихтисослашган маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва шу орқали ютуқларга эришади. Унинг мулоҳазалари “Нисбий устунлик назарияси”да ўз ечимига эга бўлди.

Масалан, Португалияда ишлаб чиқарилган мовут ва Англияда ишлаб чиқарилган вино индивидуал харажатларга эга бўлсин. Шунини ҳисобга олган ҳолда Д. Рикардонинг “Нисбий устунлик” назариясини қўллашимиз:

9-жадвал.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат сарфи.

	Мовут(бир дона)	Вино(баррель)
Португалия	90	80
Англия	100	120

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики Португалия барча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга. Яъни бир дона мовут ишлаб чиқариш учун 90 меҳнат бирлиги, бир баррел вино ишлаб чиқариш учун эса 80 меҳнат бирлигини сарфлайди. Аммо, Д. Рикардо Португалияда мовут ишлаб чиқаришга нисбатан вино ишлаб чиқариш савдосини йўлга қўйиш кўпроқ фойда олиб келишини таъкидлайди. Чунки, бир дона мовутга нисбатан бир баррель вино ишлаб чиқариш арзонга тушмоқда. Бунда нисбий устунликдаги фарқ ҳар бир миллат учун халқаро савдода ютуққа олиб келади. Яъни, Португалия бир баррель винони (80 бирликда) 120 бирликда Англияга сотса ва ўз навбатида, Англиядан (100 бирликда) ушбу бирликда 1,2 дона мовут сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотга солиштирганимизда эса **8/9** донага эга бўлар эди. Бошқача айтганимизда, Португалиянинг вино ишлаб чиқариш ва мовутни сотиб олиш эвазига оладиган фойдаси қуйидагича бўлади.

$$120 / 100 - 8 / 9 = 1,2 - 0,8 = 0,4 \text{ дона мовут.}$$

Англия эса мовут ишлаб чиқаришда камроқ заифликка эга. Яъни мовут ишлаб чиқаришга қилинадиган меҳнат сарфлари ўртасидаги фарқ вино ишлаб чиқаришдагига нисбатан камроқ. Демак мовут ишлаб чиқаришга ихтисослашиш ҳисобига халқаро савдодан Англия ҳам ютади. Яъни, мовут ишлаб чиқариб, уни Португалияга сотиш ҳисобига **11/8** баррель вино (ўзидагига нисбатан **5/6** баррель) сотиб олиши мумкин. Ушбу вазиятда Англиянинг ютуғи:

$$9 / 8 - 5 / 6 = 7 / 24 = 0,29 \text{ баррель вино.}$$

Бу мисолда Португалия учун ҳар бир баррель винога **9/8** дона мовут сотиб олгандагина халқаро совда фойдали ҳисобланса, Англия учун эса ҳар бир баррель винога **5/6** дона мовут алмашганда савдо фойдали ҳисобланади.

Шундай қилиб, эркин савдо халқаро ихтисослашувни рағбатлантириб, қуйидаги имкониятларни яратади: ҳар бир мамлакат бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишгунча ўтган давргига нисбатан камроқ моддий ва меҳнат харажатлари сарфлайдиган бўлади. Аммо, бу борада барча назариялар ҳам савдода мамлакатларнинг пул бирликлари ишторокида амалга ошиши ҳисобга олинмаган.

Чунки, мамлакатлар ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун валюталарини алмаштиришади. Д. Рикардо ушбу вазиятни ҳам тушунтириб бера олган. У изохлаганидек юқорида келтирилган имконият валюталарни алмаштириш шароитида ҳам сақланиб қолади. Бу вазиятда экспорт-импорт тўловлари ўзаро балансга эга эмас.

Бундай вазият валюта курсларидаги ўзгаришлар ҳисобига ёки бирор бир мамлакатдаги барча баҳоларни ўзгартириш ҳисобига бартараф этилади. Юқоридаги мисол мавҳум хусусиятга эга. У аниқ вазиятларга асосланиши учун:

- меҳнат савдо қилаётган мамлакатлар ўртасида эмас, балки мамлакат ичида ҳаракатчан бўлишини;
- транспорт, □ божхона харажатлари, савдо устамалари ва бошқа чеклашлар ҳисобга олинмаслигини;
- маҳсулотларнинг □ янги намуналарни ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни қўллаш ҳамда уларни кўп миқдорда серияли ишлаб чиқаришда харажатлардаги ўзгаришлар эътиборга олинмаслигини таъминлаш имкониятлари яратилиши лозим.

Англия ва Португалия мисолида келтирилган вазиятларда халқаро савдо нархларининг кенг амал қилаётган шаклини қўллаш мумкин. Чунончи, бир баррель Португалия виносини Англияда таннархидан кам нархда (80) ва сотиб олинган баҳодан (120) юқори нархда сотмаслик керак. Шунингдек, англияликлар мовутидан Португалияда (90 дан 100 гача) шундай тартибда сотилиши керак.

Маҳсулотлар баҳоси ўртасидаги ўзаро нисбат аниқлаб олингандан кейин «савдо шароити» (terms of trade) тушунчаси савдо шароитини аниқлаб олиш учун эса “савдо шароити индекси” тушунчаси киритилган. Бу индекс қуйидаги формула орқали аниқланган:

$$\text{Савдо шароити индекси} = \frac{\text{Экспорт нархлар индекси}}{\text{Импорт нархлар индекси}} \cdot 100 = \frac{\text{Эи}}{\text{Ии}} \cdot 100$$

Индекснинг ўсиши (масалан, 100 дан 105 гача) савдо шароитларининг яхшиланаётганлигини кўрсатади. Яъни, ушбу миқдордаги импортга ҳисоб-китоб қилиш учун ундан кам миқдорда экспорт талаб этилади.

Амалиётда савдо шароити, биринчидан, товарлар баҳоси ўзгариши ҳисобига, унга бўлган талабнинг ошиши ёки камайишига боғлиқ. Айрим маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (масалан, нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар) нархларда бўлаётган ўзгаришларга қарамай, катта ютуқларга эришадилар.

Иккинчидан, савдо шароити ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчиларнинг бозорга мослашишига (эгиловчанлигига) боғлиқ бўлади.

Учинчидан, савдо шароити ишлаб чиқариш шароитлари ёки маҳсулотлар истеъмолидаги ўзгаришларга қараб ўзгаради.

Савдо шароити индекси мамлакатнинг халқаро савдодаги ҳолати тўғрисида маълумотлар берсада, кўпгина камчиликлардан холи эмас. Уларнинг энг асосийларидан бири мамлакатда умумий шароитни яхшиласада, сотилган маҳсулотлар миқдорини ҳисобга олмайди. Бошқача айтганда, савдо шароити яхшиланиши экспорт ҳажми қисқариши ва импорт ҳажми ошишига олиб келади. Бу эса тўлов балансини ёмонлаштиради.

А. Смит ва Д. Рикардо назариясида ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган энг асосий омил меҳнат ҳисобланган. Маҳсулотлар нархи эса ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ.

Кейинги тадқиқотлар ишлаб чиқаришда асосий омиллар сифатида ер, капитал каби омиллардан фойда олиш имкониятини ҳисобга олган. Агарда, меҳнатнинг бозор баҳоси иш ҳақи сифатида гавдаланса, капиталнинг баҳоси фоиз ставкалари кўринишида, ернинг баҳоси рента миқдорида аниқланган.

16.4. Хекшер – Олиннинг неоклассик концепцияси

Халқаро савдодаги замонавий қараш тарафдорлари сифатида швед иқтисодчи-олимлари Эли Хекшер ва Бертиль Олинларни (30-йиллар) кўрсатиш мумкин.

Э. Хекшер ва Б. Олинлар «Ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ ҳолда нархларни тенглашиши» қондасини олдинга сурган. Бунинг маъноси шундан иборатки, миллий ишлаб чиқаришдаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг меҳнат, ер, капитал ва шунингдек, у ёки бу маҳсулотга ички истеъмолдаги ўзгаришлар каби омилларга боғлиқ.

Уларнинг қоидаларидаги асосий вазиятлар қуйидагича келтирилган:

1. Мамлакатлар ўзларида ортиқча бўлган ишлаб чиқариш омилини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни экспорт қилишади ва аксинча, ўзларида тақчил бўлган ишлаб чиқариш омилларини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни импорт қиладилар.

2. Халқаро савдо йўлидаги чеклашлар бекор қилинса товарларнинг турли мамлакатлардаги «омил нархи» (таннархи) нинг тенглашиши каби ўзгаришлар кузатилади.

3. Маҳсулотлар экспорти ўрнини аста секин ишлаб чиқариш омиллари экспорти эгаллайди.

Агар мамлакатдаги бир ишлаб чиқариш омили миқдори билан бошқа омиллар миқдори ўртасидаги нисбат бошқа мамлакатдагига нисбатан юқори бўлса шу омил бу мамлакатда нисбатан ортиқча деб ҳисобланади.

Хекшер-Олин концепциясига асосан ташқи савдо қуйидаги кўринишларга эга: Фараз қилайлик, бир вақтда икки мамлакат, яъни, «саноатлашган» ва «аграр» мамлакат фаолият кўрсатмоқда.

Саноатлашган мамлакатда ортиқча капитал ва маълум миқдорда ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлади. Аграр мамлакатда эса ортиқча ер мавжуд, аммо капитал етишмайди.

Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда капитал асосий омил ҳисобланади. Масалан, нефтни қайта ишлаш, электрон машинасозлик ва машина ишлаб чиқариш соҳалари кам ишчи кучидан фойдаланган ҳолда капитал талабчан ишлаб чиқариш ҳисобланади. Капитал ортиқчалигига эга бўлган мамлакатлар айнан ушбу йўналишларга ихтисослашадилар. Шу билан бирга, дон етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланадиган мамлакатларда кўпроқ ер ресурслари керак бўлади ва улар шу йўналишга ихтисослашган бўладилар.

Хекшер-Олин концепциясини тадқиқ қилиш борасидаги изланишлар 50 йилларда «Леонтьев таажжуби» юзага келишига сабаб бўлди. В.Леонтьев АҚШ капитал ортиқча бўлган мамлакат бўлишига қарамасдан 1947 йилда капитал талабчан эмас, балки меҳнат талабчан маҳсулот экспорт қилганлигини кўрсатиб берди. Яъни Хекшер-Олин концепциясига зид келадиган вазият юзага келди. Кейинги тадқиқотлар эса АҚШ да капиталдан кўра ер ва илмий техник мутахассислар нисбий ортиқча эканлиги тасдиқланди. АҚШ ишлаб чиқарилишида айнан шу омиллар кўпроқ фойдаланиладиган товарларнинг соф экспортёри бўлиб чиқди.

16.5.Халқаро савдонинг замонавий назариялари

1948 йил америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В.Столперлар Хекшер-Олин концепциясини такомиллаштиришди. Уларнинг назарияси бўйича халқаро савдо – ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасидан нотекислик, технологияларининг бир-бирига мослиги, рақобатнинг ривожланиши ва маҳсулотларнинг ҳаракатчанлиги каби шароитларда мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари нархлари тенглашади.

Д. Рикардо моделида ишлаб чиқилган ва Э. Хекшер, Б. Олин, П.Самуэльсон ҳамда В.Столперлар томонидан тўлдирилган савдо концепциясига нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро фойдали савдони йўлга қўйиш, балки мамлакатлар ривожланиши ўртасидаги фарқларни камайтириш воситаси сифатида ҳам қаралади

Шунингдек М.Познер, Г.Хуфбауэр ва Р.Вернон тадқиқотлари ҳам нисбий устунлик назариясини яна бир бор тасдиқлади. Улар ишчи кучи нисбатан киммат турадиган мамлакатларда илғор технологияга асосланган меҳнатталаб маҳсулот ишлаб чиқариш барибир даромадли бўлади, деган хулосага келишди. Масалан, меҳнатталаб синтетик газламаларни дастлаб факат илмий-техникавий салоҳияти юқори бўлган мамлакатлардагина

ишлаб чиқариш мумкин эди. Сўнгра, бу технологияни ўзлаштирилиши ва кенг ёйилиши туфайли синтетик газламаларни ишлаб чиқариш ишчи кучи арзон бўлган ривожланаётган мамлакатларга ҳам кўча бошлади. Бунинг натижасида Ғарб илмий-техникавий омил туфайли ўзи эга бўлган нисбий устунликни қўллай бошлади.

М. Портерга ўз тадқиқотлари натижасида мамлакат тармоқлари ва фирмаларининг рақобат устунлигини белгиловчи омилларни икки гуруҳга бўлади:

1. Асосий омиллар:

- зарур сифатга эга ва етарлича миқдордаги ишлаб чиқариш омилларининг мавжуд бўлиши;
- мамлакат ичида мазкур тармоқ маҳсулотига бўлган талабнинг хусусиятлари, унинг сифат ва миқдор характеристикалари;
- мамлакатда ушбу тармоққа йўлдош ва уни таъминлаб турувчи, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган тармоқларнинг мавжудлиги;
- фирманинг стратегияси, шунингдек ички бозордаги рақобат характери

2. Қўшимча омиллар:

- тасодифий ҳодисалар;
- ташқи иқтисодий фаолият юритувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат фаолияти.

Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ичида қулай бизнес муҳитини яратиш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, божхона божларининг пасайтирилиши, субсидиялар ва имтиёзли кредитлар бериш, бошқа халқаро шартномалар тузиш орқали миллий корхоналарнинг чет мамлакатлардаги фаолияти учун қулай шароитлар яратиш каби тадбирлар уларнинг рақобат устунликларини оширишга хизмат қилади.

Қисқача хулосалар

Халқаро савдо икки муҳим объектив сабаб- табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида бир текис тақсимланмаганлиги ҳамда мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларининг бир хил ривожланмаганлигига кўра пайдо бўлган.

Халқаро савдога маҳсулотларни айирбошлаш, хизматларни айирбошлаш ва янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш киритилади. Бу айирбошлашларнинг барча кўриниши ташқи савдо операциялари - экспорт ва импорт операциялари ёрдамида амалга оширилади.

Халқаро савдо назариясининг классик кўринишлари А. Смитнинг «Мутлоқ устунлик» ва Д. Рикардонинг «Нисбий устунлик» назарияларидир.

Д. Рикардонинг нисбий устунлик назарияси мутлақ устунликка эга бўлмаган мамлакатлар ҳам ташқи савдодан фойда кўриши мумкинлигини асослаб беради.

Хекшер-Олиннинг неоклассик концепсияси «Нисбий устунлик» назариясини омиллар билан таъминланганлик нуқтаи назаридан изоҳлаб берди.

Эркин савдо йўлидаги тўсикларни бартараф қилиш ресурсларни самарали тақсимланишга йўл очиб, провардида барча мамлакатлар учун иқтисодий ютуқ олиб келиши савдо назарияларида исботлаб берилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро савдони ривожлантиришнинг объектив ва субъектив сабаблари нималардан иборат?

2. Халқаро савдонинг шакллари ва улар ҳажмини белгиловчи омилларни тушунтириб беринг.

2. А. Смитнинг «Мутлақ устунлик» назарияси камчилиги нимада кўринади?

3. «Нисбий устунлик» назариясининг моҳиятини тушунтириб беринг.

4. Савдо шароитлари тушунчанчасини изоҳлаб беринг. Савдо шароитининг яхшиланиши қандай оқибатларга олиб келади?
5. Хекшер-Олиннинг неоклассик концепсиясини изоҳлаб беринг.
6. “Леонтьев таажуби” қайси сабабли юзага келди ва қандай ечим топти?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 199-208 с.с.
4. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 225-244 с.с.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 363-379 с.с.
6. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 81-99 с.с.
7. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 309-320 с.с.
8. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 469-531 с.с.
9. Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 240-262 с.с.
10. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-Т.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 130-136 b.b
11. Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 157-165 б.б.

17. ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ

Режа

- 17.1. Ташқи савдо сиёсатининг моҳияти ва воситалари.
- 17.2. Импортга таърифлар. Импортга тарифлар киритилишининг иқтисодий оқибатлари.
- 17.3. *Ишлаб чиқарувчиларга субсидиялари ва импортни квоталар орқали тартибга солиш.*
- 17.4. Экспорт субсидиялари. Экспорт божлари ва экспортни ихтиёрий чеклаш.
- 17.5. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатининг хусусиятлари ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

17.1. Ташқи савдо сиёсатининг моҳияти ва воситалари.

Бирор мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандлиликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутати.

Давлат томонидан амалга ошириладиган бундай тадбирлар савдо сиёсати деб юритилади. **Савдо сиёсати – бюджет-солиқ сиёсатининг ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган нисбатан мустақил йўналишидир.**

Ташқи савдони чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чора-тадбирлар қисқа муддатли самара беради. Узоқ даврда эса, фақат эркин савдогина иқтисодий ресурсларни самарали жойлаштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам кўпгина мутахассис-иқтисодчилар мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси турмуш даражани яхшилаш учун эркин ташқи савдо сиёсати фойдалироқ, чунки, ташқи савдони чеклашга нисбатан уни эркинлаштириш иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга кўпроқ имконият яратади, деб ҳисоблашади.

Гарчанд, эркин савдо жаҳон иқтисодиёти нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин бўлсада, аммо алоҳида олинган мамлакат иқтисодиёти манфаати нуқтаи назаридан эркин савдо ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди.

Ташқи савдони чеклаш усулларининг 50 дан ошиқроқ тури мавжуд. Уларнинг айримлари давлат ғазнасини тўлдиришга йўналтирилган бўлса, баъзилари умуман импортни чеклашга ва яна бошқаси эса экспортни чеклашга ёки рағбатлантиришга йўналтирилган. Амалиётда ташқи савдони тартибга солишнинг таъриф ва нотаъриф усулларида фойдаланилади.

Таъриф усулларига импорт ва экспорт божларини жорий қилиш кирса, нотаъриф усулларига экспортерлар ва ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш, квоталаш, лицензиялаш кабилар қиради.

Божхона божлари аввало импорт божлари ва экспорт божларига ажралади.

Импорт божлари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Экспорт божлари мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида белгиланади.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек, божхона божлари ставкаси, яъни, уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифларини ишлаб чиқариш, табиий фарқлар (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси), қайта ишлаш даражасига (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр буюмлар) кўра, тақсимланган маҳсулотлар рўйхатини ўз ичига олган маҳсулот сархилловчилар (классификаторлари) асосида қурилган.

17.2. Импортга таърифлар ва уларнинг ишлаб чиқарувчиларга ҳамда истеъмолчиларга таъсири

Халқаро савдони тартибга солишда энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб тариф, яъни импортга солинадиган божхона бож ҳисобланади.

Импортга тарифларнинг махсус ва адвалар турлари ўзаро фарқланади. Махсус божлар импорт қилинаётган товарлар бирлигига нисбатан ўрнатилади. Масалан, 1 барел нефтга нисбатан 2 евро.


Адвалар божлар импорт қилинаётган товар қийматига нисбатан маълум фоиз тариқасида белгиланади. Масалан автомобил харид нархининг 40%.

Ҳар иккала турдаги импорт тарифларнинг оқибатлари деярли бир хил бўлиб, буни биз қуйидаги график воситасида кўриб чиқамиз.

Айтайлик, импорт тарифлари жорий қилингунга қадар ички ишлаб чиқариш ҳажми S1, ички талаб ҳажми эса D1 тенг бўлган. Талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ (D1-S1) импорт ҳисобига қопланган. Мамлакат иқтисодиёти ёпиқ бўлганида баҳолар даражаси Pe га тенг, талаб ва таклиф мувозанати эса E нуқтада ўрнатирилган бўлар эди. Мамлакат иқтисодиёти очик бўлгани ва импортга чекловлар йўқлиги туфайли миллий бозордаги нархлар

жаҳон бозори нархлари P_w билан бир хил. Импортга тариф жорий қилиниши натижасида ички баҳолар P_w дан P_d га қадар кўтарилади. Натижада:

Импорт қилинадиган товарнинг ички баҳоси = Жаҳон бозоридаги баҳоси + (Жаҳон бозоридаги баҳоси $\times$ Тариф ставкаси).



Тарифлар жорий қилингунга қадар бўлган импорт

30-чизма. Импорт тарифлари киритилиши натижалари

Оқибатда истеъмолчилар маълум бир йўқотишларга дуч келади. Бу йўқотишлар графикда a, b, c, d соҳалар билан кўрсатилган.

Баҳоларнинг кўтарилиши илгари рақобатбардош бўлмаган айрим ички ишлаб чиқарувчилар учун ҳам фойда кўриб ишлашга имкон беради. Умуман шу соҳада банд миллий ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш ҳажмини S_1 дан S_2 га қадар оширади ва $S_2 - S_1$ ҳажмдаги маҳсулот P_d баҳода сотилади. Шу ҳажмдаги маҳсулотни истеъмолчилар оширилган нархда сотиб оладилар ва a соҳага тенг йўқотишга дуч келади. Аммо, бу йўқотиш ички ишлаб чиқарувчиларнинг ўсган фойдасига айланади.

Баҳоларнинг ўсиши оқибатида истеъмолчилар кўрилатган товар истеъмоли ҳажмини D_1 дан D_2 қадар қисқартиради. Бу йўқотиш графикда d соҳа билан кўрсатилади ва у ҳеч кимнинг фойдаси билан қопланмайди.

$S_2 - D_2$ оралиқ тариф жорий қилингандан сўнги импорт ҳажми бўлиб, шу ҳажмда товарни истеъмолчилар илгаригидан юқори баҳода сотиб оладилар. Бунинг натижасида улар турмуш даражасидаги йўқотиш рўй беради. Бу йўқотиш графикда c соҳа билан белгиланган бўлиб, у давлат бюджетига бориб тушади. Яъни, бу соҳадаги истеъмолчиларнинг йўқотиши давлатнинг фойда кўриши билан қопланади.

Тариф киритилиши оқибатида истеъмолчилар талаби арзон импорт товаридан қimmat ички товарга йўналтирилади. Истеъмолчиларнинг ўсган тўловлари юқори чегаравий харажатга эга, рақобатбардош бўлмаган самарасиз ички ишлаб чиқаришни кенгайтишига олиб келади. Истеъмолчиларнинг бу йўқотиш b соҳаси билан белгиланган бўлиб тарифнинг «ишлаб чиқариш самараси» дейилади ва ҳеч кимнинг фойдаси билан қопланмайди.

Истеъмолчиларнинг йўқотишлари	Ишлаб чиқарувчилар фойдаси	Давлат даромади	Жамиятнинг соф йўқотиши			
$a + b + c + d$	--	a	--	c	=	$b + a$

Демак, истеъмолчиларнинг a соҳадаги йўқотишлари ишлаб чиқарувчилар фойдасининг ўсиши ҳисобига қопланади. Айни дамда истеъмолчилар шу тармоқ корхоналари акциядорлари бўлишса, улар йўқотишларининг бир қисми ўсган дивидентлар сифатида қайтади.

«с» соҳада давлат олган даромадини трансферт тўловларини ошириш, солиқларни пасайтириш, бюджет ташкилотларида ишловчилар иш ҳақини ошириши кўринишида истеъмолчиларга қайтариши мумкин.

Аммо «b» Қ «d» соҳаларда жамият соф йўқотишга дуч келади. Валюта курси ўзгариши бу йўқотишларни бир оз қоплаши мумкин. Масалан, 20% ли тариф киритилиши натижасида миллий валюта 4% га қимматлашса импорт қилинаётган товарларнинг миллий валютада ифодаланган ички баҳоси 20 % га эмас, 16 % га ошади. Бу эса тариф киритилиши оқибатида жамиятнинг соф йўқотиш «b» ва «d» соҳаларнинг 80 фоизини $((16 / 20) \times 100 \text{ қ } 80)$ ташкил этишини англатади.

Умуман олганда тарифларни киритилишига нисбатан бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлиб, бу тадбир мамлакат иқтисодиёти ҳолати, хусусияти ва қўйилган мақсадлар билан асосланади.

Божхона тарифларини киртишни ёқловчи мутахассислар фикрига кўра импорт тарифлари:

- мамлакат мудофаа саноатини ҳимоя қилиш имконини беради;
- мамлакатда бандлилик даражаси ўсишини таъминлайди ва ялпи талабни рағбатлантиради, импортнинг нисбатан чекланиши натижасида соф экспорт ўсади ва жорий операциялар бўйича тўлов баланси ҳолати яхшиланади;
- миллий иқтисодиётдаги янги тармоқларни ҳимоя қилиш учун зарур;
- давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади;
- миллий ишлаб чиқарувчиларни демпинг кўринишидаги чет эл рақобатидан ҳимоя қилади;
- иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги илғор силжишлар рағбатлантирилади ва ҳ.к.

Миллий иқтисодиётнинг тикланиши шароитида кўпгина давлатлар ўз ишлаб чиқарувчиларини чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини қўллайдилар. Акс ҳолда, маҳаллий корхоналар «синиши» жамиятда ишсизлик хавфини туғдиради.

Мамлакатларда таъриф механизми орқали ташқи савдо сиёсатини юритиш, биринчи навбатда ушбу мамлакатнинг асосий тармоқлари ва янги ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳимояланганлигига таъсир қилади. Ўзбекистонда автомобилсозлик янги ва истикболли соҳа (тармоқ) ҳисобланади ва табиийки, тарифли ҳимояга муҳтож. Тармоқни тарифли ҳимояланишининг ҳақиқий даражасини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Масалан, Ўзбекистонда янги машиналар учун импорт божи 40 фоизни ташкил қилсин. Ушбу машинани ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар асосан четдан келтирилсин ва унга импорт божи 25 фоиз миқдорида ўрнатилсин. Бир донa машинанинг нархи 10000 АҚШ долларига тенг бўлса, яъни битта автомобиль учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларининг нархи 7000 доллар, қўшилган қиймат эса 3000 долларни ташкил этсин.

Автомобиль импортига 40 фоиз тариф белгиланганлиги учун ҳар бир автомобиль нархи 4000 долларга ўсиб, тариф билан бирга 14000 долларни ташкил этади. Эҳтиёт қисмлар импортига 25 фоизли тариф киритилиши уларга қилинадиган харажатларни 1750 долларга ошириб 8750 долларга етказди. Оқибатда маҳсулот бирлигига эҳтиёт қисмлар харажати

1750 долларга ошди. Қўшилган қиймат эса 2250 долларга (4000 - 1750 қ 2250) ўсди. Шундай қилиб, тариф киритилгандан сўнг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган қўшилган қиймат 5250 долларни (3000 Қ 2250 қ 5250) ташкил этди.

Энди эса соҳа (тармоқ)нинг самарали ҳимояси формуласидан фойдаланамиз.

$$E_p = (YA - VA) / YA.$$

Бу ерда: E_p - соҳанинг тариф билан ҳақиқий ҳимояланганлик даражаси;

YA - божхона тарифи киритилгандан кейинги қўшилган қиймат;

VA - божхона тарифи киритилишидан олдинги қўшилган қиймат.

$$E_p = ((3000 + 2250) - 3000) / 3000 = 2250 / 3000 = 0,75 \text{ ёки } 75\%$$

Бу шуни билдирадики, тайёр автомобилларга 40% тариф ва эҳтиёт қисмларга 25% тарифни жорий қилиб, давлат миллий автомобилсозликни ҳақиқатда 75% тарифли ҳимояланганлигини таъминлайди.

Протекционизм сиёсатининг муҳим тамойили ҳам шундаки, давлат тайёр маҳсулотларга божни кўтариш ва ярим тайёр маҳсулотларга эса унинг миқдорини пасайтириш орқали тармоқнинг ҳақиқий ҳимояланганлигини янада оширади.

Агар мамлакатлар божхона иттифоқига бирлашсалар, унда божхона тарифи, барча иштирокчи мамлакатлар учун уларнинг савдо муносабатларида ягона бўлиб қолади. Божхона тарифлари миқдори алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида ва жаҳон ҳўжалигида юз бераётган жараёнлар таъсирида юзага келади. Жаҳонда импортга божхона божларининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда ва у икки томонлама ҳамда кўп томонлама музокаралар асосида мамлакатлар томонидан рағбатлантирилади ва назорат қилинади.

Божхона божларини жорий қилишни кўлловчи фикрларга аксинча бўлган мулоҳазалар ҳам мавжуд. Чунки санаб ўтилган натижаларга бошқа усуллар билан камроқ йўқотишлар ҳисобига ҳам эришса бўлади деган фикрлар ҳам қайсидир даражада асослидир.

Биринчидан, импорт тарифлари истеъмолчилар турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

Иккинчидан, импорт тарифлари киритилиши оқибатида улар воситасида ҳимоя қилинаётган тармоқларда ресурслар самарасиз сарфланади.


Учинчидан, тарифларни киритиш ва улар ставкасини белгилаш масаласида мамлакат имкониятлари халқаро битимлар билан чекланган.


17.3. Ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ва импортни квоталар орқали тартибга солиш

Миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий фирмалар рақобатидан ҳимоя қилишнинг муқобил усули уларга бевосита субсидия бериш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш субсидиясининг тарифлардан афзаллиги шундан иборатки, у бир томондан, миллий ишлаб чиқаришни S_0 дан S_1 гача ўсишини таъминласа (31 - чизма), иккинчи томондан, истеъмолнинг мутлақ камайишига олиб келмайди. Чунки, ички нархлар жаҳон нархларидан қимматлашмайди.

Субсидия шароитида ишлаб чиқарувчилар учун ички нархлар даражаси P_d , жаҳон нархлари P_w даражасига тенг. Шунинг учун, ҳақиқий истеъмол ҳажми D_0 га тенг. Тариф киритилган шароитда эса у D_1 гача камайган бўлур эди. Мамлакат фаровонлигидаги мутлақ йўқотиш эса «б» соҳасидангина иборат бўлади. Айни пайтда ишлаб чиқаришга берилган бевосита субсидиялар ишлаб чиқариш харажатларининг самарали тақсимланишини кафолатламайди, чунки





31-чизма. Ишлаб чиқарувчилар субсидия берилишининг иқтисодий оқибатлари

айнан қайси тармоқни халқаро рақобатдан ҳимоя қилишни билиш қийин бўлади. Субсидияларни жорий килгандан сўнг уларни бекор қилиш қийин бўлади, рақобат муҳити йўқолади ҳамда бу харажатларни молиялаштириш муаммоси кучайиб бораверади. Шунинг учун иқтисодиётни тартибга солиш, бандлик даражасини ошириш ва ялпи талабни қондириш мақсадида фискал ва пул-кредит сиёсатлари қўлланилади. Ушбу сиёсатларни қўллашдан асосий мақсад мамлакат ишлаб чиқаришини халқаро рақобатдан ҳимоя қилиш, ишсизлик даражасини энг паст ҳолатга келтириш ва халқ фаровонлигини оширишдан иборат.

Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усулларига қараганда бевосита усларидан кенгроқ фойдаланилади. Бевосита усуллар мазмунига кўра, иқтисодий, маъмурий, меъёрий - ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади.

Лицензиялаш — бу, ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишчи ва хизматчилар экспорти ҳамда молия операцияларини ўтказиш, хорижга ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар киради. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади. Уларни бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган.

Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солиш, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралаш ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишининг тўхташ ҳамда савдо балансининг тенглаштириш имконини беради.

Умуман, импорт маҳсулотларга бериладиган лицензиялар қуйидаги усуллар ёрдамида жойлаштирилади.

1. Очиқ аукцион — давлат лицензияларни юқори баҳоларни таклиф қилган ишлаб чиқарувчиларга бериши.
2. Афзал кўриш тизими — давлат биринчи навбатда лицензияларни ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатдан йирик бўлган фирма ва компанияларга ҳеч қандай шарт ва талабларсиз беради.
3. Харажат усули — давлат лицензияларни йирик ишлаб чиқариш қувватларига ва ресурсларга эга бўлган фирма ва компанияларга беради.

Маҳсулотлар, шунингдек, ишчи ва хизматчилар экспорти ва имортига лицензиялар бериш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бошқарув ташкилотлари эга: Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, Марказий банк.

Молия операцияларини ўтказишга лицензиялар асосан Республика Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан ўз ва хорижий банкларга, молия муассасаларига берилади. Улар молия-кредит муассасаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарисида чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш, хорижий молия-кредит муассасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Лицензиялаш билан бир қаторда жаҳон амалиётида маҳсулотларни, шунингдек, ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ва импортга миқдорий ёки қиймат чегараларини белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади. Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмоли молларини ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларинигина эмас, балки ишчи кучи оқимларини тартибга солишда ҳам қўлланилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

Ҳозирги вақтда квоталаш божларга нисбатан кўпроқ қўлланилишига иккита сабаб бор:

1. Тариф ставкалари халқаро савдо келишувларига асосан белгиланади. Айрим ҳоллардан ташқари вазиятларда, мамлакатлар тариф ставкасини ошира олмайдилар ва шунинг учун иқтисодий рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида квоталарга эътиборни қаратишга мажбур бўлади.

2. Ҳимояга муҳтож тармоқлар ҳам импортга квоталар жорий қилишни қўллайди. Чунки, тарифни жорий қилишга нисбатан имтиёзли лицензиялар олиш осонроқдир.

Импорт квоталари эркин рақобат шароитига кўпроқ мос келади. Тарифларга нисбатан квоталарни жорий қилишдан кўриладиган фаровонликдаги йўқотишлар икки ҳолатда катта бўлади. Биринчидан, квоталар маҳсулотлар импорт қилаётган миллий ишлаб чиқарувчилар ёки хорижий фирмалар монопол ҳуқумронлиги даражасини оширса. Иккинчидан, импортга лицензиялар самарасиз жойлаштирилса.

17.4. Экспорт субсидиялари. Экспорт божлари ва экспортни ихтиёрий чеклаш

Кўпчилик ҳолларда экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тадбири сифатида кўпгина мамлакатларда экспорт субсидиялари қўлланилади. Бунда тажриба - конструкторлик ишлари ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш ёки бу мақсадларга давлат бюджетидан имтиёзли кредитлар бериш кўзда тутилади.

Экспорт субсидиялари турли шаклларда қўлланилади. Буларга:

- экспортёр фирмаларга ёки хорижий шерикларга паст фоизли кредитлар бериш;
- реклама харажатларини давлат ҳисобидан қоплаш, бозор конъюктураси ҳақида текин ахборот етказиб бериш;
- фирмаларга ишлаб чиқариш ҳажмидаги экспорт улушига мувофиқ солиқ имтиёзларини бериш;
- бевосита субсидиялаш киради.

Экспорт субсидияларининг берилиши миллий ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширади. Аммо импортёр давлатлар томонидан киритиладиган компенсацион импорт божлари бу ютуқни йўққа чиқариши мумкин. Оқибатда экспортёр давлат бюджети йўқотишга учрайди, импортёр давлат бюджети эса қўшимча даромад кўради. Бу тадбир демпингга қарши кураш кўринишларидан биридир.

Демпингга қарши қаратилган божлар жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, ўзида қўшимча импорт божларини акс эттиради. Улар одатда, жаҳон нархларидан ёки импорт қилаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича, экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўрнатилади. Бу божларни белгилаш ҳақидаги қарорни халқаро суд маҳаллий

ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар мурожаатидан сўнг чиқаради ҳамда унинг миқдорини ва тўлаш тартибини белгилайди. Масалан, демпингга қарши божлар ўз валюта ресурсларини тўлдириш мақсадида жаҳон бозорига хом ашё ресурсларини экспорт қилишни кўпайтирган собиқ иттифокдош республикаларга нисбатан фаол қўлланилмоқда.

Экспортга тарифлар ёки экспорт божлари киритилишининг оқибати импорт божлари киритилиши оқибатининг айнан аксидир. Экспорт божлари киритилиши шароитида маҳсулотлар ички баҳоси уларнинг ташқи баҳосидан пасаяди. Бундай вазиятларда ички истеъмол ўсади, ишлаб чиқариш ва экспорт камаёди. Экспортга божларни жорий қилиш натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларда йўқотишга дуч бўладилар. Танқи бозордаги баҳоларга нисбатан ички баҳонинг камайишидан истеъмолчилар ютуққа эришса, давлат эса даромадга эга бўлади.

Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш экспорт квоталарининг бир тури бўлиб, хориж мамлакатларининг айрим мамлакатларга “ихтиёрий” экспорт миқдорларини чеклашдан иборат.

Бу ерда «ихтиёрий сўзи» шартли характерга эга. Чунки, экспорт қилаётган мамлакат савдо сиёсатида ўз ҳамкорлари томонидан бирорта нохушликка дуч келмаслиги учун экспорт миқдорини чеклайди.

Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш икки хил хусусиятга эга:

1. Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш миллий истеъмолчилар учун тариф ва квоталарни белгилашга нисбатан анча сезиларсиз. Шунинг учун истеъмолчилар уларни эътиборсиз қабул қиладилар ва ҳукуматга норозилик билдирмайдилар.

2. Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш шароитида хориж истеъмолчилари улар сотиб олаётган экспорт маҳсулотига юқорироқ нарх белгилашлари мумкин.

Шундай қилиб, хорижликлар ихтиёрий равишда экспортни чеклаш шароитида экспортёр кўрган йўқотишларни нархларни ошириш ҳисобига қоплашади.

Савдо сиёсатини амалга оширишнинг кўриб ўтилган усуллариининг ҳар бири ижобий жиҳатлари билан бирга салбий оқибатларга ҳам эга. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги даражаси кучайиб боргани сари ташқи савдо либераллаштириб борилади. Мамлакатнинг халқаро савдо ташкилотларига аъзо бўлиши бу жараёнининг қонуний натижаларидан биридир. Ташқи савдони эркинлаштирилиши иқтисодиётда бозор муносабатларини янада ривожлантиришга олиб келади.

17.5. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатининг хусусиятлари ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсати иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш, инфляция суръати ва ишсизлик даражасиларининг меъёр даражасида бўлишини таъминлаш, валюта захираларини кўпайтириш, миллий валюта алмашинув курсининг мўтадил девальвацияси ва тўлов балансининг барқарорлигини таъминлаш мақсадларига қаратилган.

Тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда (14.1.-диаграмма).

14.1.-диаграмма



2000-2009 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (14-1.-жадвал).

14-1.-жадвал.

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0
Қора ва рангли металллар	6,6	9,2	7,0	5,0
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5

2000-2009 йилларда республикаимиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди (14.2-жадвал).

14.2-жадвал

Ўзбекистон импортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Импорт жами (млн. АҚШ долл.)	2944,5	4091,3	9704,0	9438,3
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				

Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	13,6	11,6	11,1
Қора ва рангли металлар	8,6	10,3	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	35,4	43,3	52,4	56,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	7,0	8,3	9,0
Энергия ресурслари	3,8	2,5	4,6	5,3
Хизматлар	8,5	10,4	4,4	4,4
Бошқалар	17,8	12,9	11,0	9,2

Ташқи савдо айланмаси, хусусан экспортнинг географик таркибида МДҲ мамлакатларининг улуши 2009 йил якунларига кўра 33,9 фоизни ташкил этди (2.3.7-расм). 2009 йилда мамлақтимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.

Республикамиз экспорти ва импортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Қисқача хулосалар

Савдо сиёсати – бюджет солиқ сиёсатининг, ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган, нисбатан мустақил йўналишдир.

Ташқи савдони тартибга солишда энг кўп қўлланиладиган усул импортга тариф белгилаш бўлиб, бунинг натижасида ички баҳоларнинг ўсиши кузатилади. Импортга тарифларни жорий қилишдан истеъмолчилар кўрган зарар ишлаб чиқарувчилар ва давлат кўрган фойдадан катта бўлади. Импортга тарифларни жорий қилишдан кўриладиган фойда ва зарарлар нисбати мунозарали масаладир. Аммо импорт тарифлари ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, тўлов балансини тартибга солиш мақсадларида кенг қўлланилади.

Ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш усули ҳам қўлланилади.

Экспортга субсидиялар валюта тушумини кўпайтириш, ортиқча маҳсулотдан қутулиш, ташқи бозорни эгаллаш учун қўлланилади. Экспорт субсидияларини қўллаш демпингга олиб келмаслиги керак, чунки демпинг халқаро савдо қоидаларига кўра таъқиқланган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни лицензиялаш ва квоталар ўрнатиш халқаро савдони тартибга солишнинг бевосита усуллари дир. Халқаро савдо сиёсати воситалари ва тадбирлари мамлакат иқтисодиёти ҳолатидан келиб чиқиб ечилаётган вазифаларга мувофиқ танланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Савдо сиёсатининг моҳияти ва мақсадларини тушунтириб беринг.
2. Импортга тарифларнинг киритилишидан иқтисодий натижаларига изоҳ беринг.
3. Импортни ёқловчи ва унга қарши бўлган фикрларни таққослаб беринг. фикрларга изоҳ беринг.
4. Ишлаб чиқарувчиларга субсидияларнинг импортга тарифлардан афзаллиги ва камчиликлари нимада ?
5. Импорт квоталарини киритилишининг иқтисодий оқибатлари нималарда кўринади?
6. Лицензияларни тақсимлаш усуллари қиёсий тавсиф беринг.
- 7.Экспортни субсидиялаш усуллари моҳиятини тушунтириб беринг. тушунтириб беринг.
8. Экспортни ихтиёрий чеклаш қачон қўлланилади, ва унинг оқибатлари қандай?

9. Савдони чеклаш тадбирларининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирига изох беринг.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиғи янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиғини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа.–Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 66-67, 126-129 б.б.
4. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 9-21 б.б.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 209-223 с.с.
6. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 380-385 с.с.
7. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 382-387 с.с.
8. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 321-334 с.с.
9. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 469-531 с.с.
10. Кушлин В.И., Ивлева Г.Ю.,Клюкин П.Н., Макроэкономика:Государственное регулирование в условиях глобализации., М.: Изд-во РАГС,2007, 239-282 с.с
11. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 314- 329 с.с.
12. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-Т.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 138-148 б.б
13. Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 166-181 б.б.

18-Мавзу. Тўлов баланси

Режа

18.1. Тўлов баланси тушунчаси ва унинг тузилиши.

18.2. Жорий операциялар ҳисоби баланси.

18.3. Капитал ҳаракати ҳисоби баланси.

18.4.Тўлов балансининг таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликлар.

18.5. Тўлов балансини макроиктисодий тартибга солиш воситалари ва усуллари.

18.1. Тўлов баланси тушунчаси ва унинг тузилиши.

Тўлов баланси — маълум давр мобайнида мамлакат резидентлари ва ташқи дунё ўртасида бўладиган битимлар статистик қайд қилинган ҳужжатдир. У мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини аниқ-лўнда ифодалаб пул-кредит, валюта, бюджет-солиқ, халқаро савдо сиёсатининг ҳамда давлат қарзини бошқариш йўналишларини танлаш учун индикатор вазиғасини бажаради.

Мамлакатнинг маълум вақтдаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан, ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади. Ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюта айирбошлаш ва валюта операциялари орқали амалга оширилади. Демак, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолияти натижалари пировардида

хорижий валюта тушумлари ва харажатларида ифодаланади. Шунинг учун ҳам тўлов балансини бир томондан, четдан келадиган барча тушумлар, иккинчи томондан эса, четга чиқариладиган барча тўловлар кўрсатилган ҳужжатдир деб қараш мумкин. Тушум фақат экспорт ёрдамида таъминланиши мумкин. Аксинча, хорижий товарларни ва хизматларни сотиб олиш (импорт) учун тўловлар ва хорижий валюта харажатлари билан боғлиқ бўлади. Бунда товар деганда айирбошланадиган ҳар қандай нарса тушунилади, яъни, у моддий неъмат, хизмат, ишчи кучи, капитал.

10-жадвал

Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши (рақамлар шартли)

Моддалар номи	Кредит (+) ёки экспортдан тушумлар	Дебет (-) ёки импорт учун харажатлар	Соф кредит ёки соф дебит
Жорий операцииялар ҳисоби			
Товарлар	+185	-260	-75
Ташқи савдо балансининг қолдиғи			-75
Хизматлар	+85	-97	-12
Инвестициялардан даромадлар (фоизлар ва дивидентлар)	+28	-20	+8
Трансферт қурилишидаги пул ўтказмалари	+10	-18	-8
Жорий операциялар бўйича балансининг қолдиғи			-87
Капитал ҳаракатининг ҳисоби			
Инвестициялар ва бошқа ўрта ва узок муддатли капитал	+150	-87	+63
Капитал ҳаракати балансининг қолдиғи			+63
Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича балансининг қолдиғи			-24
Расмий захиралар (олтин, ХФВдаги захиралар)	+24		+24

ва валюта бўлиши мумкин

Тўлов балансида барча иқтисодий битимлар иккита катта гуруҳга бўлинади: жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар (10-жадвал). Шунга кўра тўлов баланси структураси ҳам икки қисмдан иборат:

1. Жорий операциялар ҳисоби;
2. Капитал ҳаракати ҳисоби.

Жорий операциялар ҳисобида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти «плюс», импорт эса «минус» ишоралари билан белгиланади. Яъни, жорий операциялар ҳисобида ички маҳсулотлар экспорти кредит, аксинча мамлакатга маҳсулотлар олиб келиш - импорт эса дебет сифатида кўрсатилади. Чунки, маҳсулотлар экспорти хорижий валюта ишлаб топиб, мамлакат валюта захирасини бойитса, импорт эса мамлакатдан валюта чиқиб кетишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида мамлакат валюта захирасини камайтиради.

18.2. Жорий операциялар ҳисоби баланси.

Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, уларнинг фарқи ташқи савдо балансининг қолдиғи деб юритилади. Мисолимизда бу баланс салбийдир, яъни, мамлакат товарларни четга олиб чиқишдан кўра кўпроқ олиб келади (-75).

Жорий операцияларнинг кейинги моддаси – бу, хизматлар (транспорт, суғурта, сайёҳлик хизматлари ва бошқалар) экспорти ва импортидир. Мисолимизда товарлар билан бўлган операциялардаги каби хизматлар билан бўлган операцияларда ҳам мамлакат хорижий хизматларни кўпроқ олади яъни, масалан, мамлакатда яшовчилар хорижга четдан мамлакатга келадиган сайёҳларга нисбатан кўпроқ борадилар, шунингдек, мамлакатдаги тадбиркорларга хорижий транспорт ва суғурта хизматларини кўрсатиш ҳажми хорижий тадбиркорларга мамлакатда транспорт ва суғурта компаниялари кўрсатадиган хизматлар ҳажмига қараганда юқорироқ ва ҳ.к. Бу операциялар бўйича ҳам баланс салбий қолдиққа эга (-12).

Инвестициялардан даромадлар, фоизлар ва дивидендлар бўйича тўловларни ўз ичига олади. Агар хорижга қўйилган миллий капитал учун чет тўловлари бўйича тушумлар мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий капитал учун тўланадиган тўловлар миқдоридан кўп бўлса, унда соф даромад мусбат бўлади (+8).

Трансферт кўринишида пул ўтказишлар шу мамлакатларнинг хорижда яшаётган фуқароларига тўланадиган нафақаларни, муҳожирларнинг хориждаги ўз қариндошларига пул ўтказмалари, турли кўринишдаги ҳукумат ёрдамларини ўз ичига олади. Жадвалдан кўриниб турибдики, хорижга жўнатилаётган пул ўтказишлар миқдори олинаётганига нисбатан юқори, яъни, операциялар мамлакатдаги хорижий валюта захираларини камайтиради (-8).

Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йиғиндиси жорий операциялар балансини ташкил этади. Бизнинг мисолда у салбий (-87). Бу эса мамлакатда импорт операциялари натижасида хорижий валютага бўлган талаб унинг экспорт операциялари таъминлайдиган таклифдан ортиқ бўлишини англатади. Бошқача айтганда, ушбу ҳолда мамлакат тўлов баланси жорий операциялар бўйича камомадга эга.

Макроиқтисодий моделларда жорий операциялар баланси қолдиғи қуйидагича берилади:

$X - M = X_n = Y - (C + I + G)$; бу ерда: X - экспорт; M - импорт; X_n - соф экспорт; $C + I + G$ - ЯИМнинг бир қисми (абсорбция)

Жорий операциялар балансида камомад бўлган шароитда, мамлакатнинг экспортдан олган даромадлари импортга қилган харажатларидан кам бўлади ва уни ташқаридан қарз олиш ҳисобига ёки мавжуд активларнинг бир қисmini хорижий инвесторларга сотиш орқали қоплаши мумкин. Бу операциялар соф хорижий активларнинг камайишига олиб келади.

Соф хорижий активлар (NFA) – бу, миллий резидентлар томонидан эгаллаб турилган хориж активлари ва хорижликлар эгалик қилган мамлакат активлари ўртасидаги фарқни билдиради.

Жорий операциялар балансида тақчиллик бўлмаган шароитда эса мамлакат хорижий валюталарни сарф қилишга нисбатан кўпроқ олиб келади.

Мисолимизга аксинча мамлакат жорий операциялар бўйича баланси ижобий қолдиққа эга бўлади. Бунда мамлакатда чет элда қўчмас мулкни сотиб олиш ёки бошқа мамлакатларга қарзга беришга йўналтирилиши мумкин бўлган ортиқча хорижий валюта юзага келади.

18.3. Капитал ҳаракати ҳисоби баланси.

Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг кейинги бўлимида, яъни, капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади.

Мамлакатда маълум бир вақтда моддий ва молиявий активларини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ операцияларига капитал ҳаракати ҳисоби дейилади. Капитал ҳаракати ҳисоби балансида корхоналар, ер, уй-жойлар, қимматбаҳо қоғозлар, акциялар, хазина мажбуриятлари ва бошқа активларни олиш-сотиш билан боғлиқ капиталлар оқими акс эттирилади. Бу активлар сотилса ёки экспорт қилинса, хорижий валюта мамлакатга киритилади, яъни валюта тушуми кўпаяди (+150). Бироқ капитални олиб келиш билан бир вақтда уни олиб чиқиш билан боғлиқ операциялар ҳам амалга оширилади. Бунда

мамлакатнинг тадбиркорлари хориждан акциялар сотиб олади, хорижликларга кредитлар беради ва шу асосда улар хорижий валюта захираларини сарфлайди. Бу операциялар дебет кўринишида акс эттирилади (-87). Капитал ҳаракати балансининг қолдиғи – бу, уни олиб келиш ва олиб чиқиш ўртасидаги фарқдир (+63).

Капитал харажатлари ҳисобида активлар бўйича барча халқаро операциялар кўрсатилади.

Капитал ҳаракати баланси = Активларни сотишдан тушадиган барча тушумлар – Хорижий активларни сотиб олишга килинган харажатлар.

Хорижга активларни сотиш валюта захирасини кўпайтирса, сотиб олиш эса уни камайтиради. Шунинг учун капитал ҳаракати баланси барча операциялардан келадиган соф валюта тушумларини кўрсатади. Капитал ҳаракати ҳисобининг ижобий қолдиғи мамлакатда капитал кўпайишини билдирса, унинг салбий қолдиғи мамлакатда капитал камайишини билдиради.

Аввал айтиб ўтилганидек, жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бизнинг мисолда биринчисининг тақчиллиги (-87) катта қисми (+63) капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади ва аксинча, агар тўлов баланси жорий операциялар бўйича мусбат қолдиққа эга бўлса, капитал ҳаракати ҳисоби баланс бўйича манфий қолдиққа йўл кўйилган бўлади.

Шундай қилиб, балансининг бу икки бўлими бир-бири билан тенглашиб боради.

Тўлов баланси қолдиғи = Жорий операциялар + Капитал ҳаракати баланси

Бироқ, амалда тўлов балансининг бу қисмида ҳам кўпинча камомад ёки ортиқчалик юзага келади. Барча мамлакатларнинг Марказий банклари расмий захиралар деб аталувчи хорижий валюта захираларига эга бўлиб, бу захиралар жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати бўйича баланс номуносивилигини бартараф этишда қўлланилади. Бизнинг мисолда бу номуносивилик ёки қолдиқ (-24)ни ташкил этади ва расмий захиралардан тушумлар ҳисобига тартибга солинади.

Расмий захираларнинг қисқариши (+) камомад миқдорини ифодалайди, расмий захираларнинг ўсиши (-) эса тўлов балансининг мусбат қолдиғи миқдорини кўрсатади. Натижада унинг барча уч бўлими суммаси «0»ни ташкил этиши лозим. Бу эса хорижий валюта таклифини ва унга мамлакатда бўлган талаб тенглигини билдиради.

18.4. Тўлов балансининг таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликлар

Жорий операциялар ҳисоби билан капитал ҳаракати ҳисобининг ўзаро алоқаларини умумлаштирсак, унинг макроиктисодий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = C + I + G + X_n;$$

$$Y - C - G = C + I + G + X_n - (C + G);$$

$$S_n = I + X_n$$

$$(I - S) + X_n = 0 \quad (\text{эгилувчан валюта курси режимида марказий банк аралашмаган шароитда}), \text{ бу ерда: } S_n - \text{миллий жамғариш};$$

(I-S) – миқдори ички инвестицияларнинг ички жамғармалардан ортиқчалигини кўрсатади ва капитал ҳаракати ҳисоби қолдиғини билдиради.

Асосий макроиктисодий айнаётга кўра жорий операциялар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бир-бирига тенглашади:

$$X - M = X_n - (I - S) = S - I \quad \text{ички баланс}$$

Бу шуни билдирадики, тўлов балансининг жорий операциялар бўйча камомад капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади.

$$\left\{ \begin{array}{l} X_n < 0 \Rightarrow X - M < 0 \Rightarrow X < M; \end{array} \right.$$

$I-S > 0 \Rightarrow I > S \Rightarrow$ хориждан капитал киритилиши.

Агарда инвестициялар (I) миллий жамғармалардан кўп бўлса ($I > S$), ортиқча инвестициялар хориждан олинган қарз ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бу қарзлар мамлакатга товар ва хизматларни экспорт қилишга нисбатан кўпроқ импорт қилинишини тامينлайди ($M > X$). Яъни, соф экспорт манфий қолдиққа ($X_n < 0$) эга бўлади. Мамлакат халқаро жараёнга қарздор бўлиб қатнашади.

Жорий операциялар мусбат қолдиққа эга бўлганда, ортиқча маблағлардан хорижга инвестиция қилишда ёки хориждан кўчмас мулк сотиб олишда фойдаланилади.

$X_n > 0 \Rightarrow X - M > 0 \Rightarrow X > M$;

$I - S < 0 \Rightarrow I < S \Rightarrow$ хорижга капитал чиқарилиши

Давлатлар расмий заҳиралар ва қарзлар ҳисобига қоплаш қобилиятига эга бўлмаган тўлов балансининг катта даврий тақчиллиги бўлган ҳолларда ўз валюталари девальвациясини амалга оширишлари мумкин. Бу импортнинг физик ҳажми кўпайишига ва оқибатда мамлакатда хорижий валюта тушумининг ўсиши ҳамда тўлов баланси камомади тугатилади.

Тўлов балансини тузиш тамойилларига кўра у доисмо баоанслашган бўлади. Манфий ёки мусбат қолдиқ тушунчаси фақатгина тўлов балансининг алоҳида қисмларига таълуқли. Шу билан бирга тўлов баланси қолдиғининг миллий иқтисодиётга таъсири амалиётда бир хил тавсифланмайди. Иқтисодий сиёсат мақсадларидан келиб чиқиб тўлов балансининг мусбат қолдиғи ҳам, манфий қолдиғи ҳам ижобий ёки салбий деб баҳоланиши мумкин.

Тўлов баланси ҳолатига баҳо беришда савдо баланси қолдиғи, жорий операциялар баланси қолдиғи, капитал ҳаракати ва молия баланси қолдиғи ҳамда расмий ҳисоб китоблар баланси қолдиғи алоҳида таҳлил этилади.

Савдо баланси қолдиғи ўзгаришига баҳо беришда бу ўзгаришлар қайси омиллар таъсирида рўй берганлиги эътиборга олинади. Масалан, манфий қолдиқ экспортнинг қисқариши ҳисобига рўй берган бўлса, бу ҳолат миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги пасайганлигидан далолат бериши ва негатив ҳодиса деб қаралиши мумкин. Лекин бу ҳолат мамлакатга тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кўпайиши ҳисобига импортнинг ўсиши натижасида рўй берган бўлса миллий иқтисодиётнинг заифлашидан далолат деб қаралмайди.

Жорий операциялар ҳисоби баланси, одатда, тўлов балансининг маълумот берувчи қолдиғи деб қаралади. Чунки бу қолди билан бирга ички иқтисодий сиёсатни чекловчи ташқи иқтисодий омил ҳисобланиши билан бирга мамлакатнинг молиялаштиришга эҳтиёжини белгилайди. Жорий операциялар ҳисоби балансининг мусбат қолдиғи мамлакат бошқа давлатларга нисбатан нетто кредитор эканлигидан далолат беради, ва аксинча манфий қолдиғи (яъни жорий операциялар ҳисоби балансининг тақчиллиги) мамлакат товарлар ва хизматларнинг нетто-импорти учун тўловларни амалга оширишга ва трансферт тўловларини молиялаштиришга мажбур бўлган соф қарздорга айланганлигини англатади. Амалда жорий тўлов балансининг мусбат қолдиғига эга мамлакат миллий жамғармаларнинг бир қисмини капитални ички жамғаришга йўналтириш ўрнига мамлакат ташқарисига инвестициялайди.

Капитал ҳаракати ва молия баланси қолдиғи жорий операциялар баланси ҳолатининг ойнадаги акси ҳисобланади, чунки реал ресурслар оқимини кўрсатади. Шунингдек жорий операциялар баланси ҳолати қисман «Соф хатолар ва четда қолдиришлар» моддасига тўғри келади.

Расмий ҳисоб китоблар баланси қолдиғи тўлов баланси умумий (якуний) қолдиғининг кенгроқ тарқалган номланиши бўлиб норезидентларнинг мамлакатга нисбатан ликвидли талабларнинг кўпайиши (камайтиши) ёки хорижий ликвидли активлардаги мамлакат расмий заҳираларнинг кўпайишидан (камайтишидан) далолат беради. Бу қолдиқ «Заҳира активлари» моддасидан бошқа барча моддаларни қамраб олади.

Қайд қилинган валюта курслари шароитида (1979 йилга қадар) расмий ҳисоб китоблар ҳолатига катта аҳамият берилар эди, чунки унинг тақчиллиги мамлакатнинг бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятларининг ортганлигини (ёки заҳираларининг камайтилишини)

англатгани ҳолда валюта курсининг барқарорлигига таҳдид солар эди. Сузиб юрувчи валюта курсининг киритилиши билан умумий тўлов баланси тушунчасини йўққа чиқарди, расмий заҳиралар динамикаси эса нафақат расмий ҳисоб китоблар қолдиғининг оқибати, балки тўлов балансининг бошқа бўлимларида ҳисобга олинган оқимларидаги ўзгаришларнинг сабабчиси ҳам бўлиб қолди.

18.5. Тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солиш воситалари ва усуллари.

Тўлов баланси мувозанатини таъминлаш учун жорий ҳисоблар ва капитал ҳаракати қолдиқлари бир-бирини айнан қоплаши зарур бўлади. Марказий Банк валюта интервенциясини амалга ошириш чорасини кўрмаса, ва расмий валюта заҳиралари миқдорини ўзгартирмаса тўлов баланси ҳисобларини валюта курсининг эркин тебраниши ҳисобига ўзаро тартибга солиш амалга оширилади.

Бундай шароитда капитал оқиб келиши сабабли миллий валютанинг қимматлашуви, капитал чиқиб кетиши сабабли эса унинг арзонлашуви рўй беради. Валюта курсининг эркин тебраниши тўлов балансининг жорий ва капитал ҳисобларини автоматик равишда мутаносиблаштириш механизми ҳисобланади.

Эркин тебранувчи валюта курси тарафдорлари таъкидлашича, тўлов балансининг ортиқчалиги ёки тақчиллиги бундай вазиятларда тез орада барҳам топади. Валюта курсларининг эркин ҳаракати тўлов балансининг ортиқчалиги ёки камомадини йўқотади..

Эркин тебранувчи валюта курслари тўлов балансини тенглаштиришда катта имкониятларга эга бўлсада, камчиликликлардан холи эмас. Чунончи, бундай валюта биринчидан, савдонинг ноаниқлиги ва қисқаришига, иккинчидан, савдо шароитининг ёмонлашишига, учинчидан, беқарорликка ва бошқаларга олиб келади.

Агар Марказий Банк расмий валюта заҳиралари воситасида чет эл валютасини сотиб ёки сотиб олиб валюта курсини эркин тебранишига барҳам берса валюта курсининг эркин тебраниши воситасида тўлов балансини тартибга солиш зарурати йўқолади.

Бунда тўлов баланси тақчиллиги Марказий Банк расмий заҳираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Бундай вазиятда ички бозорда чет эл валютаси таклифи ошади. Қайд этилган операция экспортга хос бўлиб кредитда плус белгиси билан (Марказий Банкда хорижий валюта заҳираси камайишига қарамасдан) ҳисобга олинади. Ушбу тадбир натижасида ички бозорда миллий валюта таклифи камаяди, унинг алмашинув курси нисбатан кўтарилади ва бу инвестициялар ҳажмига ҳамда иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади.

Тўлов балансининг актив-(мусбат) қолдиғи эса Марказий банкнинг расмий валюта заҳиралари миқдорининг ортишига олиб келади. Бунда Марказий банк валюта заҳираларини тўлдириш учун чет эл валютасини сотиб олиши натижасида ички бозорда миллий валюта таклифи нисбатан ошади, унинг алмашинув курси камаяди, бу ҳол эса иқтисодиётга (инвестициялар ҳажми ва иқтисодий ўсишга) рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Марказий банк томонидан ўтказиладиган бундай операциялар расмий резервлар билан бўладиган операциялар дейилади. Бу операциялар натижасида тўлов баланси қолдиғи нолга тенглашиши керак.

Тўлов балансининг актив қолдиғи ёки тақчиллиги мамлакат иқтисодиёти хусусиятларига қараб турлича баҳоланиши мумкин.

Валютаси халқаро ҳисоб-китобларда, ҳамда бошқа мамлакатлар заҳира валютаси сифатида фойдаланиладиган мамлакатлар учун тўлов баланси тақчил бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

Бундай мамлакатлар тўлов балансини узоқ муддат макроиқтисодий тартибга солмаслиги мумкин.

Миллий валютаси жаҳон иқтисодиётида заҳира валютаси ҳисобланмайдиган мамлакатлар Марказий Банкларидан расмий валюта заҳираси чекланганлиги туфайли тўлов балансининг узоқ муддатли тақчиллиги бу резервларнинг сарфлаб бўлинишига олиб келади. Бундай ҳолларда тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солинади. Мамлакат савдо

сиёсати ва валюта алмашинув курсини ўзгартириши чораларини қўллаб чет эллардаги ўз харажатларини камайтиради, ёки экспортдан ўз даромадларини оширади.

Бундай тартибга солиш натижасида баҳолар умумий даражасининг ошиши оқибатида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, миллий валютанинг қадрсизланиши, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида бандиликнинг пасайиши рўй бериши мумкин.

Валюта резервлари сарфлаб бўлганлиги, илгари олинган чет эл кредитларини қайтарилиш графиклари бузилганлиги туфайли бундай кредитларни яна олиш имкониятлари йўққа чиққанлиги сабабли мамлакат тўлов баланси тақчиллигининг узоқ вақт давом этиши тўлов баланси инқирози дейилади.

Тўлов баланси инқирозини ҳал этишнинг ягона йўли макроиқтисодий тартибга солиш ҳисобланади.

Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий валютага спекулятив талаб ошиши Марказий Банкни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки расмий валюта захиралари бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов баланси тақчиллигини ҳам ички спекулятив талабни қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Валюта алмашинув курсини тартибга солиш бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўлидир.

Қисқа истиқболда тўлов баланси қолдиғи жамғариш ва инвестициялар ҳажмларини белгиловчи омиллар (масалан бюджет солиқ сиёсати, фоиз ставкалари) таъсирида ўзгариши мумкин.

Агар мамлакатда рағбатлантирувчи фискал сиёсат юргизилса бу ҳол миллий жамғармаларнинг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида жорий операциялар ҳисоби бўйича тақчилликка, капитал ҳаракат ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Чекловчи фискаль сиёсат миллий жамғармалар ҳажмларини оширади, бу ўз навбатида капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Жаҳон фоиз ставкаларининг ошиши капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа эришишга олиб келади. Жаҳон фоиз ставкаларининг пасайиши эса акс натижаларга олиб келади.

Қисқача хулосалар

Тўлов баланси – мамлакатнинг дунёнинг бошқа давлатлари билан бўлган савдо ва молиявий операциялари акс эттирилган ҳужжат. У икки қисмдан, жорий операциялар ва капитал ҳаракати балансида ташкил топган.

Савдо баланси мамлакатнинг жорий ташқи савдо операциялари бўйича тушумлар ва харажатларни акс эттиради. Мамлакат экспорти унинг импортидан кўп бўлса жорий операциялар баланси мусбат қолдиқли бўлади.

Жорий операциялар балансидаги ўзгаришлар ички ишлаб чиқариш ва ўз навбатида ички бандилик билан боғлиқ.

Капитал ҳаракати баланси активларни сотиш ва сотиб олиш бўйича барча халқаро битимларни характерлайди. Активларни сотиб олиш хорижий валютанинг чиқиб кетишини, сотиш эса кириб келишини англатади.

Ҳар қандай халқаро битимлар тўлов балансида икки бир-бирини мувозанатловчи ёзув кўринишида қайд этилгани учун ҳамжорий операциялар баланси ва капитал ҳаракати баланси қолдиқлари 0га тенг бўлади.

Тўлов баланси тақчиллиги расмий захираларнинг қисқариши ҳисобига қопланса унинг актив сальдоси расмий захираларнинг ўсишига олиб келади.

Қайд этилмаган валюта курси шароитида тўлов баланси валюта курсининг ўзгариши ҳисобига мувозанатлашади.

Миллий валютаси жаҳон иқтисодиётида захира валютаси ҳисобланмайдиган мамлакатлар Марказий банкларидан расмий валюта захираси чекланганлиги туфайли тўлов балансининг узоқ муддатли тақчиллиги бу резервларнинг сарфлаб бўлинишига олиб келади. Бундай ҳолларда тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солинади.

Қайд этилган валюта курси тизимида тўлов балансини тартибга солиш учун ташқи савдо сиёсати, пул кредит ва фискал сиёсат воситаларидан фойдаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Мамлакат тўлов баланси неча қисмдан иборат ва уларда нималар қайд этилади?
2. Тўлов балансини тузишда икки бор ёзув принципи нимани англатади?
3. Жорий операциялар балансида акс эттириладиган операцияларни санаб беринг.
4. Капитал ҳаракати балансининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Тўлов баланси таркибий қислари ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.
6. Тўлов баланси тақчиллиги ва инқирози бир хил тушунчаларми?
7. Эркин тебранувчи валюта курси тизимида тўлов баланси қай йўсинда барқарорлашади?
8. Тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солиш деганда нимани тушунасиш? Бунда қандай воситалардан фойдаланилади?
9. Тўлов баланси таҳлили макроиқтисодий жараёнлар тўғрисида қандай маълумотлар олиш имконини беради?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.– Тошкент: Иқтисодиёт.- 2010, 66-67, 126-129 б.б.
4. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика.2-е изд.-СПб.:Питер, 2010, 224-229 с.с.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов , 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 385-407 с.с.
6. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ.-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 337-340 с.с.
7. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 335-342 с.с.
8. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 532-553 с.с.
9. Тарсевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика:Учебник.- 6-е изд. , испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 406-432 с.с.
10. Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 338- 372 с.с.
11. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).- Т.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 149-158 b.b
12. Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт, Т.:Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 182-211 б.б.

19-Мавзу. Валюта курси

Режа

19.1. Валюта ва жаҳон валюта тизими тушунчаси.

19.2. Валюта бозорини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.

19.3. Валюта курси ва уни белгиловчи омиллар.

19.4. *Харид қобилияти паритети.*

19.5. *Макроиқтисодий сиёсатнинг номинал ва реал валюта курсларига таъсири.*

19.1. Валюта ва жаҳон валюта тизими тушунчаси.

Халқаро валюта муносабатлари пулнинг халқаро тўлов жараёнига хизмат қилиши жараёнида вужудга келади. У ташқи савдо билан бирга пайдо бўлди ва ривожланишнинг узок йўлини босиб ўтди. Тарих давомида жаҳон пули ва халқаро ҳисоб-китоб шакллари ўзгарди. Бир вақтда валюта муносабатлари аҳамияти ўсди ва уларнинг нисбатан мустақил даражаси ошди. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракати мамлакатдан мамлакатга кўчадиган пул массасалари оқими ёрдамида амалга ошади. Бу ҳаракатни тартибга солиш зарурлиги халқаро валюта тизими ва жаҳон валюта тизимларининг шаклланишига олиб келди. **Валюта – кенг маънода мамлакат пул бирлигини (масалан, сўм, доллар, марка, фунт-стерлинг ва ҳоказо) англатади. Қисқа маънода валюта атамаси чет давлатларнинг пул белгиси маъносида қўлланилади. Ҳар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимига эга.**

Миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши натижасида таркиб топадиган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш шакли бўлган жаҳон валюта тизими амал қилади.

Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўпайгани сари пул воситаларини айирбошлаши ҳам тобора ошиб боради, ўзаро ҳисоб-китоблардаги номутаносиблик муаммолари юзага келади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизимининг барпо этилишига объектив шарт-шароитлар яратади. Унинг мақсади - мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширишни тартибга солишдан ва шунингдек, бу ишларни тезлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, **жаҳон валюта тизими - бу, халқаро айирбошлашнинг барча шаклларига хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йиғиндисидир.** Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Халқаро битимларда фойдаланиладиган тўлов ва кредит воситаларини (олтин, энг ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари, халқаро пул бирликлари);
2. Валюта курсларини ўрнатиш ва сақлаб туриш механизмини;
3. Валюта бозорининг ишлаш тартибини;
4. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиб ва қоидаларини;
5. Валюта ёрдамида тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини;
6. Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ва жаҳон валюта тизимининг барқарор фаолиятини таъминловчи халқаро ташкилотлар тизими (Халқаро валюта фонди, Умумжаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки).

Ҳозирги замонда халқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда асосан уч хил кўринишдаги пул воситалари ишлатилади:

- олтин, ҳозирда ўзининг асосий тўлов ва ҳисоб-китоб воситаси хусусиятини йўқотган бўлсада, аммо кўпчилик валюта захираларининг сезиларли қисмини ташкил этади ва муҳим ташқи савдо операцияларига хизмат қилиш ва кредитлашни кафолатлаш учун ишлатилади;

- жаҳонда асосий ўрин тутувчи ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари (АҚШ доллари, ЕВРО, Инглиз фунт-стерленги, Япония иенаси ва бошқалар);
- халқаро пул бирликлари.

Бундай пул бирликларига шу пайтга қадар фойдаланилган ЭКЮ, СДР мисол бўлади. Улар барча мамлакатлар томонидан ташқи савдо операцияларини амалга оширишда ишлатилади. Хорижда кредитлаш ва инвестициялашда, чет эллик ишчи кучи меҳнатига, шунингдек, мамлакат валюта захираларини яратишда қўлланилади.

Халқаро валюта ёки халқаро тўлов-ҳисоб ва кредитлаш воситаларига жавоб бериши керак бўлган талаб уларнинг конвертирлашуви ҳисобланади. **Валюта конвертирлашуви** деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қobiliяти тушинилади. Ҳозирги пайтда улар эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган ва конвертирланмайдиган валюталарга ажратилади.

Эркин конвертирланадиган валюта – бу, амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб АҚШ, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар, Япониялар валюталарини киритиш мумкин.

Қисман конвертирланадиган валюта – бу, фақат баъзи хорижий валюталарга алмаштирилладиган ва халқаро тўлов оборотини қисман қамраб оладиган миллий валютадир.

Конвертирланмайдиган валюта – бу, фақатгина ички тўловларга хизмат қиладиган ва хорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.

Конвертирлашни **ички ва ташқи** конвертирлашга ҳам ажратиш мумкин. Ички конвертирлаш резидентларининг мамлакат ичкарасида хорижий валютани сотиб олиши, уни сақлаб туриши ва у билан айрим операцияларни олиб боришини имкониятини акс эттиради. Ташқи конвертирлашда хорижда тўловларни амалга оширишга ва молиявий активларни ушлаб туришга рухсат этилади. Валюталарни конвертирлаш кўпгина мамлакатлар олиб бораётган иқтисодий сиёсатларнинг муҳим мақсади ҳисобланади.

19.2. Валюта бозорини давлат томонидан тартибга солиш усуллари

Бозордаги талаб ва таклиф таъсири натижасида вақти-вақти билан валюта курслари ўзгариб туради. Давлат валюта курсларини барқорорлаштириш учун валюта бозорининг амал қилишига бевосита ёки билвосита аралашishi зарур. Бунинг бир қатор усуллари мавжуд:

1. Захиралардан фойдаланиш. Валюта курсини мустаҳкамлашнинг кўпроқ қўлланиладиган усули - расмий захиралар билан бозорда манипуляция қилиш ҳисобланади. Ўз-ўзидан аниқки, валюта захиралари алоҳида мамлакатлар ихтиёридаги чет мамлакатлар валюталарининг захирасидир (Масалан, АҚШ доллари, ЕВРО ва ҳ.к.).

2. Савдо сиёсати. Валюта бозорига таъсир кўрсатишнинг бошқа тадбирларига савдо ва молиявий оқимлар устидан тўғридан-тўғри назорат қилишни киритиш мумкин. Масалан, АҚШ долларининг етишмаслиги шароитида валюта курсини тегишли даражада импортни чеклаш ҳисобига ушлаб туриш мумкин. Хусусан импорт ҳажми бож ёки импорт квоталарини киритиш билан қисқариши мумкин. Бошқа томондан мамлакат ҳукумати экспорт учун миллий ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериб, шу орқали хорижий валюта таклифини кўпайтириши мумкин. Бу тадбирлардан фойдаланишда вужудга келадиган асосий муаммо шундан иборатки, у жаҳон савдоси ҳажмини қисқартиради, унинг таркибини ва савдо алоқаларини ўзгартириб юборади, иқтисодий мақсадга мувофиқликнинг бузилишига ҳиссасини қўшади. Бунинг оқибатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

3. Валюта назорати. Бошқа муқобил вариант валюта назорати ҳисобланади. Валюта назорати шароитида ҳукумат миллий экспортёрлар олган барча тегишли чет эл

валюталарини давлатга сотиш талаби билан уларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал қилиши мумкин. Кейин, ҳукумат ўз навбатида чет эл валютасининг бу захирасини турли миллий импортёрлар ўртасида тақсимлайди. Шу йўл билан ҳукумат миллий импортни, миллий экспорт ҳисобидан олинган чет эл валютаси миқдорига чеклайди.

Валюта назорати тизими бир қатор камчиликларга эга. Биринчидан, савдо чеклашлари (бож, квота, экспортга субсидия) каби валюта назорати нисбий устунлик тамоилига асосланган халқаро савдонинг таркиб топган алоқаларини бузади. Иккинчидан, етарли бўлмаган валюта ресурслари устидан валюта назорати жараёни, сўзсиз, алоҳида импортёрларни камситилиши билан боғлиқ. Учинчидан, назорат тадбирлари истеъмолчининг танлаш эркинлигига тажовуз қилиш ҳисобланади.

4. Ички макроиқтисодий тартибга солиш. Валюта курси барқарорлигини ушлаб туришнинг охириги воситаси ички солиқ ёки пул сиёсатидан шундай фойдаланиш ҳисобланадики, бунда тегишли чет эл валютасининг етишмаслиги бартараф қилинади. Масалан, чекловчи солиқ ва пул кредит сиёсати тадбирлари мамлакат миллий даромадини бошқа бир давлат миллий даромадига нисбатан пасайтиради. Чунки, импорт миқёси миллий даромад даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу ўша бошқа давлат буюмларига ва демак, хорижий валютага талабнинг чекланишига олиб келади.


19.3. Валюта курси ва уни белгиловчи омиллар

Барча халқаро битимлар валюталарни айирбошлаш орқали олиб борилиши туфайли ҳар қандай айирбошлашда бўлгани каби валюта баҳосини ёки валюта курсини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, **валюта курси – бу, бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигига ифодаланган баҳосидир.** Валюта курсини ўрнатиш **котировкалаш** деб аталади. У тўғри ва тесқари котировкалашга ажратилади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, бунга тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан, 1 АҚШ доллари 975 сўмга, 1 Россия рубли 32 сўмга тенг ва ҳақозо. Тесқари котировкалашда миллий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган хорижий валютанинг миқдори ўрнатилади. Масалан, 1 ўзбек сўми 0,001025 АҚШ долларига тўғри келади. Дунёнинг кўп мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тўғри котировкалаш қабул қилинган. Валюта бозоридаги талаб ва таклифни солиштириш натижасида валютанинг баҳоси ёки курси аниқланади. Ўзбек сўмининг курси Ўзбекистон валюта биржасида ўрнатилади, унинг иштирокчилари валюта операцияларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган банклар ҳисобланади. Шу билан бирга, турли пул бирликлари учун валюта курсларини ўрнатиш жараёнида бозор кучларининг таъсир этиш даражаси бир хил эмас. Бу таъсир кучига боғлиқ ҳолда валюта курсларини қабул қилишнинг бир-биридан фарқ қилувчи икки варианты мавжуд.

1. Талаб ва таклифга асосан аниқланадиган эгилувчан ёки эркин сузиб юрувчи валюта курси тизими.

2. Давлат аралашуви асосида аниқланадиган қатъий белгиланган валюта курси тизими.

Эркин сузиб юрувчи валюта курслари талаб ва таклиф асосида аниқланади. Масалан, бир ўзбек сўмининг АҚШ долларига алмашишини қараб чиқамиз. Миллий валюта курсининг пасайиши натижасида долларга талаб камаёди ва таклиф эса ошади (32-чизма).



32-чизма. Хорижий валюта бозори

Долларга бўлган талабнинг камайиши D тўғри чизиғида берилган. Бу шуни кўрсатадики, агарда доллар ўзбекистонликлар учун арзон бўлса, америка товарлари ҳам улар учун арзон бўлади ва бу, ўз навбатида, уларнинг америка товарларига бўлган талабини оширади.

Долларнинг таклифи (S) камайса, сўмда белгиланган долларнинг киймати ошади (яъни, долларда белгиланган сўмнинг киймати пасаяди). Бундай вазиятларда америкаликлар кўпроқ ўзбек товарларини сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чунки, сўмнинг долларга нисбатан киймати пасайса, у ўз навбатида ўзбек товарларининг нархи ҳам пасайганини билдиради ва оқибатда кўпроқ ўзбек товарларини сотиб олиш имкони пайдо бўлади.

Ўзбек товарларини сотиб олиш жараёнида улар АҚШ долларини валюта бозорига олиб чиқади, чунки, ўзбек товарларини сотиб олиш учун долларни сўмга алмаштиришади. Долларга бўлган талаб ва таклифнинг кесишган нуктаси долларнинг сўмдаги кийматини билдиради.

Агарда, долларнинг сўмдаги киймати ошса, сўм кийматининг пасайганлигини ёки қадрсизланганлигини кўрсатади. Аксинча, агарда долларнинг сўмдаги киймати пасайса, сўм кийматининг ошганлигини ёки сўмнинг қимматлашганлигини кўрсатади. Бир бирлик хорижий валютани сотиб олиш учун кам миқдорда миллий валюта сарф қилиш миллий валютанинг қимматлашувини билдиради. Агарда, долларга нисбатан сўм қадрсизланса, доллар сўмга нисбатан қимматлашади.

Қайд этилган валюта курси – бу, хорижий валютада ифодаланган, давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши бевосита таъсир қилмайди.

Қайд қилинган валюта курси тизими тарафдорлари таъкидлайдиларки, ундан фойдаланиш халқаро савдо ва молия билан боғлиқ бўлган таҳлика ва ноаниқликни камайтиради. Қайд қилинган валюта курсларини қўллаш ўзаро фойдали савдо ва молиявий операциялар ҳажмини кенгайтиришга олиб келади. Аммо, қайд қилинган валюта курслари тизимининг ҳаётга лаёқатлилиги ўзаро алоқалар жараёндаги икки шароитга боғлиқ:

- заҳираларнинг мавжудлиги;
- ўз ҳажми бўйича сезиларсиз камёблик ёки тўлов баланси активларининг тасодифий вужудга келиши. Катта ва доимий камёбликлар мамлакат заҳираларини йўққа чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, валюта курсларининг талаб ва таклиф таъсири остида шаклланиш даражаси, ўз-ўзича курслар ўртасидаги нисбатларга таъсир этувчи реал жараёнларни аниқлаб бера олмайди. Чет эл валюталарига талаб ва таклифга, демак, валюта курсларига мамлакатдаги ҳам ички ва ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар мажмуи бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Валюта курсларининг ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни қисқача қараб чиқамиз:

1. Истеъмолчилар дидининг бошқа мамлакат буюмларига нисбатан ўзгариши.
2. Турли мамлакатларда даромадлардаги нисбий ўзгаришлар..
3. Баҳодаги нисбий ўзгаришлар.
4. Нисбий реал фоиз ставкалари. Фараз қиламиз, АҚШ инфляцияни қувиб ўтиш мақсадида « қиммат пул» сиёсатини амалга ошира бошлайди. Натижада, реал фоиз

ставкалари (инфляция суръатини ҳисобга олиб ўзгартирилган (корректировка қилинган) фоиз ставкалари) АҚШда бошқа мамлакатлар, масалан, Буюк Британияга қараганда кўтарилади. Британиялик жисмоний шахс ва фирмалар ишонч ҳосил қиладики, АҚШ молиявий воситаларни қўйиш учун жуда жозибадор ва қулай жойга айланади. Америка молиявий активларига талабнинг бу кўпайиши Англия фунти таклифининг кенгайганлиги ва шу сабабли доллар қиймати ўсганлигини билдиради.

5. Спекуляция.

Доллар курси пасайиши, фунт курси эса, аксинча кўтарилиши тўғрисидаги прогнозлар натижасида долларни ушлаб турувчилар уларни фунтга айлантиришга ҳаракат қилади ва шу билан фунтга бўлган талабни оширади. Бу алмашиш, доллар курсининг пасайишини ва фунт курсининг ошишини келтириб чиқаради.

Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий валютага спекулятив талаб ошиши Марказий Банкларни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки расмий валюта заҳиралари бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов баланси тақчиллигини ҳам ички спекулятив талабни қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Валюта алмашинув курсини тартибга солиш бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўлидир.

Номинал ва реал валюта курслари ўзаро фарқланади. Номинал валюта курси валюталарнинг алмашинув курси дейилади. Юқорида биз айнан номинал валюта курси ҳақида фикр юритдик.

Реал валюта курси икки мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий баҳосидир.

Реал валюта курси бир мамлакат товарлари бошқа мамлакат товарларига алмашиши мумкин бўлган нисбатни кўрсатади, шу туфайли у **савдо шароити** ҳам деб юритилади.

Номинал ва реал валюта курслари ўртасидаги нисбат қуйидаги кўринишга эга.

Pd

$$Er = En \frac{Pt}{\quad}$$

Бу ерда : E_r – реал валюта курси; E_n - номинал валюта курси ;

P_d – миллий валютада кўрсатилган ички баҳолар даражаси (индекси);

P_t – хорижий валютада кўрсатилган чет элдаги баҳолар даражаси (индекси).

Ҳар иккала мамлакатдаги баҳолар даражаси (индекси) бир хил базис йилга нисбатан берилган. Реал валюта курсининг кўтарилиши (пасайиши) бу мамлакат товарлари рақобатбардошлигининг пасайганлиги (ошганлиги) тўғрисида гувоҳлик беради.

Пул нафақат муомала ёки тўлов воситаси, балки жамғариш воситаси ҳам ҳисобланади. Инфляция шароитида жамғариш воситаси сифатида миллий валютадан эмас, балки хорижий валютадан фойдаланилади.

Валюта бозори, депозитлар (қўйилмалар) ва қимматбаҳо қоғозлар бозори билан бевосита алоқага эга. Бунда асосан фоиз меъёрлари асосий аҳамиятга эга. Агарда, фоиз меъёрлари баҳолар ўсишини қопласа, миқдорлар эса молия институтларига ишонч ҳосил қилинса, жамғарма бозори валюта бозорига асосий рақобатчи бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатларнинг статистик кузатишларидан шу маълум бўлганки, депозитлар ва қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги операциялар ўсиши билан, валюта бозорларига истеъмолчилар томонидан бўладиган таъсир ўз-ўзидан камаяди.

Сармоячилар қандай қилиб бўлса ҳам ўзларининг вақтинча бўш турган ресурсларидан унумли фойдаланиш ва шунингдек, нафақат ўз ресурсларидан, балки хориж активларидан ҳам фойдаланиш йўллариини излашади. Чунки, жаҳон молия бозорининг асосий қисмини капитал активлар ташкил этади.

Агарда, депозит ставкалари ошса, пул оқими валюта курсининг ошишига олиб келади. Хорижий сармоядорлар учун, яъни, ушбу мамлакат депозитига ўз сармояларини қўйишни хоҳловчилар учун уларнинг валюталари фоиз ставкаларидан келадиган фойдадан кўра қимматлироқ бўлади.

19.4. Харид қобилияти паритети

Бу саволда номинал курсларга харид қобилияти паритети қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Харид қобилияти паритети концепцияси нархларнинг тенглашуви назариясига асосланади. Яъни, бир хил товар турли жойларда ҳар хил нархларда сотилиши узоқ давом этмайди. Агарда, АҚШ долларига мамлакат ичида чет мамлакатларга нисбатан кўпроқ маҳсулот сотиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда мамлакат ичкарасида сотиб олинган маҳсулотни четга сотиш орқали фойда олиш мумкин. Оқибатда фойда олиш мақсадида хорижга товар олиб чиқиш кўпаяди ва баҳолар тенглашишига сабаб бўлади.

Харид қобилияти паритети концепциясига кўра валюта курси доимо турли мамлакатларда баҳолар даражасининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиган фарқни қоплаш учун зарур бўлган даражада ўзгаради. Яъни:

P_d

$r = \frac{P_t}{P_d} - 1$

P_t

Бу ерда: r — хорижий валютанинг миллий валютадаги баҳоси;

P_d — ички баҳолар даражаси; P_t — чет элдаги баҳолар даражаси.

Валюта курсларининг ошиши мамлакатлар экспорт имкониятларини ёмонлаштиради. Валюта курсларининг беқарорлиги ташқи иқтисодий алоқаларга салбий таъсир кўрсатади. Унинг тебраниши халқаро битимларда ноаниқлик ва таҳлика даражасини кўпайтиради. Шу сабабли валюта курси ҳам мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда тартибга солишнинг муҳим объекти ҳисобланади. Давлат бевосита тартибга солиш воситаси сифатида валюта интервенцияси ва дисконт сиёсатидан фойдаланиш мумкин.


Дисконт сиёсатида банк ҳисоб ставкасини ошириб ёки тушириб чет эл капиталлари кириши ёки чиқиб кетишига таъсир кўрсатиши мумкин. Тартибга солишнинг кўпроқ универсал усули валюта интервенцияси ҳисобланади. Бунда Марказий банклар таклифи етарли бўлмаган, курси эса юқори бўлган чет эл валюталарини сотади, уларни таклиф ортиқча ва курси паст бўлганда сотиб олади. Бу билан талаб ва таклифни тенглаштириб, миллий валюта курси тебраниш чегарасини чеклайди.

Валюта интервенциясини қўллаш захира валюта фондининг миқдори билан чекланади, шу сабабли валюталарни сотиш, албатта, уларни сотиб олиш билан алмаштириб турилиши лозим.

19.5. Макроиқтисодий сиёсатнинг номинал ва реал валюта курсларига таъсири

Реал валюта курслари жамғарма ва сармоялар ўртасидаги фарқни кўрсатувчи вертикал тўғри чизик ва соф экспорт миқдорини кўрсатувчи, ўнгдан пастга эгилган эгри чизик кесишган нуқтада тенгликка эришади (33-чизма). Ушбу нуқтада хорижга кредит бериш сифатида кўрсатилган миллий валюта таклифи, хорижликларнинг ушбу мамлакатдан соф экспортни сотиб олиши учун зарур бўладиган миллий валюта талаби билан кесишади. Бу шуни билдирадики, реал валюта курси капитал билан бўладиган операциялар бўйича миллий валюта таклифини жорий операциялар учун унга бўлган талабни тенглаштиради.

Давлат харажатларининг ошиши (ёки солиқларнинг камайиши) миллий жамғармаларни камайтиради ва (S-I) эгри чизик чапга сурилади (34-чизма). Бу силжишлар хорижий инвестициялар учун миллий валюта таклифининг камайишини кўрсатади.



Реал валюта
курслари

Реал алмаштириш курсининг
мувозанат нуктаси


$$X_n(E)$$

Соф экспорт

X_n

33- чизма. Реал алмашинув курсидаги мувозанат


Валюта таклифининг қисқариши унинг реал алмаштириш курсини оширади. Натижада, миллий маҳсулотлар хорижликларникига нисбатан қимматлашади. Бу эса, ўз навбатида, экспортнинг қисқаришига ва импортнинг ошишига олиб келади. Оқибатда жорий операциялар ҳисобида тақчиллик пайдо бўлади. Агарда, солиқларнинг камайиши инвестицияларнинг ошишига олиб келса, миллий жамғармалар ҳажми ўзгармаса ҳам (S-I) эгри чизиғи яна чапга силжийди.



34-чизма. Валюта таклифидаги ўзгаришларнинг реал алмаштириш курсига таъсири

Инвестицион солиқ кредитлари ушбу мамлакатга инвестициялар киритишни хорижий сармоядорлар учун фойдали бўлишига олиб келади. Бу эса мувозанатли реал валюта курсини оширади ва тўлов балансида тақчилликни келтириб чиқаради.

Чет мамлакатлардаги рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати бу мамлакатлардаги жамғармалар даражасини камайишига олиб келади. Бу эса халқаро фоиз ставкасини оширади ва кичик очик иқтисодиётдаги инвестициялар даражасини камайтиради.



			E1	A	X _n (E)2
		X _n (E)			
				X _n (E)1	
X _n 2	X _n 1	X _n		X _n 1=X _n 2	X _n
35-чизма. Бюджет - солиқ сиёсати-нинг реал алмаштириш курсларига таъсири			36-чизма. Импортдаги ўзгаришларнинг экспортга таъсири		

Бундай вазиятларда хорижга сармоя қўйиш учун таклиф қилинаётган миллий валюта кўпаяди ва (S-I) эгри чизиги ўнгга сурилади (35-чизма). Натижада мувозанатли реал алмаштириш курси пасаяди, миллий маҳсулотлар арзонлашади ва соф экспорт кўпаяди.

Импортга тариф ёки квоталар жорий қилиш сиёсати соф экспортнинг ошишига олиб келади ва бу ҳол графикда X_n (E)1 эгри чизигини X_n (E)2 ҳолатига силжиши сифатида намоён бўлади (36-чизма).

Натижада мувозанатли реал валюта курси ошади, миллий маҳсулотлар қимматлашади ва соф экспорт камаяди.

Шундай қилиб, мамлакат ички бозорини чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида олиб бориладиган протекционистик савдо сиёсати жорий операциялар ҳисоби ва капитал ҳаракати ҳисобига таъсир қилмайди. Аммо, у мувозанатли реал валюта курсини оширади ва ташқи савдо миқдорини камайтиради. Соф экспорт ўзгармаган бўлса ҳам В нуктадаги экспорт ва импорт ҳажми А нуктадаги экспорт ва импорт ҳажмидан кам бўлади. Импортга чеклашларни жорий қилиш ички нархлар даражаси (P_d)нинг ошишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам узоқ даврда номинал валюта курси (E_n) нархлар ошишига тенг тарзда камаяди. Натижада, ўсган мувозанатли реал валюта курси E2 нуктада барқарорлашади, яъни соф экспорт камайиши ортидан E1 нуктага қадар пасаймайди. Баҳолар даражасининг кўтарилишига жавобан номинал валюта курсининг пасайиши сотиб олиш қобилияти паритетини тиклайди.

Қисқача хулосалар

Жаҳон валюта тизими - халқаро айирбошлашнинг барча шакллариغا хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йиғиндисидир.

Валюта конвертирлашуви деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади. Эркин конвертирланадиган валюта – бу, амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб АҚШ, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар, Япониялар валюталарини киритиш мумкин.

Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун валюта бозорига таъсир қилишнинг расмий захираларни тартибга солиш, савдо сиёсати, валюта назорати ва ички макроиқтисодий тартига солиш каби усулларидадан фойдаланади..

Валюта курси мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланган баҳосидир.

Эркин тебранувчи валюта курси талаб ва таклиф асосида аниқланади.

Қайд этилган валюта курси – хорижий валютада ифодаланган, давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди.

Харид қобилияти паритети концепциясига кўра валюта курси доимо турли мамлакатларда баҳолар даражасининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиган фаркни қоплаш учун зарур бўлган даражада ўзгаради

Валюта таклифининг қисқариши унинг реал алмаштириш курсини оширади.

Импортга тариф ёки квоталар жорий қилиш сиёсати соф экспортнинг ошишига олиб келади. Натижада мувозанатли реал валюта курси ошади, миллий маҳсулотлар қимматлашади ва соф экспорт камаяди.

Мамлакат ички бозорини чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида олиб бориладиган протекционистик у мувозанатли реал валюта курсини оширади ва ташқи савдо микдорини камайтиради. Валюта курсларининг ўзгаришига, шунингдек бир қатор ташқи ва ички омиллар ва улар ўртасидаги нисбат таъсир кўрсатади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Валюта тизимининг моҳиятини ва унинг таркибий қисмларини айтиб беринг
2. Валюта бозори давлат томонидан қайси усуллар билан тартибга солиб турилади?
3. Ички ва ташқи конвертирлаш тушунчаларига изоҳ беринг.
4. Валюта курси нима ва уни қандай омиллар белгилайди?
5. Фоиз ставкаси ва валюта курси ўртасида қандай боғлиқлик бор?
6. Номинал ва реал валюта курсларига изоҳ беринг.
7. Харид қобилияти паритети атамасининг моҳияти нимадан иборат?
8. Реал валюта курси макроиқтисодий сиёсат таъсирида қай тарзда ўзгартирилади ва унинг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?
9. Протекционизм сиёсатининг валюта курсига таъсирини қандай баҳолайсиз?
10. Валюта курси ўзгаришининг ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмига таъсири механизмини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. -56 б.
3. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд.-СПб.: Питер, 2010, 230-235 с.с.
4. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 252-269 с.с.
5. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов, 3-е изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2009, 408-425 с.с.
6. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./Пер.с англ.–СПб.:Питер, 2009, 349-364 с.с.
7. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ.-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 341-363 с.с.
8. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 343-346 с.с.
9. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 595-644 с.с.
10. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008, 554-588 с.с.
11. Тарсевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 6-е изд., испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 406-432с.с.

12. Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 338- 372 с.с.
13. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).- T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 149-158 b.b
- 14.Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.:Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004, 182-211 б.б.